

Б. ТЎХЛИЕВ, М. ШАМСИЕВА, Т. ЗИЯДОВА

**ЎЗБЕК ТИЛИ
ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ**
(ўқув қўлланма)

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

Ўзбек тили ўқитиш методикаси курси учун бакалаврият йўналиши бўйича яратилган мазкур ўқув қўлланмада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Она тили таълими Концепцияси», «Она тилидан давлат таълим стандартлари» талабларига мувофиқ талаба ва ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлигини ошириш, она тили машгулотларини янги педагогик технология асосида ташкил этиш, дарс самарадорлигини ҳозирги замон талаблари даражасига олиб чиқиш, тилнинг сатхлараро ҳамда фанлараро алоқадорлик хусусиятларига таянган ҳолда нутқий салоҳиятни шакллантиришнинг интерфаол усулларини таълим жараёнида қўллаш, матн яратишнинг босқичли тизими устида ишлаш ҳақида методик тавсиялар берилди. Унда замонавий йўналишлар бўйича яратилган ўқув-методик қўлланмалар, она тили дастур ва дарсликлари, мақола ва маъруза матнларига таянилди.

Ўқув қўлланма педагогика университетлари ва институтларининг филология факультети талабалари учун мўлжалланган.

«Ўзбек тили ўқитиш методикаси» ўқув қўлланмаси Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир

Т. Ниязметова, ф.ф.н.доцент

Тақризчилар

Н.Маҳсамов, ф.ф.н.Ўз.ФА тил ва адабиёт

институти илмий ходими

И. Азимов, ф.ф.н.доцент

ISBN 5-633-01877-X

© Б.Тўхлиев, М.Шамсиева, Т.Зиядова. «Ўзбек тили ўқитиш методикаси».
«Янги аср авлоди», 2006 йил

КИРИШ

Мустақиллик шарофати билан ўзбек диёрида ҳам янгиланиш, ривожланиш даври бошланиб, ижтимоий ҳаёт умумжаҳон андозаларига мос тараққиёт йўналишларига жадал суръатлар билан кириб бормоқда. Халқ хўжалигининг барча соҳалари, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берила бошланди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Давлат таълим стандартлари»нинг чоп этилиши ушбу жараёнлардаги энг муҳим босқич сифатида характерланади.

Ўзбек тили ўқитиш методикаси фани ҳозирги кунгача бой тажриба тўплади. У педагогика фанлари тизимидаги мустақил фан сифатида шаклланди, ривожланди, ҳозир ҳам ривожланишида давом этмоқда. Унинг мазмуни она тили таълимининг изчил тизimini ишлаб чиқиши, она тили дарсларини ташкил этишга оид методик тавсияларни танлаш ва амалиётга жорий этишигина эмас, балки методика соҳасининг замонавий педагогик технологиялар, тил ўрганишининг интерфаол методларини ўзида акс эттирган илмий асосларини ишлаб чиқишидир.

Ўзбек тили ўқитиш методикаси биринчи навбатда фалсафа ва умумий тилишунослик билан, тилишуносликнинг назарий асослари билан чамбарчас боғлиқдир. Яхши биламизки, тил ва нутқ ажралмас яхлитликни ташкил этади. Шунга қарамай улар айна бир хил ҳодиса ҳам эмас. Улар нутқий фаолиятнинг асосини ташкил этади. Инсоннинг нутқий фаолияти зиммасига ортилган вазифалар ниҳоятда кўп. Шулардан бири коммуникативлик вазифасидир. Бу унинг кишилар орасидаги алоқа, муносабат, муомалани таъминлаши билан боғлиқ. Бунда ахборотларни бошқаларга етказиш, ўзаро фикр алмашиши амалга ошади. Унинг воситалари эса турли кўринишларга эга. Хусусан, оғзаки, ёзма, шунингдек, тилишуносликда паралингвистик деб ном олган воситалар бўлиши

мумкин. Охирги туркумга ҳар хил имо-ишоралар, мимикалар киради. Бунда бевосита нутқнинг ўзи иштирок этиши ҳам, иштирок этмаслиги ҳам мумкин.

Озгаки нутқ, одатда, бевосита нутқ жсараёнини ташиқил этади. Ёзма нутқда эса муайян масофанинг бўлиши назарга олинади. Шунга кўра уларнинг изчиллиги, тўлиқ ёки нотугаллиги ҳам ҳар хил бўлиши табиий.

Нутқнинг яна бир вазифаси унинг тафаккур қуроли эканлигидадир. Сўз билан «ўлукни тириштириши ва аксинча, тирикни ўлдирши мумкин» (Навоий). Сўзнинг инсон тафаккурига, руҳиятига, кайфиятига кучли таъсири очик ҳақиқатдир. Бусиз бадиий адабиётнинг бўлиши мумкин эмас эди.

Ўзбек тили ўқитиши методикаси фани таълимнинг турли босқичларида тилнинг назарий ва амалий томонларини ўрганишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тили ўқитишига тегишли грамматик атамалар тизимининг аллаичон шаклланганлиги ва уларнинг таълим амалиётида фаол истеъмолда қилиниши таъкидлаш жоиз. Шунга қарамай, бу соҳада ҳали анчагина нотугалликлар, ҳар хилликлар, ҳатто ички зиддиятлар мавжудлигини эътироф этишига тўғри келади.

Ўзбек тили ўқитиши методикаси фанининг бошқа бир қатор назарий ҳамда амалий предметлар билан алоқадорлигидан келиб чиқадиган атама ва тушунчалар ҳам мавжуд. Бунда айниқса, дидактика, тарбия назарияси, педагогик психология фанларидан ўтган атама ва тушунчалар, бевосита фанининг предмети ва унга ёндош соҳалардан, тилишунослик ва адабиётшуносликдан ўтган атама ва тушунчалар ҳам асосий мавқега эга. Ниҳоят, буларнинг энг катта қисмини бевосита тил ўқитиши назарияси ва амалиётига оид соф методик тушунча ва атамалар ташиқил этишини эслаш мумкин. Мазкур қўлланмада ўрни-ўрни билан мана шундай атама ва тушунчаларнинг таърифлари, тавсиф ва изоҳлари ҳам бериб кетилды.

Тилни тизимли ўрганишига асосланган она тили ўқитиши методикаси талабаларни мустақил ва ижодий фикрлашига ўргатиши, уларнинг лугат бойлигини ошириши, ўзгалар нутқини тинглай ва англай олиши, фикрни аниқ, ихчам ифодалаш, сўз танлаш ва уни ўринли қўллаш, озгаки ва ёзма нутқ малакаларини шакллантириши, фикр ифодалашда шакл ва мазмун уйғунлигига, мантқиқий мукамалликка эришиши, «талаба — таълим — ўқитувчи» муносабатларини тўғри ташиқил этиши — таълим самарадорлигини оширишининг муҳим омили эканлигини назарий ва амалий жиҳатдан асослаб беришига хизмат қилади.

Ўзбек тили ўқитиши методикаси фани эгалланган билимларни педагогик амалиётга жорий қилиши, илгор педагогик технологиядан унумли фой-

даланишига йўналтирилган. У ижодий тафаккур соҳибини шакллантиришнинг лингводидактик (лисоний-таълимий) асосларини ўрганеди.

Ижодий тафаккур соҳибини, яъни, ўсаётган, ривожланаётган ва тарққиёт сари юз тутаётган мамлакатимиз учун зарур бўлган, ижодкор ва мустақил фикрлай оладиган шахсни тарбиялаб вояга етказиш она тили таълими олдига турган энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланади.

Янги замонавий технологияларга асосланиб тузилган, таълимнинг жаҳон андозаларига мос келадиган дастур ва дарсликлар яратиш – давр талаби. Айнан шу нуқтаи назардан олганда, ҳозирги ўзбек адабий тили қурилишининг илмий талқинлари ҳам, лугавий — грамматик муносабатлар тизими ҳам янгиланди ва ривожлантирилди. Шу сабаб, педагогика институтлари ҳамда университетларини битириб чиқаётган ёшлар махсус тайёргарликсиз, она тили машғулотларини талаб даражасида ўтказишга қийналадилар. Мазкур китобда она тили ўқитишнинг янгиланган мазмуни, технологиясини — **онгли — вербал когнитив таълим** тизимига таянган ҳолда изоҳлаб беришга, бу ҳақда қисқача тушунча беришга ҳаракат қилинди.

Ўзлуксиз конкуренцияга (рақобатчиликка) таянган бозор иқтисодиёти тезкор, тадбиркор, шароитга кўра иш тута биладиган, мақсадга эришиш воситаларини жадаллик билан янгилай оладиган фаол шахсларга муҳтож бўлади. Шунинг учун Фарб давлатларида тарбия тизимида **бихевиористик ёндошувдан когнитив ёндошувга қараб силжиш** сезиларли бўлди. Инсон фаолиятини баҳолашда **когнитивизм** (инг.cognitive—таълимий, ўрганилган, ўзлаштирилган) асримизнинг 60-йилларигача педагогика ва психологияда ҳукмрон бўлган **бихевиористик ёндошувдан қуйидагича фарқланади:**

а) **бихевиористик ёндошувда инсон хатти-ҳаракатлари ташқи муҳит таъсири билан белгиланадиган, кўп ҳолларда онгсиз реакциялар мажмуаси сифатида тушунилади;**

б) **когнитив ёндошувда бу хатти-ҳаракатларда онглилик — таълим асосида ҳосил қилинган малака ва кўникмалар устунлиги тан олинади.**

Кўрииб турибдики, **бихевиористик ёндошувда инсон ва тарбия сушт, когнитив ёндошувда эса улар фаолдир. Маълумки, бозор иқтисодиётида яшаш шарти инсоний фаолликдир. Шунинг учун АҚШ ва гарбда асримизнинг 60-йилларидаёқ когнитивизм зудлик билан педагогика, дидактика тизимларига кириб кела бошлади. Бу оқим ўша даврда анча оммалашган таълимнинг вербал (яъни коммуникатив мулоқотда таълим олувчининг фаоллиги ва ўзлигини намён қилишга интилиши) усуллари билан бирлашиб, онгли вербал — когнитив таълим йўналишини шакллантиради. Машҳур**

педагог – методист Д.Озбел бу йўналишга асос солиб, таълим жараёнида етакчи усул — **кашфиёт** (инг. discovery) эканлигини алоҳида таъкидлади. **Кашфиёт таълим** усулининг моҳияти шундаки, таълим олувчи ҳар бир топшириқни бажариш жараёнида янги-янги материалларни кашф этиши ёки нимадир яратиши билан шугулланади. Шунинг учун таълим жараёнида **онглилик** етакчилик қилади.

Шўро педагогикаси ижодкор шахсни эмас, балки билимдон **ижрочини** тарбиялашга қаратилганлиги сабабли, онгли вербал — когнитив таълим усули тарбия тизимида оммалаштирилмади. Истиқлол шарофати билан бундай тўсиқлар барҳам топди ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунда ...**ижодкор шахсни тарбиялаш таълим тизимининг бош вазифаси...** — деб белгиланди. Жумладан, муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чақириқ IX сессиясида сўзлаган нутқида шундай таъкидлаган эдилар: «Ўқитувчининг бош вазифаси — ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Шунинг учун бозор иқтисодиёти шароитида ўзини оқлаган ва юқорида санаб ўтилган психолингвистик омиллар бизнинг таълим тизимимизга ҳам шаҳдам кириб келмоқда».

Таълим жараёнида тафаккур маҳсулини воқелантиришнинг бундай педагогик — психологик омиллари, усул ва воситалари жуда кўп ва ранг-барангдир. Улардан асосийлари сифатида, қуйидагиларни санаб ўтишимиз мумкин.

— Талаба, ҳар бир машғулотда дарслик талаби асосида унга берилган, етказилган билимларни такрорлаш эмас, балки унинг йўлланмаси билан янги билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиши, ўзи учун бирор янгиликни кашф этиши лозим. Бу когнитивликнинг бош омилидир.

— Талаба **пассив тингловчи** (кўчирувчи, такрорловчи, бажарувчи) эмас, балки **изловчи, қиёсловчи, кашфиётчи бўлиши керак**. Шунинг учун унинг оғзидан (қалами остидан) чиққан ҳар бир сўз, фикр, ҳукм, баён унинг ўзиники (айтилган, берилган, эшитилганнинг такрори эмас!) бўлмоғи шарт. Албатта, талабадан тугилган бу фикр оламушулул кашфиёт ёки бирор чигал муаммонинг ечими эмас, лекин ўқитувчи (дарслик) берган ахборотнинг соддагина такрори ҳам эмас. Бундай таълим усули (вербаллик) талабада мустақиллик, масъулият, ўз менлигини англаш, ижод, бунёд қилиш руҳини тарбиялашга хизмат қилади. Бунда талаба билан **тингловчилар** (жумладан, ўқитувчи) орасидаги алоқа-муносабат (фикр алмаштириш) жуда кўп ҳолларда жонли оғзаки мунозара, қолаверса, баҳс тусини олади.

— Ўқитувчи (дарслик)нинг таълим олувчига берадиган йўлланмаси шундай тузилмоғи лозимки, талабаларнинг изланиш ва ижод мазмуни моҳиятан бир йўналишда, лекин улар шаклан ва мазмунан ранг-баранг бўлмоғи керак. Шундагина ҳар бир таълим олувчи ўзлигини, илмий иқтидорини мумкин қадар эркинроқ ифода этиш имкониятига эга бўлади. Дарсда мусобақа, беллашув руҳи ҳукмронлик қилади.

— Талаба, дарс жараёни (уй вазифасини бажариш ва уни таҳлил этиш)да ўқитувчи йўлланмаси (дарслик топшириғи) асосида изланар, фикр қилар, муаммони топар, бирор ҳукмга келар экан, ўз фикрини асослаш, исботлаш ва ҳимоя қилишга интилоғи зарур. Машгулотнинг ташкил этилиши ва ўқув материали бунга кенг йўл очиб бермоғи, ўрганувчининг ёш психологияси ва ақлий физиологик қобилиятига мос бўлмоғи зарур. Таълимнинг о н г л и л и к омили мана шуларда намоён бўлади.

Эндилликда амалиётга жорий этилган Давлат таълим стандартлари асосида бошқа фанлар қаторида «Она тили» ўқув дастури ва шу дастур асосида янги она тили дарслиklarининг тузилиши, кўриниши, шакли, ўқув топшириқлари ва материалларини юқорида санаб ўтилган омиллар нуқтаи назаридан психолог ва дидакт сифатида кўздан кечирши, янги авлод дарслиklarида, асосан, онгли вербал — когнитив таълим тамойили устивор бўлиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Бундай омиллар асосида маълум бир ўқув предметини тўлалигича тизимли йўлга қўйиш тил ўқитиш методикаси учун янгиликдир. Зероки, олдинги даврларда бундай таълим усулининг элементлари муаммоли таълим сифатида айрим мавзуларни ўрганиш жараёнидагина қўлланиларди. Ҳозирги замонавий дарслиklar эса кўпроқ шундай таълим усулига таянади. Ўз-ўзидан тушунарлики, бундай ёндашув тил ўқитиш методикаси олдида қатор янги вазифаларни кўяди.

Маълумки, сўз ва тасаввурлар асосида манتيқий фикрлаш қобилияти болаларнинг 11-12, 15-16 ёшларида кўпроқ ривожланади. Бу давр V-IX синфларга тўғри келади. Ўқув материали ва топшириқларнинг берилишида босқичли кетма-кетлик ҳамда ҳар бир мавзуну ўрганиш жараёнида талабанинг кўп турдага ақлий фаолиятини ривожлантириши, амалиётнинг мавзудан-мавзуга, синфдан-синфга мураккаблаша бориш йўллари ҳам, ўрганиш жараёнининг фаол кузатишидан бошланиб, амалий қўллаш билан яқунланиши ҳам онгли вербал когнитив — психодидактик асосларга тўла мосдир. Бундай таълим усулини амалиётда изчил қўллаш, бу йўналишдаги илк тажрибалар бўйича айрим мулоҳазаларни баён этиш мумкин:

1. Дарслиklarда берилган маърифий материаллардаги услубий нуқсонлар, таҳририй камчиликларни, топшириқлар, матнлар, машқлар шарттидаги гализ-ликларни зудлик билан бартараф этиш;

II. «Она тили» машгулотларида онгли вербал — когнитив таълим — (ОВКТ) усулини қўллашни ўрганиши ва ривожлантириши. Бунинг учун биринчи галдаги вазибаларимиз сифатида қуйидагиларни санаб ўтишимиз лозим.

1. ОВКТ усули (бугунги кунда она тили таълимининг янги педагогик технологияси)ни ўқитувчилар орасида оммалаштириши энг муҳим вазибаларимиздан бири саналиши лозим. Ўқитувчиларимиз замонавий компьютер ўқув дастурларини, интерактив фаолиятни, кашфиётга асосланган таълим усулидан амалий фойдаланишни ўрганиб олмас эканлар, таълим натижаларида катта самарадорликка эриша олмайдилар.

2. Янги авлод дарсликлари ва ОВКТ усули билан ўтказиладиган машгулотларнинг самарадорлигини ошириши учун талаба (ўқувчилар) қўшимча ахборот (изланиши, топиши ва сараланиши) манбалари билан таъминланган бўлишлари шарт: ҳозирча бу манбалар дарсликнинг ўзи, талабанинг хотирасидаги, кундалик турмуш, бошиқа ўқув фанларидан, атрофдагилардан сўраб-суриштириб олинандиган маълумотлардан иборат. Бу, албатта, етарли эмас. Ўқитувчилар она тили бойликларини талабаларга еткази оладиган қомусий маълумотнома (ахборотномалар), турли хилдаги (изоҳли, уядош сўзлар, маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, тарихий сўзлар, янги сўзлар, тасвирий ифодадалар, иборалар, тургун бирикмалар, сўзларда маъновий даражалананиши, олинма сўзлар, терс лугатлар, ўзакдош сўзлар лугати, оҳангдош сўзлар лугати, қўшимчадош сўзлар лугати, шаклдош сўзлар лугати в.ҳ) лугатлар билан таъминланган бўлишлари (улар китоб шаклида ҳамда дискет шаклида берилиши мумкин) шарт. Шунда дарсликларнинг ҳозирги ҳажми ҳамда моддий харажатлар кескин қисқариб, улар асосан, ҳар бир мавзунинг ўрганиши (ҳар бир мавзу доирасида мақсадли ва ижодий фикрлаши, ҳамда матн яратиши топишириқлари) алгоритмидан иборат бўлар эди. Албатта, бу жуда катта иш. Узлуксиз таълимда онгли вербал — когнитив таълим усулига қадам қўйиши, и ж о д к о р ш а х с тарбиясини бош мақсад қилиб қўйиши демак.

III. Бошлангич синфлар дастури ва дарсликларини қайта кўриб чиқиши, уларни ҳам онгли вербал — когнитив таълим тизими асосида қайта қуриши лозимдек кўринади. Чунки, дастурда кўрсатилган бошлангич таълимдан олинандиган таянч билимлардан кўра бошлангич таълимда бериландиган грамматик билимлар миқдори анча кўндир. Умуман олганда, схоластик-грамматик билимлар миқдори бошлангич таълимда ҳам, V-IX синфларда ҳам мумкин қадар чекланиши лозим. Машқ ва топишириқ шартлари ҳамда айрим кўрсатмалар, ихчам рамзий белгилар билан алмаштирилса, (чунончи: «Билиб олинг!» ўрнига ! (ундов белгиси), муаммо ва саволлар ўрнига ? (сўроқ белгиси), «Матн яратишининг бошқичли тизими устида ишлаши»

ўрнига «ММ» ёки МЯБТ-4 каби), талабаларда мустақил ва ижодий фикрлаш жараёни тезлашган бўлар эди.

— Бундан ташқари, дарсликлар, электрон ўқув адабиётларида берилган матнлар, тестлар, мустақил ишларни ижодийлаштириши ҳамда такомиллаштириши устида ўйлаш ва изланиш лозим. Бунинг учун дарсликларимизда ўз аксини топган шарқона тестлар, топқирлар беллашуви, қўвноклар ва зукколар мусобақаси учун зарур бўлган савол ва топшириқлар миқдорини ошириши мақсадга мувофиқдир.

— «Ўзбек тили» машгулотларида ўқув материаллари муайян изчилликда мақсадли йўналтирилиши, мавзуй — муаммоли тизимда, яъни маълум бир мавзу (лугавий—грамматик майдон) доирасида тилимизнинг барча имкониятларидан, ифода ва тасвирий воситаларидан бир йўла, ўзаро боғланишида ўрганишга ўтиш (чунончи, фонетика, лексикология, морфология, синтаксис) бўлимини ўрганишида МЯБТ-4 (матн яратишининг босқичли тизимидан фойдаланиш) замон талабидир.

Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўқитиши методикаси ижодкор, комил-у фозил шахсни тарбиялаш соҳасида ҳамкорлик педагогикасига ҳамда онгли вербал — когнитив таълим тизимига таянадиган йўлни танлади.

Она тили ўқитиши методикаси фани ёш авлодга она тилидан нималарни? қанча? қандай? ўргатиши керак деган саволларга жавоб беради. Тўғри танланган мазмун эса мақсадга эришишга ёрдамлашади. Тил ўқитиши методикасини ўрганиш — турли таълим босқичларига мос, қулай методларни излаш, танлаш, амалиётда қўллай билишидир. У илгор тажрибаларни умумлаштириш, ўқитишининг замонавий технологиясини ишлаб чиқиши ва ундан самарали фойдаланишга асосланади.

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШ МАЗМУНИ

Таълим мазмуни масаласи педагогика тарихида энг қадимий ва айни пайтда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Педагог олимлар жамият тараққиётининг барча даврларида «Нимани ўқитиш керак?» деган саволга жавоб излаш билан шуғулландилар ва ҳали-ҳамон бу саволга тўлиқ, ҳар томонлама мукамал жавобни топа олганларича йўқ. Таълим мазмуни бўйича берилган ва берилаётган барча маълумотлар жамият ва тараққиёт учун нисбийлигича қолаверади. Чунки одамлар яшайдиган жамият доимий ривожланишда, такомиллашишда давом этади ва ижтимоий тараққиёт қонунлари асосида бетўхтов илгарилаб боради.

Таълим мазмуни давлат ва жамият талабларига кўра, педагогик технологияларнинг энг сўнгги ютуқлари асосида белгиланади, шаклланади.

Таълим мазмунини шакллантириш замонавий педагогикада 4 та муҳим таркибий қисмлар ҳисобига амалга оширилади:

I. Талабалар эгаллаши зарур бўлган билимлар тизими (тил фактлари, тушунчалар, қондалар, таърифлар тизими);

II. Танланган илмий-назарий билимларга мувофиқ келадиган амалий кўникма ва малакалар тизими;

Кўникма — эгалланган тажрибалар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш қобилияти, *малака* эса муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашувидир.

III. Талабаларни ижодий фаолият усулларига ўргатиш; Фаолият қайта хотирлаш, қисман ижодий ва илмий — ижодий даражада бўлиши мумкин;

Қайта хотирлаш фаолияти — ўқитувчи томонидан кўрсатилган ёки дарсликда берилган намунага қараб машқ бажариш фаолиятидир. Бу эса ўрганувчининг фаоллик даражасини чегаралайди. У изланишга, кашф қилишга эҳтиёж сезмайди.

*Қисман изланувчанлик фаолияти*да талаба йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида тил ҳодисаларининг ўхшаш ва фарқли томонлари устида ўйлаши, уни топиши, аввалги билимларни қисман номаълум шароитларда қўллаши лозим .

*Илмий-ижодий фаолият*да талаба ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз, олган билимларини бутунлай янги шароитда (масалан, компьютерда) қўллай олиши, фаолият учун зарур бўлган, лекин ўзида бўлмаган билимлар манбаларини билиши, улардан нутқий вазият тақазосига кўра унумли фойдаланиш усулларини эгаллаши талаб қилинади. Талабанинг ижодий фаоли-

ят тажрибасига қанчалик кўп асослансак, таълимнинг самарадорлик даражаси шунчалик юқори бўлади.

IV. Талаба ва ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими (5-жадвал).

Бу муносабатлар ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланмоғи лозим.

1-жадвал

«Таълим мазмуни ва унинг таркибий қисмлари»



Кўникма: Эгалланган тажрибалар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш қобилияти.

Малака: Муайян ҳаракатларни бажариш ва бошқариш жараёнларининг автоматлашуви

Онгли вербал – когнитив таълим (ОВКТ) тизими. Ҳамкорлик ва кашфиёт таълим тизими. Замонавий педагогик технологияларнинг амалий татбиқи.

Таълим мазмунининг бу таркибий қисмлари чизиқсимон бирин-кетинликда жойлашган ҳодисалар эмас, балки айланасимон яхлитлик бўлиб, бу айлананинг бошланиш ва тугалланиш нуқтаси биринчи ва тўртинчи қисмларни, айлана доираси эса ижодий-амалий кўникмаларни ташкил этади.

Она тили ўқитиш мазмуни — фонетика, лексикология, грамматика (морфология ва синтаксис), услубият, тўғри талаффуз, тўғри ёзиш, сўз танлаш ва гап тузиш; ижодий фикрлаш, фикрни тўғри, аниқ ифодалаш, ифодали ўқиш (қироат), матн устида ишлаш ва матн яратиш фаолиятларини қамраб олади.

«Талаба — таълим — ўқитувчи» тизими янгиланган таълим мазмунида етакчи омилдир. Бўлажак она тили ўқитувчиси методика фанини чуқур ўрганиши, коммуникатив саводхонлик меъёрлари бўйича ДТС талабларини яхши билиши даркор. Шунингдек, ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитишнинг хилма-хил усулларини билиши, тил имкониятларидан унумли фойдаланишни ўрганиши, эгалланган нутқий кўникма ва малакаларни мустақамлаш, ривожлантириш, такомиллаштириш, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан изчил маълумотларга эга бўлиши лозим.

2-жадвал




ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбек тили ўқитиш методикасининг асосий мақсади тил имкониятларидан тўғри, аниқ, ўринли ва унумли фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш; мантиқий – ижодий тафаккурни ривожлантириш, коммуникатив саводхонликни ошириш; миллий истиқлол ғоясини, шарқона тарбияни шакллантириш; талаба шахсини маънавий (балоғат ва фасоҳат илми билан) бойитишдан иборат.

Тил ўқитиш методикасининг асосий мақсади қуйидаги жадвалда аниқ кўрсатилган.

3-жадвал



Жадвалда ўқитиш мақсади беш турда кўрсатилган:

— **амалий мақсад:** тил имкониятларидан мустақил ва эркин фойдаланиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш;

— **таълимий мақсад:** талабаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки, ёзма шаклларда тўғри, раво ифодалаш кўникмаларини эгаллаш, мантиқий тафаккурни ривожлантириш, коммуникатив саводхонликни шакллантириш;

— **тарбиявий мақсад:** маънавий, ғоявий — эстетик тарбия бериш;

— **ривожлантирувчи мақсад:** талаба шахсини ақлий жиҳатдан ривожлантириш.

— **ўналтирувчи мақсад:** талаба тафаккурини мақсадли ўналтириш.

(*Муаммоли таълим, муаммоли масала, муаммолли топшириқ, муаммоли вазият*)

Тил методикасини ўқитишнинг асосий вазифаси талабаларни эркин, ижодий, мустақил фикрларини оғзаки ва ёзма шаклда, адабий тил меъёрлари асосида тўғри ифодалай оладиган, бир маънони турли ҳолатларда бера билиш кўникмаси шаклланган, адабий нутқ меъёрларини эгаллаган, етук мураббийларни тарбиялаб етказишдир.

Ўзбек тили ўқитиш методикасини ўрганиш жараёнида қуйидаги вазифалар бажарилади:

— ўқув машғулотларини тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш, қийёслаш, умумлаштириш асосида олиб бориб, талабанинг мустақил ва ижодий фикрлаши учун кенг имконият яратиб бериш;

— ўқувчи фаолиятини сўзга эҳтиёж ҳосил қиладиган ўқув топшириқлари орқали мақсадли бошқариб бориш, сўз бойлигини оширишни, тафак-

кур доирасини кенгайтириш, нутқий салоҳиятни (оғзаки ва ёзма матн яратиш) шакллантириш;

— ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлик даражасини орттиришнинг шакл, йўл восита ва усуллари ўрганиш.

Демак, ўзбек тили машғулотларида талабани ижодий ва мустақил фикрлашга йўналтириш, сўз танлаш, гапда сўзни тўғри ва ўринли қўллаш ўз фикрини аниқ, ихчам, раван ифодалашга ўргатиш тил ўқитиш методикасининг бирламчи вазифаси бўлса, «талаба — талаба», «талаба — ўқитувчи» тизимида ўзаро мулоқотни, баҳсу мунозарани тўғри ташкил қилиш, талаба тафаккурини ривожлантириш жараёнларини оқилона бошқариш, фикр ифодалаш малакасини шакллантиришни ўрганиш, талабаларни ўқитувчилик маҳорати ва илғор технология билан таништириб бориш методика фанининг иккинчи ва бағоят муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинган, Таълим тизимини янгилаш ва такомиллаштириш ҳақидаги тарихий қарорлар қабул қилина бошлади. Ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришлар, жамият ҳаётида кескин бурилишлар юзага келди. Гарчи, 1992 йилдаёқ «Таълим ҳақида»ги Қонун қабул қилинганига қарамай, кўп ўтмасдан унинг жамиятдаги ривожланишнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келмаслиги маълум бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам 1997 йилда янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун юзага келди. Ушбу Қонун таълим тизимида юзага келган янгиликларнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатиб берди.

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг асосий тамойиллари қуйидагича белгиланган.

— таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерга эга эканлиги;

— таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

— умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг йўналишлилиги; академик лицейда ёки касб - ҳунар коллежида ўқишнинг ихтиёрийлиги;

— таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

— давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

— таълим дастурларини танлашга демократик табақалаштирилган ёндошув;

— билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

— таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш»¹.

Узлуксиз таълимнинг янги тизими бўйича талабалар алоҳида коллежларда касб-ҳунар эгаллаш билан бирга умумий ўрта маълумотли бўладилар, академик лицейларда эса, чуқурлаштирилган умумий таълим тайёргарлиги оладилар. Бунда асосий эътибор ёшларда мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва уни амалда ифода эта олишларига қаратилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республикамизда рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилинишига, таълим тизимининг барча бўғинлари учун Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилишига асос бўлди (1999 йил).

Эндиликда таълимнинг барча босқичларига оид ўқув дастурлари ва дарсликлари ДТС талаблари асосида яратилмоқда.

ЎЗБЕК ТИЛИ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Педагогика ва психологоя фанлари сирасига кирадиган она тили ўқитиш методикаси фани ҳам ўзининг назарий асосларига ва илмий тадқиқот методларига эга.

Ҳар қандай изланувчан, ижодкор ўқитувчи самарали ишлаш учун илму фан ютуқлари ва илғор иш тажрибаларидан эркин фойдаланиши, ўқув машғулоти жараёнида — талабаларни мустақил фикрлаш ва эркин фикр-ифодалаш методлари, усул ва воситалари билан таништириб бориши зарур. Мустақил тадқиқот иши, қуйидаги илмий-текшириш методлари ёрдамида амалга оширилади.

Назарий методлар:

- анализ (таҳлил) – синтез (тавсиф);
- илмий фаразлар;
- моделлаштириш.

Амалий методлар эса:

- кузатиш, тажриба ўтказиш;
- гуруҳлаш, қиёслаш, таҳлил қилиш, фарқлаш, танлаш;

¹ Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. — Т.: «Шарқ», 1997, 20-бет

— илғор ўқитувчилар тажрибасини ўрганиш, натижаларини таҳлил этиш ва умумлаштиришдан иборат бўлади.

Тил ўқитиш методикаси бўйича она тили ўқитувчилари, методист — олимлар ўз илмий тадқиқотлари юзасидан эришилган натижалар ҳақида илмий анжуманларда, вақтли матбуотларда, радио ва телеўрсатувларда ўртоқлашадилар, педагогик ўқишларда илғор, замонавий дарс намуналарини кузатадилар, танлайдилар ва оммалаштирадилар. Бунда янги педагогик технологияларни дарсга жорий этиш бўйича назарий-методик хулосаларнинг тўғрилиги, асосли ва ишончли мезонларда текширувдан ўтказилади, таълим муассасаларида кўп йиллик тажриба-синов ишлари олиб борилади, натижалар таҳлил қилинади.

Мазкур фаолиятни ташкил этиш усуллари хилма-хилдир. Жумладан:

— ўқитувчи ва талабалар билан яккама-якка суҳбат;

— анкета ва савол варақалари тарқатиш; Мавжуд ҳолатни ўрганиш;

— тажриба-синов ишлари дастурини ишлаб чиқиш;

— методик меросни ўрганиш;

— янгиликларни ўрганиш;

— илғор педагогик технологияни дарс амалиётига жорий қилиш... в.ҳ.

— ҳозирги ўзбек адабий тилининг янгиланган тизимий тилшунослик назариясига асосланган мазмуни, талабани тил ҳодисаларини туркумлаш ва фарқлаш, нутқий эҳтиёж учун танлаш, гап таркибида тўғри ва ўринли қўллаш каби билув фаолиятининг қўйидаги усуллари билан қуроллантиришни зарур ва шарт деб ҳисоблайди:

1) кузатиш ва изланиш фаолияти;

2) алоҳидаликни шарҳлаш ва уларни ўзаро қиёслаш;

3) анализ ва синтез;

4) умумийликни англаш ва фарқларни шарҳлаш;

5) тасниф этиш ва ҳукм чиқариш;

6) ўзаро алоқадорликни аниқлаш ва уни хусусий нутқда қўллаш... в.ҳ.

Сўнги йилларда ўқувчиларнинг коммуникатив саводхонлиги, нутқий (оғзаки ва ёзма) кўникма ва малакалари даражасини аниқлайдиган тест саволлари кенг тарқалди. Тестларнинг тажриба — синов олдида ва ундан сўнг ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Экспериментдаги илмий фаразнинг тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслигида тест катта амалий аҳамиятга эга бўлиб, у техника воситалари ва интернет ёрдамида бажарилса, яхши самара беради.

ЎЗБЕК ТИЛИ МЕТОДИКАСИНING ҚИСҚАЧА ТАРИХИ

Она тилини ўқитиш тарихи анча қадимги даврларга бориб тақалади. Шарқда IX-XV асрларда ижтимоий – маданий ҳаётда юксалиш, илм –

фанда тараққиёт кузатилади. Бу даврда Ўрта Осиёда яшаб, ижод қилган, қомусий олимларимиз турли фанлар бўйича эришган ютуқлари билан жаҳон маданияти, маърифати, илму фан ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Марказий Осиёни жаҳонга танитган Ал-Хоразмий, Ат- Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғиноний, Замаҳшарий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий каби улкан мутафаккирлар бебаҳо кашфиётлари билан ўз халқларининг шуҳратини оламга ёйдилар. Улар таълим ва тарбия бобида ҳам ўчмас из қолдирдилар.

Чунончи, буюк мутафаккир Ал Хоразмий «Сезги орқали билиш бу қисман билиш бўлса, мантиқий билиш ҳақиқатдир», — дейди ва билим эгаллашда ижодий фаолиятни асос қилиб олади.

Шарқда «иккинчи муаллим» деб тан олинган (Арастудан кейин) Абу Наср Форобийнинг «Таълим-тарбия бериш усуллари» асаридаги «Билим, маърифат, яхши ахлоқ билан билимдон, маърифатли, етук, мукамал инсон етишади. Бунинг учун таълим жараёни ўқитувчи томонидан тўғри ташиқил этилиши, бошқарилиши ва маълум мақсадларга йўналтириши лозим», — деган фикри «Ўзбек тили ўқитиш методикаси»да ҳам асосий, бош мезон вазифасини ўтайди.

Абу Райҳон Беруний ҳар бир ишнинг киши руҳига, қобилиятига мос, уни толиқтирмайдиган бўлишига алоҳида эътибор беради: «Бизнинг мақсадимиз талабани толиқтириб қўймасликдир. Агар талаба бир масаладан бошқа бир масалага ўтиб турса, у худди турли-туман боғларда сайр қилгандек бўлади. - Ҳар бир янги нарса ўрганувчига роҳат бағишлайди», — дейди буюк аллома. Бу хулоса тил ҳодисаларини ўрганишда, лисоний материалларни жойлаштириш ва ўқитишда дастуруламал бўлиши шубҳасиздир.

Абу Али ибн Сино – буюк ҳаким, тиб илмининг султони, улуғ мутафаккир, фаннинг кўплаб соҳалари қатори тилшунослик билан ҳам махсус шуғулланди, «Лисон ул-араб» (Араб тили) номли китоб ҳам ёзди².

Абу Али ибн Сино ёзади: «сенинг фикрларинг бола юрагига етиб бориб, унга ўйлаб, фикр юритиб кўришга имкон берсин... Агарда сенинг суҳбатдошинг ёки дўстинг сўзларингга ва насиҳатингга эътибор бермаётганини сезсанг, суҳбатни бошқа вақтга кўчир».

Маҳмуд Қошғарий XI асрдаги буюк тилшунос олимдир. Гарчи унинг асари «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») ўз давридаги туркий сўзларни изоҳлашга бағишланган бўлса-да, у сўз ва унинг маъноларини аниқ-

² Қаранг. А. Иримов. Ҳаким Ибн Сино. — Т.: «Ўзбекистон», 1992, 56-бет

4-6395

лаш, сўздан нутқий амалиётда фойдаланиш, нутқ маданияти борасида ҳам кўплаб илмий мулоҳазалар билдиради, илмий хулосалар айтади.

Маҳмуд Қошғарий туркий тилдаги фонетик, морфологик қонуниятларни, лексик-синтактик хусусиятларни, услубий ўзига хосликларни нозик дид билан қиёслайди ва таҳлил қилиб беради.

Муҳими, буюк аллома ХI асрда халқ тилида истеъмолда бўлган сўзларнинг асл манбаси, уларнинг «яшаш жойи» бўлган бадий матнлар билан биргаликда сақланиб қолишига эришди. Кейинги авлод вакилларининг қадимги адабий тил ва оғзаки нутқ намуналари билан танишиш имкониятидан баҳраманд қилди.

Аллома кўплаб халқ қўшиқлари, эртақ ва афсоналари, мақол ва ҳикматли сўзларини ҳам ёзиб олган. Улар орасида бевосита тил ва нутқ жараёнларига оидлари ҳам мавжуд;

Ардам баши тил. — Тил (барча) санъат-ҳунарнинг бошидир.

Сўзга сугунча булун барир. — Одам сўзнинг ширинлиги билан лаззатланса, унга асир бўлиб кетади³.

Маҳмуд Қошғарий мақолларнинг қўлланиш ўринларини ҳам кўрсатади. «Суф кўрмагунча этук тартма» — «Сув кўрмасдан олдин этик ечма». Бу мақол ишларда мулоҳазали бўлишга ундалган кишиларга нисбатан қўлланилади.

«Кенг тўн ўбрамас, кенгашлиг билиг артамас» — «Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди». Бу мақол бир иш бошлашдан олдин бошқалар билан кенгашиш, ўзбошимчалик қилмасликка ундаб айтилади⁴.

Юсуф Хос Ҳожиб. Шарқдаги сўз ва ундан фойдаланишга қўйиладиган талабларга мисол тариқасида Юсуф Хос Ҳожибнинг қўйидаги фикрларини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Кўп сўзлик фойдасиз машғулотдир. Туман сўз тугунини бир сўзда ёзиш мумкин. Зеро, киши сўз туфайли қадр топиши ёки аксинча, боши эгик бўлиши мумкин. Демак, сўз маъноларини илгаш сўз ишлатиш учун ҳам билимдонлик талаб этилади.

Алишер Навоий ўзбек тили равнақи учун астойдил куйинди... Туркий тил равнақи учун қатъий кураш олиб борди. Навоий асарлари тил омилларидан, ўзбек тилининг лексик — грамматик имкониятларидан унумли ва маҳорат билан фойдаланишнинг олий намунасидир. Заҳриддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг адабий тилга мувофиқ ижод этганини махсус таъкидлайди: «*Андижон элининг лафзи қалам била ростдур, они*

³ Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Уч томлик. Таржмон ва нашрга тайёрловчи С.М.Муталлибов. — Т.: «Фан», 1963, 431-бет

⁴ Ўша китоб, 370-бет

учун ким *Мир Алишер Навоийнинг мусаннафоти бовужудким, ундан нашъу намо топибтур, бу тил биладур*».

Навоий тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини таъкидлайди, уни «гуҳари шариф» дея таърифлайди. Сўз инсонни ҳайвондан ажратган улуғ неъмат дея улуғлайди:

«Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз»⁵.

Навоий ҳар доим шаклнинг мазмунга уйғун бўлишини талаб этади:

Назмки маъни анга марғуб эмас,

Аҳли маъоний қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,

Зимнида маъни доғи дилкаш анга⁶.

Умар аз – Замахшарий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг маърифий фикрлари, ахлоқий — таълимий қарашлари ҳам ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

XVI-XIX аср оралиғида ҳам методика фанининг ўзига хос тарздаги тараққиёти кузатилади. Мунис, Огаҳий, Дилшоди Барно, Анбар Отин, Увайсий сингари мутафаккир адибларнинг таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида эътибор билан қараганлари яхши маълум.

XX аср бошларидаги тарихий шароит Туркистонда дидактик ғояларнинг тарқалиши ва ривожланиши, таълим принциплари ҳамда таълим методлари ҳақида илмий асарлар, методик қўлланма ва мақолаларнинг дунёга келишига, педагогика, қисман методика фанининг ривожланиши ва тараққий этишига замин яратди. Бунга мисол сифатида Абдулла Авлөнийнинг «Туркий гулистон ёки ахлоқ» асарини келтириш мумкин. У мазкур китобида: «*Муаллим шогирдларига берган дарсларини амал ила чоғиштириб ўргатмаклари лозимдир, таълим ила берилган дарс ва маълумот шогирдларнинг дилига тез таъсир қилиб, улар илмли, одобли бўладилар*», — деб ёзади.

XX аср бошларида анъанавий ўқитиш усуллари ёнига янги — Европа-ча ўқитиш усуллари ҳам келиб қўшила бошлайди.

Дастур ва қўлланмаларни яратишда маҳаллий зиёлилардан Фитрат, Мунаввар қори, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлөний, Қори Ниёзов, Қажум Рамазон, Шорасул Зуннун, Мурод Шамс, Ҳалил Қажумов, Мажид Қодирий ва бошқалар фаол иштирок этадилар.

⁵ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами 20 томлик. Еттинчи том. «Ҳайрат ул-аброр».

⁶ Ўша китоб, 69-бет

1940 йилларда Ўзбекистонда С.А. Фессалоницкийнинг «Она тили ўқитиш методикаси» қўлланмаси нашр қилинди. Бу ўз даври учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Қўлланманинг кўп қисми нутқ ўстириш ва иншо масалаларига бағишланган бўлиб, морфология ва синтаксис ўқитиш методикасига алоҳида эътибор қаратилмайдди.

1944 йилда Мурод Шамс «Орфография ўқитиш методикаси», К. Хайруллаев «Типик орфографик хатолар ва уларни бартараф этиш» мавзусидаги тадқиқотларни амалга оширишди. Кейинроқ, 1950 йилда «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» қўлланмаси нашр қилинди (Мурод Шамс), 1952 йилда «Ўзбек тили ўқитиш методикаси»га оид дарсликнинг 1- қисми (Фахри Камол таҳрири остида) босмадан чиқди. Мазкур қўлланма ва китобларда она тили дарсларини уюштириш ва ўтказиш бўйича зарурий кўрсатмалар, она тили ўқитишни яхшилаш бўйича маслаҳатлар, машғулотларда нутқ ўстиришнинг усул ва воситалари, жадваллар мажмуаси, дарс ишланмалари берилган. Лекин орфография ва пунктуацияга, матн устида ишлашга оид масалаларга тўхталинмаган.

1960 йилда «Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси» (Ҳ.Рус-тамов), 1969 йилда «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» (Н. Абдурахмонов) китоблари нашр этилди. Улар ўз давридаги она тили ўқитиш методикасига қўшилган тегишли ҳисса сифатида баҳоланиши мумкин. Лекин бу қўлланмаларда нутқ ўстириш ва услубий машқлар, иншо ёзиш мазмуни ва методикасига етарли ўрин берилмаганлигини айтиш жоиз.

1975 йили «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» фанига оид нисбатан янги типдаги ўқув қўлланмаси (Ё. Фуломов, И. Расулов, Ҳ. Рустамов, Б. Мирзааҳмедов) чоп этилди.

1960-80 йиллар давомида она тили ўқитиш методикаси бўйича илмий-тадқиқот ишлари кўлами янада кенгайди. Бу соҳада тилшунос олимларимиз кўлга киритган ютуқларнинг амалиётга татбиқи бир қадар тиғизлашгани кўзга ташланади. Она тили ўқитувчиларининг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, «Ўқитувчилар газетаси» (ҳозир «Маърифат»)да илғор иш тажрибалари, методик тавсиялар изчил ёритила бошланди. Эндиликда «Тил ва адабиёт таълими», «Халқ таълими», «Узлуксиз таълим», «Касб-ҳунар таълими» сингари махсус илмий-методик журналлар ҳам серқирра илмий-ижодий фаолият олиб бормоқдалар.

Ўзбекистоннинг ўз истиқлолини кўлга киритиши миллий ғоянинг туғилишига ва шаклланишига олиб келди. Таълим тизимини умумжаҳон андозаларига мослаш, дарсга илғор педагогик технологияларни жорий этиш зарурияти туғилди.

Ўқув дастури ва дарсликлар ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ такомиллаштирилди ва янгиланди. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ва ДТС талабларини таълим мазмунига жорий этиш, уни тобора такомиллаштириб бориш шу куннинг долзарб масаласи бўлиб қолди.

Янги тараққиёт босқичига кўтарилаётган ўзбек тилшунослигида тилни тизимий ўрганиш масалаларини таниқли тилшунос ва методист олимлар Ҳ.Ф. Неъматов, А.Нурмонов, Н.М. Маҳмудов, ва А.Қ.Фуломов, Р.Сафаровалар бошлаб беришди.

1989 йилда тилимизга «Давлат тили» мақоми берилгач, Ўзбекистон Республикаси Халқ Таълими вазирлиги томонидан Ўзбек тили Доимий анжумани таъсис этилиши тил ва адабиёт таълимининг мазмунигинга эмас, балки уни ўқитишни ҳам янги йўналишларда давом этишига имкон яратди. Анжуман таъсис этилгандан буён унинг ҳар бир йиғилишида таълим олувчи сўз бойлигини ошириш, ижодий тафаккурини ривожлантириш, миллий маънавият, нутқ маданияти меъёрларини сингдириш, матн яратиш малакасини шакллантириш каби ниҳоятда долзарб масалалар муҳокама этилмоқда.

Эндиликда «Она тили ўқитиш концепцияси», «Давлат таълим стандартлари», тил ўқитишнинг намунавий дастурлари яратилди, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичлари учун дарсликларнинг янги авлоди чоп қилинди ва улар тажриба — синовлардан ўтказилмоқда.

Таълим мазмунининг янгилангани таълим жараёни, шакли ва усулларига замонавий янгиланишларни, янги педагогик технологияларнинг жорий этилишини тақозо этиши ўз-ўзидан маълум.

Ҳозирги ўзбек ёзувининг шаклланиши. Ҳар бир миллатнинг ўз тили, ўз ёзуви бўлади. Ёзув тилнинг зоҳирий ифодаси, авлодларнинг муносабат воситасидир. Аждодларимиз қадимий обидаларимиз, буюк мутафаккирларимизнинг улкан мероси, нодир қўлёзма асарлар орқалигина бизгача етиб келган. Ёзув авлодларни, даврларни бир-бири билан боғлайди, нутқни узоқ сақлайди, инсоният қўлга киритган билимлар абадийлигини таъминлайди.

Бизнинг давримизга келиб, инсоният 200 хил ёзувга эга. Улардан энг кўп ва кенг тарқалгани лотин ёзуви бўлиб, бу ёзувдан ер юзи аҳолисининг 30 фоиздан зиёди фойдаланади.

Эрамиздан олдинги V-IV асрларда Марказий Осиёда миҳхат ишлатилган. Ҳозирги эрамиз бошидан VI асргача с ў ф д ёзуви ишлатилди. V-VIII асрлар давомида туркий халқлар туркий рун (Ўрхун-Энасой) ёзувидан фойдаланишган.

Қадимги сақлар ва массагетларнинг ҳам ўз ёзувлари бўлган. Ана шу ёзувдан қадимга хоразмий ва сўғд ёзувлари яратилган. 1893 йили даниялик олим Н.Томсен ва рус олими В.В.Радлов қадимги туркий ёзувни ўқишга муваффақ бўлганлар. Қадимга туркий хати аждодларимизнинг буюк кашфиётидир.

Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар армуғони), Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарларининг айрим нусхалари у й ғ у р ё з у в и да битилган. Бу ёзувнинг X-XV асрларгача ишлатилиб келинганлиги яхши маълум.

Араб ёзуви Ўрта Осиёда VII асрнинг биринчи ярмидан тарқала бошлади. М.Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари ҳам араб ёзувида битилган. Араб ёзуви бизда ўтган асрнинг 30 йилларигача фаол истеъмолда эди.

1926-1930 йилларда Туркистон ҳукумати қарори билан лотин ёзувиغا, 1940 йилга келиб рус графикасига асосланган алифбога ўтилди.

1993 йил 23 сентябрдаги Олий Кенгаш сессиясида ўзбек ёзувини лотин алифбосига ўтказиш тўғрисидаги тарихий қарор қабул қилинди. 1995 йил (6 май) даги Олий Мажлис йиғилишида бу алифбога айрим ўзгартиришлар киритиш ва мазкур ёзувга тўлиқ ўтиш белгилаб қўйилди. Ислоҳ қилинган ҳозирги ўзбек алифбосида 29 та ҳарф, битта тутуқ белгиси мавжуд. Булардан 3 та товуш ҳарфий бирикмалар билан ифодаланади: sh, ch, ng.

Қуйида ислоҳ қилинган лотин алифбосидаги ўзбек ёзувлари (ҳарфлари)ни кўрсатиб ўтиш лозим деб топилди.

Aa (1), Bb (2), Dd (3), Ee (4), Ff (5), Gg (6), Hh (7), Ii (8), Jj (9), Kk (10), Ll (11), Mm (12), Nn (13), Oo (14), Pp (15), Qq (16), Rr (17), Ss (18), Tt (19), Uu (20), Vv (21), Xx (22), Yu (23), Zz (24), O'o' (25), G'g' (26), Sh sh (27), Ch ch (28), Ng ng (29). (') тутуқ белгиси.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Тил ўқитиш принциплари таълим-тарбия жараёнига асос бўладиган таълимий қонун-қоида сингари маъноларни ўз ичига олади.

Таълим жараёнида дарсни ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишда талаба ва ўқитувчи фаолиятига қўйиладиган талаблар, дидактик қоидалар таълим принципларидир. Мазкур принциплар ҳар бир ўқув предметида ўзига хос татбиқ этилади.

Таълимнинг тарбиявийлиги принципи. Таълимнинг тарбиявийлиги принципи ёш авлодни ҳар томонлама камолотга етказишни назарда тутати. Она тили ўрганиш жараёнида талабаларга миллий ғоя, она Ватанга садо-

қат, табиатга муҳаббат, кишиларга ҳурмат, эҳтиром, яхшилик, адолатли бўлиш, юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлиш каби ижобий хусусиятлар сингдирилади.

Она тили дарсларида ёшларни таълимий тарбиялаш йўллари бениҳоя кўп:

— ҳар бир мавзу ва бўлимнинг таълимий имкониятларини тўла ишга солиш;

— танланган матнларни ўрганилаётган тил ҳодисасига ва шарҳона тарбия йўналишларига мос бўлишини таъминлаш;

— дарсликда берилаётган маърифий матнлардан, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қўшимча матнлардан фойдаланиш шулар жумласидандир.

Дарсликларда келтирилган топшириқлар ҳам таълимий, ҳам тарбиявий мақсадларни кўзлайди. Топшириқларни бажариш жараёнида талаба кузатиш, қислаш, ижодий тафаккурни ишга солиш, муаммолар ечимини излаш, топиш ва хулосалаш мажбурияти билан юзма-юз келади. Ўзи топган ечимни (фикрни) ифодалаш (кўчирма гап ҳолида), заруриятини, исботлаш машаққатини туяди, ғолиблик лаззатидан баҳраманд бўлади. Бу эса таълимда тарбиявийлик принципини амалий самараси, натижасидир.

«Гапнинг уюшиқ бўлаклари» мавзусини ўрганишда Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридан келтирилган матндан фойдаланиш мумкин: «Мен турклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўпладим, турли сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фикрни ҳам аниқлаш учун қилдим.. Уларга шунчалик диққат қилдимки, бу тиллар бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта, бир асосда тартибга солдим».

Топшириқ.

1. Матнни диққат билан ўқинг ва сарлавҳа топинг.

2. «Мен бу ишларни мазкур тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим», — деган гапни уюшиқ бўлакли гапга айлантинг. Сўнгра мазмунини шарҳланг.

3. Матндаги уюшиқ бўлакларни маъносига кўра гуруҳлаб, бир нечта уюшиқ бўлакли гапларга айлантинг.

4. Уларни кўчирма гапга айлантинг.

5. Гап шаклларини ўзгартириб, ўзлаштирма гаплар ҳосил қилинг... в.ҳ.

Она тили дарслиги учун танланган матнлар таълимий ва тарбиявий йўналишда, ранг-баранг мавзуларда, шаклан ва мазмунан мукамал, мантиқан тўғри, тили содда ва равон, ўқувчи учун тушунарли бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина матн, матн яратиш тизими ва матн

таҳлили ўқувчи учун зарур бўлган натижани беради — коммуникатив саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Илмийлик ва тушунарлилик принциплари. Методикада илмийлик принципи — ўқув предметларини ҳозирги фан ютуқлари заминида баён қилишни талаб этса, тушунарлилик принципи ўқув предметларини болаларнинг ёши, шахсий хусусиятлари, ҳаётий тажрибалари, тайёргарлик даражасига мослаштиришни, яъни оддийдан мураккабга, хусусийдан умумийга боришни тақозо қилади.

Она тили ўқитиш методикасида илмийлик ва тушунарлилик принципларига бир-бирини тўлдирадиган ва дарс самарадорлигини таъминлайдиган ягона омил сифатида қаралади. Бу икки принципни параллел равишда амалга оширишда:

— тил фанидаги тушунча ва атамаларнинг маъносини шарҳлаш, атрофлича таҳлил қилиш, пухта ўзлаштиришни таъминлаш;

— тил сатҳларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш;

— тил ва нутқни фарқлаб ўрганиш усул ва воситаларини топиш ва амалиётда қўллаш;

— талабаларнинг ёш имкониятларини, зеҳну иқтидорларини ҳисобга олиш, **мустақил** ижодий фикрлаш, унинг маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма тарзда тўғри, содда, раван ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган лингвопсихологик ўйин — топшириқлардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Масалан: кеча ва кўча сўзларининг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқланг ва шарҳланг.

1. Ўхшашлиги:

— ҳарфлар сонининг тенглиги, икки бўғиндан иборатлиги;

— бир хил ундош билан бошланиши, бир хил унли билан тугаши;

— талаффуз ва оҳанг уйғунлиги; охириги бўғиннинг –ча билан тугалланишига кўра бир-бирига яқин талаффуз қилиниши, қофиядошлиги.

1. Фарқи: — биринчи бўғиндаги унлининг икки хиллиги;

— товушдаги фарқнинг маънога таъсири;

— луғавий маъноси: кеча-тун, оқшом; кеча – бир кун аввал; кўча — аҳоли ва транспорт қатнови учун мослаштирилган жой, йўл.

Тизимлилик, изчиллик принципи. Таълим изчиллиги учун тизимлилик ўлчов ҳисобланади. Я.А.Коменский бу ҳақда шундай дейди: «Машғулотларни шундай ўтказиш керакки, унда кейин ўрнаниладиган ҳодиса олдинги ўрганилганларга асослансин, ҳозиргиси кейингиларни ўрганишда мустаҳкамлансин».

Ҳақиқатан ҳам, ўқувчиларнинг нутқий тайёргарлигига таяниш, уларнинг олдинги синфларда ҳосил қилган билимларини ҳисобга олиш, ўрганилган ва ўрганиладиган билимлар ўртасида алоқадорликни таъминлашга изчиллик принципи орқалигина эришилади.

Масалан: «От», унинг маъноси, сўроқлари, бирлик ва кўпликда, келишик, эгалик қўшимчалари билан қўлланиши каби бошланғич маълумотларга таянган ҳолда, ўқувчиларнинг от сўз туркумига қарашли сўзлар воситасида сўз бирикмалари ва гаплар тузишни ўрганиши тизимли ва изчил билим олишга замин ҳозирлайди.

Мустақиллик ва фаоллик принципи. Мустақиллик ва фаоллик орқалигина талаба таълимнинг фаол субъектига айланади. Мустақиллик фаоллик учун шароит яратса, фаоллик мустақилликни тарбиялашга асос бўлади. *«Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойлик»,* — деб таъкидлайди президентимиз И.А.Каримов.

Кишининг мустақил ақлий фаолият кўрсатиши мустақил фикрлаши орқалигина амалга оширилиши ҳеч кимга сир эмас. Машхур методист-педагог А.Дистерверг айтганидек: *«Мустақил фаолиятга етакловчи таълим ҳақиқатга, гўзалликка, эззуликка хизмат қилади, характер ва ишончни тарбиялайди».*

Машғулотларда мустақил ишларни ташкил этиш, қўйилган муаммо, савол, топшириқлар моҳиятидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини бошқариш, ёш авлодда мустақиллик ва фаолликни тарбиялайди. Бу эса:

— ўзлаштирилган билимлардан амалиётда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиради ва ривожлантиради;

— талабада ўз кучига, ўз билим ва имкониятларига ишончни мустаҳкамлайди;

— билим, ҳиссий аниқ тасаввур ҳосил қилиш билан бирга таърифу таснифларнинг моҳиятини англашга, тасаввурни тушунча даражасида ўзлаштиришга олиб боради.

Умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари тизимидаги она тили машғулотларида асосий эътибор ўқувчилардаги ижодий фикр маҳсулини мустақил ва изчил баён этишга, сўз бойлигини ошириш ва матн яратиш кўникмаларининг шакллантирилишига қаратилиши лозим.

Ўқувчи ҳар бир машғулотда мустақил ва ижодий ишлаши, тилнинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланиши, сўз бойлигини ошириши, сўзнинг маъноси, урғуси, моҳиятига қараб ўз нутқида қўллаши, раван ва аниқ сўзлаш малакасини эгаллаши даркор.

Масалан фонетика бўлимини ўрганишда ўқувчилар сўз бойлигини оширишга қаратилган мустақил ишлардан намуналар келтирамиз:

1-топшириқ. ...ил,...ул,...ол сўзлари олдига бир ундош қўшиб, янги сўзлар ясанг.

Бил, дил, жил, зил, йил, нил, сил...

Бул, гул, кул, пул, тул, шул, қул...

Бол, лол, мол, тол, фол, пол, ҳол, қол хол....

2-топшириқ. Ҳосил бўлган сўзларнинг маънодош ва уядошларини топинг ва улар маъносининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонларини шарҳланг.

Намуна: **бил**—ўрган, излан, топ.; **бул**— шул, ўшал; **бол**— асал, ҳол— ҳолат, аҳвол, кайфият...в.ҳ.

Сўзларнинг маъноларини шарҳлаш — ўқувчи нутқий малакасининг мустаҳкамланиши ва интенсив суратда ривожланишига олиб келади.

3-топшириқ. Талабалар ўзлари топган сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қиладилар, гап тузадилар, матн яратадилар (Қаранг, 4-жадвал, МЯБТ-4).

Тил машғулотларида бундай ўйин – топшириқлардан фойдаланиш ёшларни мустақил фикрлашга, дарсда фаол қатнашишга ундаса, ўқитувчига ўқув жараёнига мусобақа руҳини киритишда кўмакчи бўлади.

Мустақиллик ва фаоллик принципларини амалда қўллаш таълим тизимини такомиллаштириш, талабаларнинг билиш фаолиятини, ижодий мустақиллигини тарбиялашда яхши натижа беради.

Кўрсатмалилик принципи. Таълимда кўрсатмалиликдан фойдаланиш — ўтиладиган мавзунини зоҳирий ифодалаш, эгалланган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш юзасидан белгиланади. Бошланғич синфларда ўйинчоқлар, расмлар, нарса-буюмларни бевосита кузатиш, ушлаш уларнинг мантиқ-моҳиятини чуқурроқ англашга, хизмат қилса, кўрилганларни оғзаки ифодалаш эҳтиёжи эса ўқувчида ботиний, мустақил мушоҳада кўникмасини ривожлантиришга, бирламчи нутқий тадбиркорлик малакаларининг ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Юқори синфларда, хусусан, академик лицей ва касб – ҳунар коллежларида кўргазмалиликни янада кенгроқ қамровда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Турли тимсолий белгилар, рангли жадваллар, лингофон, магнитофон, диктофон, радио ва телевидение кўрсатувлари, ўқув — ўргатув техникасининг сўнгги ютуқлари: компьютер, мультимедиа, кодоскоп, видеооко сингарилардан унумли ва самарали фойдаланиш талабанин ижодий ва нутқий баркамоллигини таъминлаш, маънавий дунёқарашини кенгайтиришга шарт- шароит яратади.

Замонавий дарслик ва ўқув қўлланмалари такрорлаш, умумлаштириш, эгалланган буюмларни мустақамлашга қаратилган грамматик жадваллар, компьютерда ишлашга йўналтирилган дастурлар, фикрлаш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган ўқув топшириқлари, ижодий тафаккур доирасини кенгайтирувчи савол, топшириқ ва бошқотирмалар билан бойитилиши мақсадга мувофиқ.

Талаба шахсида нутқий тадбиркорлик, нотиклик санъати куртакларини ривожлантириш, оғзаки ва ёзма матн яратиш малакасини шакллантириш эътибордан четда қолиб кетмаслиги лозим.

Тил ҳодисаларини ўрганишда энг самарали ва синалган грамматик воситалардан бири кўргазмали **коммуникатив жадваллар**дир.

Коммуникатив жадваллар ишлатилиши мақсадига кўра турлича бўлади:

1. Лексик жадваллар;
2. Фонетик жадваллар;
3. Грамматик жадваллар;
4. Имловий (орфографик) жадваллар;
5. Стилистик-услубий жадваллар;
6. Аралаш жадваллар (имло ва сўз ясалиши, фонетика ва сўз таркиби). Жадваллар ясалган материалга кўра икки хил кўринишда бўлади.

1. Босма (график) жадваллар ҳар хил ҳажмли оқ қоғоз ёки материалга ишланади.

2. Слайд-жадваллар (рангсиз плёнкага рангли тасвирда туширилади).

Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда замонавий техника воситалари бўлмиш:

1. Лингофондан фойдаланиш, яъни эшитув аъзолари орқали тўғри талаффузни, қироат санъатини ўрганиш;

2. Видео курс: ўзбек тилининг талаффуз меъёрларини эгаллаш учун аудио-видео мулоқотини ўрганиш.

3. Коммуникатив саводхонликни таъминлашга қаратилган компьютер ўқув дастурларидан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келади. Булардан:

— **Имло саводи** (бунда ўқувчининг имло саводхонлигини оширишга қаратилган ўқув машқлари дискетларга жойланади);

— «**Фонетик ҳодисалар**» компьютер ўқув дастури (бунда фонетика бўйича ўқув машқлари дискетларда берилади); — «**Лексикология**» ўқув дастури.

— «**Грамматика**» электрон ўқув дастури (морфология ва синтаксис юзасидан ўқув топшириқлари тузилиб, дискетларга жойлаштирилади);

— «Стилистика» (услубият) электрон ўқув дастури. Бунда ўқувчининг услубият бўйича эгаллаган билим ва кўникмаларини шакллантириш, сўз танлаш, гапни кенгайтириш ва ихчамлаштириш, берилган матнни давом эттириш ва матн яратишнинг босқичли тизими (4-жадвал, МЯБТ-4) устида ишлаш учун мўлжалланган савол ва топшириқлар, машқлар, маърифий матнлар ҳамда топшириқли расмлар (мустақил матн яратиш учун) берилади;

— Аудио-видео ўқув дастурлари. Уларда муайян бир шароитда бўлиб ўтган учрашувлар, илмий-амалий кенгаш ва анжуманлар, маросимлар (юбилей, тўй, келин салом, бешик тўйи); байрамлар — Мустақиллик куни, Наврўз тароналари, Янги йил оқшоми, битирувчилар кечаси (оқшом) тасвирлари видеотасмаларга туширилиб, видеокассеталарга тартиб билан жойлаштирилади.

Юқорида келтирилган ўқув дастурларидан биринчи, иккинчи ва учинчиси сўз бойлигини ошириш, фонетика, орфоэпия, орфография, лексикология, морфология ва синтаксис юзасидан эгалланган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш учун тавсия этилган бўлса, 4 ва 5 дастурлар ўқувчининг ёзма ва оғзаки нутқини шакллантириш, матн яратиш малакаларини ривожлантириш учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганиш жараёнининг кодоскоп, мультимедиа, «Видеоооқ» каби замонавий ва зарурий ўқув техникаси билан таъминланиши, уларнинг ўқув муассасаларида мавжуд бўлиши ҳамда амалиётга татбиқ этилиши бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ўзбек тили ўқитиш методикаси фани янги ютуқлар билан бойитилмоқда, янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмалари яратилмоқда.

Узлуксиз таълим муассасаларида, она тили дарсларида компьютер, кодоскоп ва видеоглаз сингари ўқув техникасидан самарали фойдаланиш мумкин. Чунончи, кодоскоп ёрдамида слайд – жадвалларни махсус экранга тушириш мумкин бўлса, видеоглаз барча тасвиру ёзувларни, кўзга кўринадиган барча жонзоту мавжудотларни, тест топшириқларидан тортиб, иншо матнларигача теле(мульти) экранга чиқариб бериши мумкин. «Видеоглаз»га нисбатан кодоскопнинг имкониятлари анча чегараланган. Кодоскоп фақатгина шаффоф плёнкадаги тасвирларни экранга чиқаришга мослаштирилган. Оқ қоғоздаги тасвир кодоскопда кўринмайди. Шунинг учун экранга туширилиши лозим бўлган ҳар бир тасвир (тест, ёзув, шакл) рангсиз (шаффоф) плёнка варақчаларга рангли фломастерларда ёзилиши мақсадга мувофиқ.

Уйга берилган топшириқни плёнкада бажариб келган ўқувчи ўз ижодий ишини экранга тушириб, ўртоқлари муҳокамасига ташлаши, ўз фикри ва яратган янгилгини ҳимоя қилиши, унинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида (талабалар ва ўқитувчи ёрдамида) аниқ бир хулоса ва ечимга келиши мумкин.

Таълим технологиясида «портлаш» эффеқтини берадиган энг янги техника воситаси бу – Видеооко. Унинг ишлатилиш кўлами, ички имкониятлари бениҳоя кенг бўлиб, ўқитувчидан фидойилик, катта ижодий тажриба ва педагогик маҳорат талаб қилади.

«Видеооко»нинг қулайлиги, бенуқсонлиги шундаки, у видеокамерага ўхшаш кўз вазифасини ўтайди. Унда ҳамма нарса бевосита телеэкран ёки кўчма экранга қайта тасвир учун узатилаверади. Ҳатто ўзи тузган тест топшириғини шарҳлаб бераётган талаба ўз нутқидаги камчиликларни бевосита монитор (телевизор) экранида кўриши ва ўзи баргараф этиши мумкин. Бу ўқув техник восита она тили таълими жараёнини тафаккурнинг мутлақ тантанасига, инсон ақлу заковатининг турли қирраларини очиб берувчи, болага ўз нутқий маданияти, суҳандонлик иқтидорини намойиш қилиш имкониятини яратиб берувчи муҳим синов майдонига айлантиради.

Матн яратишнинг босқичли тизими
(МЯБТ-4 модули)

Сўз танлаш
фаолияти

I. Берилган сўзга товуш-дошлар: *дел-дин, дил, бил...*
маънолошлар: *одам-инсон, шахс...*
зид маъноли сўзлар: *бор-йўқ, қур-буз, тур-утир...*
шаклдошларга маъно-дошлар: *ўт-майса, кўкат-пичан, хашак, ўт-олов, оташ, алаenga...*
уяқдош сўзлар: *тол, терак, қайин...*
Узақдошлар: *бил, бил-им, бил-имдон...*
кўшимчадошлар: *беш-лик, қум-лик, ёш-лик, тез-лик, оғод-лик...*
муқобиллар: *мўҳр, герб, талга...*
қофиядошлар: *очди, сочди, қочди...*
терс (қалб)сўзлар: *мош-шом, зўж-мўз, қий-шиқ, қон-ноқ...*
иборалар: *қайфи ўчди, то би қочди,*
тасвирий ифодалар: *оқ-олтин...*

Сўз бирикмалари
ҳосил қилиш
фаолияти

II. Берилган сўзлар билан:
«от+от»: *тош ўй...*
«сифат+от»: *тинч сўв,*
буёқ зот «от+фезл»: сўл солди, тоғ ошди «сон+от»: учинчи ўғил, беш қил
«от+сифатдош»: *дўо қилган...*
«от+фезл+ар»: *қўлоқ тишлатар... в.ҳ. «олмош+от», менинг орузим каби қопили бирикмалар тузиш.*
Сўз ўзгартувчи қўшимчалар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилиш:
Бизнинг кўча, тонгдаги ўйлар, кўзги ҳосил, шидан қайтиш... в.ҳ.

Гап тузиш
фаолияти

III. Тузилган сўз бирикмаларидан:
Солда ва қўшма гаплар ҳосил қилиш; Шешрқаторлар тузиш;
Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар тузиш;
Услубият машқлари:
Ихчам гапларни кенгайтириш, қўшма гапларни ихчамлаш, шешр қаторларни оддий гап(наसर)ларга, оддий гапларни шешрқаторларга айлантириб кўриш;
Гапла сўзларнинг ўрнини ва ўзини алмаштириб кўриш; Уюшиқ бўлакли ва ажратилган бўлакли гаплар тузиш;
Бир гапни турли маънода (қабар, суроғ, буйруқ, уялдо) талаффуз қилиш;
Гапни таҳлил ва қироат қилиш...

Матн яратиш
фаолияти

IV. Тузилган гаплар (ва шешрқаторлар) дан фойдаланиб кичик насрий матнлар, ривоя ва бадий – рамзий иншолар, диалог, монологлар ёзиш, қизиқиши, иқтидори бор ўқувчилар шешрий турли ва саккизликлар ёзиши мумкин.
Услубият машқлари:
Яратилган матн қурилиши(ҳат боши, МСБ(мураккаб синтактик бутунлик) ривоя), мукамаллик даражаси(кириш асосий қисм ва хулосаларнинг мавжуд-лиги), тили, услубини аниқлаш... в.ҳ.
Яратилган матнни таҳрир ва таҳлил қилиш;
оққа кўчириш

Онглилик принципи. Онглилик билимларни онгли ўзлаштиришга йўналтирилган принципдир. У қуйидаги хусусиятларга эга:

- таълимнинг асосий мақсади, ҳаёт учун зарурийлигини англаш;
- далилий материалларни онгли эгаллаш ва ўзаро фарқлай олиш;
- билимларни ўрганиш, мустаҳкамлаш, такрорлаш; эгалланган ва ўзи эришган натижаларни баҳолай билиш хусусиятларини тарбиялайди.

Демак, она тили ўқитиш методикасида онглилик принципига асосланиш маъно ва мазмунни англаб, тушуниб ўрганиш, амалий вазифалар – сўраш, тинглаш, ўқиш, ёзиш кабиларни бажаришда онгли ўзлаштирилган кўникма ва малакаларга суяниш, ижодий ташаббускорлик, мустақил фаолиятни мақсадли режалаштиришга имкон беради.

Она тили таълимнинг онглилик принципи қуйидагиларни назарда тутади:

1. Ўрганилиши кўзда тутиладиган тил материали ва таълим олувчиларнинг ёш психологияси мутаносиблиги;

2. Нутқий малакаларни мустаҳкамлаш ва тил сезгирлиги (услуг)ни ошириш;

3. Фикр билдиришда мантиқий изчиллик, услубий метёрга аҳамият бериш;

4. Педагогикада энг янги йўналиш – онгли вербал-когнитив таълим – яъни, кашфиёт таълим тизимига асосланиш;

5. Ижодий тафаккур соҳибини тарбиялаш:

- Тилнинг ифода имкониятларидан тўғри ва ўринли, нутқий вазиятларга мос равишда фойдалана олиш;

- Мустақил ва ижодий мушоҳада малакаларини шакллантириш. Ижодий тафаккур куртакларини ривожлантириш;

- Коммуникатив саводхонлик, замонавий техник воситалардан тил ўрганиш жараёнида унумли фойдаланишнинг турли усул ва воситаларини билиш;

- Лингвopsихологик ўқув топшириқлари тизимини она тили таълимига жорий этиш, ўқувчи онгида мустақил мушоҳада юритиш, сўз танлаш ва фикр билдириш эҳтиёжини ҳосил қилишга, кўникма ва малакаларни шакллантиришга, нутқий фаолият кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Матн яратишга йўналтирувчи ўқув-топшириқлар тизими

МЯБТ-4 модели асосида матн яратиш (эвристик ёндошув)

I. «Фонетика» мавзусини ўрганишда МЯБТ-4 модули (ММ) билан ишлаш.

1-топшириқ. Берилган товущдош сўз иштирокида матн яратинг: *Соз,*

1-иш. Унлиларни ўзгартириб янги (пароним) сўзлар ясанг: *Соз, -сўз, -сиз, -суз, -сез...*

2-иш. Янги сўзлардан СБ (сўз бирикмалари) ҳосил қилинг: *Менинг созим, сўзим; Сизнинг мактубингиз, сўзларингиз, текис сузишингиз, созингиз; «Оқимга қарши сузмоқ», брасс усулида сузмоқ, дарёдан сузиб ўтмоқ, сувда сузиш маҳорати, сузиш бўйича спорт мусобақалари, сузиш бўйича жаҳон чемпиони... в.ҳ.*

3-иш. СБлардан содда ва қўшма гаплар, шеърқаторлар тузинг. *Н: Сизнинг брасс усулида сузиш маҳоратингизга ҳамма тан берди. Келгуси йили Тошкент шаҳридаги ЖАР спорт мажмусида сузиш бўйича жаҳон чемпионатини ўтказиш режалаштирилди. Каримжон, оқимга қарши сузишни бас қилинг!*

- Тонг ҳақида қўшиқ куйлар менинг созим,
- Булбулларнинг хонишига жўр овозим,
- Озод элим, минг тасанно ғайратингга,
- Олтин тоғлар қудратингга қилар таъзим... в.ҳ.

4-иш. Тузилган гаплардан фойдаланиб, ижодий матн яратинг.

2-топшириқ. Берилган сўзга бир товуш қўшиб, камайтириб ёки ўзгартириб янги сўзлар ҳосил қилинг. Уларнинг маъносини шарҳланг: **Тош...**

1-иш. *Тош, тиш, тўш, теш, тўш;*

Тош, тошқ, тошир, тўшир, тушим, тушум, тузум, туҳум...

Тиш сўзи *тош* сўздан и унлисини о унлиси ўрнида ишлатиш орқали ясалган. *Туҳум* сўзи *тузум* сўздан з ундошини алмаштириш усулида ясалган... в.ҳ.

2-иш. Ясалган сўзлар иштирокида сўз бирикмалари (СБ) ҳосил қилинг. СБларга маънодошлар танланг.

Ёқут тош, тилла тиш, қизиқарли туш, ёғочни теш, зиракнинг тоши, сутни тоширманг, совғаларни тушир, тушимнинг давоми, катта тушум... в.ҳ.

Маънодошлар: Ёқут тош — ёқут кўз; тилла тиш- олтин тиш, тоза тиш, қизиқарли туш — ҳайратланарли туш, қўрқинчли туш... в.ҳ.

3-иш. Сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Бу ёқут тошли узук менга отамдан мерос қолган. Синглим тилла тиш қўйдириш учун тиш докторига қатнай бошлади. Тонгга яқин кўрган қизиқарли тушимни онамга сўзлаб бердим. Мих ишлатилмасдан ёғочни ўйиб (тешиб) ясалган мебел энг сифатли ҳисобланади. Бу зиракнинг тоши асл гавҳардан.

4-иш. Тузилган гаплардан фойдаланиб, кичик матн яратинг.

Синглим Салима тиш қўйдириш учун докторга қатнай бошлади. Бир куни қарасам, у ниманидир авайлаб, қоғозга ўраб сумкасига солди. Унинг нималиги билан қизиқдим. Билсам, синглим бобомиздан қолган ёқут тошли узукни тиш докторига олиб кетаётган экан. «Ойимнинг хабарлари бор. Ундан тилла тиш яса тирмоқчидан!», – деди у норизо оҳангда.

Синглимга, бу узук бизга бобомдан мерос бўлиб қолганлиги, бобомизга ҳам отасидан мерос бўлиб ўтганлигини гапириб бердим. Ёқут тошли узук сақлаб қолинди. Бундан бутун оиламиз, айниқса, онам хурсанд бўлдилар.

3-топшириқ. Берилган қўш унлили сўзлар иштирокида матн яратинг: таажжуб, матбаа, муаззам, шиор, шоир, муροжаат...

4-топшириқ. Берилган қўш ундошли сўзлар иштирокида матн яратинг: Муаммолар, гуллар, қўллар, битта, ҳаққи, боққа... в.ҳ.

5-топшириқ. Берилган товушга бир товуш қўшиб янги сўзлар ҳосил қилинг. ММ асосида кичик матн яратинг. *О-от, -ол...*

6-топшириқ. Қўш ундошли сўзлар ҳосил қилинг. ММ-матн яратинг: *Ҳакка...*

II. «Сўз таркиби» бўлимини ўрганишда МЯБТ-4 модули-ММ билан ишлаш;

1. Берилган қўшимчадош сўзлар иштирокида матн яратинг;

Ишчи, бошчи, сутчи, тарақчи, ўтинчи (модулнинг 2-,3-,4-ишлари).

2. Берилган қўшимча ёрдамида қўшимчадош сўзлар ҳосил қилинг.

Улар иштирокида матн яратинг. *-лар*

3. Берилган ўзак ёрдамида ўзакдош сўзлар ҳосил қилинг, уларни келишик қўшимчалари билан турланг: *қишлоқ...*

1-иш. Ҳамқишлоқ, қишлоқдош, қишлоқлик, Гул — қишлоқ—лик — лар — имиз — нинг..,

4. Берилган қўшимчалар ёрдамида (*-лик, -чилик, -ги*) сўзлар ҳосил қилинг, ММ асосида матн яратинг:

III. Лексикологияни ўрганишда ММ асосида матн яратиш.

1. Берилган сўзга уядошлар танланг. Улар иштирокида матн яратинг: *Табиб...*

2. Берилган сўзларга маънодошлар танланг, улар иштирокида матн яратинг: *Дарахт...*

3. Берилган сўзга қарама-қарши (зид) маъноли сўзлар танланг. Улар иштирокида матн яратинг: *Тўғри-эғри, қийшиқ, нотўғри...*

4. Берилган шаклдош сўзнинг барча маъноларини шарҳлаб, таснифий матн яратинг: *От...*

5. Тарихий сўзларни рўйхат қилинг. Улар иштирокида матн тузинг: *Кофе , партия, мажлис, музей...*
6. Адабиётга тааллуқли сўзларни топинг. Улардан фойдаланиб, матн яратинг: *Шеър, шоир, баҳсли...*
7. Ҳуқуққа оид илмий атамаларни рўйхат қилинг. Мазкур сўзлар иштирокида матн яратинг: *Суд, қарор, мусодара...*
8. Савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришга оид сўзларни тўпланг. Улар ёрдамида матн тузинг: мол, савдо, тадбиркор...
9. Ҳарбий атамалар иштирокида матн яратинг: *Мудофаа, ҳарбий, сулҳ, аскар...*
10. Нашр ишларига оид сўзларни рўйхат қилинг. Улар воситасида матн яратинг: *Нашриёт, муҳаррир, муаллиф...*
11. Таълим ва тарбияга оид сўзларни ёзиб чиқинг. Улар ёрдамида матн тузинг: *Таълим, савод, интизом, ўқувчи...*
12. Касб тушунчаларига оид сўзларни танланг. Улар иштирокида матн яратинг: *Қассоб, этикдўз, темирчи...*
13. Инсон ва башариятга оид сўзлар ёзинг, улардан фойдаланиб, матн яратинг: *Одам, шерик, насаб, миллат...*
14. Қон-қариндошлик сўзларини рўйхат қилинг. Улар ёрдамида матн яратинг: *Бобо, амма, тоға, хола...*
15. Байрам, тўй ва аза маросимларига оид сўзлар топинг. Улар иштирокида матн яратинг: *Таваллуд, тўй, никоҳ, марҳум...*
16. Инсон ва ҳайвон тана аъзоларига мансуб сўзларни танланг. Тана аъзоларини ўрганадиган фан йўналишида матн яратинг.
17. Турли касалликлар ва улар билан боғлиқ тушунчаларни жамланг. Улар иштирокида тиббиётга оид матн яратинг. *Касал, шифо, жарроҳ, ...*
18. Яшаш жойлари, ва турар жойларга алоқалар сўз ва атамаларни тўпланг ҳамда улар ёрдамида матн яратинг: *Ватан, бино, айвон, маҳалла...*
19. Табиат ҳодисаларини номловчи сўз ва тушунчалар (сўз ва тушунчалар (сўз бирикмалари)ни топинг. Улар иштирокида кичик (географик) матн яратинг. *Бўрон, ҳаво, нур, зилзила...в.ҳ.*
20. Замон ва вақт тушунчасини номловчи сўзларни гуруҳланг. Улар ёрдамида тарихий матн яратинг: *Адабий, айём, мавсум, муҳлат, йил, фурсат...в.ҳ.*
21. Дунёнинг географик томонлари ва ўрин-жойларни атовчи сўзларни гуруҳланг. Улар иштирокида матн яратинг: *Фарб, Шарқ, тараф...*
22. Астрономияга оид сўзларни жамланг ва кичик илмий матн яратинг: *Қитъа, планета, коинот, фазо...*
23. Қуш ва ҳайвон номлари атовчи сўзларни гуруҳланг. Улар иштирокида матн тузинг: *Товус, ҳашарот, саман, булбул...*

24. Ўсимлик ва дарахт номларини атовчи сўзларни ёзинг. Улардан фойдаланиб матн яратинг: *Зайтун, лимон, хина... в.ҳ.*

25. Озиқ-овқат ва ичимликларни номловчи сўзларни рўйхат қилинг: Улар иштирокида матн яратинг:

Таом, шакар, ҳолва, қанд, мураббо, палов, лимонад... в.ҳ.

26. Кийим-кечак ва зийнат буюмларини атовчи сўзларни гуруҳланг. Улар иштирокида матн яратинг. *Марварид, узук, зирак, либос... в.ҳ.*

27. Аниқ вазифалар бажариш учун инсон томонидан ясалган буюмлар номларини рўйхат қилинг. Бу сўзлардан фойдаланиб матн яратинг:

Қулф, соат, сандиқ, шам, ҳовуз, ханжар, пичоқ, қайчи... в.ҳ.

28. Товуш ва нутқ тушунчалари билан боғлиқ сўзларни топинг. Шу сўзлар иштирокида матн яратинг: *Товуш, ибора, гап, нутқ, суҳбат... в.ҳ.*

29. Ёзма ҳужжатлар ва уларга боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи сўзларни жамланг ва матн яратинг: *Мактуб, ариза, имзо, эълон, ҳужжат... в.ҳ.*

30. Табиий қазилма бойликларини номловчи сўзлар рўйхатини тузинг. ММ асосида матн яратинг: *Олтин, нефть, газ...*

31. Модал ва кириш сўзларни рўйхат қилинг. ММдан фойдаланиб матн яратинг: *Табиий, майли, шубҳасиз, албатта, кошки, дарвоқе, эҳтимол ...*

IV. Синтаксис бўлимини ўрганишда МЯБТ-4 модули билан ишлаш;

1. Берилган сўз бирикмалари иштирокида кичик ММ матн яратинг: *қизил олма, катта бог, мевали дарахт... в.ҳ.*

2. «Бизнинг оила» мавзусида матн тузинг. Унда қуйидаги сўз бирикмалари иштирок этсин: *Катта оила, дастурхон атрофида, суҳбат қурмоқ, ёрдам бермоқ... в.ҳ.*

3. Берилган иборалар қатнашган кичик матн яратинг: *Тарвузи қўлтигидан тушмоқ, хамирдан қил суғургандай... в.ҳ.*

4. Берилган гапларни давом эттиринг:

Ўлкамизга баҳор кириб келди-ю...

Мен ҳар куни эрталаб жисмоний тарбия билан шуғулланаман... в.ҳ.

5. Берилган матн асосида янги матн яратинг:

Мен ёшлигимдан адабиёт фанига қизиқаман, чунки бу фан менга олам-олам завқ бағишлайди. Унда аждодларимиз орзуси, хоҳиш иродаси, қадим тарихнинг залворли, шонли саҳифалари, қадриятларимиз жилоси воқе бўлади, жонланади.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ПРИНЦИПЛАРИ

Тилшунослик фанида ўрганиладиган билимларнинг асослари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил баён этилади. Тилда нимани, қандай, қан-

ча, ўрганиш, ўзлаштириладиган билимлар ҳажми ва мазмуни каби масалалар билан методика фани шуғулланади.

Демак, тил ўқитишнинг методик принциплари ҳам тилшунослик, ҳам услубшуносликнинг ўзига хос хусусиятларига кўра белгиланади.

Ижодий тафаккурни ривожлантириш. Ижодий тафаккур ижодий излаш, мустақил фикрлаш орқали ривожланади. Натижада:

— ўқувчидаги номаълум бўлган тил ҳодисаларини билиш жараёни фаоллашади;

— эгалланган билимларнинг пухталиги ва қизиқарлилиги таъминланади;

— тил материалларини билишга қизиқиш ортади. Ижобий ўқув мотивлари шаклланади.

Демак, тафаккурни ўстириш — тил машғулотларида тил ҳодисаларини кузатиш, таққослаш, тасниф қилиш, умумлаштириш, ўхшаш воситалардан энг қулайини тўғри танлай олиш кўникмаларини шакллантириш асосида юзага келади.

Тил ўқитиш методикаси олдида турган долзарб вазифалардан бири нутқ маданиятини ривожлантиришдир. Нутқнинг ифодалилиги ва таъсирчанлигини (сўз урғуси ва мантиқий урғу, пауза ва овоз тембри, нутқ суръати, товуш, бўғин, сўз, гапларни равон айтиш, гап мазмунига кўра дарак, сўроқ, буйруқ, ундов оҳанги билан айта олиш) таъминлашга хизмат қилувчи кўникма ва малакалар ҳам она тили машғулотларида шаклланади.

Тилнинг барча бўлимлари ҳам нутқий маҳоратни ривожлантиришда кенг имкониятга эга.

Масалан: «Фонетика»ни ўрганишда сўздаги маълум бир товушни ўзгартириб, товушдош, сўзлар ҳосил қилиш, шунингдек, ўзакдош, қўшимчадан қофиядош, оҳангдош сўзлар ясаш, уларнинг луғавий маънолари ҳамда маъно гуруҳлари устида ишлаш ўқувчи сўз бойлигини оширади, нутқий малакаларини шакллантиради.

1-топшириқ. Берилган сўзни зинапоя шаклида кенгайтириб, янги сўзлар ясанг. Ҳар бир сўз олдингисидан бир товуш билан фарқлансин.

О	Л					
О	Л	А				
О	Л	А	М			
О	Л	И	М			
О	Л	И	М	А		
О	Л	И	Н	М	А	

1.2. Ҳосил қилинган сўз маъносини шарҳланг.

1.3. Улардан сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

1.4. Мазкур бирикмалар иштирокида гап тузинг.

«Лексикология» ни ўрганишда сўзнинг ўз ва кўчма маъносини фарқлаш, кўп маъноли, маънодош, уядош, шаклдош зид маъноли, пароним сўзлар устида ишлаш — ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитишга, нутқий маданиятни шакллантиришга хизмат қилади. Ёш авлод қалбида ўз она тили билан фахрланиш, унга муҳаббат ҳиссини гарбиялайди. Намуна:

1-топшириқ. Қуйида берилган гапларни ўқинг. Бош сўзи қайси маънода эканлигини аниқланг ва шарҳланг.

1.1. Ойбекнинг боши оғриди. 1.2. Ойбекнинг боши яхши ишлайди. 1.3. Урушда қанча баҳодирларнинг боши кетди. 1.4. Фермерга ўн бош қора мол берилди.

2-топшириқ. Гапларни ўқинг. Қайси гап ўз маъносида, қайсиси кўчма маънода ишлатилганини айтинг.

Навоий асарларини ўқийман – Навоийни ўқийман.

Абдулла Орипов шеърларидан ёд олдим – Абдулла Ориповни ёд олдим.

Самовардагй сув қайнади – Самоварда ўтирдик, чойхўрлик қилдик.

Она тили дарсларида лингвопсихологик топшириқлар устида ишлаш ақлий фаолиятни ривожлантиради, талабаларда диққат, хотира, тафаккур каби интеллектуал қобилиятларни ўстиради, мустақил ва ижодий изланишга ўргатади.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

Она тили таълимининг самарадорлиги таълим принципларига риоя қилиш билан бирга таълим методлари ва усулларини тўғри танлашга ҳам боғлиқ.

Метод (юнонча) – муайян мақсадга эришиш, аниқ вазифани бажариш усули, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш (билиш) усуллари мажмуи⁷.

Метод тушунчасининг фалсафий маъноси ҳодисаларни кузатиш ва уларни илмий жиҳатдан тасниф қилиш бўлса, унинг дидактика ўрганадиган томони талабани билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш ва уларни амалиётда қўллаш демакдир.

⁷ Қаранг: Энциклопедик луғат. -- 1-1 том, 512-бет

Педагогика фанлари доктори, методист-олим А.Қ.Фуломов таълим методларини қуйидаги турларга бўлиб ўрганишни тавсия этади:

1. Ўқитувчи фаолияти билан боғлиқ методлар:

- билимларни тайёр ҳолда баён этиш методи;
- билимларни суҳбат воситасида баён қилиш методи;
- билимларни муаммоли йўл билан баён қилиш методи.

2. Талаба фаолияти билан (5-жадвал) боғлиқ методлар:

- репродуктив (тайёр ўқув материали билан ишлаш) метод;
- қисман изланувчанлик;
- изланишга асосланган методларга бўлиш мумкин.

Она тили ўқитиш методикасининг таълим методлари ижтимоий-тарихий тараққиёт билан бир қаторда кенгайиб, ривожланиб бормоқда.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Умумтаълим мактаблари учун Давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши таълим тизимига муайян инсон шахсини мақсадли ривожлантиришга қаратилган талабларни қўйди. Янгиланган таълим методикаси умумжаҳон педагогикасида самарали ҳисобланган онгли вербал-когнитив таълим тизимига асосланган ҳолда ривожлантирилиши, интерфаол методлар асосида такомиллаштирилиши замон талабига мос, миллий меъёрларга уйғун бўлиши зарур.

Юқорида санаб ўтилган анъанавий таълим методларини чуқур ўрганиш, ривожлантириш ва умумжаҳон таълим методларига яқинлаштиришга уриниш қуйидаги натижаларни беради:

1. Тайёр билимлар билан қуролантириш методи:

- дарслик ва ўқув қўлланмаларига асосланиш;
- кўргазмали дидактик воситаларга асосланиш (аудио-видео кассеталар, муайян мавзудаги магнитофон ёзувлари, она тилидан слайд-жадваллар, ўқув компьютер дискетлари, дарс мавзуларни ёритиш учун мўлжалланган ўқув расмлари, портрет, пейзаж (ранг-гасвир), тайёр бадиий-рамзий, маърифий матнлар).

2. Йўналтирувчи таълим методи. Ўқувчи фаолиятини босқичли, тизимли йўналтирувчи (ёзма ва оғзаки) топшириқлар асосида жадаллаштириш.

3. Муаммоли таълим методи.

4. Онгли – вербал когнитив таълим методи. (Кашфиёт таълим методи).

Юқоридаги таълим методларига асосланган ҳолда талаба фаолиятини қуйидагича таърифлаш мумкин:

1. Онгли кузатиш ва хотирада сақлаш методи.
2. Йўналтирувчи топшириқлар ёрдамида изланиш ва хулосалар бериш, баҳс ва мунозара методи.

3. Муаммони ечишга қаратилган, мақсадли ижодий фаолият методи.

4. Мустақил ва ижодий изланиш орқали кашф қилиш (матн яратиш) методи.

Талабалар юқоридаги методлар ёрдамида ўзи эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради, амалий-ижодий татбиқ билан шуғулланади.

Тайёр билимлар билан қурооллантириш методи таълим тизимида энг қадимий ва синалган усуллардан бири.

Бу метод билан ишлашда ўқитувчи ортиқча толиқмайди: олдиндан тайёр, талаба учун тушунарли ҳолатга келтирилган ўқув топшириқлари ва машқларни бажаришни тавсия қилади. Ўқув-техник воситалардан самарали фойдаланади.

Ўқитиш методларини танлашда қуйидагиларга амал қилиш керак:

— она тили изчил курсининг айрим мавзуларини ўрганиш репродуктив (тайёр ўқув материали билан ишлаш) ва муаммоли таълим (изланувчанликка асосланган ўқитиш) методларини биргаликда олиб бориш;

— тил ўқитиш методларини танлашда ўқувчиларнинг табиий қобилияти, ўзлаштириш даражаси, мустақил ишлаш имконияти, ёш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш. Билимларни мустақил эгаллашда материалларнинг ўзига хос хусусиятларига ҳам эътибор бериш.

Масалан: «Лексикология» ни ўрганишда сўз маъносини аниқлаш: — матндан бир маъноли ва кўп маъноли сўзларни топиш;

— берилган матндаги нотаниш сўзлар маъносини изоҳлаш;

— уларнинг маънодошлари, зид маънолиси, шаклдошлари, уядошлари билан ишлаш;

— турли луғатлар ёки қўшимча адабиётлар билан ишлашни ўрганиш.

5-жадвал

Муаммоли таълимда ўқитувчи ва талаба фаолияти

Ўқитувчи фаолияти	Талаба фаолияти
1. Мавзуга оид муаммони танлаш ва тушунтириш.	1. Муаммони англаб етиш ва ечимини топишга уришиш.
2. Талабани муаммонинг ечимини тўғри танлашга йўналтириш:	2. Муаммонинг ечимини топишга оид таҳлилда фаол қатнашиш. Алоҳидаликларни ажратиш, ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш, шарҳлаш, танлаш.

3. Муаммонинг ечими асосида мавзу материалини изчил баён қилиш.	3. Ечим вариантлари орасидан энг тўғриси, энг маъқулни танлашни ўрганиш. Ечим матнида мавжуд бўлган нуқсон ва ғализликларни бартараф этиш.
4. Мавзу бўйича умумий хулосалар чиқариш.	4. Хулосаларни ўртоқлашиш ва ҳукм чиқариш.
5. Хулоса ва натижаларни амалиётга татбиқ этишга оид машқлар ва кўрсатмалар бериш.	5. Эгалланган билим ва малакаларни амалий ишга татбиқ этишни ўрганиш.
6. Эгалланган билим даражасини аниқлаш ва назорат қилиш.	6. Ўз-ўзини ва ўртоқлари билимини мустақил назорат қилиш (тест тузиш ва ечиш).

Демак, таълим методини танлашга дарснинг аниқ мақсади ва вазифаларидан, материал мазмунидан, ўқув имкониятидан келиб чиқилсагина, талабаларнинг ўзлаштириш даражаси, тил ҳодисаларига қизиқиши ортади, уларда оғзаки ва ёзма нутқ малакаларининг шаклланиши ва такомиллашувига эришилади.

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримов Республика Олий мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқларида жамиятимизнинг янгилиниши, тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислохотларимиз самараси – замон талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш билан боғлиқлигини қайд этади.

Таълимдан асосий мақсад болаларга билим беришгина эмас, балки билим олиш йўлларини ўргатиш, уларни таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш демакдир. Янгича ижтимоий, иқтисодий шароитда она тилини ўқитиш мазмунини такомиллаштириш, дарсларни жаҳон андозаларига мос равишда ташкил қилиш талаба фаоллигини оширадиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Нутқий фаолиятда ҳар бир тил ҳодисасининг ўз ўрни, ўз вазифаси бор. Ёшлар тил имкониятидан вазиятга қараб фойдаланиш малакасига эга бўлишлари, ўз фикрини аниқ ифодалашга, зарур бўлган сўз ва гап шакл-

лари, ибора ва тасвирий ифодаларни танлай ва қўллай билишлари давр талабидир. Бунинг учун она тили ўқитувчиси ўз ихтисослигини пухта билиши, илғор педагогик технология ҳамда замонавий ўқув – техник воситаларидан яхши хабардор бўлиши лозим. Шундагина таълим самараси ҳам, ўқитиш даражаси ҳам юқори бўлади.

Она тилидан дарс берувчи ўқитувчи ҳақиқий ижодкор бўлиши, таълим жараёнида ўқувчининг мавзунини тинглаш, англаш, эркин ва мустақил фикрлаш, қиёслаш, фарқлаш, алоҳидаликларга ажратиш ва тасниф қилишга йўналтирилган фаолиятини рағбатлантириши, ўз фикри, ғояларини ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларининг шаклланишини назорат қилиши, бошқариши даркор. Шунингдек, у ёшларнинг ахлоқий-маънавий тарбияси билан шуғулланиши, уларга шарқона мулоқот одоби, миллий анъаналаримизга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуси каби зарурий хислатларни сингдира билиши лозим.

Ўқув машғулотларини янги замонавий шакл ва усулларда ташкил қилиш, талабаларни дарс жараёнида мақсадли бошқара олиш, айни кунда ўқитувчилик фаолиятининг бош мезони деб қаралмоқда.

ЗАМОНАВИЙ ДАРС ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Анъанавий йўналишдаги дарс дидактик мақсадига кўра: янги билимларни ўзлаштириш; ўрганилган билимларни амалий татбиқ этиш орқали мустаҳкамлаш; ўтилганларни такрорлаш; билим ва малакаларни мустаҳкамлаш; талаба билимини назорат қилиш ва баҳолаш; уларни бир тизимга келтириш каби турларга эга эканлиги педагогика фанидан яхши маълум. Аммо башариятнинг иқтисодий ижтимоий равнақи, илму-фан соҳаларидаги янги-янги ютуқлар таълимнинг асосий воситаси бўлган **д а р с** (машғулот) ва унинг турларининг кўпайишига, такомиллашувига олиб келди.

Эндиликда дарсларнинг янги типлари ва шакллари ҳақида қатор илмий – методик ишлар⁸ мавжудлигини ҳисобга олиб, биз улардан иккитаси ҳақида тўхтаб ўтишни лозим кўрдик.

1. Илғор педагогик технологияга асосланган замонавий дарс турлари ва шаклларини қўллаш, талабанинг таълим жараёнидаги ўрни, унга янги-ча ёндошув, янгича муносабатни таъминлаш, мазкур жараёни моҳирлик ва идрок билан бошқариш демакдир.

⁸ Қаранг. О.Розиқов. Ўзбек тилидан дарс типлари. — Т.: «Ўқитувчи». 1976.

Ўзбек адабиётидан дарс турлари. Тузувчилар: А.Рафиев, Н. Фуломова. Р. Келдиёров. — Т.: 1999.

Қуйида илғор педагогик технологияга асосланган дарс турларининг ўзига хос томонлари ҳақида фикр юритамиз.

Мусобақа дарслари

Она тили таълимида мусобақа дарсларини ўтказишдан мақсад ўқувчининг тил дарсида олган билимларини синаб кўриш, ўзаро мунозара – мулоқот жараёнида тил имкониятларидан фойдалана билиш, нутқий маҳорат, тез ва аниқ фикрлаш даражасини, муаммоли вазиятлардан чиқа олиш малакасини баҳолашдан иборатдир.

Мусобақа дарслари ўқувчиларда фаоллик, топқирлик, зукколик фазилатларини шакллантиради, уларни мустақил ижодий мушоҳада юритишга одатлантиради, зарур ва фойдали кўникмаларни ҳосил қилишга ёрдам беради.

Самарали дарс шаклларида бири бўлган мусобақа дарси тил машғулотларининг қизиқарли ўтиши ва ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминловчи воситадир. Мусобақа дарслари учун мавзулар: «Нутқ говушларининг сири», «Сўз ҳарфидан сўз ясанг», «Тиниш белгилари мусобақаси», «Сўзшунослар анжумани», «Заковат» дарслари... в.ҳ.

Баҳс – мунозара дарслари мусобақа дарсларида ечиб улгурилмаган, бирор тўхтамга келинмаган масалаларни ойдинлаштириш, тўғри, аниқ ҳукм ва мухтасар хулосалар чиқариши билан фарқланади.

Баҳс – мунозара ўқувчилардан ҳушёрликни талаб этади. У мустақил ва жадал фикрлашга, ҳозиржавобликка, айтилган фикрнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида ўйлашга ва ўз фикрини мантқиқли ва изчил исботлашга ўргатади.

Ўзаро тортишув ва баҳс оқибатида энг тўғри ва маъқул ечимга келинади. Ўқувчи баҳс – мунозара орқали қарши томоннинг ишонарли далилларини тинглайди, ўз «мен»ини англаб этади, ўз дунёқарашини, илмий-ижодий тафаккури кўламини, ҳақ ёки ноҳақ эканлигини тўғрисида, ўзи мустақил хулоса чиқаради. Ўз фикрини ҳимоя қилиш учун турли усул ва воситаларни ишга солиш, ижодий фикрлаш, тил имкониятларидан унумли фойдаланишга ўрганади.

Баҳс – мунозара дарсини самарали ўтказиш учун талабалар муҳокама қилинадиган матн ёки мавзу бўйича кенг тушунчага эга бўлишлари, уни яхши ўқиб, ўрганиб чиққан бўлишлари даркор.

Мазкур дарсларда, талаба – *ишловчи, фикрловчи, изланувчидан* ташқари, *назорат қилувчи* вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун ўқитувчи талабалардан баҳс – мунозара дарсининг қўйидаги талабларини бениқсон бажаришини талаб қилиши лозим.

- баҳс-суҳбатда фаол иштирок этиш;
- сўзловчи фикрини диққат билан тинглаш;
- ўз фикрини шошмасдан, батафсил ифодалаш;
- мунозара давомида суҳбатдошига нисбатан ҳурмат сақлаш;
- нутқ одоби ва маданиятига риоя қилиш;
- мавзудан четга чиқмаслик;
- ўз фикрини исботлашда аниқ, ишонарли далиллар топиш;
- баҳслашаётганларнинг ҳақ эканлиги билинса, уни тан ола билиш... в.ҳ.

Баҳс – мунозара дарслари тавсия қилинаётган талаблар асосида ташкил қилинса, дарс самараси ошади, талабада нутқий маданият шаклланади.

Она тили методикасида илғор педагогик технологияга асосланган дарс турлари тил таълими самарадорлигини оширибгина қолмай, унинг таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Дарс машғулотларини ранг-баранг замонавий техник воситалар иштирокида ташкил қила олган ўқитувчи қисқа вақтда ўқувчиларнинг эгалланган билими, дўстларига муносабати, муомала маданияти, фикр доираси, сўз бойлиги, нутқий салоҳияти ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Илғор технологияга асосланган дарслар ўқувчи ва ўқитувчи ўртасида тенг, дўстона муносабат қарор топишига шароит яратади. Ўқувчи дарсда ўзини эркин ҳис қилади, машғулотларга қизиқиши, сўз санъати билан шуғулланишга, ижодга рағбати ортади.

Илғор методист ўқитувчиларимиз дарс самарадорлигини оширишнинг янги-янги воситаларини ўйлаб топмоқдалар. Уларни замонавий ўқув техника воситаларига таяниб, дарс жараёнига татбиқ этиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар.

ТИЛ МАШҒУЛОТЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШДА ЎҚУВЧИ → ТАЪЛИМ → ЎҚИТУВЧИ ТИЗИМИГА АСОСЛАНИШ

Дарс — ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлигида, дастур ва дарсликлар асосида, изчил тартиб ва олдиндан белгиланган йўсинда, доимий ўқувчилар жамоаси билан ўтказиладиган, таълимнинг етакчи шакли саналади. Қисқа қилиб айтганда, дарс – инсон тафаккури, маҳсули – билимни ёшларга сингдиришнинг асосий шакли.

«Буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, тараққиёт ва истиқболимиз, ислоҳот ва режаларимиз тақдири, замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали, онг-

ли мутахассис тайёрлаш»⁹ да дарс машғулоти муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли унга қўйиладиган талаб ҳам ижтимоий тараққиётга мос равишда доим ўсиб боради. Дарсларда ўрганиладиган билимлар тизими фаннинг сўнгги ютуқларига асосланиб, танланган компьютер дастурларига киритилган бўлиши зарур. Акс ҳолда жуда таълим субъектларида ўқув машғулотларига қизиқиш сусаяди.

Она тили ўқитиш методикасида ўқув режалари лойиҳасини қандай тузиш масаласи доимий долзарб муаммолардан ҳисобланади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда комплекс лойиҳаларга асосланган ўқув режалари тузилиб, унда ҳаётнинг турли соҳаларига оид билимлар — ўқув мавзулари ва ўқув предметлари бир комплексга бирлаштирилади, яхлитланади.

Она тилини ўрганишда йиллик режа, мавзуй режа ва кундалик дарс режасидан фойдаланилади.

Йиллик режа дастур ва дарслик асосида тузилиб, малака ошириш институтлари орқали тарқатилади. Мазкур режа асосида ярим йиллик ва чораклик режалар ўқитувчилар метод бирлашмаси томонидан ёки алоҳида ўқитувчи томонидан тузилади. Ушбу режаларга (тил материалларидан баъзиларини олиб ташлаш ёки қўшишдан ташқари) ижодий методик ўзгаришлар киритилиши мумкин.

Бир соатлик дарс режасини ҳар бир ўқитувчи ўқувчиларнинг ички ва ташқи имкониятлари, нутқий кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда тузиши лозим. Дарс режасида она тили машғулотига қўйиладиган ДТС талаблари ҳисобга олинади.

1995 йилда А. Ғуломов ва Ҳ. Неъматовларнинг «Она тили таълими мазмуни» методик қўлланмаси нашр этилди. Ушбу қўлланма таълим мазмунини янгилашда асосий мезон вазифасини ўтади. Қўлланма талабига кўра:

- тил сатҳларини (бўлим) ўзаро боғлиқликда ўрганиш;
- фонетика, лексика, грамматикани ўрганишда хусусийликдан умумийликка, оддийдан мураккабга, таҳлилдан қоидага томон бориш;
- лексикологиянинг бошқа тил бўлиmlарини ўрганишда асосий, ривожлантирувчи вазифани бажаришини таъкидлаш;
- лексикология тил ўқитиш методикасининг таркибий қисми эканлигини амалиётда исботлаш;
- шу билимларга оид кўникма ва малакаларни илғор педагогик технологияга асосланган ҳолда мустаҳкамлаш ҳамда амалиётга жорий этиш яхши самара беради.

⁹ И.А. Каримов. «Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили». — Т.: 1995.

Бундан хулоса шуки, ўқув режалари, тил сатҳларининг узвий алоқа-дорликда ўрганилишини таъминлаши¹⁰, билим, кўникма ва малакаларни босқичли, ўзаро кетма-кетликда ва бўлимлараро боғланишда ривожлан-тирилишини ҳисобга олиши зарур.

Ўқув режаси ва дарс баёнида ўқитувчи фаолияти ва ўқувчилар бажа-радиган амалиётлар, машқлар ва бошқа мустақил ишларнинг ҳажми бел-гиланади. Таянч тушунчалар, техник воситалар, кўргазмали қуроллар номи ва вазифаси кўрсатиб ўтилади. Ўқувчиларнинг ёши, қизиқиши, қоби-лияти, тайёргарлик даражаси, тинглаш, англаш ва фикр ифодалаш имко-ниятлари ҳисобга олинади.

Ўқув бўлимлари ва мавзуларига ажратилган ўқув соатлари дарс маш-ғулотларини ташкил этиш, билим, кўникма ва малакаларни шаклланти-риш ва назорат қилишда меъёрий ҳужжат саналади.

Таълим жараёнида «ўқувчи-ўқитувчи» фаолияти. ДТС талабига кўра, ўқувчи таълим жараёнининг фаол субъекти сифатида ўзи изланиши, тил ҳодисаларини кузатиши, фарқлаши, таҳлил ва тасниф қилиши, хулосала-ши лозим. Шундай усуллар билан ишлаш орқалигина биз уларда муста-қил ва ижодий тафаккурни шакллантиришимиз, ривожлантиришимиз мум-кин.

Янгиланган таълимнинг онглилик принципига асосланган мазмун-мо-ҳияти қуйидагича белгиланди:

— Дарс жараёнига кузатиш, англаш, билиш, амалда қўллаш учун за-рур бўлган тил воситалари, имконият ва меъёрларнинг изчил тизимини татбиқ этиш;

— Нутқий фаолиятни жадал ва тўғри шакллантиришда замонавий ин-новацион технологиялар эришган ютуқларга таяниш;

— Узлуксиз таълимда компьютерлаштирилган янги авлод ўқув адабиёт лари(электрон дарслик ва маъруза матнлари . мультимедияли ўқув дастур-лари, элетрон ўқув қўлланмалар)дан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

— Нутқий салоҳиятни шакллантиришда оғзаки ва ёзма нутқ меъёрла-рига амал қилиш. Шундагина талаба фикр билдиришга шошмасликка, мустақил мушоҳада юритишга, сўзлашдан олдин ҳар бир сўзни ўйлаб кўришга, шароитга мос сўз танлаш ва ўз нутқида ўринли ишлатишга ўрга-нади.

Унда сўзга масъуллик ҳисси пайдо бўлади, ихчам, раван ва расо сўзлаш-га одатланади.

¹⁰ Қаранг. А. Фуломов, Г. Неъматов. Она тили таълим мазмуни. — Т.: 1996.

Мустақиллик туфайли юз бераётган ҳозирги янгиланишлар, таълим соҳасидаги ислоҳотлар умумжаҳон андозаларига мос келадиган, замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёни билан чамбарчас боғлиқ.

Шундай экан, аввало, ўқитувчига фаннинг сўнгги ютуқларига асосланган замонавий билим бериш, уларнинг маълумоти ва малакасини оширишда «...бир қолипдаги таълим–тарбия тизимига хос сарқитлардан қутулиш» зарур. Ёшларнинг илмий ижодий фаолиятини чегараламайдиган, уни фаол ижрочига эмас, балки фаол ижодкорга айлантирадиган **кашфиёт таълим усули** билан ишлаш, **ўқувчи-ўқитувчи муносабатларини тўғри йўлга қўядиган самарали имкониятларни топиш ва ишга солиш** демак.

ОНА ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ўзбек тили мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат тили деб қонунлаштирилгандан кейин халқ таълими олдида Республика тараққиёти учун хизмат қиладиган тадбиркор ва ижодкор инсонни тайёрлаш масаласи қўйилди.

Она тили машғулотида ёшларни эркин ва мустақил тафаккур эгаси, ижодий изланувчан, миллий ғоя ва аждодларимиз анъаналарини эъзозлайдиган, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашда она тили ўқитувчисининг масъулияти катта.

Дарсга тайёрланиш жараёни ўқитувчи педагогик маҳоратининг шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Дарсга тайёрланиш тартиби қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ:


— Дарсни замонавий педагогик технология асосида ташкил қилиш, мақсад ва вазифани тўғри белгилаш;

— Талабаларга миллий мафкура ва истиқлол ғояларини сингдириш;

— Дарс мавзусини мукамал ёритишга хизмат қиладиган замонавий ўқув – техника воситаларидан унумли фойдаланиш;

Талабани тил ҳодисаларини кузатиш, фарқлаш ва шарҳлашга йўналтирадиган компьютер дастурлари, мультимедиа, кодоскоп ва «видеоко» хизматидан фойдаланишга ўргатиш;

**«Ўқувчи — таълим — ўқитувчи» тизимида
ўзаро ҳамкорлик муносабатлари**



Ҳар бир топшириқни бажариш жараёни субъект учун янги муаммоларни ечиш ёки нимадир (матн, шеър, баён, иншо в.ҳ.) яратиш (ўзида мавжуд билим, малака ва иқтидордан онгли равишда ижодий фойдаланиш) билан яқунланади.

— Талабанинг эркин, мустақил ва ижодий фикрлаши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиб бериш;

— Ўқув дастурлари, ДТС талабларини тўлиқ ва мукамал амалга ошириш;

— Эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини мунтазам кузатиб бориш ва талабани объектив баҳолаш;

— Ўрганилган мавзуни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва умумлаштиришга мўлжалланган коммуникатив жадваллардан мунтазам фойдаланиш;

— Ҳар бир машғулот сўнгида талаба имкониятига қараб, уй вазифаси бериш ва унинг тўғри бажарилганлигини назорат қилиш;

— Талаба нутқини янги пайдо бўлган сўзлар билан бойитиш;

— Нутқий маданият меъёрларини сингдириш;

— Талабаларнинг қиёсий тасниф, алоҳидалаш ва гуруҳлаш кўникмаларини шакллантириш, матн таҳлили ва матн яратиш билан мунтазам шуғуллантириш;

— Муомала – мулоқотнинг шарқона одоб ва ахлоққа асосланган анъанавий усулларида самарали фойдаланиш;

Айниқса, ёш ўқитувчилар ижодкор, изланувчан мураббийлар тажрибасини ўрганиш ва амалиётга жорий этишда фақат тақлид қилмасдан, ўз ўқувчиларининг ёши, ўзлаштириш даражаси, синф жамоасининг тайёргарлигига қараб дарсни ташкил этиши; ўқитиш принциплари ва воситаларига тўғри амал қилиши; она тилидан билимлар тизимининг босқичли кетма-кетликда ва бўлимлараро ва фанлараро боғланишда бўлишига эътибор беришлари зарур.

ОНА ТИЛИ ДАСТУРИ ВА ДАРСЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

Ўқув дастури тегишли ДТС ҳамда ўқув режасига таяниб юзага келадиган муҳим давлат ҳужжатидир. У ДТСни амалга оширишда таянч манба ҳисобланади. Бутун ўқув жараёни ана шу давлат ҳужжатида таянган ҳолда ташкил этилади. Дастур ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган билимлар ҳажмини, оғзаки ва ёзма нутқ малакаларининг эгалланиши лозим бўлган даражасини белгилаб беради. У она тили таълимининг мақсади, вазифалари ва мазмунини муайянлаштиради.

Академик лицейларнинг ўқув режаларига мувофиқ аниқ ва табиий фанлар йўналишида она тили фанининг миқдорий кўрсаткичлари қуйидагича: «Давлат тилида иш юритиш» (40 соат), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (176 соат), «Нутқ маданияти» (32 соат).

Ижтимоий – гуманитар ва хорижий тиллар йўналишида «Давлат тилида иш юритиш» (40 соат), «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (216 соат), «Эски ўзбек тили» (72 соат), «Нутқ маданияти» (32 соат) предметлари кўзда тутилган. Уларга тегишли миқдордаги соатлар ажратилган. Касб - ҳунар коллежларида она тили дарслари учун 40 соат ажратилган.

Дастур академик лицейларнинг ҳар бир босқичи учун алоҳида талаблар тизимини кўзда тутди. Унда она тилининг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганишнинг ҳажми, мазмуни ва изчиллиги кўрсатилган.

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» дастурида амалиёт ва назариянинг узвий алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда хорижий тажрибаларга асосланиб, Н–назария ҳамда А–амалиёт рукни остида тегишли материаллар берилди¹¹.

Дастурда академик лицейлардаги она тили ўқитишнинг асосий вазифалари қўйидагича кўрсатилган:

- ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш;
- фикрни оғзаки ва ёзма шаклда она тилининг қонун - қоидаларига мувофиқ равишда тўғри ифодалаш;
- бир маънони турли шаклларда бера олиш кўникмасини шакллантириш;
- ўзбек тилининг ички тузилиши ва тузилиш бирликлари юзасидан умумий ўрта таълимда олган билимларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- орфография ва пунктуация қоидаларини сингдириш;
- иш қоғозларини юрита олиш кўникмасини шакллантириш;
- турли жанрларни ўрганишда она тилининг аҳамиятини сингдириш¹².

Она тили дарсликларида берилган назмий ва насрий матнларда миллий тафаккур, миллий ғоя, маънавий қадриятлар, шарқона одоб— ахлоқ намуналари акс этиши керак. «Эски қолипда бўлган дарсликлардан, эски мафкурадан халос бўлмасдан, болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз», дейди республикамиз президенти И.А. Каримов ўз нутқида.

Ҳақиқатда ҳам, шу кунгача амалда қўлланиб келинган она тили таълими мазмуни 50-йилларнинг ўрталарида шаклланган. У тилнинг грамматик қурилиши ва илмий тушунчаларни ўзлаштиришга қаратилиб, ўқувчи тил ҳодисаларини таҳлил қилиш, уларни қуруқ ёдлаш билан банд бўлди. Маълумотларнинг ўта илмийлашуви, амалиётдан йироқ, мураккаб наза-

¹¹ Қаранг. А. Нурмонов, Н. Маҳмудов, А. Собиров, Н. Қосимова. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Академик лицейлар учун ўқув дастури. — Т.: 2000, 5-бет

¹² Ўша дастур, 7-бет

рий билимларни ўзлаштиришнинг қийинлиги...» ўқувчиларни ўқишдан бездирди, «... сўз бойлигини ошириш, нутқий маҳоратни шакллантириш, матн тузишни ўрганишдек фойдали амалий ишлар сон-саноқсиз грамматик талқинлар соясида қолиб кетди»¹³.

Дарслик ва дастурлар, ўқувчининг тафаккур кўламини кенгайтириш, фикр ифодалаш кўникмасини шакллантириш масаласи четда қолиб, тилшуносликнинг илмий талқинларини ўрганишга бағишланди.

Анъанавий дарсликларда асосий эътибор имло саводхонлигини таъминлашга қаратилди, шакл ва мазмун уйғунлигига кам эътибор берилди.

Она тили дарсларида ўқувчи мустақил изланиб, мустақил ҳукм ва хулосалар чиқармас экан, ёдлаб ҳосил қилинган билимлар амалиётга татбиқ этилмай қолаверади. Аксинча, хусусийликдан умумийликка қараб борилганда эса умумийликнинг хусусий воқеланиши чексиз бўлганлиги сабабли, бундай фаолият ўқувчини доимий изланишга, қиёслаш, ажратиш ва фарқлашга ундайди.

1960-80 йилларда жаҳон тилшунослиги фани, шу жумладан, ўзбек тилшунослигида «тил – мейёр – нутқ» муносабатлари ўрнатилиб, тил ва нутқни фарқлаб ўрганадиган, тизимий тилшуносликка асосланган янги методикага асос солинди. Тил методикасидаги тизимий яхлитлик таълим мазмунини янгилашга қулайлик туғдирди. Тил, унинг бўлимлари – фонетика, лексикология, грамматиканинг тизимий яхлитликда амалий қўлланиши, билим, кўникма, малакаларни яхлит ҳолда шакллантириш билан бирга олиб борилиши, тил ўқитиш методикаси фанида муҳим ривожлантирувчи аҳамият касб этди.

Тилшунослик фани ютуқлари дарсликларга бевосита киритилмасдан, амалиёт нуқтаи назаридан олимлар, методистлар ва ўқитувчилар синовидан ўтказилиб, энг фойдали деб топилган усулларгина мактаб таълимига татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд қилинди. Тизимий тилшуносликка асосланган методикада асосий эътибор шакл ва мазмун уйғунлигига, яъни коммуникатив саводхонликни оширишга қаратилди.

Анъанавий таълимда имло саводхонлигини оширишга қаратилган топшириқлар тизими қуйидаги уч мақсадга хизмат қилди:

- саводхонлик;
- тўғри ва чиройли ёзиш;
- ёзма нутқни ривожлантириш.

¹³ Ҳ.Незматов, А.Фуломов. «Она тили таълимининг янгиланган мазмуни». — Т.: 1995.

Янгиланган она тили таълими мазмунига асосланган, замонавий она тили ўқитиш методикаси қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- сўз бойлигини ошириш ва бойитиш;
- мустақил фикрлаш, ижодий тафаккурни ривожлантириш;
- нутқий маҳоратни шакллантириш;
- мустақил матн яратиш малакасига эга бўлиш.

Таълим тизимида кузатиш, таққослаш, тил ҳодисаларини гуруҳлаш, умумлаштириш, улар орасидан нутқий вазиятга мосини танлаш ва ўз нутқида қўллаш каби ақлий фаолият усуллари талабадаги диққат, хотира, тафаккур, ижодий фикрлаш каби руҳий хусусиятларни шакллантирибгина қолмай, қийинчиликлардан қўрқмаслик, уни мустақил бартараф этиш, маданий мулоқот каби ижобий хислатларнинг пайдо бўлишида ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Она тили таълими мазмунининг янгиланиши, тил ўқитиш методикасининг олдига ҳам долзарб масалаларни қўйди. Шуни ҳисобга олган ҳолда, Республика халқ таълими вазирлиги Ўзбек тили доимий илмий-методик анжуманининг (ЎТДА) биринчи йиғинини чақирди. Унда: «Она тили машғулотлари болаларда ижодийлик, мустақил фикрлаш, ижодий фикр маҳсулини нутқ шароитига мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилиши лозим...» лиги таъкидлаб ўтилди¹⁴.

ОНА ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ТИЛ ЯХЛИТЛИГИ ВА ФАНЛАРАРО АЛОҚА

Тил материалларини ўзлаштиришда она тили методикасининг энг муҳим талабларидан бири тил сатҳларининг алоҳида-алоҳида эмас, балки ўзаро уйғунликда, яхлитликда ўрганилишидир. Бунинг учун **лексикология** (сўзшунослик) ҳар бир тил сатҳининг таркибий қисмига айланиши, яъни фонетика, морфология, сўз таркиби ҳатто синтаксисни ўрганишда ҳам сўз бойлигини оширувчи ўқув-топшириқларидан фойдаланишнинг бағоят маҳсулдорлиги, ДТС талабларида қайд этилган коммуникатив саводхонликнинг, нутқий салоҳиятнинг шаклланишига олиб келиши, замонавий тил ўқитиш методикасида тан олинган интерфаол методлардан кам эмаслиги барчага маълум.

¹⁴ «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари». 1 - йиғин, Самарқанд, 1991, 12-14-б.

Она тилига оид дарсликлар ана шу талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Шу билан бирга она тилидан талаба луғатининг бойиб боришида яна бир улкан хазина — узлуксиз таълим муассасаларида ўрганиладиган **бошқа ўқув фанларининг** ҳам улкан ҳиссаси борки, буни баъзан олий тоифали, илғор она тили ўқитувчиларимиз ҳам тўлиқ англаб етишлари мушкул. Чунки улар дастур ва дарслик талабини бажариш, назорат ва ташкилий ишлар билан ниҳоятда банд бўлиб, бошқа фанлар билан қизиқишга вақт топа олмаслиги ҳаммамизга маълум. Ваҳоланки, луғат захирасини бойитиш, оғзаки ва ёзма нутқни ривожлантириш, услубий равон, мантиқий мукаммал матнлар яратишда фанлараро алоқадорликни йўлга қўйиш — улкан муваффақиятлар хазинасинига, битмас-туганмас терминологик манбаларга эгаллик қилиш демак.

Тил сатҳларини ўзаро боғлаб ўрганиш – коммуникатив саводхонлик гарови.

Она тили материалларини ўзаро боғлаб ўрганиш, йириклаштириш, тил ҳодисаларини кузатиш, таққослаш, гуруҳларга ажратиш, умумлаштириш имконини беради. Шу билан бирга тил ҳодисалари моҳиятини чуқурроқ ўрганишга, нутқда сўзни меъёрида ва ўрнида ишлатиш кўникмаларини мустақамлашга ижобий таъсир этади.

Она тили ўқитишда олдинги ўрганилганларга таяниб, янги тушунчаларни кузатиш, гуруҳларга ажратиш, қиёслаш, умумлаштириш орқали ўзи мустақил ҳолида, таъриф чиқаришга ўрганган ўқувчи бир-бирига ўхшаш ва фарқли ҳодисалар устида ишлайди, ўқитувчи ёрдамида хулоса ва ҳукм чиқаради.

Она тилининг изчил курсида фонетика, лексикология, морфология ўзаро боғлиқ ҳолда бир яхлитликни ташкил этади. Бошланғич синфларда ўрганилганларга суянган ҳолда сўзнинг умумий таҳлилини ўтказиш, ўқувчини сўз устида ишлаш бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакалари даражасини аниқлашга, мустақил, ижодий фикрлашга, ихчам, лўнда ва аниқ хулоса чиқаришга, ҳар бир товуш ва сўздан унумли фойдаланишга ўргатади.

Эркин, жадал фикрлашни ўрганишда сўз қолиплари устида ишлашнинг имкониятлари ҳам бениҳоя кенг (Бу ҳақда кейинроқ сўз юритилади).

Турғун иборалар маъносини, сўзлар этимологиясини билиш ёшлар учун ўта қизиқарли. Ўзбек тили тарихи, унинг тил бойлиги, унда рўй бераётган ўзгаришлар, луғат таркибида янги сўзларнинг пайдо бўлиши ва маъно нозикликлари ҳосил қилиши, грамматик қурилишининг такомиллашиб бориши каби ҳодисаларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш яхши самара беради. Ибораларни шарҳлаш бўйича намуналар:

«Қилдан қийиқ ахтармоқ» – ёмон ният билан айби йўқ инсон фаолиятидан айб топмоқ; маънодоши: «тирноқ орасидан кир изламоқ».

«Бағри тош» — бемехр, илтифотсиз; маънодоши: «тош юрак», «кўнгли қаттиқ». «Баҳри-дили очилди» — кайфияти яхшиланди; маънодоши: «димоғи чоғ бўлди», «кўнгли ёзилди»... в. ҳ.

Фанлараро боғланиш турли таълим босқичларидаги она тили дарслик-ларида (ўқув топшириқлари тизимида) кўпроқ ўз ечимини топиши даркор.

Аниқ ва ижтимоий-гуманитар фанлардан матнлар танлаш, бошқа ўқув фанларига оид атамалардан фойдаланиб, кичик матнлар яратиш, берилган матндан тилга оид атамалар, ўз ва кўчма маъноли сўз, сўз бирикмаси, ибора ва тасвирий ифода кабиларни ажратиш, улар иштирокида гап ва матнлар тузиш, сўз маъноларини контекст ичида фарқлаш кўникмаларини сингдириш — талабанинг фикр доирасини кенгайтиради, коммуника-тив саводхонлик даражасини оширади.

Куйида она тили дарсларида **фанлараро алоқадорлик тамойиллари**га асосланган бир соатлик дарс намунасини келтирамиз.

(Хоразм, Богот тумани, Ражабова Сачобар)

Мавзу: Адабий тил услублари

Дарс шиори: «Фан нима бўлганини тушунтиради, адабиёт қандай бўлганини тасвирлайди».

Дарс мақсади:

1. **Таълимий:** Ўқувчиларга адабий тил услублари ва уларни бир биридан фарқловчи хусусиятларини тушунтириш, мавзуни ўрганиш жараёнида фанлараро боғланишни ташкил этиш;

2. **Тарбиявий:** Ўқувчиларни ватанпарварлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик, она тилимизга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш;

3. **Ривожлантирувчи:** Ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш, мустақил фикр юритиш, мантиқий мушоҳада қилиш ва хулоса чиқаришга ўргатиш.

Дарс тури: Амалий-ижодий машғулот. Фанлараро интеграция (Бинар услуби). Қиёслаш.

Дарс услуби: Ноанъанавий дарс, «Тармоқлар» (Кластер технологиясини қўллаш). Кичик гуруҳларда ишлаш. Венн диаграмма.

Дарснинг кўргазмалилиги: Ж. Асрановнинг «Она» асари, Р. Мирзаевнинг «Ўзбек санами» асари, «Боғот шарбат» маҳсулотларидан намуналар, анкета саволлари.

Дарснинг таркибий тузилиши (режаси)

1. *Ташкилий қисм, 2 дақиқа.*

2. *Ўтилган мавзуни такрорлаш, Венн диаграммаси билан ишлаш, 10 дақиқа.*

3. *Кичик гуруҳларда ишлаш (тармоқлар), 20 дақиқа.*

4. Дарс шиорини шарҳлаш: Ақлий ҳужум, 3 дақиқа.

5. Ўқувчилар билимини баҳолаш, 3 дақиқа.

6. Дарсни хулосалаш, 5 дақиқа.

7. Уйга вазифа, 2 дақиқа.

Ўқувчиларга ўтилган мавзу эслатилиб, уйга берилган топшириқ (адабий нутқ услублари ҳақидаги маълумотларни тўплаб келиш) таҳлил қилинади. Уларнинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда услубларнинг бир-биридан фарқланувчи жиҳатлари Венн диаграммасида тасвирланади:



Дарснинг кейинги қисми «Тармоқлар технологияси» асосида ташкил этилади.

«Суратлар тили» рукни остида ўқувчилар эътиборига тасвирий санъатнинг ноёб намуналаридан ҳавола этилади. Бу ерда дарс расм фани билан боғлаб олиб борилади.

Синф жамоаси 5 гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳга алоҳида мавзудаги расмлар, шу мавзуда матн яратиш бўйича топшириқлар берилади:

1-гуруҳ. Ж. Асрановнинг «Она» асаридаги кекса аёлнинг кўз қарашлари, нигоҳидан келиб чиқиб, унинг хаёлидан кечаётган ўй-фикрларни суратдаги тимсол тилидан ҳикоя қилиб, матн яратиш;

2-гуруҳ. Р. Мирзаевнинг «Ўзбек санами» асаридаги ёш онанинг ўз фарзандига бўлган чексиз муҳаббатини ҳис қилган ҳолда унинг тилидан оналик меҳрига йўғрилган ҳис-туйғуларни баён қилиш ва матн яратиш;

3-гуруҳ. Бу гуруҳга ижодий иш билан банд бўлган синфдошларнинг исми ва фамилиялари, нечанчи синфда ва қандай ўқишлари, катта бўлганда ким бўлмоқчи эканликлари, дарс пайтида ўзларини тутишлари, кўз қарашлари, шуғулланаётган ишларидан кўнгиллари тўлган-тўлмаганлигини тасвирлаб, ижодий матн яратиш топширилади. Ўзгалар ҳис-туйғусини тушуниш — комил инсоннинг асосий хислати эканлиги таъкидланади. Бу ерда она тили фанининг адабиёт билан боғланиши акс этади.

4-гуруҳга уй паррандаларидан хўрознинг расми берилиб, биология фанига оид матн яратиш (хўрознинг паррандаларнинг қайси турига кириши, яшаш жойи, қандай боқилиши, неча килограммгача тош босиши, ўртача неча йил яшаши.. в.ҳ.) топширилади.

5-гуруҳга эса табиат кўринишлари тасвирланган расм берилиб, уни ижодий тасвирлаш асосида, кичик матн яратиш топширилади. Бу топши-

риқда, она тили фанининг биология, табиатшунослик фанлари билан алоқаси кўринади, юзага чиқарилади.

Синф ўқувчиларига олдиндан анкеталар тарқатилиб, тўлдириб олинади:

Анкета

1. Исм ва фамилияси, туғилган йили.

2. Ўқиш ва яшаш жойи.

3. Келажакда эгалламоқчи бўлган касби.

4. Шу касбдан кўзлаган мақсади ва эришмоқчи бўлган ютуқлари.

Анкета 6-гуруҳ ўқувчиларига тарқатилади. Уларга «Боғот шарбат» махсулотларидан намуналар берилиб, шу махсулотлар ҳақида реклама матнлари яратиш топширилади.

7-гуруҳ ўқувчиларига 6-гуруҳдаги ўртоқларининг анкета жавобларига асосланиб, ўртоғининг келажакдаги илмий-ижодий иш фаолияти, ишлаб чиқариш корхонаси, ёки тайёр махсулоти ҳақида тавсифий – биографик реклама матни ёзиш топширилади.

Гуруҳларнинг бажарган ишлари, илмий-ўқув фаолияти бирин-кетин намойиш қилинади. Тақдирот тугагач, гуруҳ билан савол-жавоблар вақтида ютуқ ва камчиликлар талабалар томонидан таҳлил қилиниб, уларнинг олдини олиш усуллари ҳақида умумий тавсиялар берилади.

Ўқитувчи томонидан дарс шиори, ундан кўзланган мақсад шарҳланиб, гуруҳ аъзолари эришган **натижалар** — эгалланган БКМ (билим, кўникма ва малака) ларни амалий қўллаш даражалари қайд қилиниб, ишлар баҳоланади.

Дарс хулосаланади:

Мана сиз она тилимизнинг чексиз имкониятларида бири бўлган нутқ услублари билан танишдингиз. Ижтимоий ҳаётда ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган мазкур услублардан ўринли, нутқ шароитига мос равишда фойдаланиш учун уларнинг бири-биридан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини пухта билишингиз зарур. Ана шундагина бетакрор тилимизнинг ифода қудратларидан, бебаҳо гавҳарларидан мустақил фойдаланиш имкониятларига эга бўласиз.

Уйга вазифа: Лицей ҳаёти ҳақида газета мақоласи тайёрлаб келиш.

ТИЛ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИДА ҚИРОАТ САНЪАТИ

Ўзбек адабий тилида оғзаки нутққа хос бўлган, суперсигмент воситалардан бири интонация — қироатдир.

Қироат – сўз ва гапнинг вазни, хилқати, либоси. У оғзаки нутққа ҳос гўзал бир ҳодиса бўлиб, инсон руҳиятига, ҳолатига кучли таъсир кўрсатувчи алоҳида бир тизимни ташкил қилади.

Нутқнинг раволиги, оҳанги ва ритми, нутқ тезлиги ва тембри, логик ургу, вазмин ва тантанавор овоз, нафис ва жозибадор талаффуз қироат санъатининг ажралмас, муҳим қисмидир.

Мазкур масалада «Девону луғотит турк» асари муаллифи Маҳмуд Қошғарий машҳур муҳаддис Имом ал-Бухорий ат-Термизий, «иккинчи муаллим» Абу Наср Фаробий, Аҳмад Яссавийлар улкан илмий мерос қолдирганлар.

Машҳур методист М.А.Рыбникова тил ўқитишнинг мақсадини нутқ ўстиришда деб ҳисоблаган. Бу олиманинг ўша давр тил ўқитиш методикаси олдидаги хизмати шундаки, у алоҳида нутқ ўстириш тизимини яратишга муваффақ бўлди.

Бу тизимда оғзаки ва ёзма нутқнинг жуда кўп қирралари: талаффуз маданияти, лексика ва фразеология устида ишлаш, боғланишли нутқ кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. «Нутқ товушларини ўрганиш ва фақат имло саводхонлигини ошириш, балки қироат санъатини, чиройли талаффуз ва ифодали ўқиш кўникмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилиши лозим»¹⁵.

Олима боғланишли нутқни ривожлантириш ишини баённинг турли кўринишларини (матнга яқин) ўргатишдан бошлаш лозимлиги, улар тилнинг ифода воситалари билан ўқувчи луғатини бойитишга хизмат қилиши; қисқа баёнлар – бош мақсадни қисқа ифодалашга, мукамал баёнлар иншо ёзишга тайёрлашга зарурий восита эканлигини таъкидлаб ўтади.

Нутқ жараёнида қироат¹⁶, асосан, икки вазифани бажаради:

1. Гап ургуси тушаётган, таъкидланаётган сўзни ажратиш;
2. Эшитувчига ижобий таъсир кўрсатиш.

Агар берилаётган маълумот қироат меъёрларига мослаб ўқилмаса, гапдаги тиниш белгилари, айниқса, нутқий пауза ўрнида келувчи вергулга риоя қилинмаса, гапнинг маъноси бутунлай ўзгариб кетиши мумкин:

М. Одам бўл, отанг каби оми бўлма. — мазмуни: отангга ўхшама, савод ўрган...

¹⁵ М.Я.Рыбникова «Тил машғулоти тизими», 46-бет

¹⁶ Қироатнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида махсус маълумотлар учун Э.Шодиёвнинг тадқиқотларига қаранг

Одам бўл отанг каби, оми бўлма. — Отангга ўхшаш саводли бўл,

Бу — доно, акасига ўхшамайди. — Укаси билимдон...

Бу — доно акасига ўхшамайди. — Акаси билимдон... в.ҳ.

Ажратилган гап бўлаклари – ундалма, кириш сўзлар оғзаки нутқда оҳанг билан айтилади, ёзма нутқда эса керакли тиниш белгилари билан ажратиб ёзилади.

Ўқувчида қироат санъатини шаклантириш учун турли шарқона ривоятлар, ҳадис ва Қуръон оятларини ўқиш, назмий асарларни ёд айтиш юзасидан кўрик танловлар, гуруҳлараро мусобақалар ўтказиш яхши натижа беради. А.Навоий. А.Орипов шеърларини ифодали ўқишни ўргатиш ҳам жуда фойдали.

ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИДА МАҚОЛЛАР, ТОПИШМОҚЛАР, ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақоллар турмушдаги турли ҳодисаларга боғлаб, тўғри ва кўчма маъноларда қўлланилади.

Халқ яратган ғоят ихчам, чуқур мазмунли гаплар — мақоллардир. Улар ижтимоий ҳаётнинг шарт-шароити билан боғлиқ бўлиб, мазкур шароитда яшаган кишиларнинг фикрлари ва қарашларини ифода қилади.

Мақолларни ўрганишда қуйидаги амалий ишларни бажариш мумкин:

— ўқиб ўтилган асар мазмунига алоқадор мақоллар қиёсланади: «Сув келтирган хор-зор, кўза синдирган азиз», «Меҳнатнинг таги роҳат».

— мақолларни муайян мавзулар бўйича гуруҳлаш: «Ватан — ватанпарварлик», «Дўстлик ва душманлик», «Тўғрилик», «Одоб ва ахлоқ», «Тил ва нутқ»;

— расмлар альбомини тузиб, унинг мазмунига мос мақоллар ёзиш;

— адабиёт дарсида ўрганилган асарга боғлиқ ҳолда мақоллар танлаш.

Келтирилган ҳар бир мақолнинг қандай фикр ифодалаши, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида суҳбат уюштирилади. Талабалар уларни шарҳлаш жараёнида инсон нутқига кўрк берувчи, нутқ таъсирчанлигини оширувчи воситалардан бири мақоллар эканлигига ишонч ҳосил қиладилар ва уларни нутқларида қўллашга интиладилар. Жумладан, «Айтилган сўз – отилган ўқ» мақолини шарҳлаш ва мазкур мақолнинг муқобилларини топиш сўралади. Намуна: Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт; Оғиздан чиққан сўз қайтмас; Сўз айтганда — ўйлаб айт, оқибатин билиб айт; Сўзга қулоқ ос, ўйлаб қадам бос...

Уйга вазифа сифатида ўрганилган мақоллардан маъқулини танлаб, шу мавзуда матн яратиш топширилиши мумкин.

Топишмоқлар. Ёш авлоднинг фикрлаш қобилиятларини ўстириш, мустақил фаолиятга ўргатишда топишмоқлар муҳим аҳамиятга эга. Топишмоқда нарса – буюмларнинг бир неча белгилари акс этади, шунга қараб топишмоқ жавоби топилади. Бунинг учун нарса – буюмларни қиёслаш, чуқур ва атрофлича мушоҳада юритилиши зарур. Топишмоқлар ҳам мақоллар сингари берилган мавзуларга боғлаб ўрганилади. Бунда ўқувчилар қуйидаги топшириқларни бажаришлари мақсадга мувофиқ.

1. Топишмоқ жавобини қандай белгиларга қараб топилганлигини сўзлаб беринг.

2. Берилган топишмоққа ўхшаш топишмоқлар айтинг:

1) Пак-пакана бўйи бор,
Етти қават тўни бор. (Пиёз)

2) Тўнлари қават-қават,
Бир донаси бир сават.

Дастурхонга келганда,
Ҳам димлама, ҳам салат. (Карам)

3. Юқорида берилган топишмоқларни ўхшаш ва фарқли томонларини ажратинг, маъносини шарҳланг.

Ўқувчи нима учун биринчи топишмоқнинг жавоби пиёз, иккинчисиники карам эканлигини далилларга таяниб, аниқ ва тўлиқ исботлаб беришга уриниши айни вақтда нутқий кўникмаларнинг такомиллашуви, ўз фикрини ҳимоя қилиш кўникмаларининг таркиб топишига, ижодий-мантиқий тафаккур кўламидининг кенгайиши, фикрни тўғри ва раво ифодалаш малакасининг шаклланишига ҳам олиб келади. Қуйида берилган ўйин — топшириқлар ҳам ўқувчини мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши билан, муаммоларнинг ечимини топишга йўналтириши билан аҳамиятлидир.

Тилга оид топишмоқ — мақоллар ҳамда «Ҳазил саволлар»дан ўринли фойдаланиш ҳам ўқитувчининг педагогик маҳоратидан, илмий иқтидоридан далолат беради:

«Ҳарфлар салтанати» (ҳазил савол-топишмоқлар).

1. Алфавитни билдирувчи қандай сўз 6 ҳарфдан иборат. (Алифбо).

2. Қандай сўзнинг боши бор? *бебош, оқбош, ишбоши, онабоши, мингбоши, юртбоши, бошлиқ, бошлов, бошла, бошқа, тўйбоши, сўзбоши...*

3. Нима икки сўз билан айтилиб, бир белги билан ифодаланади? (тутуқ белгиси — (?)).

4. Айтилмай ёзилади, ёзмаса бузилади (Т ҳарфи).

5. Талаффузда тутмаймиз, имлода унутмаймиз. (Г ҳарфи) (тўрт, мушт, гўшт).

А — ҳарфлар бошпанаси (Алифбо).

Б — падаримиз падари (бобо).

В — ҳеч тўхтамайдиган нарса (вақт).

Г — совға учун яралган, ранг — тусига қаралган (Гул).

Д — бошга тушганда ташвиш,
кимлиги билинармиш (Дўст).

Й — топдим, тушдим-да кетдим,
тугатдим — уйга етдим (йўл).

О — қоқи солсанг бўлур чой,
чўмилтирар ҳар кун сой (олма билан ой)...в.ҳ.

Ҳикматли сўзлар

Ҳикматли сўзлар ҳам ихчамлиги, чуқур маънолиги жиҳатидан мақолларга ўхшайди. Бирор бадий асар ёки матнни ўқиш давомида ундаги ҳикматли сўзларни ажратиш, маъносини шарҳлаш билан шуғулланилади. Улар ўқувчи сўз бойлигини оширишда ҳам унинг нутқий кўникмаларини фаоллаштиришда ҳам яхши натижа беради.

Халқ донишмандлигининг бебаҳо мулки бўлмиш ҳикматли сўзларни ўрганиш, уларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини, гоёвий мазмунини талаба онгига сингдириш орқали олиб бориш ҳикматлар мазмунига яширинган мантиқ, ахлоқ, одоб, комил инсон фалсафасини янада гўзалроқ, нафисроқ ҳис қилишга олиб келади.

Талабада сўз санъатидан завқланиш, гўзал қироатдан роҳатланиш туйғуси уйғонади, ижод ва бадиятга меҳр, иштиёқ ҳосил бўлади.

Она тили машғулотларида аксарият мақол, топилмоқ ҳикматли сўзларга махсус соатлар ажратилмайди. Аммо мазву талабига ҳикматлар топиб айтиш, унга маънодош ҳикматли сўз ва мақоллар топилгани талабалардан талаб қилиш ажойиб ва қутилмаган натижаларга олиб келиши, талабалар орасида алоҳида интеллектуал қобилиятга эга бўлганлари кўзга ташланиб қолиши, ўқитувчи ўзининг шоғирдлари ичидан алоҳида истеъдод эгасини кашф қилиши мумкин. Бунда талабаларнинг ижодий ишларини баҳолаш учун конференция дарслар ўтказилиши мақол, топилмоқ ва ҳикматли сўзларнинг энг яхшилари бир жойга тўпланиб, умумлаштирилади. Гурӯҳнинг (факультетнинг) қизил китобига ёзиб қўйилади. Бундай топилмоқ, мақол ва ҳикматли сўзлар албатта талабалар томонидан ёд олинади. Намуна.

Сўз ҳақида ҳикматлар

Агар биз сўз бойлигини масаллиққа қиёс қилсак, нутқ — дастурхонга тортилган таом эрур. Масаллиқ мўл бўлса, ош мазали бўлганидек, лугат хазиnasi бисёр одамнинг тили бийрон, нутқи равон, суҳбати жсонон бўладир. Зеро, алар ила ҳамсуҳбат бўлмоқлик роҳати жсон эрур.

Чала пишиган ошнинг ҳазми таоми қийин кечгани каби, гализ сўзли кишининг суҳбатини тингламаклик ҳам азоби жсондир.

- Таомни емакка, сўзни демакка шошманг.
- Эзмалиқдан ҳазар қил, сўзингни мухтасар қил.
- Кўп сўзласанг сўзинг қадри оз бўлур.
- Ҳўб сўзласанг иззат — обрў боз бўлур.
- Сўзи ночорнинг ўзи ночор,
- Сўзи мухтасарнинг ўзи мўътабардир.
- Ғийбат қилма, ғурбатга қоласан.
- Озроқ егил, оз ухлагил, оз сўзла,
- Озроқ дегил, оз бўлса-да, соз сўзла.
- Ширин калом ширин таомдан қимматлироқдир.
- Ҳусн зоҳирий гўзаллик бўлса,
- Етук ва равон нутқ ботиний гўзалликдир.
- Устоз зиёсидан баҳраманд бўлган инсон, қуёшга интилган майсадек, ёруғликка, илмга, мангуликка интилади.
- Киши бордур, ҳам ботиний, ҳам зоҳирий гўзалдир,
- Киши бордур, ҳар бир сўзи юз очмаган ғазалдир.
- Нозик эрса боз устина табиати, суҳбати,
- Тавоф айланг, ушбу инсон маънавий баркамолдир.
- Гўзал нутқ соҳиби бўлмоқлик:
- Бирни юз турда англамоғ-у
- Юзни бирга жамлай олмоқликдир.

• Тафаккур аталмиш нурафшон қасрнинг қулфи – илм, калити – сўздир.

• Тасаввуф илмидин огоҳ бўлмоқлик,

Тафаккур жавҳарига сайқал бермоқликдир.

Юқорида берилган ҳикматли сўзлардан ММ устида ишлаш, шарҳлаш ва қироат санъатини ўрганиш, оғзаки монологик ва диалогик нутқни ривожлантиришда, миллий маънавият, сўз усталари билан учрашувлар, адабий кечалар ўтказишда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ИККИНЧИ ҚИСМ

ОНА ТИЛИНИНГ ИЗЧИЛ КУРСИНИ ЎРГАНИШ

Сўзлаш, эшитиш, (кўриш) ўқиш, ёзиш воситасида фикр тушунилади. Буларнинг барчаси нутқ дейилиб, у ёзма ва оғзаки кўринишларда бўлади. Нутқнинг ўзига хос воситалари, бирликлари, уларни ишлатиш қонун-қоидалари ва меъёрлари бор.

Она тилини ўрганишда нутқий меъёрларни тарбиялаш ва рўёбга чиқариш, «тил—меъёр—нутқ» тушунчаларини аниқлаб олиш зарур.

Тил маълум бир сўзлар, қўшимчалар, уларнинг ўзаро бирика олиш имкониятлари ва бирикиш натижалари ҳақидаги қонун-қоидалар мажмуи бўлиб, фикрни хилма-хил усул ва воситалар ёрдамида юзага чиқариш омилларини ўргатади.

Меъёр – тил имкониятларидан фойдаланиш кўрсаткичлари мажмуи. Унинг олий кўриниши миллий адабий тил услублари, мезонларида ўз аксини топади. Миллий адабий тил муайян бир услубий кўринишда юзага чиқади.

Нутқ — тафаккур махсули. Фикрни баён қилиш тафаккур ва тил орқали амалга ошади. Тафаккур қанча ривожланса, талабанинг оғзаки ва ёзма фикр баён қилиш маҳорати ҳам шунча юқори бўлади.

Она тили машғулотлари нутқ санъатини эгаллаш ва ундан самарали фойдаланиш билим кўникама ва малакаларини тарбиялайди. Шу жараёнда нутқий маданият ҳам шаклланади. Нутқ маданияти ёшларга кундалик оддий саломлашишдан тортиб, кимга, нимага, қачон, қаерда, қандай сўзлашгача бўлган муомала – мулоқот сирларини ўргатади. Шунингдек, шарқона одоб — андиша, гўзал қироат санъати қонуниятларини англаб боришда ҳам катта аҳамият касб этади.

Ўзбек тилининг изчил курси амалиёт ва назариянинг узвий алоқадорлигида ўрганилади.

ФОНЕТИКАНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Фонетика (грекча *φωνη* — товуш) нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, талаффузи, имлоси, таснифи, ҳарф ва ёзувнинг ўзаро муносабати, бўғин ва бўғин кўчириш, сўз урғуси хусусиятлари ҳақидаги фан. Унда нутқ товушлари – сўзларнинг, қўшимчаларнинг энг кичик бўлаги **т о в у ш** ва унинг **т а л а ф ф у з и** ўрганилади.

5 синфда бу бўлим такрорлаш билан бошланади. Бунда берилган сўзлардаги товушлар талаффузи қиёсланади, унли ва ундошларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланади. Товушлар талаффузида иштирок эта-

диган нутқ аъзолари белгиланади. Берилган сўзларга товушдош (тош, тиш, туш, тўш каби), шаклдош (тош – сувда эримайдиган қаттиқ тоғ жисми, от; саккиз чақиримга тенг масофа, от: бир тошдан ортиқ йўл босди каби); феъл – тошмоқ, қирғоқдан чиқиб кетмоқ; тошбағир – кўнгилчан, кўнгли бўш каби зид маъноли сўзлар топиб, маъноларини шарҳлайдилар ва изоҳлайдилар.

«Алфавит»ни ёд олиш ўқувчиларда берилган сўзларни алифбо тартибида жойлаштириш, турли луғатлардан сўзларни тез топиш кўникмасини мустаҳкамлайди, луғат захирасини оширади.

Унли ва ундош товушлар устида ишлашда ўқувчилар у — ў, и — у, а — о, к — б, с — з, т — д, к — г, қ — ғ, х — ҳ каби товуш жуфтларининг талаффузи ва имлосини билиб олиб, шу товушлар иштирок этган сўз маъноларини тунтирадидилар, қиёслаш орқали маъно фарқларини изоҳлайдилар.

Чунончи, биринчи бўғинда у, ў, иккинчи бўғинда у, и ёзиладиган, қисқа, и, у товушлари тушиб қоладиган (тўлқин, тутун, бурун, тизим), жарангли товушларнинг б - д , х, ҳ, нг, ҳ кабиларнинг иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузиш, ўқувчи онгига тўғри талаффуз ҳамда тўғри ёзиш кўникмаларини сингдиради.

Фонетикани ўрганишда коммуникатив саводхонликни ошириш усуллари

Фонетика бўлимида, асосан, нутқ товушлари, уларнинг пайдо бўлишида иштирок этувчи нутқ аъзоларининг хизмати, ҳосил бўлган ўрни ва усули, талаффуз ва имло, бўғин ва бўғин кўчириш, сўз урғуси каби мавзулар устида баҳс юритилса-да, унинг сўз бойлигини ошириш, мустақил ва ижодий фикрлаш, фикрни равон, гўзал ва таъсирчан ифодалаш имкониятларини англаш ва ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, талаффуз ва имло масалаларига эътиборни қаратиш зарур. Масалан: «Унлилар имлоси» ўрганилаётганда: о – а, о – и, и – у, у — ў, и – э, о – э, товушлари иштирок этган сўзлардаги товуш ва ҳарф орасидаги муносабатлар изоҳланади: бар – бир — бер – бор – бур – бўр: оқ — уқ — ўқ — юқ; қир — қор — қур — қўр; тар – тор – тир – тер – тур – сўз жуфтларида маъно фарқлаш вазифасидаги ўйин – топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

1. Товушдош сўзлар қатори тузилади, маъноси мураккаб сўзлар изоҳланади:

қир – адир, тепалик, лалми ер; қур – бунёд қилмоқ, уйни қурмоқ; қўр – олов, ўтиннинг чўғидан ҳосил бўлган қолдиқ. Кўчма маъно: мол-дунё, қўрқут...

2. Товушдошлар сўз туркумларига ажратилади:
уқ - феъл, ўқ - от, оқ - сифат, қор - от, тар- (янги мева) сифат, тур-
феъл... в.ҳ.

3. Товушдошлар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар тузилади:
Тил – дил калити, уйга кир, ўйга ботди, ўтни ўр, марказга ур каби; Қир-
адирларни оппоқ қор қоплади. Тур, тўрга ўт. Торга тор дунё, кенгга кенг
дунё (Мақол)... в.ҳ.

**Жарангли ундошлар аксарият сўз охирида келганда, талаффузда жа-
рангсизланади ҳамда бошқа маънодаги сўзларни юзага келтиради:**

боб – бўлим, қисм маъносида;

боп – ярашиқли, лойиқ маъносида;

суд — ҳукм, маҳкама, лавозим в.ҳ.

сут – маҳсулот, сигир сути каби сўзларни қиёслаш ва ўзаро фарқлаш,
улар маъносини шарҳлаш топшириқлари, ўқувчиларда имло саводхонли-
гини мустаҳкамлаш билан бир қаторда сўз бойлигини нутқий маҳоратни
ҳам оширади, шакллантиради.

Айни пайтда, мана шу сўзлар иштирокида ихчам, ижодий матн яратиш
ҳам мумкин.

**Талаффузда бир-бирига ўхшаш сўзларни фарқлашда, уларга маъно-
дошлар, уядошлар, зид маъноли сўзларни топишни талаб қилувчи топши-
риқлар бериш ҳам самарали усуллардан ҳисобланади.**

Масалан, **шаҳс** ва **баҳс** сўзларининг ўзаро фарқини тушунтиринг, изоҳ-
лашда маънодош, уядош ва зид маъноли сўзлардан фойдаланинг. Наму-
на: **Шаҳс** — маънодошлар: шаҳс – инсон, одам, банда, киши ...

— уядошлар: киши, эркак, аёл, ота, ўғил, ака, ука ...

— зид маънолилар: эркак – аёл, ўғил-қиз, ака-сингил... в.ҳ.

— баҳс, конференция, мажлис, йиғилиш... в.ҳ.

— зид маъно: баҳс-ҳимоя, ўртоқлашув, адабий учрашув, қўллаб қув-
ватламоқ... в.ҳ.

Талабалар топшириқ асосида сўздаги нуқталар ўрнига и ва у ҳарфла-
ридан бирини қўйиб кўчирадилар. Ҳосил бўлган сўзларнинг маъноларини
намунадагидек оғзаки шарҳлашлари ва сўз маъноларини фарқини тушун-
тиришлари мумкин:

Намуна: уриш — феъл сўз туркуми, ҳаракатни билдирди. Мушт
уриш, муштлашиш;

уруш – от сўз туркуми, жанг, уюшган қуроли олишув. М: Иккинчи
жаҳон уруши 1939-йилда бошланди ;

юмиш – феъл, кўз юмиш, кўрмасликка олиш; кўзи юмилди; 1. Ухлади
(ўз маъно). 2. Кўчма маъно: Кўз юмди — чин дунёга кетди, ўлди... в.ҳ. М:
Бу дунёдан кўз юмди.

Юмуш – от сўз туркуми, иш, меҳнат: Оғир юмушни бажарди...

Унлилар имлоси ва талаффузи устида ишлашни қуйидаги ижодий топшириқлар орқали мустаҳкамлаш мумкин.

1-топшириқ. Берилган сўзлар маъносини шарҳланг. Сўздаги ундош товушни алмаштириб, янги сўзлар ҳосил қилинг. **Ил, эл, чой.**

ил-ин, ис, ит, ип, иш ...; эл, эп, эм, эш, эт, эн, эр, эс, эз...;

чай- сой, той, бой, мой, жой, лой, вой ...;

2-топшириқ. А унлиси билан бошланувчи бир бўғинли сўзлар қатори тузинг. Адл, авж, азм, ақл, арк ... Маъноларини шарҳланг.

3-топшириқ. У - ў товуши иштирок этган жуфтликлар тузинг: уз - ўз, уй - ўй, ун - ўн, ўқ - уқ ... Маъноларини шарҳланг.

Фонетикани ўрганишда мавзулараро ва фанлараро алоқадан фойдаланиш усуллари

1- топшириқ – «қочоқ» сўзидаги ч ундошини бошқа ундошлар билан алмаштириб кўринг. Ҳосил қилинган сўзларнинг луғавий маъноларини фарқлаш, қиёслаш (лексикология) устида ишланг. Улар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг (синтаксис).

Намуна: **қочоқ, қовоқ, қозоқ, қолоқ...**

Луғавий маънонинг ўзгаришида товуш ўзгаришининг аҳамиятини шарҳлаш намунаси:

Қовоқ қочоқ сўзидан ч ундошини в ундошига алмаштириши натижасида ясалган бўлиб, ундаги ҳарфлар ва бўғинлар сони бир хиллиги, сўз боши ва охирида бир хил товуш билан тугаганлигига қарамай, бир товушнинг ўзгариши натижасида сўз бутунлай янги маънога эга бўлди. Қовоқ — ўсимлик туркумига кирса, қочоқ сўзи онгли мавжудотлар, яъни инсонлар гуруҳига киритилади. Маъно ўзгаришининг асл сабаби ҳар икки ундошнинг сўз таркибида икки хил талаффуз қилинишидадир.

1-иш. Қовоқ сўзининг луғавий маъносини шарҳланг.

Қовоқ — (ошқовоқ) қовунга ўхшаш палак ёзиб ўсувчи бир йиллик ўсимлик, у полиз экинлари туркумига киради, юмалоқ, анжирсимон, узунчоқ кўринишида бўлиб, **истеъмол қилинадиган ва декоратив** (чиройли, табиий нақшинкор) турлари учрайди. Турли витаминларга бой, шифобахш хусусиятларга эга. Ундан турли миллий, хамирли таомлар тайёрланади... в.ҳ.

2-иш. Қовоқ сўзи ёрдамида СБ лар ҳосил қилинг: ширин қовоқ, катта ошқовоқ, ошқовоқнинг фойдаси, ошқовоқ манти, думбали ошқовоқ хоним, томошақовоқнинг нақшинкор безаклари, қовоқнинг таъми... в.ҳ.

3-иш. Ҳосил қилинган СБ лардан бадиий бўёқдор гаплар тузинг.

Тадбиркор фермер Исомиддин Зиётовнинг даласида етиштирилган катта –катта ширин ошқовоқларнинг таъми оғзингизда қолади. Думбали, ошқовоқ мантилар, мазали ошқовоқ хоним, аччиққина қовоқ сомсалар шаҳарликлар дастурхонида энг севиб тановул қилинадиган миллий таомлардан ҳисобланади.

Амалий иш. Савол ва топшириқлар

1. Ўзбек тилида сўз охиридаги қандай товуш ўзгаришлари юз бериши мумкин?

2. Қайси товушлар сўз охирида жарангсизланади?

3. Қайси товушлар талаффузда сўз охирида тушиб қолади?

4. Талаффуз қилинмаса-да, имлода ёзиладиган ҳарфлар иштирок этган сўзларга мисоллар келтиринг. (пас(т), сус(т), жуф(т)... в.ҳ.

5. Мазкур ҳарфларнинг мавжудлигини қандай аниқлайсиз? (Тошкентимиз жамоли, мол гўшти каби)

Юқоридагидек топшириқларни бажаришда талабалар тил материалларини кузатадилар, сўзларни қиёслайдилар, ўхшаш ва фарқли томонларини шарҳлайдилар. Мазкур жараён нафақат имло саводхонлигининг шаклланиши, балки, товуш ва ҳарфларни фарқлаш, сўз маъносининг ўзгаришида тўғри талаффузнинг ўрни ва аҳамиятини тушуниб етишга сабаб бўлади, талаба сўз бойлигининг ошишига, сўзларни нутқий вазиятга қараб тўғри танлаш, ўз ўрнида тўғри қўллашга ҳам ўргатади.

Амалий иш: Сўзнинг умумий (грамматик) таҳлилидан намуна.

Топшириқ. «Вилоят» сўзини грамматик таҳлил қилинг.

1-иш. Фонетик таҳлил.

[В] – ундош, жарангли, сирғалувчи, лаб-лаб;

[И] – унли, лабланмаган, олд қатор, тор;

[Л] – ундош, жарангли, ён товуш, тил олди;

[О] – унли, лабланган, орқа қатор, кенг;

[Й] – ундош, жарангли, тил ўрта, сирғалувчи;

[А] — унли, лабланмаган, олд қатор, кенг;

[Т] – ундош, жарангсиз, портловчи, тил олди;

1.1. Сўз олти ҳарф, етти товушдан иборат.

1.2. **Ви-ло-ят** –2 та очиқ, 1 та ёпиқ бўғин, 3 та унли, 4 та ундош товушдан таркиб топган.

2-иш. Морфемик таҳлил: Вилоят — ўзак, туб сўз.

3-иш. Морфологик таҳлил: **Вилоят** – от, турдош, содда, аниқ, бош келишиқда, бирликда, III шахсда.

4-иш. Лексик таҳлил: **Вилоят**–мамлакатдаги йирик маъмурий-ҳудудий бўлинма, музофот, область: Хоразм вилояти, Сирдарё вилояти... в.ҳ.

Мустақил иш: Юқоридаги сўзга маънодош ва уядошлар топиш.

Маънодошлар: вилоят, музофот, худуд, обласг... в.ҳ.

Уядошлар: вилоят – давлат, мамлакат, ўлка, элат, юрт, ҳудуд, туман, мавзе, даҳа, маҳалла, депара, кўча, ҳовли... в. ҳ.

5-иш. Топилган сўзлар иштирокида сўз бирикмаси ёки гап ҳосил қилиш:
Сирдарё вилояти қадимги Мирзачўл ҳудудида жойлашган...

Бизнинг маҳалла катта анҳор ёқасида жойлашган... в.ҳ.

Берилган топшириқнинг биринчи иши фонетик таҳлилга бағишланган бўлиб, унда сўздаги товуш таснифи, очиқ ва ёпиқ бўғинлар, ҳарф ва товушлар сони аниқланади, бўғинларга ажратилади ва саналади.

Юқоридаги ишлар бажарилгач, мазкур сўз **морфологик таҳлил** қилинади, сўнгра **сўзнинг луғавий маъносини** аниқлаш мақсадида унинг маънодошлари ва уядошлари топилади, улар иштирокида сўз бирикмаси ёки гап ҳосил қилинади. Сўзнинг бундай умумий таҳлили талабанинг она тилидан эгалланган билимларини такрорлаш, мустаҳкамлаш ва умумлаштириш, қолаверса, билим кўникма ва малакаларнинг амалий татбиқи даражасини назорат қилиш учун мўлжалланган. Лекин грамматик таҳлилнинг ўзи ДТС да кўрсатилган барча талабларни амалга ошириш учун кифоя қилмайди.

Грамматик таҳлилни ДТС талабларига хизмат қилдириш учун тил бўлимларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш, уни коммуникатив саводхонликни ривожлантиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу жараёнда она тили таълимининг бўлимлараро ҳамда фанлараро алоқаси натижаси яққол кўзга ташланади, тилни тизимий ўрганишнинг амалиётга ижобий таъсири самараси сезилади.

Фонетикани ўрганиш жараёнида адабий тил ва шеваларнинг луғатни бойитувчи хусусиятларига эътибор бериш ҳам муҳимдир. Шунда адабий тил меъёрларига риоя қилишнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти тўлиқ англанади. Айни пайтда фонетикани пухта ва онгли ўрганиш, тилнинг бошқа бўлимларини ҳам яхши ўзлаштириш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ўзбек алифбосини ўрганиш ҳам шу бобга алоқадор. Бунинг аҳамияти тўла англансагина, қутилган самарага эришиш мумкин.

ЛЕКСИКОЛОГИЯНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Лексикология (юнонча Lexis — сўз. logos – фан, таълимот) сўз ҳақидаги фан бўлиб (уни ўзбек тилида сўзшунослик деб ҳам аташади), муайян тилда ишлатиладиган барча сўзлар шу тилнинг луғат бойлигини ташкил қилади.

Тилшуносликнинг бу бўлими сўз ва унинг маъноларини ўрганиш билан шуғулланади. Шу сабабли, лексикология ўқувчи сўз бойлигини ошириш ва бойитишда катта имкониятларга эга.

Лексикологияни ўрганиш жараёнида сўзнинг грамматик ҳамда луғавий, ўз ва кўчма маънолари, бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар, маъно кўчиш усуллари, маънодош, уядош, зид маъноли, шаклдош, талаффузи яқин, маъноси фарқ қилувчи – пароним сўзлар, умумхалқ кўп ишлатадиган ва кам ишлатадиган сўзлар, тарихий, шевага оид, янги пайдо бўлган ва эскирган, касб-ҳунарга оид сўзлар, атамалар, ибора ва тасвирий ифодалар каби ҳодисалар билан танишилади.

Талабалар нутқининг гўзаллиги, изчиллиги, таъсирчанлиги асосан уларнинг луғат бойлиги билан боғлиқ. Бошланғич синфлардан бошлаб академик лицей ва касб-ҳунар коллежларигача бўлган даврда ўқувчилар ўрганидиган сўзлар луғати кенгайтирилиб борилади. Бунда бир қатор хусусиятлар эътиборга олинади. Хусусан:

— сўзларнинг амалий аҳамияти, яъни бутун таълим жараёни учун маърифий аҳамиятга эга бўлган сўзлар;

— сўзларнинг амалиётда қўлланиш даражаси, унинг мунтазам ёхуд алоҳида ҳолатлардагина қўлланиши;

— сўз маъносининг тўла тушунилиши, ўринли ва нутқий вазиятга мос равишда ишлатилиши назарда тутилади.

Сўзнинг ўз ва кўчма маъносини ўрганиш усуллари мавзусини ўрганиш жараёнини таҳлил қилиб кўрамиз: Топшириқ: қуйидаги гапларни ўқинг. Ўз ва кўчма маънода келган сўзларни ажратинг.

Меъморникида бир ёрқин
юлдуз ўсяпти. У юлдуз – Бадиа
(*Мирмуҳсин*)

Ҳаво очиқ. Юлдузлар
ёрқин нур сочади.
(*Мирмуҳсин*)

Ҳовлимизда бир гул бор,
Унинг исми — Зулхумор

Ҳар ўзбекнинг ҳовлисини
Гилам каби гул безар.
(*А.Суюн*)

1-топшириқ. Берилган гаплардаги гул, юлдуз сўзларининг маъноларини аниқланг.

Намуна: 1-устунда берилган гаплардаги юлдуз, гул сўзлари қиз, фарзанд маъносини берадиган кўчма маънода қўлланилган. 2-устундаги мазкур сўзлар эса ўз маъносида қўлланган.

Демак, бир хил шаклдаги сўзлар иккинчи тур маънода ҳам қўлланилади ва мазкур ҳолатни сўзнинг кўчма маъноси деб юритилади.

2-топшириқ. Гапдаги гул ва юлдуз сўзларининг уядошларини топинг.

Намуна: гул — атиргул, чиннигул, гулсафсар, бўтакўз; гул-қиз, фарзанд, она, аёл, сингил; юлдуз-сайёра, Ер, Ой, Қуёш, Марс, Юпитер, Нептун, юлдуз-қиз, гўзал қиз, тарбияли, ақлли, илмли қиз...в.ҳ.

Бу каби ўйин-топшириқлар ўқувчилардаги мантиқий тафаккурни ривожлантиради, мустақил мушоҳада малакасини чуқурлаштиришга, сўз бойлигини ошириш ва бойитишга ижобий таъсир кўрсатади.

«Изчил курс»ни ўрганишда — ўз ва кўчма маъноли сўзлар орасидаги маъновий муносабатлар, маъно гуруҳлари (уядош, маънодош, зид маъноли сўзлар каби)нинг кўчма маънода қўлланиши устида ишлаш, тил сатҳларини боғлаб ўрганиш орқали луғат хазинасини ошириш ва бойитишга имкон беради.

Она тили машғулотларида берилган машқлардаги сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари устида ишланади.

Боғларга намозгар салқини тушди,

Гуллар нам баргини қайирди аста.

Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан пастда,

Лоладек қип-қизил ўт-шафақ ўчди. (У.Носир)

Ушбу сатрларда ясама гўзаллик йўқ, тун билан куннинг ўзаро алмашиш дақиқаларига хос белгиларни пайқаб, туйиб, кўриб, кун ботиши билан салқин тушишини нозик бадиий бўёқларда, кўчма маънода тасвирланади: «Офтоб ҳам сув ичар тоғлардан пастда...», «Лоладек қип-қизил ўт-шафақ ўчди...» каби.

Матн устида ишлаш машқларидан сўнг, ўқувчиларда мустақил мушоҳада малакасини ҳосил қилиш учун қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

1-топшириқ. Ҳайвон, қуш ва ўсимлик номлари рўйхатини тузинг. Ҳар бир сўзни ўз маъносида ва кўчма маънода қўллаб, сўз бирикмаси ва гаплар ҳосил қилинг.

Намуна:

1-иш. *Бургут, арслон, қалдирғоч, шер, лочин, оҳу, кийик...в.ҳ.*

2-иш. *Бургутнинг қаноти, арслон наъраси, қалдирғочлар кўшиги, ҳуркак кийик, шернинг юраги...в.ҳ.*

3-иш. *Бизнинг ширин уйқумизни арслонларнинг наъраси бузди.*

Бургутнинг қанотлари парвоз пайтида салкам икки метрга боради.

Арслон тонгда кўзини очди. Уни қалдирғочлар галасининг вижсир-вижсирли безовта қилган эди.

2-топшириқ. Ҳосил қилинган сўзларни кўчма маънода қўллаб, гап тузинг.

I иш.

	арслон			кийик	
	шер			қалдирғоч	
Бобур	лочин	— дек бола	Шоира	оҳу	— дек қиз
	қарчиғай			гул	
	бургут			тўти	

II иш. Гапларни кенгайтиринг.

Намуна: *Бобур — қарчиғайдек йигит. Шоира — оҳу кўзли, кийикдек чаққон қиз; Арслон ва шерлар ўрмон ва тоғларда яшайдилар. Лочиннинг кўзлари ниҳоятда ўткир бўлади.*

Ўқувчилар ҳайвон ва қуш номлари орқали инсонга хос бўлган салбий ва ижобий хусусиятларни тавсифлаш билан ўз билимларини мустаҳкамлайдилар. Улар шахсни қандай баҳолаш ва тавсифлашни сўз бирикмаси ёки гап қуриш орқали изоҳлайдилар.

Топшириқ жавоблари баҳолангач, маданий ва ёввойи ўсимлик номлари, полиз экинлари, уй-рўзғор номлари каби уядош сўзлардан луғатлар тузиш; уларни ўз ва кўчма маънода қўллаб, гаплар қуриш, матн яратиш, сўзлар кўчма маънода ишлатилганда, қандай маънони англатаётганини тушунтириш талаб этилса, боланинг ижобий тафаккур доираси кенгайди, сўзлаш маҳорати ривожланади. Бунда, айниқса, бадий асарларга таяниш яхши самаралар беради. Ўқувчилар эътиборини сўз маъноларининг доимий яшаш жойи — нутқ жараёнига қаратиш ниҳоятда долзарб ва зарурийдир.

СЎЗЛАРНИНГ ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТЛАРИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Тилимизда айрим сўзлар ўзларига хос хусусиятларига кўра маъновий, шаклий, маъно жиҳатдан ўхшаш ёки зидланишни билдиради. Шунга кўра улар шаклдош, маънодош, зид маъноли ва пароним сўзлар каби гуруҳларга бўлинади.

Сўз устида ишлаш жараёни мураккаб ва кўпқиррали. Шунга эришиш лозимки, ўқувчи янги ва нотаниш сўзга эътиборсиз бўлмасин. Унинг маъносини англашга, зарур пайтларда ўз нутқда қўллашга ҳаракат қиладиган бўлсин.

Маънодош сўзлар (синонимлар) устида ишлаш усуллари

Ҳозирги ўзбек адабий тилида синонимия ҳодисалари ва унинг нутқий амалиётини ўрганиш учун мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллеж-

лари ҳамда олий таълим амалиётида хилма-хил шакл ва усуллар мавжуд. Уларнинг орасида энг кенг тарқалганларидан бири синоним сўзлар қаторини ҳосил қилишдир. Буни ўқувчи ва талабалар мустақил равишда бажаришади. Ўқувчининг дунёқараши, тасаввур доираси, тайёргарлик даражасига қараб, бу қаторлар анча мукаммал ёки ихчам бўлиши мумкин.

Ўқувчилар синонимик қаторларни тузиш жараёнида янги сўзларни ўз лугат бойликлари сирасига киритадилар. Шу билан бирга, ҳозиргача нисбатан кам ишлатиладиган сўзларнинг фаоллашишига ҳам замин яратилади.

Бу хилдаги кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш учун: *берилган сўзларга синонимларни танлаш; тегишли матндан, дарсликдаги машқлар ёки бадиий асарлардан синоним сўзларни ажратиб ёзиш; синоним сўзлар асосида сайланма диктант ўтказиш; ҳар бир синоним сўзнинг маъно нозикларини изоҳлаш каби машқлар бажарилиши мумкин.*

Энг охирги туркумдаги вазифалар талабаларнинг янги сўзларни ўрганишлари ва ўзлаштиришларида энг кўп даражада ёрдам беради. Бу жараёндаги машқларнинг турлари жуда ранг-баранг бўлиши мумкин. Улар орасида синонимик қатордаги барча сўзлар учун умумий бўлган маънони топиш асосий ўрин тутаяди. Масалан, *жаҳл, аччиқ, ғазаб, қаҳр, зарда* сўзларини кўрайлик. Буларнинг ҳаммасини бирлаштириб турадиган бош маъно ноҳўя хатти-ҳаракат ёки ҳодисага нисбатан қўзғалган кучли даражадаги ҳис туйғу ва унинг ифодасидир.

Мазкур сўзнинг маъноларини аниқлашда «Ўзбек тилининг изоҳли лугатидан фойдаланиш мумкин:

аччиқ – қаҳр, жаҳл; зарда.

зарда — *кўчма*. жаҳл, ғазаб, зуғум.

қаҳр — қаттиқ аччиқланиш ҳолати; ғазаб.

ғазаб — кучли даражада нафратланиш, аччиқланиш ҳисси, қаҳр, жаҳл.

Кейинги босқичда шу қатордан барча сўзлар учун умумий бўлганларини (*жаҳл, аччиқ*), улардан белгининг даражаси нисбатан кучли ва юқори бўлганларини (*ғазаб, қаҳр*) ажратиш мумкин бўлади.

Ушбу қатордаги сўзларни маънонинг кучайиб бориши ёки пасайиб бориши йўналишида жойлаштириб чиқиш ҳам топшириқ сифатида яхши самара беради. Бунда ҳам ўқувчилар сўз маънолари устида бош қотиришади, натижада, мазкур сўзларнинг улар онгида мустаҳкамланиб, нутқларида фаоллашиб қолишига имкон яратилади.

Синонимлар устидаги иш жараёнида ўқувчилар сўзларнинг фаол ёки пасив даражадаги истеъмолини («барваста» оддий нутқда жуда кам иш-

латилади, «гавдали» эса жуда фаол қўлланади), уларнинг муайян йўналишдаги чегараланишини («норғул» асосан ёш, йигит кишиларгагина нисбатан қўлланади), айрим ҳолларда уларнинг эмоционал бўёққа эга бўлишини («барзанги» асосан салбий маъно ташийти) англаб етишади.

Бу синонимларни нутқ жараёнида қўллаш орқали ҳам ўқувчиларнинг синоним сўзларга боғлиқ билим, тушунча, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш имкониятлари бор. Улар нутқ жараёнида бир сўзнинг ўрнига бошқасини қўллаб бўлмаслигини, борди-ю қўлланганда ҳам у ердаги маънонинг бошқача нозиклик билан юзага чиқишини амалий жиҳатдан сезиб олишади, кўришади.

Синонимлар устидаги ишлар ўқувчилар нутқ бойлигини оширади, уларнинг битта маънони ифодалашдаги ортиқча такрорийликдан қутулишларига имкон беради, фикрнинг нисбатан аниқ, лўнда ва тиниқ ифодалашга ўргатади. Шунинг учун ҳам бу жараёнда бадиий адабиётларга кўпроқ мушоааат этиш, ўқувчиларнинг бевосита изоҳли луғатлар устида ишлашларини рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари устида ишлашда маънодош сўзлар гуруҳларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Маънодош сўзлар — тилимизнинг лексик бойлиги. Ундан қанча ўринли фойдаланилса, фикрни раван, гўзал ифодалаш имкониятлари шунча кенгайди, сўздан тўғри ва самарали фойдаланиш малакалари шаклланади.

Оғзаки ҳамда ёзма нутқни маънодош сўзлар билан бойитишда сўзларни қуйидаги лексик маъно гуруҳларига ажратиш усуллари билан фойдаланиш мумкин.

1-топшириқ. Истамоқ, кенгашмоқ, сўрамоқ, саломлашмоқ, хоҳламоқ, маслаҳатлашмоқ, фикрлашмоқ, орзу қилмоқ, соғинмоқ, кўришмоқ, омонлашмоқ, аҳдлашмоқ, салом-алик қилмоқ каби маънодош сўзларни лексик маъно гуруҳларига ажратинг:

— истамоқ, хоҳламоқ, орзу қилмоқ, соғинмоқ;

— маслаҳатлашмоқ, кенгашмоқ, фикрлашмоқ, аҳдлашмоқ;

— саломлашмоқ, сўрашмоқ, кўришмоқ, омонлашмоқ, салом-алик қилмоқ...

2-топшириқ. Маънодош сўзларни маълум бир белгининг ошиб ёки камайиб бориши (сўзнинг маъно даражалари) бўйича тартиб билан жойлаштиринг:

— ҳужра, хона, кулба, уй, кошона, сарой, қаср, қалъа;

— тузук, дуруст, яхши, ажойиб, аъло...

Ёшларни мустақил фикрлашга, лексик маъно белгиларини фарқлашга йўналтирадиган бундай топшириқларни бажариш гапда сўзнинг ўрнини аниқлашни осонлаштиради, ундан шароитга мос равишда фойдаланиш имкониятини яратади.

3-топшириқ. Берилган сўзларга лексик маъноси яқин сўзлардан қатор ҳосил қилинг: **гулзор, гумон, сезги...** Уларни маъно даражаланишига қараб жойлаштиринг: **гулзор, гулбоғ, гулистон, гулшан, чаман, чаманзор, боғубўстон...** в.ҳ. Ҳар бир сўзга намунадагидек қаторлар ҳосил қилингач, сўзларнинг ошиб бораётган маъно кўлами қуйидагича тасниф қилинади:

— «гулзор» сўзининг маъно даражаси гулбоғ сўзининг маъносидан (кўлами) торроқ, чунки «гулзор» деганда, гул экилган жой маъноси англашилса, гулбоғ деганда, гул ва манзарали буталар экилган жой тушунилади. «Гулбоғ» сўзида маъно кенгайиши ҳодисаси кўринади;

— «гулистон» сўзининг маъно кўлами гулзор ва гулбоғдан кўра кенроқ, яъни унда гуллар ватани (диёри, мамлакати) маъноси бор. Лекин мазкур сўз умумистеъмолдаги сўз бўлиб, «гулистон»да «чаман» сўзида англашиладиган бадий кўтаринкилик, бўёқдорлик кўринмайди.

Шунинг учун гулистон сўзи гулшан, чаман сўзларидан пастроқда туради.

4-топшириқ. Гапдаги маълум бир сўзни унинг маънодоши билан алмаштиринг. Намуна: Ўзбекистонимиз (Республикаимиз, юртимиз, ўлкамиз, диёримиз, мамлакатимиз...) кун сайин чиройли (кўркем, обод, гўзал, сулувл...) бўлиб бормоқда.

5-топшириқ. Берилган гап ёки матндаги ажратилган сўзларга маънодош, уядош, зид маъноли сўзлар топиб, уларни ўзгартиринг.

Кулги-ю табассум **ҳамроҳинг** бўлсин,

Сен кулсанг, **қалбинг** ҳам қўшилиб кулсин,

Яратган **риёдан** узоқроқ қилсин,

Табассум **ботиний** нурдан далолат. (Т.З.)

Намуна: **ҳамроҳинг, қалбинг, риёдан, ботиний нур...**

1. **Маънодошлар** — **ҳамроҳинг, яқининг, шеригинг, йўлдошинг, маҳраминг...** в.ҳ.

Уядошлар: **ҳамроҳинг** — **шеригинг, қўшнинг, ҳамдардинг, ҳомийинг, танишинг, улфатинг...** в.ҳ.

Зид маъно: **ҳамроҳинг** — **рақибинг, душманинг, ёвинг...** в.ҳ.

2. **Маънодошлар:** **қалбинг, кўнглинг, юрагинг...** в.ҳ.

Мати устида ишлаш: Матндан маънодош сўзларни ажратинг, гуруҳланг, уларга зид маъноли сўзлар танланг. Топган сўзларингиздан фойдаланиб, СБ лар ҳосил қилинг.

...Кулги-ю табассум Оллоҳнинг инсонга берган бетакрор марҳаматидир-ки, бу хислат на ҳайвонот дунёсида, на парранда-ю даррандаларда учрайди. Инсон қиёфасидаги шодмонлик белгиси фақат инсонгагина хос.

Кулги-ю табассум бебаҳо гавҳардир, инсон қалбининг юздаги инъикосидир, у юрак соғинчларини изҳор этиб туради»... (Мирмуҳсин).

1-иш.

кулгу — йиғи марҳамат — маломат, лаънат

табассум — жаҳл хислат – феъл, бадфеъл

хурсандлик — хафалик фазилат — хулқ-атвор

шодлик — ғам неъмат — фалокат, бало-қазо

Ўқувчиларнинг бу соҳадаги билим ва малакаларини янада кенгайтириш учун қуйидаги ўқув — топшириқлардан фойдаланиш мумкин:

— Матндаги янги ёки сизга таниш бўлмаган сўзни белгиланг, унинг маъносини изоҳланг;

— матнда ажратилган ўз ва кўчма маънодаги сўзларнинг уядош ва маънодошларини топинг;

— маънодош сўзларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган маънони белгиланг.

— маънодош сўзларнинг маъно нозикликларини аниқланг.

— улардан фойдаланиб, матн яратинг. Маънодош (синоним) сўзлар қаторини тузинг.

Бунда дарсликдаги муайян машқда берилган сўзга ўқувчилар маънодош (синоним) сўз излашади. Бундай машқлар учун ўқув материали сифатида адабиёт дарслигига мурожаат этиш мумкин.

Маънодош сўзларни ўрганиш юзасидан бажариладиган ижодий — назорат ишларининг яна бир тури **сайланма диктант** тарзида ўтказилиши мумкин. Бунда матн ўқилади, ундан фақат (синоним) маънодош сўзларгина кўчириб ёзилади, агар ўқитувчи лозим топса, эшитиб ёзилган маънодошларга шаклдошлар, зид маъноли сўзлар, уядошлар танлаш, улар воқеасида СБ лар ҳосил қилишга қаратилган кўшимча мустақил ишлардан бири топширилиши мумкин.

Маънодош сўзлар устида ишлашнинг шакл ва усуллари ниҳоятда хилма-хил. Уларнинг энг кенг тарқалганларини талабаларга эслатиш, мавзуга оид ижодий ва мустақил ишлар бажариш, назорат тестлари тузиш ва уларни гуруҳ олдида ҳимоя қилиш ўта фойдали ўқув топшириқларидан ҳисобланади.

Бундай ижодий-амалий ишлар, оғзаки нутқни маънодош ва уядош сўзлар билан бойитишда муҳим ўрин эгаллайди.

Зид маъноли сўзлар устида ишлаш

Ўқувчилар сўз бойлигини оширишда зид маъноли сўзлар устида ишлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Улар нутққа алоҳида аниқлик, ифодалилик, таъсирчанлик бағишлайди. Улардан фойдаланиш усуллари хилма-хил:

— Берилган сўзларга зид маъноли сўзлар танлаш: катта - ..., хурсанд - ..., тез - ..., хунук - ..., оқ - ..., олмоқ - ..., келмоқ - ... каби.

— зид маъноли сўзларнинг маъносини шарҳлаш;

— кеча-кундуз, оқ-қора, ёш-қари, катта-кичик каби жуфтликлар маъносини аниқлаш, улар иштирокида гап тузиш ва матн яратиш каби амалий ишлар билан шуғулланиш, ўқувчилар сўз бойлигини оширишга самарали ёрдам беради.

Нутқни зид маъноли сўзлар билан бойитишда халқ мақолларининг ўзига хос ўрни, вазифаси бор. Ўқувчилар «Ўзбек халқ мақоллари», «Ақл, ақлдан қувват олади», «Сўз кўрки – мақол» китобларидан зид маъноли сўзлар иштирок этган мақолларни ажратадилар ва маъносини шарҳлайдилар.

Масалан: «Яхшидан етар шарофат, ёмондан етар касофат», «Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб», «Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик, асли ёмон бўлса, кутма омонлик», «Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл», «Ёмондан қоч, яхшига қулоч оч» каби мақоллар маъносини шарҳлаш, маълум бир мавзуга оид мақоллар топиш ва ёзиш ҳам қизиқарли, ҳам самарали усуллардан биридир.

Берилган маънодошларга зид муносабатда бўладиган қатор ҳосил қилиш ҳам сўз бойлигини ошириш, гап тузиш малакасини мустаҳкамлашда, нутқда гап маънодошлиги ҳодисаларидан фойдаланишда яхши самара беради.

Намуна: Бу эртакни **барча** ўқиши керак. — Бу эртакни **катта – кичик** ўқиши керак. Турмуш **ғавғоларидан** хабардор — Турмушнинг **иссиқ - совуғини** билган каби.

Зид маъноли сўзлар кўпроқ сифат ва равиш сўз туркумларидан ҳосил бўлади. Улар: — сўз бирикмаси таркибида: **баланд бино – паст бино; оқ мрамар - қора мрамар** каби;

— бутун бир бирикмада: **баланд бўйли, семиз, кекса аёл – паст бўйли, ориқ, ёш аёл; қалин муқовали (жилдли) катта китоб – юпқа муқовали (жилдли) кичик китоб** каби;

— баъзи бирикмада зид маънога эга бўлган сўз бошқа бирикмада айнан шу маънони билдирмаслиги ҳам мумкин. Солиштиринг: **қалин дафтар – юпқа дафтар, аммо қалин соч – юпқа соч эмас, сийрак соч; иссиқ ҳаво – салқин ҳаво, аммо иссиқ сув – салқин ичимлик эмас, совуқ ё муздек ичимлик**

каби; — сўз зид маъноли жуфтига эга бўлмаганда, ясовчи кўшимчани кўшиш билан зид маъноли тушунчаларни ифодалаш усулидан фойдаланиш орқали сўз бойлигини ошириш мумкин: **маъноли-маъносиз, бемаъни-бамаъни** каби.

Зид маъноли сўзларнинг маъноси, тузилишини билиш — нарса ва ҳодисалар орасидаги фарқни тўғри ажрата олиш имконини беради. Сўзнинг шакл ва маъноларини белгилашда айтиб бериш сўзнинг маънодошлари ва зид маънолиларини контекстда қиёслаш ҳам талабада ижодий тафаккурни ривожлантиришга катта ёрдам беради. **Совуқ ва иссиқ** сўзлари ҳам ўзига хос шаклдошлари ва зид маънолиларига эга:

— **иссиқ ҳаво – совуқ ҳаво, қайноқ сув – муздек сув, қайноқ ҳаёт – сокин ҳаёт, тинч мамлакат – нотинч мамлакат, хуш хабар – нохуш хабар** .в.ҳ..

Шоир ва ёзувчилар воқеликни, нарса — ҳодисаларнинг хусусиятлари, сифатини бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлашда зид маъноли сўзлардан унумли фойдаланадилар.

Бор экан дунёда **иссиқ** ва **совуқ**,
Бор экан дунёда **сахий** ила **суқ**,
Бор экан дунёда **нур** ва **кўланка**,
Шоирга муҳтождир эл-элат, ўлка! (Шуҳрат)

(Бундай зид қўйиш усули мумтоз адабиётда тазод санъати деб юритилади.

Назмий матнларнинг лисоний таҳлили устида ишлаш ҳам талабанинг мустақил илмий мушоҳада юритиш, фикрнинг мантиқли, тўғри ва раво ифодалаш, айтилган фикр юзасидан ҳукм ва хулосалар чиқариш малакаларини мустаҳкамлайди, мумтоз адабиёт жавоҳиротларини англаш, ундан шарқона маънавият ва ахлоқ тариқатларини туйиш, адабий тил сеҳридан завқланиш, фикр ифодасида шеърини санъатлардан фойдаланиш имкониятини яратади:

Қуйида берилган шеърни шеър санъати юзасидан таҳлил қилинг. Шеър вазни, қофияси, қайси санъатга хослиги, унга яширилган исмни аниқланг.

Комилу, камтар, сабрни аҳли зиёдин ўрганган,
Ақл ила ахлоқни Кайковус бободин ўрганган.
Рағбати бисёр, тасаввуфдан келиб сўз айтадур,
Илм ила андишани устоз Омондин ўрганган.
Масъул ул айтқон сўзиға, дўсту, аёлу аҳлиға,
Жисму жон, дунё таваккал ота-она маҳриға.
Отани эъзоз этиб, тузди девон **фарзанди** хуш,
Не ажаб, қўл урса ул илму лисон таҳририға.

Назмий матн устида ишлаш учун топшириқлар:

1-топшириқ. Берилган назмий матнда ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маънодошларини топинг. Улар билан сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

2-топшириқ. Матндаги зид маъноли сўзларнинг маъносини шарҳланг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

3-топшириқ. Кўчма маънода ишлатилган сўзларни ўз маъносида қўллаб, гаплар тузинг. Кичик матн яратинг.

Кўринадики, зид маъноли сўзларни сўзловчи нутқига контраст – экспрессив бўёқ берувчи восита сифатида ўрганиш ўзбек тили ўқитиш методикасида муҳим аҳамият касб этади.

Шаклдош сўзлар устида ишлаш

Ҳар бир тил луғатида товуш (ҳарф)лар таркиби ва ёзилиши жиҳатдан бир хил аммо маъноси ҳар хил сўзлар **шаклдошлар** мавжуд. Улар маъноларига кўра турли буюм, воқеа — ҳодиса, тушунчаларни англатади. Кўпинча, товуш таркибига кўра шаклдошлар бирлан кўп маъноли сўзларни ажрата олмаслик ҳоллари учрайди.

Айрим сўзлар ўзларининг асл маъноларидан бошқа маъноларга ҳам эга бўлади. Чунончи, инсон организмдаги аъзо номлари: *бош, кўз, қош, юз, бурун, оғиз, тил, қўл, оёқ, қулоқ*.. в.ҳ. лар ўзининг асосий лексик маъносидан ташқари кўчма маъноларда ҳам ишлатилади; уларда ички маъно «ип» лари сақланади.

Масалан: бош – организмнинг бош қисми – бошқарувчи маъносини англатади ва худди шу *маъно бошлиқ, бошқарма бош мақола, сўз боши, йўл боши, сув боши, иш боши, бир бош узум* каби сўз бирикмаси ва қўшма сўзларда сақланади.

Натижада, луғатимиз таркибида шакли бир, маъноси турлича сўзлар пайдо бўлади. Шаклдошлик ва кўп маънолилиқ орасида фарқ ҳам мавжуд: — шаклдошларда сўз маънолари бир-бирига ўхшамайди.

кўк — ўсимлик, ранг, осмон, мотам либоси;

олма – дарахт, мева, буйруқ феъли каби.

Келди баҳор, пишди тут (мева),

Тут есанг, шундай иш тут (қил),

Чугурчиқ келишин кут,

Бекорга синмасин тут (дарахт).

Ушбу туюқда тут – мева, иш тут – иш қил – буйруқ феъли, тут – мевали дарахт тури маъноларида ишлатилган ва мазкур сўзлар нутқни равон, қизиқарли, таъсирли бўлишига хизмат қилган.

— кўп маъноли сўзларда сўз маънолари бир-бирига яқин ва алоқадор бўлади: кўз – кўриш аъзоси, узукнинг кўзи, деразанинг кўзи, тахтанинг кўзи, ишнинг кўзи каби;

— шаклдошларнинг услубий жиҳатдан нутқда икки хил англаниши тушунча доирасини кенгайтиради: юрагига ўт тушди — юраги ёнди.

Нутқда бир ўринда сўз, иккинчисида сўз бирикмасини қўллаш билан сўз ўйини юзага келиши шаклдошларда ҳам мавжуд:

1. Сотувчи дўконда қирқ ишни ўйлар,

Савдода буй – эндан қирқишни ўйлар.

«Қинғирлик қилмагин!» — деган кишининг

Дарҳол қадамини қирқишни ўйлар (Газетадан).

Ёки: 2. Дейдиларки, кунгабоқар умр бўйи кунга боқар.

Юқоридаги биринчи тўртлик – туюқда, қирқ иш – «сон от», миқдор; қирқиш – феъл, кесиш, қисқартириш; қадамини қирқиш — ҳайдаш маъноларида ишлатилган.

Иккинчи матнда кунгабоқар – от, ўсимлик, ҳамда от+феъл+ар» бирикмаси — кунга боқар — шаклдошлардир.

Шаклдошларнинг ўзига хос хусусиятларидан халқ оғзаки ижодида, бадиий адабиётда поэтик жанр – туюқ тузишда кенг фойдаланилади. У мумтоз адабиётда *тажнис санъати* деб аталади.

Кўз ёшим тупроқ ила гар қотила, (аралашса, қоришса)

Келмагаймен жавридин ҳаққо, тила, (тилга)

Ғамзаси ўлтирди-ю, ул беҳабар,

Мен агар ўлсам, не кам ул қотила. (қотилга) (Лутфий)

Шаклдош сўзларни чуқур ўрганиш талабалар сўз бойлигини ошириш ва нутқий маҳоратини юксалтиришда нозик қочиримлардан фойдаланиш, ижодий тафаккур, мустақил фикрни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Пароним сўзлар устида ишлаш

Товушлар сони ва тури жиҳатдан тенг бўлмаса-да, талаффузда ўхшаш бўлган паронимлар шаклдошларга кўп жиҳатдан яқин туради. Паронимларни шаклий, маъновий ҳамда қўлланиши доирасида қуйидаги маъно гуруҳларига ажратиш, ўрганиш яхши натижа беради:

— бир икки баъзан ундан ортиқ товушга кўра қисман фарқланувчи шаклий умумийликнинг мавжудлиги: таҳлил — таҳрир, матбуот – матлубот, тақлид – тахлит каби.

— пароним жуфтликлар ўртасидаги товуш алмаштириш ва маъно муносабатининг турли хиллиги: аросат – асорат, арғувон-армуғон каби;

— лексик маъноларида умумий семантик қирралар мавжудлиги: танглай – манглай, кифт – кафт, жийрон – жайрон каби;

— лексик маънолари нисбатан яқинлиги, ўхшашлиги: маҳрум – марҳум, маҳрам каби;

— маълум томонлари билан маънодош муносабатда бўлишлик: бекинмоқ - биқинмоқ, ниҳон – пинҳон, куртак — муртак каби.

— зидланишдаги маълум умумийлик ҳоллари: эътироз-эътироф, бемаъни – бамаъни, импорт – экспорт каби.

Паронимларни нутқда хато қўллаш, жуфтликларни қориштириш сўз маъноларини яхши билмасликдан келиб чиқади. Ўқитувчи бундай хатонинг олдини олиш учун машғулот жараёнида шаклий, маъновий бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган паронимлар маъносини шарҳлаш, уларни сўз бирикмаси ва гап ичида қўллаш каби амалий ишлардан фойдаланиши ниҳоятда зарур.

Намуна: Матбуотда (газета, журнал) эълон қилинди. Матлубот – истеъмол ҳамкорлиги, кенг истеъмол моллари; *асорат* — қолдиқ, шамоллаш асорати, ёмон асорат, *аросат* – иккиланмоқ, икки йўл орасида (аросатда) қолмоқ; *боғча-кичик боғ*; боғча — *мактабгача тарбия маскани*; ўқитувчи меҳнатига *таҳсин* айтмоқ — Алишер Ҳирот ва Машҳадда *таҳсил* кўрди.

Хуллас, талабанинг нутқий тараққиётида шаклдош, пароним сўзларнинг ҳар бирига маънодош ва уядош сўзлар танлаш, улар иштирокида сўз бирикмаси ва гап тузиш, сўз ўйинлари ташкил қилиш, туюқлар ва ҳикматли сўзлар, мақол ва маталлар устида ишлаш; турли изоҳли луғатлардан фойдаланиб, сўз маъноларини шарҳлаш, хилма-хил иборалар, матал ва ҳикматли сўзлардан фойдаланиб матилар яратиш каби амалий ишларни бажариши кейинги педагоглик фаолиятида ўта фойдалидир.

Кам ишлатиладиган сўзлар

Кам ишлатиладиган сўзлар устида ишлашда берилган сўзларни фанларга оид, касб-ҳунарга оид, шевага оид, тарихий сўзлар каби гуруҳларга ажратиш, гуруҳларни мустақил давом эттириш, шундай сўзлар иштирокида матилар яратиш, асосий эътиборни кам ишлатиладиган сўзлар маъноси ва уларнинг нутқда қўлланишига қаратилиши даркор. Атамалар (терминология) шундай сўзлар жумласига киради.

Атамаларнинг қайси фанга мансублигига кўра гуруҳларга ажратиш, сўз ва атамалар орасидаги муносабатни аниқлаш (*тил* — анатомия атамаси; *тил* – мулоқот воситаси, она тили фанига оид атама; изғириндек дилни тилган (сифатдош) ўйлар ... каби); уядош ва шаклдош атамалар ёрдамида матн тузиш каби топшириқларни бажариш — талаба луғат захирасини атамалар билан бойитишга ёрдам беради.

1. Маълум бир фан соҳасида тор, хусусий маънога эга бўлиб, кўпчилик бошқа маънода кенг қўллайдиган сўзлар топинг. Тор ва кенг қўлланиш маънолари доирасида гаплар тузинг.

Намуна: Куёш системасининг тўртинчи сайёраси – Ер. Осмон узоқ, ер қаттиқ (М.), Сен ерни боқсанг – ер сени боқади. Деҳқон ризқини ердан топади.

2. «География», «Математика», «Табиатшунослик» дарсликларининг маълум бир бетини синчиклаб ўқинг. Уларда хусусий, тор маънода қўлланилган ва кенг қўлланишда бошқа маъноларга эга бўлган сўзлар рўйхатини тузинг. Уларнинг маъносини тушунтиринг.

Ҳар бир фан унинг ўзигагина хос бўлган, муайян атамалар тизимига эга. Шундай экан, уларни билиш, тушуниш, кенг ва тор маъноларини фарқлай олиш, тўғри ишлатиш билан бирга фан, касб-кор учун хос бўлган атамалар сирасини ўзлаштиришларига эришиш машғулотларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак.

Атамаларни ўрганишда талабаларга таниш ва яқин бўлган касб-ҳунарга оид сўзлар луғатини тузиш, уларни изоҳлаш ва шу сўзлар иштирокида гаплар тузиш ва матнлар яратишга оид топшириқларни бажариш самарали натижа беради.

Олинма сўзлар устида ишлаш

Бошқа тиллардан кириб, ўзбек тилига ўзлашиб қолган сўзлар — олинма сўзлар ҳисобланади. Уларни оғзаки ва ёзма нутқда бемалол ишлатиш учун улар англлатган маъно талабалар онгига сингдирилиши зарур. Айниқса, илмий атамалар борасида олинма сўзлар муҳим мавқега эга. Аниқ фанларга хос «квадрат», «куб», тилшуносликдаги «морфология», «синтаксис», «лексикология», кундалик турмушда ишлатиладиган ЭҶМ, компьютер, дискета, кассета каби атамаларни алмаштириш ўзбек халқини жаҳон маданиятидан узишга олиб келмаслиги лозим.

Тилимизда мактаб, маориф, машқ, толиб (талаба) каби **арабча**; барг, дарахт, ширин каби **форсча** — **тожикча**; лағмон, шийпон каби **хитойча** сўзлар мавжуд; **рус тили** ва у орқали бошқа хориж тилларидан кирган стол, стул, ручка, бухгалтерия, солдат (немисча), пальто, трико (французча), клуб, футбол, бизнес, компьютер (инглизча), томат, лимон (испанча) каби атамалар ҳам ўзбек тилида кенг истеъмол қилинадиган ва ўзлашган сўзлар қаторига киритилади.

Бундай сўзларнинг маъносини шарҳлаш, имлоси ва маъноси устида ишлаш, улар иштирокида гаплар тузиш ва турли матнлар яратиш каби амалий ишлардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш мумкин. Турли соҳалар бўйича олинма сўзларнинг рўйхатини олиш, уларнинг луғавий маънолари устида ишлаш, олинма сўзлардан сўз бирикмалари ва гаплар тузиш каби амалий ишлар изчиллик ва ўзаро уйғунликда олиб борилсагина, бундай сўзлар талабалар сўз бойлигини ошириш, уларнинг нутқий кўникма ва малакаларини шакллантириш, матн яратиш маҳоратининг ошишига хизмат қилади.

Нутқимизда *квадрат, куб, грамматика, лексика, стол, стул, шкаф, пальто, костюм, туфли, ботинка, трактор, комбайн, ректор, университет, профессор, компьютер, мультимедиа, кодоскоп* каби кўпгина сўз ва ата-малар борки, уларни бошқа сўзлар билан алмаштиришга ҳеч қандай эҳти-ёж ҳам, зурурат ҳам йўқ.

Ибора ва тасвирий ифодалар устида ишлаш

Талаба луғат бойлигининг муҳим қисмини ибора ва тасвирий ифодалар ташкил қилади. Маъноси ва қўлланиши жиҳатдан бир сўзга тенг келадиган, кўчма маъно ифодаладиган сўзлар қўшилмаси иборалардир. У нутқимизни бойтадиган, гўзаллаштирадиган ва таъсирчанлигини оширадиган воситадир. Ўзбек тилини ўқитиш методикасида берилган сўзларни иборалар билан (ёки аксинча) алмаштириш, улар маъносини шарҳлаш маъно даражаларини ошиб ёки камайиб боришини таққослаш каби амалий ишлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1. *Тадбиркор ўз ишини билади.*

2. *Онамнинг жаҳли чиқди.*

3. *У ишни яхши бажарди.*

4. *Масалани ечишда Шаҳло жуда қийналди.*

1. *Тадбиркор ишнинг кўзини билади.*

2. *Онамнинг сабр косаси тўлди.*

3. *У ишни хамирдан қил суғургандай бажарди.*

4. *Масалани ечишда Шаҳлонинг она суги-оғзига келди.*

Бундан ташқари, ўқувчиларга она тили машғулотларида иборалар луғатини туздириш, ибораларга зид маъноли, муқобил ибора ёки сўз бирикмалари танлаш каби машқлардан фойдаланишни ўргатиш ҳам сўз бойлигини ошириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида иборалар устида ишлаш юзасидан бажариладиган машқлардан намуналар берамиз. 1. Иборалар мазмунини шарҳланг, уларни аввал маънодошлари, сўнгра оддий сўзлар билан алмаштинг.

1. Гапи бир жойдан чиқди, оғиз-бурун ўпишди – келишди.

2. Димоғи чоғ бўлди, вақти чоғ, чеҳраси очилди, оғзи қулоғига етди, боши осмонга етди... – хурсанд бўлди.

— Енг шимариб, ишга тушди боши билан шўнғиди, ғайрат қилди – астойдил ишга тушди.

— Оқ-қорани таниди дўст-душманни ажратди — ҳаёт тажрибасига эга бўлди.

— Терисига сизмади оғзининг таноби қочди, боши кўкка етди – суюнди.

— Тили қичиди — гапиргиси келди.

2. Ибораларни зид маънодаги муқобиллари билан алмаштиринг.

— Димоғи чоғ — кайфияти бузуқ.

— Енг шимариб — қўл учида, наридан-бери.

— Терисига сиғмади — тарвузи қўлтиғидан тушди.

— Тили қичиди — товуши ўчди, дами чиқмади...

Шу билан бирга, талабалар томонидан тўпланган ибораларни гуруҳ иштирокида эшитиш, тўғрилаш, таҳлил қилиш, тўлдириш машқлари ўтказилиши уларда тил сезгирлиги, сўз танлаш маҳоратини, матн яратиш маданиятини шаклланишига сабаб бўлади.

Матн устида ишлаш учун топшириқлар.

1-топшириқ. Гап жуфтларида ажратилган қисмлар орасида қандай маъно муносабатлари борлигини аниқланг.

2-топшириқ. Берилган сўзларни иборалар билан алмаштиринг. Улар иштирокида гаплар тузинг.

Ювош, қўрқди, чаққон, тоза, кўп гапирди, гапирилди, қувонди.

Намуна: **ювош** — қўй оғзидан чўп олмаган, **қўрқди** — капалаги учди каби.

Иборалар ўртасида ўзаро шаклдошлик ва маънодошлик ҳам бўлиши мумкин: *бошга кўтармоқ* (эъзозламоқ), бошга кўтармоқ (шовқин-сурон солмоқ) – шаклдош иборалар:

тегирмонга тўшса бутун чиқади – *судан қуруқ чиқади* — маънодош иборалар.

Ўқувчилар бадиий асарни ўқийётганда учрайдиган шаклдош, маънодош, зид маъноли иборалар маъноси шарҳланган изоҳли луғат дафтари тутсалар, мазкур сўзлар иштирок этган гаплар тузсалар, сўз бойлигини ошириш ва нутқий маҳоратни шакллантиришда яхши натижаларни қўлга киритадилар.

Тасвирий ифодалар — (пўлат от чавандози, зангори кема капитани (механик — ҳайдовчи ўрнида); зангори экран, ойнаи жаҳон (телевизор); қанотли дўстлар (қушлар); оқ олтин (пахта)) дан нутқда тўғри ва ўринли фойдаланиш нутқ гўзаллигини таъминловчи асосий усуллардан бири ҳисобланади.

Бунда нарса ёки шахс номларини тасвирий ифода орқали бериш ёки тасвирий ифодани предмет номи билан алмаштириш, уларнинг маъноларини шарҳлаш, улар иштирокида гап ва матнлар тузиш фойдалидир.

Лексикологияни ўрганишда билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш ва умумлаштиришда сўзнинг ботиний, луғавий маъносини тавсифлаш шу жараёнда тўғри ва ўринли сўзлаш маҳоратини эгаллаш учун лексик таҳлилдан фойдаланиш яхши натижа беради.

Лексик таҳлилдан намуналар:

1-топшириқ. Вилоят сўзининг луғавий маъносини шарҳланг.

Вилоят – мамлакатнинг муайян бир миллат вакиллари истиқомат қиладиган қисми, бўлаги, яшаш жойи; Самарқанд вилояти, Фарғона вилояти...

2. Маънодошлари: ҳудуд, водий. депара, манзил... в.ҳ.

3. Бугун республикамизнинг Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳаво иссиқ бўлади.

Ўқувчи лексик таҳлил жараёнида сўзнинг луғавий маънолари ҳақида ўзи мустақил фикр юритади. Шу сўзга маънодошларни ўзи излайди, илोजи бўлса, бошқа тилдаги таржимасини топади. Шу сўз иштирок этган гаплар қуради ва матн яратади.

Шуни таъкидлаш лозимки, равон, аниқ, таъсирчан услуб туйғуси тилнинг барча соҳаларини ўрганиш жараёнида, тил бирликларида (товуш, сўз, қўшимча, сўз бирикмаси, гап каби синтактик қурилмаларда), сўзларнинг маъно ва шакл муносабатлари асосидаги боғланишларни таққослаш заминидagina шаклланади. Ўқувчи онгида ана шу хусусиятни таркиб топтириш, барча она тили ўқитувчиларининг диққат марказида бўлиши лозим. Шунинг учун ўзбек тили машғулотларининг бош мақсади ўқувчи сўз бойлигини ошириш, уни сўз тўғрисида тўғри ва ўринли қўллаш кўникмаларини шакллантириш, тил бўлиmlарини услубият билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳисобланади.

ГРАММАТИКАНИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Педагогик таълимда энг замонавий технология ҳисобланган ОВКТ – онгли вербал когнитив таълим асосида ташкил қилинган она тили машғулотлари ўқувчида оғзаки ва ёзма нутқни мукамал эгаллаш, тил имкониятларидан тўғри ва унумли фойдаланиш маданиятини тарбиялайди. Нутқ маданияти оддий салом-алиқдан тортиб, кимга, нимага, қачон, қаерда, қандай сўзлашгача бўлган шарқона одоб ва мулоқот сирларини ўргатади. Мазкур хусусият ўқувчиларга фонетик ҳодисалар ва тил қонуниятларини ўргатиш жараёнида сингдириб борилади.

Адабий тил меъёрлари, грамматик билим кўникма ва малакалар тизими, уларни амалиётда қўллаш асосида эгалланади. Бу эса мустақил фикрлаш, фикр маҳсулини тўғри, равон, изчил, аниқ, тушунарли ифодалаш имконини беради. «Грамматика ҳамма ва ҳар қандай билимга ўтиладиган бир остона ...» (А.М. Пешковский) экан, уни ўрганишнинг амалий томонига кўпроқ эътибор бериш ниҳоятда фойдали. Шундагина, «... грамматика инсонни ўзини ўзига танитишдек ўта зарур тарбиялаш вазифасини тўла-тўқис бажаради».

Грамматика тил ҳақидаги фаннинг бир қисми, у морфология ва синтаксисдан иборат. Морфология бўлимида сўз таркиби ва сўз туркумлари, синтаксис бўлимида сўз бирикмаси ва гап турлари ўрганилади.

Грамматика атамаси грекча **grammatike** сўзидан олинб, «ўқиш ва ёзиш ҳақидаги билим» деган маънони билдиради. Грамматик билимлар ўқувчилар сўз бойлигини оширишга, коммуникатив саводхонлик даражасини юксалтиришга хизмат қилади.

МОРФОЛОГИЯНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

Талабалар «Морфология» бўлимини ўрганиш жараёнида тилнинг адабий меъёрлари, сўзнинг шу меъёрлар доирасида ўзгариши ва ясалиши (грамматик хусусиятлари); сўзни нутқда тўғри ва ўринли ишлатиш принциплари билан танишадилар.

Сўз туркумлари мавзусини ўрганишда сўзнинг таркиби, ясалиш жараёни билан ганишув орқали ўқувчилар сўзнинг луғавий ва грамматик хусусиятларини кузатиш, фарқлаш, ўзаро қиёслаш, уларни нутқ вазиятига мос равишда тўғри танлаш ва тўғри қўллаш малакаларини эгаллайдилар, луғат хазинасини бойтадилар. Ҳозирги ўзбек орфографиясидаги қоидаларнинг кўпчилиги морфологик принципларга асосланганини ҳисобга олган ҳолда морфологик ҳодисаларни ўрганишда имло масаласига алоҳида аҳамият бериш лозимлигини ўқувчилар онгига етказиш лозим бўлади.

Морфологияни ўрганиш ўқувчининг мустақил ва ижодий тафаккур доирасини кенгайтиради, сўзнинг турли шаклларини ўрганиш ва янги сўз ҳосил қилиш, уларни ўзаро қиёслаш ва танлаш, танлаб олинган сўзни гап таркибида ҳамда боғланишли нутқда ўринли ишлатиш кўникмаларини ривожлантиради. Уларда муайян нутқий маданият шаклланади, қироат санъати кўникмалари тараққий этади.

Ўзбек тилида сўз туркумларини ўрганиш бошланғич синфларда ўрганилган билимларга асосланган ҳолда олиб борилиши, эгалланган БКМ (билим, кўникма ва малакалар)лардан фойдаланиб, мустақил ижодий фикр ифодалаш маҳорати шакллантирилиши лозим. Ўтилган мавзуларни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва умумлаштириш учун қуйидаги саволларда фойдаланиш мумкин.

1. Ўзбек тилида сўз туркумлари қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Мустақил сўз туркумлари қайсилар?
3. Феъл шаклларини тасниф қилинг.
4. Ёрдамчи сўз туркумларига таъриф беринг.
5. Ёрдамчи сўз туркумлари мустақил сўз туркумларидан қандай фарқланади?
6. Сўзларни туркумларга ажратишда қайси хусусиятлар эътиборга олинади?

Бу саволларга жавоб излаш жараёнида ўқувчилар сўзларнинг талаффуз ва маъно жиҳатидан ўзгариши, сўз ясалишидаги морфологик ва син-

тактик усуллар, сўз таркиби, маълум белги ва хусусиятлари билан фарқланувчи сўз туркумлари, сўзнинг турланиши ва тусланиши, грамматик шакл ва грамматик маънолари устида ишлайдилар, сўз туркумлари ҳамда уларнинг ҳар бирига хос ясалиш усуллари билан танишадилар, эгалланган БКМлар асосида гап қуриш ва матн яратиш кўникмаларини эгаллайдилар.

МОРФОЛОГИЯНИ ЎРГАНИШДА УЯДОШЛИК ҲОДИСАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Сўзнинг грамматик шакллари тизими *парадигма* дейилади. Парадигма морфология бўлимида ўрганилади. Морфологияда туркумланиш ҳодисаси, уядош сўзларни ўрганишда яққол кўзга ташланади. Ушбу ҳодисани морфологияда уядошлик парадигматикаси деб аташ мумкин.

Грамматик шакл сўзнинг у ёки бу грамматик восита ёрдамида ўзгаришидир. Турли грамматик шакллар ҳосил қилиш сўзнинг парадигматик ўзгариши бўлиб, у лексик маъно ҳамда категориал грамматик маънолар бирлигига асосланади. Сўзнинг грамматик шакллари тизими морфологик парадигматика (турланиш, тусланиш тартиби, ўзгаришлар йиғиндиси) саналади. Маълумки, «муस्ताқил сўзлар объектив борлиқдаги маълум бир предмет, белги, ҳаракат кабиларни англатади. Бу сўзнинг лексик маъноси ҳисобланади. Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносини ўзгартирмайди, лексик маънога қўшимча тарзда маъно орттириш, сўзни сўзга, гапни гапга боғлаш, бириктириш вазифасини бажаради ҳамда махсус воситалар (масалан, қўшимчалар) орқали ифодаланади. Грамматик маъно ва грамматик шакл (сўз шакли) деганда, муस्ताқил сўзларгина назарда тутилади»¹⁷.

Грамматик маъно куйидагича ифодаланади:

- ўзак (негиз)га грамматик маъно билдирувчи қўшимча қўшиш билан: китоб-им, китоб-ни, ўқиди-нг, яхши-роқ;
- ёрдамчи сўзлар билан: сиз учун, радио орқали, келди-ю гапирмади;
- сўзларни такрорлаш билан: бурро-бурро гапирди, катта-катта қурилишлар.

Сўзлар лексик-семантик маъноси, грамматик белгиларига кўра гуруҳларга бўлинади. Улар сўз туркумларидир.

Ўқитувчи ўқувчиларга сўз туркумлари ҳақида ўрганилган билимларни такрорлаш ва текшириш учун луғат диктанти ёздирishi, берилган матн устида ишлаш, сўз туркумларини ажратиш, гуруҳлаш, улар билан СБлар ҳосил

¹⁷ Ҳожиёв А. Ҳозирги ўзбек тилида форма ясалиши. — Т.: «Ўқитувчи», 1979, 5-бет

қилиш, гап тузиш — МЯБТ-4 модули асосида матн яратиш каби ўқув топшириқларини беришлари мумкин.

ЛУҒАТ УСТИДА ИШЛАШ

Она тили ўқитишнинг асосий мақсадларидан бири ўқувчиларга она тилидаги сўзнинг маъно ва моҳиятини ўргатишдан, сўзни ҳис этишга йўллашдан иборат. Бунда сўз маъноларини ўзлаштириш ва уни нутқда тўғри ва ўринли қўллаш малакасининг ҳосил қилиниши алоҳида ўрин тутади. Бунинг учун она тили дарсларида луғат устида ишлашга алоҳида эътибор берилади. Луғат устида ишлаш она тили дарсларидаги оддий машғулот эмас. Мазкур жараёнда:

— болаларнинг ақлий ва нутқий жиҳатдан ривожланиши кўзда тутилади;

— дастурда белгиланган илмий-назарий ҳамда методик вазифалар bajarиларилади;

— ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий-маънавий, бадиий-эстетик тарбияси амалга оширилади;

— уларнинг она тили замирига яширинган сир-у синоатлар, файз-у гўзалликларни илғаб олишига имкон берилади.

Шунинг учун ҳам луғат устидаги иш оддий ва тасодифий машғулотлар бўлиб қолмаслиги, балки мунтазам ва қатъий режага таянадиган, узоқ ва олий мақсадларга хизмат қиладиган, узлуксиз тизим тарзида амалга ошиши керак.

Луғат устида ишлаганда ҳар бир сўзнинг амалий жиҳатларига, амалий аҳамиятига алоҳида эътибор бериш зарур бўлади. Ҳар бир сўзнинг ўқувчи шахсининг дунёни билиш ва ўзлаштиришдаги, унинг нутқий фаолиятидаги муайян бир хизматлари бўлишини таъминлаш шарт. Масалан, «элиг» деган сўзнинг қадимда туркий халқлар тилида мамлакат ҳукмдори маъносида қўллангани, унинг оддий сўзлашув тилида ҳам, ўз давридаги адабий тилда ҳам фаол истеъмолда бўлганлигини билиш, ўқувчига фақат она тили дарслари учун эмас, балки тарих, адабиёт фанларидаги тегишли атама ва тушунчалар моҳиятини ўзлаштиришлари учун ҳам амалий жиҳатдан керак бўлади.

Сўзларни танлашда уларнинг қўлланиш даражаси ҳам эътиборда туриши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, кам қўлланадиган, ўқувчининг амалий фаолиятида деярли қўлланмайдиган сўз эмас, балки унинг амалиётида тез-тез учраб турадиган сўзларга кўпроқ мурожаат қилиш, ўқувчи нутқий фаолиятининг силлиқлашишига, бойишига, бу жараённинг тасодифий камчиликлардан холи бўлишига кафолат бўлади.

Албатта, бу жараёнда талабаларнинг «юк кўтариш қобилиятлари» ҳеч қачон назардан четда қолмаслиги керак. Бунинг учун фақат она тили таъ-

лимидаги узвийлик ва узлуксизлик кифоя қилмайди, балки имконият доирасида бошқа фанлар билан алоқадорлик назарда тутилгани ҳам ишнинг ютуғига пойдевор бўла олади.

Ҳар бир матн, тушунча, атама устида ишлашдан ташқари, ўқувчиларга турли-туман луғатлардан фойдаланишни ўргатиш ҳам тизимли тарзда йўлга қўйилишига эришиш муҳим. Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган сўзларнинг умумий миқдори ва ҳажми белгиланган бўлиши, бунинг учун луғат минимумдан тортиб, тегишли сўзларнинг алфавитли тизими ишлаб чиқиши иш муваффақиятини таъминлайдиган дастлабки омиллардир. Ўқувчилар узвийлик ва узлуксизлик принциплари асосида синонимлар луғати, антонимлар луғати, ўзбек тилининг изоҳли луғати билан таништирилиб борилиши керак. Тилшуносликнинг, она тилининг турли бўлимларини ўрганишда бу ишнинг ўзига хос имкониятларидан фойдаланиш ўринли бўлади. Бу жараёндаги энг муҳим босқич эса сўз маъноларини ўзлаштириш билан алоқадор.

Сўз маънолари устидаги иш мураккаб ва қийиндир. Болаларда янги, айниқса, маъноси хирароқ сўзларга алоҳида ва жиддий эътибор қаратиш ҳиссини тарбиялашга эришиш осон кечмайди. Аммо мунтазам ва барқарор машқлар тизими бу вазифани бажаришни осонлаштиради. Шунга кўра ҳар доим матн устида ишлаганда янги сўзларга ва сўзларнинг янги маъноларда қўлланганига эътиборни тортиш, ўқувчиларнинг бу соҳадаги кўникма ва малакаларининг шаклланиши ва такомиллашишига имкон беради. Бунинг учун амалиётда қўлланадиган айрим шакл ва усулларни эслатиш мумкин:

1. Янги сўзнинг маъносини изоҳли луғат воситасида ойдишлаштириш.
2. Берилган сўзнинг маънодошларини топиш.
3. Матндаги сўзнинг маъносига зид бўлган бошқа сўзларни келтириш.
4. Сўз ясалишига оид таҳлилни амалга ошириш.
5. Сўзнинг келиб чиқишига оид таҳлил билан шуғулланиш, яъни сўзнинг этимологиясини аниқлаш.
6. Сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини, улар орасидаги боғланишларни аниқлаш.
7. Сўз маъносини изоҳлаш ва имкониятга қараб, бошқа тилларга таржима қилиш.

Луғат диктанти

Уй, тўй, тош, чақмоқ, момақалди роқ, дарахт, мажлие, одоб, азоб, дўстлик, китоб, ишчи, гўзал, кичик, ширин, билимли, оқ, ўқи, ёз, чоп, кел, ўйла, ишлади, ухлади, суҳбатлашди, сўзлади.

Диктант ёзиб бўлингач, ўқувчилар ҳар бир сўзнинг луғавий маъносини шарҳлашлари ва унинг қайси сўз туркумларига қарашли эканлигини айтишлари лозим бўлади.

1-топшириқ. Сўзларнинг луғавий маъносини шарҳланг, қайси сўз туркумига қарашли эканлигини аниқланг.

1. Уй – одамлар яшаши учун мўлжалланган дераза, эшик, томи бор бино; уй – нима? сўроғига жавоб бўлади, от – сўз туркумига киради.

2. Тўй – базм, никоҳ тўйи, бешик тўйи, хатна тўйи, олтин тўй каби тантанали маросим; тўй – нима? сўроғига жавоб бўлади, от сўз туркумига киради.

3. Ишчи — бирор фойдали меҳнат билан шуғулланувчи шахс; ким? сўроғига жавоб бўлади, от.

4. Гўзал – белги-хусусиятни англатади, маънодошлари: чиройли, кўркем, жозибали; қандай? сўроғига жавоб бўлади, сифат.

5. Ўқиди, ишлади – тугалланган ҳаракат маъносини билдиради: қизиқиб ўқиди, тинмасдан ишлади, феъл.

2-топшириқ. Мазкур сўзлар билан сўз бирикмалари ҳосил қилинг, гаплар тузинг. Ким? нима? қандай? нима қилди? нима қилади? сўроқларига жавоб бўлган сўзларнинг тагига чизинг. Уларнинг қандай сўз туркумига қарашли эканлигини айтиб беринг.

3-топшириқ. Гаплардан от, сифат, феъл туркумларига оид сўзларни ажратиб гуруҳланг.

Шу тариқа луғат диктанти таркибидаги сўзлар оғзаки шарҳланса ўқувчиларда:

— мантиқий тафаккур доираси кенгайди ва ривожланади;

— фикр ифодалаш кўникмаси шаклланади ва ривожланади;

— нутқда сўз қўллаш малакаси шаклланади;

— сўз туркумлари юзасидан эгалланган билимлар аниқланади, умумлаштирилади, мустаҳкамланади.

СЎЗ ТУРКУМЛАРИНИ ЎРГАНИШ

Сўзларнинг муайян тил доирасидаги умумий грамматик маънолари ҳамда ўзига хос хусусиятларига кўра маълум гуруҳларга ажратилиши сўз туркумлари деб юритилади (Қаранг: 8-жадвал «Сўз туркумлари»).

1. Мустақил сўз туркумларини ўрганиш

Мустақил сўз туркумлари луғавий маънога эга бўлиб, гапда маълум синтактик вазифа бажарадиган ўзига хос сўроқларга жавоб бўладиган сўзлардир. Уларга от, сифат, сон, феъл, равиш, олмош ва тақлид сўзлар киритилади.

От сўз туркумини ўрганиш.

От сўз туркумига мансуб сўзларни тўғри талаффуз қилиш, тўғри ёзиш, луғавий маъноларини билиш ҳамда нутқда тўғри ва ўз ўрнида қўллай олишни ўргатиш – мазкур мавзунинг асосий мақсади бўлиши лозим.

Отларнинг луғавий маънолари, уларда уядошлик парадигматикаси (гуруҳлаш, туркумлаш, қаторни давом эттириш) устида ишлаш «Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари» талабларига кўра талабанинг коммуникатив саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Отларда уядошлик ҳодисаларини ўрганиш — талаба сўз бойлигини оширишнинг асосий шартидир. Чунончи, **шахс, касб-кор, ўсимлик, ҳайвон, идиш-товоқ, таом, олам, парранда...** в.ҳ. номларини гуруҳларга ажратиш, уядошларини топиб ёзиш машқлари шулар жумласига киради.

Берилган дарахт ва ўсимликлар номлари: чинор, терак, тол; олма, олча, бодом, кашнич, шивит, райҳон; раъно, нарғиз, гунафша кабиларни гуруҳларга ажратиш ва уяларни давом эттириш каби топшириқлар талабаларнинг табиий фанидан олган билимларини мустаҳкамлайди, атамаларни қайта эсга олишга, нутқда тўғри ва ўз ўрнида қўллашга ўргатади.

От сўз туркуми ҳақида ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш, уларни услубият билан боғлаб ривожлантириш учун турли мавзулардаги маърифий матнлардан фойдаланса бўлади.

Таълимий диктант

Истиқлол

Мустақиллигимизни қўлга киритганимизга ҳам ўн беш йилдан ошди. Қисқа муддатда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўл мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларидан тўлароқ, самаралироқ фойдаланишни, халқимизнинг миллий қадриятлари, қадимий анъаналари, бой маънавиятини тиклаш билан қўшиб олиб боришни кўзда тутди.

Миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз қайта жонланди. Маънавиятимиз тикланди. Тарих ва келажакимизга ўз кўзимиз билан боқиб, ўз ақлимиз билан баҳо бера бошладик.

Дарҳақиқат, истиқлол — моддий-маънавий соҳадаги бугунги юксалишимизнинг, дунё билан эркин, тенгма-тенг муносабатларимизнинг тамал тошидир.

Матнни таҳлил қилишда таълимнинг олдинги bosқичларида ўрганилган от сўз туркуми ҳақидаги маълумотларга таянилади. Бунда қуйидаги амалий топшириқларни бажариш мумкин:

1-топшириқ. Матнда учраган отларнинг луғавий маъносини шарҳланг. Қандай сўроққа жавоб бўлишини айтинг.

2-топшириқ. Ажратилган сўзларга, маънодош ва уядош сўзлар танланг.

3-топшириқ. Ким? нима? қаер? сўроқларига жавоб бўлган сўзлар қайси сўз туркумига қарашли эканлигини айтинг. Улар билан от+от, сифат+от, сон+от қолипли сўз бирикмаларини тузинг.

4-топшириқ. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

5-топшириқ. Муайян мавзуга хос гаплар иштирокида матн яратинг.

Диктант (баён, иншо, матн) таркибидаги сўзлар доимий равишда юқоридагидек оғзаки шарҳланса, талабанинг

— ижодий тафаккур доираси кенгайди;

— нутқий маҳорат, фикр ифодалаш кўникмаси ривожланади;

— нутқда сўз танлаш малакаси шаклланади;

— тўғри, бeнуқсон матн яратиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Она тили машғулотларини ана шундай ривожлантирувчи ўқув топшириқлари, мустаҳкамлаш машқлари ва матн таҳлиллари воситасида олиб бориш тизимли ва изчил билим олишга замин ҳозирлайди, таълим мазмунини такомиллаштиради, ўқув-билув фаолиятини жадаллаштиради. Назарияни амалиёт заминида ўрганиш, мустақил фикрлаш ҳамда ижодий қобилиятни ўстиришга ёрдам беради.

Амалиёт орқали назарияни эгаллашнинг энг ишончли воситаларидан бири тил ҳодисаларини кузатиш, анализ ва синтез қилиш, англаш, фарқлаш ва таҳлил қилишдир. (Таҳлилга таяниб, умумий хулосалар чиқариш, она тили машғулотларида сўзга эҳтиёж ҳосил қилувчи ўқув топшириқлари орқали товушдошлар, маънодошлар, уядошлар, зид маъноли сўзлар, шаклдошлар устида ишлаш; ижодий тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқларини мустақил бажариш; гап қуриш ва матн яратиш шулар жумласидандир).

Морфологик таҳлил намунаси

1-топшириқ. «Диёримизни» сўзини морфологик таҳлил қилинг.

1. Диёримизни – от, турдош от, аниқ, содда, туб, I шахс кўпликада, тушум келишигида.

2-топшириқ. Биринчи топшириқда берилган сўзнинг луғавий маъноси-ни шарҳлаш: сўз маънодошлари (диёр-юрт, ватан, ўлка, вилоят, манзил); уядошлари (диёр, вилоят, жумҳурият, шаҳар, туман, маҳалла, кўча, гузар, манзил, қишлоқ, овул) ҳамда зид маъноли (она диёр - хориж; она юрт – бегона юрт... в.ҳ.) сўзлар топилди, улар иштирокида гаплар тузилади:

Она диёримизга таширф буюраётган хорижий меҳмонларнинг кети узилмаяпти.

Мустақил иш

1. Топшириқ. МЯБТ – 4 модули асосида матн яратинг. (жадвалга қаранг 34-бет)

1-иш. Маънодош сўзларга ясовчи қўшимчалар қўшиб, ясама отлар ҳосил қилиш: Юрт + дош, ватан + парвар, ўлка + шунос, манзил + гоҳ, Шўр + қишлоқ, шаҳар + лик, маҳалла + дош, юрт + чилик, эл + чилик... в. ҳ.

2-иш. Тузилган ясама сўзлардан сўз бирикмалари ҳосил қилинг: бизнинг маҳалла, туғилган манзилим, она юрт сарҳадлари, ватаним чегараси, мамлакат ичкараси, она диёр кўриниши... в. ҳ.

3-иш. Тузилган сўз бирикмалари иштирокида гаплар қуриш:

1. Бу йил пахта теримига шаҳарлик юртдошларимиз ҳам фаол қатнашишди.

2. Мустақил республикамиз тараққиётини ижодий баркамол фарзандлар белгилайди.

3. Яйловлари ипак, барқут она юртим сарҳадлари... в. ҳ.

4-иш. Қурилган гаплардан энг маъқулини танлаб, шу мавзуда матн яратинг. Матнда иштирок этган отларни ажратиб, маъно фарқларига кўра гуруҳланг.

Намуна: *Менинг жаҳонда тенги йўқ она диёрим, бағрикенг, меҳмоннавоз, кўнгли оқ, юртдошларим...*

(Матнни давом эттиринг ва хулоса қилинг).

Топшириқларни бажариш натижасида эгалланган билимлар назорат қилинади; сўзнинг шакли, қурилиши, кўриниши тавсифланади. Лексик таҳлил эса талаба нутқ бойлигини ошириш, оғзаки ва ёзма нутқда сўз танлаш, уни ўринли қўллаш малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан она тили машғулотларида «Сўзнинг умумий таҳлили» номли жадвалдан фойдаланиш яхши самара беради.

Бунда барча таҳлил турлари ўзаро алоқадорликда ўрганилиши мақсадга мувофиқдир.

Аниқ ва мавҳум отларни ўрганиш

Талабалар нутқини отлар билан бойитишда сўзларни аниқ ва мавҳумларга ажратиш, истаган матндан ушлаш, кўриш, ўлчаш мумкин бўлган отларнинг аниқлиги ёки аксинча, мавҳумлиги асосида икки гуруҳга бўлиш, уларни туб ва ясамаларга ажратиш каби ижодий-амалий ишларни бажариш сўз бойлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Аниқ отлар	Мавҳум отлар
Ушлаш, кўриш, ўлчаш мумкин бўлган нарса – буюм, шахс номлари: Маҳсулот, сув, бино; тикувчи ғазалхон, синфдош, боғбон; қатлама.	Ушлаш, кўриш, ўлчаш мумкин бўлмаган нарса-буюм номлари: Туйғу, севги, қалб; яхшилик, тикувчилик, қўрқув, ақллилик, қувонч.

Гуруҳларни мустақил давом эттириш, аниқ отлардан мавҳум отлар ҳосил қилиш (бола – болалик, шўх – шўхлик, лой — лойгарчилик) каби амалий ишларни бажариш ўқувчилар сўз бойлигини оширишга хизмат қилади. Сўз бойлигини ошириш эса нутқий малакани шакллантириш билан қўшиб, ўзаро алоқадорликда олиб борилмоғи мақсадга мувофиқдир.

Атоқли ва турдош отлар

Атоқли ва турдош отлар мавзуси ўрганилганда, улар ифодалаб келадиган шахс номлари, касб-ҳунар, ўрин-жой, қурол-восита, қариндошлик отлари каби маъно гуруҳлари устида иш олиб боришга тўғри келади.

Бу гуруҳлар (уялар) нинг, чунончи, касб-ҳунар отларини, тарбиячилик, шифокорлик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ва шу кабиларнинг уядошлари устида тўхталиш ҳам жуда фойдали.

Ўқувчиларга берилган матнлардан шахс отларини ажратиш, туб ва ясамаларини аниқлаш, уларга маънодош ва уядош сўзлар танлаш, қўшимчалар (-чи, -у, -вчи, -дош, -кор, -гар, -шунос каби) ёрдамида шахс отлари яшаш, жуфт шахс отлари (методист — ўқитувчи, терапевт – шифокор, муҳандис – технолог каби) тузиш, уларнинг имлосини ўрганиш каби ижодий-амалий топшириқлар устида ишлаш яхши самара беради.

Касб-ҳунар, ўрин-жой, қурол-восита отлари устида ишлашда ҳам юқоридаги усуллардан фойдаланса бўлади.

Атоқли отлар устида ишлашда қўйидаги маъно гуруҳлари устида тўхталиш мақсадга мувофиқ:

— шахс номи, фамилияси, отасининг исми, тахаллуси, лақабини ифодаловчи отлар: Шоҳида, Шаҳзод, Хўжаев, Яшин, Саксон ота;

— жуғрофий номлар: Ўзбекистон, Самарқанд, Помир, Сирдарё, Орол, Янгиер, Балхаш;

— ташкилот, корхона, муассаса номлари: Вазирлар Маҳкамаси, «Баҳор» ансамбли, Навоий театри, «Адабиёт» музейи, «Камолот» жамғармаси;

— сайёра ва юлдузлар номи: Ер, Қуёш, Марс, Муштарий, Зуҳра, Ҳулкар, Юпитер, Венера;

— тарихий ҳодисалар, газета, журнал, асар, илмий муассасалар: Мустақиллик куни, «Ўзбекистон овози» газетаси, Ўзбекистон Миллий университети;

- ҳайвонларга махсус қўйилган номлар: Фиркўк, Бойчибор, Қоплон, Мош, Говмиш, Тарғил;

- «белги номи+турдош от» қолипли жой номлари: Янгийўл, Янгиобод, Оқтепа;

- «белги номи+атоқли от» қолипли жуғрофий номлар: Марказий Осиё, Жанубий Корея, Шимолий Қозоғистон;

Қисқартма сўзлар орасида ҳам атоқли отлар кўп учрайди. Уларнинг тўлиқ номлари билан (ёки аксинча), алмаштириш (БАР – Бирлашган Араб Республикаси, ЎЗМУ — Ўзбекистон Миллий университети), қисқартма сўзлар луғати тузиш, уларни шарҳлаш, нутқий маҳоратнинг шаклланишида, талабаларнинг муомала-мулоқот маданиятини эгаллашларида ижобий таъсир кўрсатади.

Мазкур мавзунини ўрганиш жараёнида ижодий-амалий ишлар (МЯБТ-4 устида ишлаш)ни имло билан боғлаб олиб бориш масалаларига кўпроқ аҳамият бериш фойдали.

Турдош отлар ва уларнинг имлоси

Ҳозирги ўзбек адабий тилида отларнинг асосий қисмини турдош отлар ташкил қилади. Улар бир турдаги предметларни бошқа турдан ажратиш учун хизмат қилади: *талаба, катта, дарахт, ўсимлик ...*

Турдош отлар ифодалаган маъносига кўра шахс, нарса-буям, касб-ҳунар, ўрин-жой, қурол-восита отлари кабиларни билдиради. Бу гуруҳлар яна бир неча уядошларга бўлинади. Масалан: шахс отларининг ўқитувчи, шифокор, мухандис, ҳунарманд, деҳқон, боғбон, чўпон каби умумистеъмол сўзларининг уядошлари; **шифокор** – терапевт, кордиолог, уролог, эндокринолог, генетиколог, венеролог... в. ҳ. каби уядошлари мавжуд.

Она тили машғулотларида турдош отнинг маъно гуруҳлари устида ишлашда мазкур уяларнинг ҳар бири устида тўхталишга тўғри келади.

Берилган матн бўйича талабалар нутқини шахс отлари билан бойитиш юзасидан топшириқлар бериш:

— шахс отларини ажратиш, туб ва ясамалигига кўра гуруҳлаш;

— ажратилган сўзларга маънодош ва уядош сўзлар танлаб, гуруҳларни кенгайтириш;

— чи, -увчи (-вчи), -дош, -хон, -кор, -гар, -шунос каби сўз ясовчи қўшимчалар ёрдамида шахс отлари ҳосил қилиш;

жуфт шахс отлари (методист – олим, методист — ўқитувчи, мухандис — технолог) иштирокида эса сўз бирикмалари ва гаплар ҳосил қилиш каби амалий-ижодий топшириқларни бажариш мақсадга мувофиқ.

Отнинг бошқа маъно гуруҳлари устида ишлашда ҳам шундай иш усулларидан фойдаланиш мумкин.

Отларда сон.

Отларнинг морфологик белгиларидан бири бирлик ва кўпликда қўлланиши саналади. Бошланғич синфларда олинган билимларга суяниб, ўтилганларни такрорлаш ва мустақкамлаш учун қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

- отларнинг морфологик белгиларини сананг.
- фақат бирликда қўлланадиган отлар қайсилар?
- кўпликдаги отлар қайси қўшимчалар билан ҳосил қилинади?..

Ўқувчилар саволларга тўлиқ жавоб берадилар, кейин берилган назмий матндаги отларни аниқлайдилар:

*Гўзал дунё, бахмал боғлар, улуг шаҳарлар,
Зўр гигантлар, шу кенгликлар, шу олий бино,
Шўх тўлқинли, тиниқ сувли, катта дарёлар,
Улуг Ватан – бари менинг қанот остимда.*

(*Ф. Фулом*)

Ўқувчилар матндаги *дунё, боғлар, шаҳарлар, гигантлар, кенгликлар, Ватан, қанот* каби сўзларнинг бирлик ва кўпликда келганлигини, *дунё, Ватан, қанот* каби сўзлар кўплик қўшимчаси олганда, англатадиган хилма-хил маъноларни шарҳлайдилар. Бунда болаларнинг – лар шакл ясовчи қўшимчали отларнинг маънолари ҳақидаги билимларини кенгайтириш кўзда тутилади:

- ҳурмат (онамлар, бувимлар, бобомлар...);
- ноаниқлик, кучайтириш, такрор, тахмин (ёз ойлари, куз кунлари...);
- киноя, пичинг (энди хурсандмилар, дурустлар-ку...);
- нарса – буюм нави (сутлар, тузлар, ёғлар...);
- жамлик (Мирзачўллар, Санамлар...);

— таъкид (қувончлари чексиз, юзлари қизиди ...); каби сўз маъноларини ифодалаш сингари услубий хусусиятлари билан ҳам ажралиб туришларини билиб оладилар.

Кўплик қўшимчаси — лар билан келган сўзларни қиёслаш орқали кўплик ёки ҳурмат, кучайтириш ёки таъкидлаш каби маънолар англатишини турли типдаги машқлар воситасида, сўз бирикмаси, гап, МЯБТ-4 тизими билан ишлаш, матн яратиш ва ундан, таъкид, жамлик маънолари берилган сўзларни ажратиш ҳамда шарҳлаш ўқувчи билимини мустаҳкамлайди, оғзаки нутқ малакасини шакллантиради.

Отларда эгалик қўшимчаси

Умумий ўрта таълим мактаблари она тили таълими жараёнида отларнинг эгалик қўшимчалари билан қўлланиши, нарса — буюмнинг уч шахсдан бирига тегишли эканини билдириши, ёзилиши, қўшимча қўшилганда, отларнинг ўзак – негизида товуш ўзгариши (тилак – тилаги, қирғоқ — қирғоғи...), иккинчи бўғиндаги **а**, **и** ёки **у** тушиб қолиши (шаҳар – шаҳрим, қорин – қорни, бурун – бурни...) ҳодисалари ҳақидаги билимлар машқлар ёрдамида мустаҳкамланади.

Обрў: *мавқе* каби сўзларга эгалик қўшимчалари (обрўим, мавқеинг...) қўшилгач, жавоблар умумлаштирилади ва хулосаланади; эгалик

қўшимчалари нарса буюмларни уч шахсдан бирига тегишли эканини билдиради: улар охири унли билан тугаган сўзларга –м, –нг, –си; кўпликда –миз, –нгиз, –лари шаклида; ундош билан тугаган сўзларга –им, –инг, –и, кўпликда –имиз, –ингиз, –лари шаклида; *толе, обрў, манба* каби сўзларда эса охири унли билан тугаган бўлса-да, –им, –инг, –и, –имиз, –ингиз, –лари тарзида қўшилиб ёзилиши амалий машғулотлар орқали мустаҳкамланади.

Эгалик қўшимчасини олган от, қаратқич келишигидаги от ёки отлашган сўз, олмошга қарашли экани англашилади: асарнинг мазмуни, яхшининг шарофати, бизнинг қувончимиз...

Амалий машғулот давомида **к** ва **қ** билан тугаган *тук, ток, халқ* каби бир бўғинли, шунингдек, *иштирок, иттифоқ* каби кўп бўғинли отларга эгалик қўшимчаси қўшилганда, охириги ундош аслича ёзилиши, товуш ўзгармаслиги ҳолатлари ҳам эслатиб ўтилади.

Келишик қўшимчалари. Мазкур мавзунини ўрганишда таълимнинг қуйи bosқичларида ўрганилган келишик қўшимчалари ва уларнинг имлоси ҳақидаги маълумотларни хотирага олиш ва қўшимча топшириқли ижодий диктант ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

Ижодий иш. *Гулчеҳра, китоб, А. Қодирий, роман; Зулхумор, кўрди; кутубхона, борди; ўқитувчи, сўради...* сўзларини келишик қўшимчалари ёрдамида ўзаро боғлаб сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Қаратқич келишиги қўшимчаси –нинг гапда асосан аниқловчи вазифасидаги отларга қўшилиб келиши, қолган келишик қўшимчалари эса (-ни, -га, -да, -дан) кўпроқ тўлдирувчи вазифасини бажарувчи отларга қўшиб ишлатилиши алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Келишик қўшимчаларини кўмакчилар билан алмаштириш (укамга олдим – укам учун олдим) ҳолатлари нутқ учун муҳим тил меъёрларидан эканлигини эслатиб ўтиш ҳам жуда муҳим.

Берилган сўзлар иштирокида сўз бирикмалари (маънодош кўмакчилик бирикмалар ҳам) ҳосил қилиш, эргаш ва бош сўзларни бир-бирига боғлайдиган қўшимча (кўмакчи)ларни аниқлаш, мазкур бирикмаларни қатнаштириб, гап қуриш ёки матн яратиш дарсни ДТС талабларига мос ташкил қилиш борасида қўйилган илк қадамдир.

Келишик қўшимчаларининг ишлатилиши ва талаффузига оид билимларни мустаҳкамлаш ўқувчи коммуникатив саводхонлигини, нутқий маданиятини таъминлайди, сўзни тўғри ва ўз ўрнида ишлатиш юзасидан кўникма ва малакалар ҳосил қилади.

Морфологияни ўрганишда сўз таркиби, ўзак (негиз), сўзларнинг ясаллиши, сўз туркумлари ҳақида олинган маълумотлар мустаҳкамланади, уларни тизимли ва изчил ўрганиш бошланади.

Ҳозирги ўзбек орфографиясидаги қоидаларнинг кўпчилиги морфологик принципга асосланган. Шунинг учун ўқувчи морфологик ҳодисалар-

ни ўрганишда уларнинг имлоси, луғавий маъно гуруҳлари ҳамда ясалишига алоҳида аҳамият бериши зарур.

Отларнинг ясалиши мавзуси устида ишлаш (иловага қаранг)

Сўзларнинг грамматик хусусиятларига кўра маъноли қисмларга бўлиниши талабаларнинг сўз таркибини ўрганиши ва имло қоидаларини тўла эгаллашига ёрдам беради.

Отнинг морфологик тузилишини яхши билмаган талаба сўз туркумлари моҳиятини ҳам англаёлмайди; орфографиядаги морфологик принцип бўйича ёзиладиган сўзларнинг имлосини ҳам пухта эгаллай олмайди.

Ўзбек тилида ўзак ва негизларга сўз ясовчи қўшимчалар қўшилганда (онг+ла — анг+ла, тара+оқ — тар+оқ, ўқи+ув — ўқ+ув ...) **о** → **а**, **а** → **о**, **и** → **у** га алмашиб, товуш ўзгаради, сўзлар бир туркумдан иккинчи бир сўз туркумига ўтади: онг (от) +ла (фёъл ясовчи қўшимча) — англа – фёъл, яъни от фёълга айланади. – оғиз – оғзи, мағиз – мағзи, бурун – бурни каби эгалик қўшимчалари қўшилганда бўғиндаги унли товуш тушади.

Сўз таркибини аниқлашда амалий-ижодий машқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1. Қуйидаги сўзларнинг таркибини аниқланг. Шаклдош ўзакларни ажратиб, изоҳланг.

Ўқи — ўқув, ўқувчи, ўқитувчи; иш – ишчи, ишчан, ишли; маза – мазади, мазасиз, бемаза; тинч – тинчлик, нотинч, боғ – боғбон, боғлам, боғловчи, боғдор, боғлама.

2. Ўзакдош, шаклдош, сўзларни ажратинг. Ясовчи қўшимчаларнинг ўзакка қўшилиб, янги маънодаги сўз ҳосил қилганлигини шарҳланг.

Намуна: ўқи – фёъл; талаба, ўқитувчи – от, шахс оти; ўқитувчилик – касб оти; боғ – мевали дарахтлар экилган жой, боғбон – боғни парвариш қилувчи, шахс оти, боғдорчилик – боғ ишларини юритувчи соҳа номи в.ҳ...

— Берилган сўзлардан ўзакдош ва қўшимчадош сўз қаторлари ҳосил қилинг. (Пахтакор, лозазор, сувоқчи, билим, заргар дўстлик ...)

Ўзакдошлар	Қўшимчадошлар
пахтакор (шахс оти)	ишчи (шахс оти)
пахтазор (жой оти)	сувчи (шахс оти)
пахтачилик (касб оти)	зардўз (шахс оти)
пахтасиз (сифат)	маҳсидўз (шахс оти)
пахтали (сифат)	боғбон (шахс оти)
пахтадек (равиш)	саройбон (шахс оти)

— Ўзақдош ва қўшимчадош отлар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг ва гаплар тузинг.

Шунингдек, маълум бир касб-ҳунарга оид сўзларнинг уядошларини топиш, берилган матндаги маънодошларни топиб, уларнинг маъно нозикликларини фарқлаш, туюқлардаги шаклдош сўзларнинг маъноларини аниқлаш, улар иштирокида гаплар тузиш ва матн яратиш, ўқувчини мустақил ва ижодий фикрлашга, тафаккур доирасини кенгайтиришга, ўз фикрини ифодалаш жараёнида тил имкониятларидан унумли фойдаланиш усул ва воситаларини ўрганишга хизмат қилади.

Отларнинг тузилиши ва имлоси устида ишлаш

Ёзма нутқда ўқувчилар қўшма отлар ва уларнинг имлоси масаласида кўп қийналадилар. Шунинг учун она тили машғулотларида сўз бирикмаларидан қўшма жой номлари ҳосил қилиш ва аксинча, қўшма сўзларни сўз бирикмаларига айланттириш, улар ёрдамида тегишли гаплар тузиш, ўқув машқларини бажариш, сўзларни нуқсонсиз ёзишда яхши самара беради:

Сўз бирикмаси	Қўшма от
иссиқ кўл	Иссиқкўл
янги ер	Янгигер
янги йўл	Янгийўл
катта қўрғон	Каттақўрғон
оқ қуш	Оққуш
кўйган ёр	Кўйганёр

Қўшма от	Сўз бирикмаси
Тошкўприк	тош кўприк
Қумқишлоқ	қумли қишлоқ
Оқдарё	оқ дарё
Кўкорол	кўк орол
Мингбулоқ	минг булоқ

Жадвалда берилган қўшма жой номларини «от + от», «сифат + от», «от + феъл», «сифатдош + феъл» қолиплари асосида ясалганлигини ва ўзбек тилида бундай қолипни сўзлар кўп учрашини англаш ҳам муҳим.

Ўқувчиларнинг мавзу юзасидан эгалланган билимларни мустаҳкамлаш учун турли топшириқли тарқатмалардан (ТТ) ҳам фойдаланиш мумкин:

ТТ-1

Биринчи қисми оқ, қора, юқори, ўрта, қуйи сўзларидан ҳосил бўлган қўшма отли жой номларига мисоллар келтиринг.

ТТ-2

Иккинчи қисми дарё, сой, кўл, денгиз сўзлари билан тузилган қўшма жой номларига мисоллар топиб ёзинг.

ТТ-3

Сўзларнинг ёзилишига қараб маъносини айтинг. Бош ва кичик ҳарфларда, ажратиб ва қўшиб ёзилиш сабабларини тушунтиринг.

Дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган турли кечаларда, тўгарак машғулотларида жой номларини ўрганиш, улар иштирокида тасвирий матнлар яратиш орқали талабалар ижодий тафаккурини ўстириш мумкин. Бунда бадий тасвирий воситалар, адабиёт ва санъат намуналари (бадий китоб, сурат, кино ва видеофилм)га мурожаат этиш ҳам яхши самаралар беради.

Жуфт отлар ва уларнинг имлоси

Жуфт отлар ва уларнинг ясалиши мавзусини ўрганиш жараёнида қуйидаги амалий ишларни бажарса бўлади:

1. Уй-жой, куч-қувват, бахт-саодат каби жуфт маънодош сўзлардан сўз бирикмалари ҳосил қилиш ва гап тузиш;
2. Ота-она, амма-хола, оғиз-бурун каби жуфт уядош сўзлардан гап тузиш ва матн яратиш;
3. Кеча-кундуз, ачкиқ-чучук, оқ-қора каби зид маъноли сўзлардан фойдаланиб, МЯБТ – 4 модули устида ишлаш;

Бугдой-муғдой, чой-пой, ош-пош каби биринчи сўзнинг иккинчи қисмидаги бош ҳарфни *п*, *м* каби ҳарфлар билан алмаштириш натижасида маъноси ноаниқ сўзлар ҳосил қилиш ва уларнинг маъносини, шарҳлаш каби амалий ишларни бажариш, ўқувчи нутқий малакасини оширишда муҳим омил саналади.

Маънодош, уядош, зид маъноли жуфтликлар орасида баъзан тире (—) ўрнида – у (-ю) юкломаси ишлатилиши ҳақида болаларга маълумот берилди (ота-ю она).

Такрор отлар устида ишлаш

Отларнинг ясалиши мавзусига боғлиқ бўлган такрор сўзлар устида ишлашда талабалар юқорида кўрсатиб ўтилган «Отларнинг ясалиши» номи жадвалдан самарали фойдаланишлари мумкин.

— Кўплик маъноси (этак-этак пахта, қоп-қоп бугдой, челак-челак сув...);

— Давомийлик маъноси (чопа-чопа етиб олди, юра-юра толиқди ...) ни билдирувчи такрор отлар иштирокида гаплар қуриш орқали ўқувчининг нутқий фаолиятини такомиллаштириш, сўзлаш маҳоратини ривожлантириш, ўқувчи учун ниҳоятда фойдали бўлган бадиий бўёқдор гаплар тузиш ва матн яратиш малакасини шакллантириш мумкин.

— Такрор маъноси (**ширин-ширин** узум, милт-милт чироқ) ни англатувчи сўз бирикмаларини ҳосил қилиш ва нутқда қўллашни ўргатиш ҳам нутқни равланштиришда яхши самара беради.

Жуфт сўзлар маънодош, уядош, зид маъноли сўзлардан ҳосил бўлса, такрор сўзларда грамматик маъно бир сўзнинг ёнма-ён келишидан англашилади: *юринини қара, юришини; гапингни бил, гапингни; аҳволини қўр, аҳволини* каби.

Хуллас маънони кучайтириш учун кетма-кет келтирилган сўзлар такрорга (услубий нуқсон) киритилмайди. Такрор сўзлар нутқда таъкид, таъна, насиҳат каби қўшимча маъноларни билдиради.

Қисқартма отларнинг ясалиш усули ва имлоси

Қисқартма сўзлар ҳосил қилиш ўзбек тилида ҳам сўз яшаш усуллари-дан бири ҳисобланади. АҚШ, БМТ, ТДПУ, ДТС... в.ҳ.

Ўқувчиларнинг қисқартма сўзлар ҳақида олган билимларини мустаҳкамлаш, такрорлаш учун изоҳли диктант ўтказиш мумкин.

Топшириқ. Қисқартма сўзларни ёзинг, уларни кенгайтириб изоҳланг.

Изоҳли диктант

БАР, ДТС, ЎЗМУ, СамДУ, БухДУ, ТДПУ, Тошдавпедуниверситет, филфак. (Мустақил равишда қисқартма отларга мисоллар топиш, улар иштирокида сўз бирикмаси ҳосил қилиш ва гаплар қуриш МЯБТ-4 модули билан ишлаш ўта фойдалидир).

Изоҳли диктант учун қўшимча саволлар:

1-топшириқ. Қисқартма отларни ўқиб, ясалиш ҳолатларини изоҳлаб беринг.

2-топшириқ. Биринчи сўзнинг бош қисми, бошқа сўзларнинг биринчи ҳарфи ва аралаш йўл билан ҳосил қилинган қисқартма отларга мисоллар келтиринг, ўқилиши ва ёзилишини гушунтиринг.


3-топшириқ. Сўзларнинг биринчи ҳарфидан ясалган қисқартма отларга мисол келтиринг. Уларнинг ёзилиши ва ўқилишини гушунтиринг.

4-топшириқ. Қисқартма отлар қатнашган бешта гап тузинг.


Талабалар изоҳли диктант таркибидаги қисқартма отларнинг тўла шаклини ёзиб чиқадилар: БАР – Бирлашган Араб Республикаси, ДТС – Давлат таълим стандарти, ЎЗМУ — Ўзбекистон Миллий университети, филфак — филология факультети в.ҳ.

Қисқартма отлар орасига ҳеч қандай тиниш белгилари қўйилмайди. Агар шартли қисқартма бўлса, орада нуқта қўйилади; Ғ. Ғулом, Ҳ.О. (Ҳамид Олимжон) каби. Қисқартма сўзлар имло, талаффуз, орфография билан алоқадорликда ўрганилади. Улар услубиятда такрордан сақланиш, ёзувда ихчам кўриниши билан катта амалий аҳамият касб этади.

«От» мавзусини ўрганишда сатҳлараро алоқадорлик принципига асосланиб, отли бирикмалар тузиш, тавсия этилган сўзлардан фойдаланиб турли қолипни сўз бирикмалари ҳосил қилиш каби амалий ишлар сўз бойлигини ошириш ва нутқ маданиятини шакллантиришнинг муҳим омилдир. Айниқса, берилган тобе ёки бош сўзга мувофиқ келадиган сўзлар гуруҳини кенгайтириш ҳам самарали иш усулларида бири ҳисобланади.



Баъзан тобе сўзга маънодош, уядош, зид маъноли сўзларни танлаш ҳам фойдалидир.



Берилган жадваллар асосида сўз бирикмалари ҳосил қилиш, бирикмалар маъносини изоҳлаш, қиёслаш, улар иштирокида гаплар тузиш, матнлар яратиш — сўз бойлигини ошириш ва бойитиш билан бир қаторда сўзлаш

маҳоратини шакллантириш, ўз фикрини ихчам, равон, нутқ шароитига мос равишда ифодалаш жараёнини тезлаштиради, тил имкониятларидан унумли фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Сифат сўз туркумини ўрганиш (иловага қаранг)

Ўқувчилар сўз бойлигини оширишда сифат сўз туркумининг имкониятлари чексиз.

Аввалдан маълум бўлган ранг-тус, маза-таъм, шахс, нарса буюмнинг хусусиятлари, шакл, ҳажм, ўлчов билдирувчи сўзлар, уларнинг қандай? қанақа? қайси? сўроқларига жавоб бўлиши, белгининг даражасини билдириши кабиларга суянган ҳолда сифат маънолари ажратилади.

Талабалар сифат ҳақида тизимли ва изчил маълумот олиш натижасида, сўроқлар сўз туркумларини фарқлаш учун ёрдამчи восита эканлигини тушуниб етадилар: Сифат нарса-буюм белгисини кўрсатувчи мустақил сўзгина бўлиб қолмай, гаптаги вазифасига кўра от, отлашган сўз, сон кабиларнинг хусусиятларини аниқлайди. Нутқнинг аниқлиги, гўзаллиги, ранг-баранглиги, таъсирчанлиги, равонлиги кўпроқ шу туркумдаги сўзларни билиш, уларни тўғри, ўринли қўллаш билан боғлиқ.

Сифатнинг маъно гуруҳлари ва даражаларини ўрганиш

Сифатлар тизимий тилшунослик нуқтаи назаридан етти турдаги маъно гуруҳларига бўлинади.

Уларни ўрганишда;

— шакл, ҳажм, ўлчов сифатлари: *катта, баланд, кенг, чуқур, узоқ, яқин...*;

— ранг-тус сифатлари: *оқ, қизил, яшил, кўк...*;

— белги-хусусият сифатлари: *шўх, оғир, содда, меҳрибон...*;

— ҳолат сифатлари: *иссиқ, тинч, осуда, уятчан...*;

— маза-таъм сифатлари: *аччиқ, нордон, тахир...*;

— ҳид сифатлари: *ёқимли, хушбўй, бадбўй ...*;

— вақт сифатлари: *тушки, ёзги, эртаги ...*;

каби маъно гуруҳлари устида алоҳида тўхталиш, сифатнинг маъно гуруҳлари устида ишлаш, уларнинг аслий ва нисбийлигини аниқлаш, уларга маънодош ва зид маъноли сўзлар танлаш, сифатларнинг даражаланиш лугатини тузиш, мазкур сифат турларига маънодош, уядош ва зид маъноли сўзлар танлаш, ўхшатишлар топиш, улар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гаплар қуриш ва матн яратиш каби амалий ишларни доимий суратда бажариш талаба сўз бойлигини ошириш ва сўзлаш маҳоратини шакллантириш, нутқий заҳирани бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Сифатларнинг маънавий гуруҳларини ўрганишда ўхшатма сўзлар (қордай оқ, сувдай тиниқ), сифат иборалар, уларга зид маъноли сўзлар (иборалар) топиш, улар орасидаги маъно нозиклигини, майда фарқларини аниқ-

лаш, бир уяга гуруҳлаш, рўйхатни давом эттириш сингари мустақил иш турларидан фойдаланиш самарали бўлади. Бундай ишларни ўзаро мусобақа йўналишида ўтказиш мумкин: ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади. 1-гуруҳ инсондаги ижобий фазилатларни, 2-гуруҳ шу сўзларнинг зид маънолари – салбий фазилатларни топадилар.

1-гуруҳ: одобли, ақлли, меҳрибон, камтар, тиришқоқ, эпчил, чаққон, ростгўй, тарбияли ...


2-гуруҳ: одобсиз, ақлсиз, бемеҳр, манман, ялқов, ёлғончи, тарбиясиз дангаса, танбал ...

Мазкур сўзлар, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гаплар куриш, матнлар яратишга замин бўлади. Ушбу иш жараёни талабалар сўз бойлигини оширади, ижодий тафаккурни кенгайтиради, нутқнинг сайқалланишига ёрдам беради.

Янги тилдан таълим мазмуни хусусийдан умумийга қараб боришни, тил ҳақидаги ва қоидаларни эмас, тилнинг ўзини, унинг луғат бойликлари, ни ўрганишни, назарда тутмоқда. Ушбу бойликни ўз нутқида тўғри ва ўринли қўллаш усулларини ўрганиш, ўзининг мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш, фикр маҳсулини ўз истеъдоди, фикр доираси, тилнинг ички имкониятларидан фойдаланиш, матн ёки шеърини ифода сифатида юзага чиқара олиш шу куннинг талабидир. Бундай кўникма ва малакаларни изчиллик билан ривожлантириш ҳамда ёш авлодни нутқий тараққиёт сари йўналтириш ДТСнинг бош талабидир.

Сифат сўз туркумини ўрганишда «от (сифат, равиш)+фезл+ар қолипли, «сифат+от» сўз қолипли ҳосилалар (тинчликсевар, эртапишар, тезпишар, ҳалқпарвар, тезюрар в.ҳ.) устида ишлаш ўқувчилар луғатини янги сўзлар билан бойитишда МЯБТ-4 модулидан фойдаланиб, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гап тузиш ва матн яратишига йўналтиришда анча қўл келади.

Масалан: 1-топшириқ. «Орзулар» сўзи билан «сифат+от» сўз қолиплари ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилинг:



Ажратилган сўз билан маънодошлик қаторлари ҳосил қилинг.

6. Мусаффо - тоза, пок, гард юқмаган, беғубор в.ҳ.

в. Нурли - нурафшон, мунаввар, самовий... в.ҳ.

Шундай қилиб, она тили машғулотларида ўқувчига бериладиган ҳар бир топшириқ уларда сўзга эҳтиёж ҳиссини ҳосил қилиши, сўз ва гапларни ўзаро боғлаш ва кенгайтириш, берилган матн устида ишлаш ва матн яратиш малакасини ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур.

Юқорида бажарилаётган топшириқлар ўқувчини изланишга, нималарнидир топишга, кашф қилишга ундайди, йўналтиради. Сўз сеҳри, унинг бутун жозибаси, гўзаллигидан илҳомланишга сабаб бўлади.

2-топшириқ. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида бадий матн яратинг.

2.1-иш. Бадий матн

Эндигина академик лицейни тугатиб педагогика университетига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўраётган Зулхумор бир уюм китобларга кўмилиб ўтирарди.

Қизгинанинг кўзи китоб саҳифаларида бўлса-да, хаёли узоқларда... У беғубор, маъсум ёшликнинг қанотли орзуларига маҳлиё, рўпарасида турган қадрдон дугонаси Гулчеҳрани ҳам пайқамас, кўрмас эди...

2.2. Матнни давом эттириб, хулоса қилинг.

2.3. Яратган матнингизга сарлавҳа танланг. Ундаги гаплар, сўз бирикмаларини ажратиб сананг. «Орзулар» сўзига маънодош ва уядошлар танланг.

2.5. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари, гаплар ёрдамида назмий матн яратинг...

*Само сарҳадининг мунис бекаси
Фусункор орзулар баҳридан ўтиб,
Оймома мўралар ҳарир туйнукдан
Муҳаббат сеҳридан умидвор бўлиб*

*— Сув дея, саҳрода ҳарсиллаб ётган,
Омонсиз бўронлар қаҳридан қотган —
Кўримсиз, кимсасиз саксовулга ҳам
Орзулар тугёни бегона эмас.*

*Нурафшон орзулар жилоси, сеҳри,
Ўткинчи булутни бағрига чорлар,
Саҳрони гулшанга айлантиргувчи
Мунаввар орзулар, биллурдек порлар!!!
Ва унсиз термўлар, булут ортидан...*

3-топшириқ. Шеърни ифодали ўқинг. Маъносини шарҳланг. қофиядош сўзларни ажратиб гуруҳланг. «Сифат+от» қолипдаги сифатларни бошқа маънодош ва уядошлари, ўхшатмалар билан алмаштириб кўринг.

Юқорида бирин-кетин берилаётган ижодий топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчининг қуйидаги билимлар юзасидан эгаллаган нутқий кўникма ва малакалари даражасини аниқлаш, баҳолаш мумкин бўлади (рейтинг асосида).

- Сўз бойлиги даражаси;
- Сўз бирикмалари ҳосил қила олиш малакаси;
- «Сўз қолиплари» ёрдамида бирикмалар ясаш;
- Нутқ шароитига мос равишда тўғри ва ўринли жумла қуриш;
- Ўз нутқида тасвирий ифода ва ибораларни қўллай олиш;
- Сўзларни кўчма маънода ишлата билиш;
- Сифат мавзуси юзасидан тест топшириқлари туза олиш;
- Ўз фикрини шеъринг усулда ифода қилиш;
- Шеърдаги қофиядош сўз ва сўз бирикмаларининг ўрнини ва ўзини алмаштири олиш;

— Қофиядош сўзларга маънодош, уядош ва зид маъноли сўзлар танлай олиш;

— Шаклдош сўзларга маънодошлар танлаш;

— Янги матн ярата олиш... в.ҳ.

«Сифат» мавзусини ўрганишда дарс машғулотлари ана шундай босқичли кетма-кетлик принципига асосланиб олиб борилса, талаба хусусийдан умумийга (матн яратиш) умумийдан хусусийга (матнни таҳлил қилиш) қараб бориш, мустақил, ижодий мушоҳада юритишнинг энг муҳим воситалари билан таништириб борилса, ўқувчининг нутқий фаолияти шаклланиди, ривожланиди ва тараққий этади.

Сифат даражаларини ўрганиш

Белги билдирган сўзларнинг маънолари турли хил бўлади. Сифатлар асосан ранг – тус, ҳажм – шакл, маза – таъм, хил – хусусият маъноларини билдиради. Лекин нарса – буюм, воқеа-ҳодисалардаги белгилар ортқ э камроқ бўлиши мумкин: «... Ўзгаларни айблашдан олдин уларни тушунишга уриниб кўрайлик: бу танқид қилишга нисбатан **фойдалироқ, мурувватлироқ, атроф-муҳитга хайрихоҳ, гоят бардошли ва ўта мурувватли** бўлиши тарбиялайди...» (Дейл Карнеги. «Қандай қилиб дўст орттириш мумкин?»).

Сифат даражаларини ўрганишда ва ўрганилган мавзунини мустаҳкамлашда берилган матндаги сифатларни ажратиш, қиёслаш ва ўзаро фарқлаш, уларнинг маъносини изоҳлаш сифат даражалари юзасидан эгаллан-

ган билимларни мустаҳкамлайди, ўқувчининг нутқий кўникмаларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Кучайтирма ва озайтирма сифатлар

Кучайтирма ва озайтирма сифатларни ўрганиш ва ўрганилган мавзунини мустаҳкамлашда луғат диктанти ёзиш, ундаги кучайтирма ва озайтирма сифатларни ажратиш, уларни ўзаро қиёслаш, фарқлаш, уларнинг шакли ва луғавий маъносини шарҳлаш кучайтирма ҳамда озайтирма сифатлар юзасидан эгалланган билимларни мустаҳкамлайди, фикр ифодалаш жараёнида сифатдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради, нутқ маданиятини оширади.

Амалий иш. Луғат диктанти

Қизил, қизғимтир, қип-қизил; қора, қорамтир, қоп-қора, тим қора; бутун, бутунгина, бут-бутун; хом, хомроқ, ғирт ҳом; хўл, хўлроқ, жиққа хўл; думалоқ, думалоққина, дум-думалоқ...в.ҳ.

Ўқувчиларда оғзаки нутқни ривожлантириш, мустақил мушоҳада маънасини ҳосил қилиш учун кучайтирма ва озайтирма сифатлар ўзаро қиёсланади, ёзилиши ҳамда маъноси изоҳланади.

Луғат диктантилар ўтказиш, луғавий ва услубий нозикликларни англаш, кучайтирма-озайтирма сифатларни талабанинг оғзаки ва ёзма нутқларида ўринли қўллаш имкониятларини юзага чиқаради, матн яратиш кўникмасини шакллантиради.

Сифатларнинг ясалишини ўрганиш

Талабанинг белгига оид билимларини шакллантириш ва бойитишда ясама сифатларни маънан ва мазмунан қиёслаш таълимий, мантиқий ва услубий жиҳатдан ўзига хос аҳамиятга эга.

Бунда сифатнинг морфологик ёки синтактик усулда ясалишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. **Морфологик усул** — от ва феъл сўз туркумларига оид сўзларга ясовчи қўшимча тар қўшиш орқали сифатлар ясаш;

«от+сифат ясовчи қўшимча» қолипиди: дардчил, қалбаки, оилавий, одамсимон, кўйлакчан, гапдон;

«феъл+сифат ясовчи қўшимча» қолипиди:

ҳорғин, куюнчак, беланчак, эринчоқ, ҳуркович, топқир, билағон, тиришчоқ, етук сифатлари ясалади.

2. **Синтактик усул** — сўзга сўз қўшиш орқали қўшма сифатлар ҳосил қилинади. Улар, кўпинча, қўшиб ёзилади.

Қайси сўз туркумларидан ясалишига қараб қўшма сифатлар 6 турга бўлиб ўрганилади.

1. Сифат+сифат: олачипор, ним пушти ...

2. Сифат +от: ширинсўз, қимматбаҳо, қора кўз ...,
3. Равиш +феъл: эртапишар, кечпишар ...,
4. От +от: шакарпалак, кампирчопон ...,
5. От +феъл: молбоқар, эртапишар...,
6. Сон +феъл: бешотар, биротар...,

Жуфт сифатлар ҳам синтактик усул билан – сўзга сўз қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бундай сифатлар ўртасига чизиқча қуйилиб ёзилади:

1. Зид маъноли сифатлар: ёш-қари, паст-баланд, йўғон-ингичка, катта-кичик...

2. Маъноси яқин сифатлар: қинғир-қийшиқ, якка-дуikka..,

3. Сифат +оҳангдош сўз: ола-була, оқ- оқ , қора-кура..,

4. Қўшма ва жуфт сифатлар – у (-ю) юкламаси билан ёзилганда, икки сўз ўртасига чизиқча қуйилмайди: оқ-у қора, баланд-у паст, катта-ю кичик каби.

Хулоса қилиб айтганда, «Сифат сўз туркуми»ни ўрганиш, унинг ички маъно гуруҳлари устида ишлаш, сифатлар иштирок этган сўз бирикмалари ҳосил қилиш, унга оид материалларни семантика ва услубият (гап тузиш), билан ўзаро уйғунликда ўрганиш, шаклдош ва зид маъноли сифатлар устида ишлаш, нутқий маҳоратни шакллантирувчи ҳар хил ўйин-топшириқлардан фойдаланиш — талабалар сўз бойлигини ошириш ва нутқий салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Сон сўз туркумини ўрганиш (иловага қаранг)

Сон ҳам сифат каби отга боғланиб, шахс, нарса – буюмларнинг миқдорини, тартибини билдирадиган мустақил маъноли сўзлардир.

Сонлар **қанча? неча? нечанчи?** каби сўроқларга жавоб бўлиши, улар ҳарф билан (бир, икки, ўн тўрт, учинчи, бешинчи... в.ҳ.) ёзилиши ёки араб (5, 10, 100, 1000, 2 -, 3 - в. ҳ.) ва рим рақами (II, V, XIV, XXI) билан кўрсатилишини талабалар олдин эгалланган билимлар асосида хотирлайдилар. Шу билан бирга соннинг ички маъно гуруҳлари, қўшма, жуфт ва такрор сонлар, уларнинг имлосига оид зарур маълумотларни эгаллайдилар.

Соннинг маъно гуруҳлари

«Сон» мавзусини ўрганиш жараёнида турли жадваллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ўқувчилар сонларнинг икки гуруҳга: санок ва тартиб сонларга ажратилиши, санок сонлар ўз навбатида *тақсим, каср, чам, дон, жамловчи сон* каби турларга бўлиниши устида алоҳида-алоҳида тўхталиш керак бўлади.

Сон сўз туркумининг мазкур гуруҳларни ўрганиш жараёнида талабалар берилган ўқув жадвалини тасниф қиладилар, саноқ сон ва тартиб сонлар ўрта-сидаги ўхшашлик ва фарқларини тушунтириб берадилар. Бу жараёнда талабалар нафақат сон юзасидан эгалланган **бк**млларни мустаҳкамлайдилар, балки сонлар қўлланиладиган оғзаки нутқ маданиятини ҳам шакллантирадилар.

Берилган сонларга **саноқ сўзлар** (ўнта бола — ўн нафар бола, юзта қўй — юз бош қўй, учта китоб — уч дона китоб, битта олма — бир туп олма ...) топиш ҳам луғат захирасини оширишнинг муҳим чораларидан биридир.

Ўзбек тилида қадимдан қўлланган *лак, туман, ботмон, чақирим, фарсах, таноб, мисқол, қирот*; байналминал: *фут, дюм, фунт, миль* каби сўзларнинг луғавий маъноси устида ишлаш; миллиметр (мл.) сантиметр (см), центр (ц.), килограмм (кг), миллион (млн), миллиард (млрд) каби сўзлар маъносини шарҳлаш ҳам ўқувчилар луғатини зарур тартиб ва саноқ сўзлар билан бойитади ва кенгайтиради.

Сонларнинг кўчма маънода ишлатилиши (*уч, етти, қирқ...*), сонлар иштирок этган халқ мақоллардан (*етти ўлчаб бир кес, бир қўй ортидан минг қўй тўяди* каби) мисоллар келтириш, уларнинг маъносини шарҳлаш ҳам ўқувчилар сўз бойлигини ошириш, нутқий тараққиётини таъминлашда ўта муҳимдир. Сонларга оид ўйин-топшириқлар, сонларда маъно кўчиши, сон мавзусига оид тест топшириқлари тузиш, берилган сонлар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гаплар тузиш ва матн яратиш ўқувчиларнинг сон мавзуси юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакалари даражасини юксалтириш учун хизмат қилади.

Равиш сўз туркумини ўрганиш (иловага қаранг)

Равиш мавзусини ўрганишда, бу сўз туркумининг морфологик жиҳатдан ўзгармаслиги, кўпроқ феълларга боғланиб, ҳаракат, ҳолат, баъзан белгининг белгисини билдирувчи мустақил сўз эканлиги ҳақида маълумот берилади:

1. Водийларни яёв кезганда,

Бир **ажиб** ҳис бор эди менда... (Ҳ.О.) Шаҳзод болалар суҳбатини **ниҳоятда** диққат билан эшитди. У **кўпгина** шаҳарларда бўлди. **Йигитчасига** ишлаб, мўмайгина пул топа бошлади. **Ичкарини** аёллар учун ҳозирлади.

Равиш келишиклар билан турланмайди, шахс — сонда тусланмайди, кўпинча, феълга боғланиб, гапда ҳол вазифасида келади. Махсус сўз ясовчи қўшимчаларга (**-ча, -она, -ларча, -лаб**) эга, шакл ясовчи қўшимчаларни қабул қилиш ҳам унинг грамматик белгисидир: **йигитчасига** ишлаб, мўмайгина пул топа бошлади.

«У анча шаҳарларда бўлди, ҳеч бирини ўз диёрига ўхшатмади», — гапида равиш отга боғланиб сифатловчи вазифасини бажарса, баъзан от-

лашиб (**Ичкарини** аёллар учун ҳозирлади), отга хос синтактик вазифаларни бажариб келишини талабалар онгига етказиш, уларнинг шундай тил ҳодисаларини амалиётда қўллай олишларига эришиш тил ўқитиш методикасининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўз семантик ва грамматик хусусиятларига кўра равиш саналувчи (*ҳозир, доим, дарров, эрта, зўрға, сал* каби) сўзлар, шунингдек, қўшимча орқали бошқа сўз туркумларидан ясалган равишларни (йигитчасига, ботирларча, атайлаб ...) талабалар осон ажратадилар. Аммо бошқа сўз туркумларидан равишга кўчган сўзларни аниқлашда баъзан хатоликка йўл қўйилишини ҳисобга олиб, бундай равишлар изоҳи кўпроқ амалий машғулотларда берилгани маъқул¹⁸.

1. Болта тушгунча, **қунда** дам олади.
2. Вазифани **қунда** такрорла.
3. **Ичкаридан** ҳазин куй эшитилди.
4. Ҳовли **ичкарисидан** болалар югуриб чиқди.

Талабалар 1-гаптаги **қунда** сўзи от, 4-гаптаги **ҳовли ичкарисидан** «от-кўмакчи», 2-гаптаги **қунда** сўзи равиш, 3-гаптаги **ичкаридан** сўзи равиш эканлиги ҳақида маълумот оладилар.

Равишларнинг маъно гуруҳлари устида ишлаш

Жадвалда берилган равишларнинг маъно гуруҳлари устида ишлаш ҳам талабалар луғатини бойитишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Хусусан, берилган ҳолат равишлари (**секин, зўрға, қўққисдан**); унда-бунда, **қуйида, узоқда** каби ўрин равишлари; **бугун, ҳозир, тунда, ҳамиша** каби пайт равишлари; **атайлаб, қасддан, ноилж** каби сабаб ва мақсад равишлари; **оз, қисман, жуда, ғоят** каби миқдор-даража равишларига маънодош ва уядошлар танлаш, ҳар бир гуруҳдаги сўзларнинг маъно нозиклиги устида ишлаш, бу сўзлар ёрдамида гап тузиш ва матн яратиш иш каби амалий ишлардан фойдаланиш мумкин.

Равишларнинг ясалиши устида ишлаш

Равишларнинг ясалишини ўрганиш жараёнида уларнинг ясовчи қўшимчалар ва сўзларни қўшиш орқали ҳосил бўлишига эътибор қаратилади.

Биринчи ясалиш **морфологик усул** бўлиб, - **лай** (- **лайн**), бутунлай, **дек** (- **дай**) қушдай, **ойдек**, -**она** (фидокорона), - **сиз** (тўхтовсиз), - **лигича** (хомлигича), - **лаб** (яхшилаб), - **ча** (янгича), - **ларча** (алпларча), - **н**,(- **ин**)

¹⁸ Қаранг: Ё.Фуломов. И.Расулов. Ҳ.Рустамов. Б.Мирзааҳмедов. Ўзбек тили методикаси. — Т.: «Ўқитувчи», 1975. 161-бет

яшпирин, - **лигича** (бутунлигича), - **ан** (асосан), - **чанг** (сарпойчанг), - **ничә** (кўппинча) каби кўшимчалар ёрдамида равишлар ҳосил қилинади.

Иккинчи ясаиш синтактик усул бунда асосан, кўшма ва жуфт равишлар ясалади: **у, бу, шу**, олмошлари билан ишлатиладиган равишлар: **у ёққа, бу ерга, шу ерда**; -**ҳар, ҳеч, ҳамма** олмошлари билан ишлатиладиган равишлар: **ҳар вақт, ҳеч қачон, бир талай**; -**аллақачон, аллавақт, умда-бунда** каби, Алла + сўроқ олмоши (аллаким) Алла + от (**аллавақт**) каби.

Жуфт равишлар: яқин маъноли сўзлардан: **очиқ-сочиқ, эсон-омон**; зид маъноли сўзлардан, такрорий равишлардан ҳосил бўлади: **эрта-кеч, юрт-ма-юрт, тез-тез, кула-кула...**

Равишлар сифат сўз туркуми каби даражаланиши мумкин. Масалан: **тез, тезроқ, жуда тез, бағоят тез, жадал ишлади...в.ҳ.**

Тез юриб келаётган йигитча бизни кўриб, қадамини янада жадаллатди.

Равиш маъно гуруҳини ўрганиш жараёнида талабалар сўз бойлигини ошириш қуйидаги уч йўналишда олиб борилиши мумкин.

1. **Ўрин – пайт, ҳолат, тарз** маъно гуруҳларига хос равишлардан намуналар бериш ва мазкур рўйхатни мустақил давом эттириш.

Намуна: энди, орқа, анча, кескин аввал, ўнг, пича, босиқ.

2. Берилган равишларга **маънодошлар, уядошлар ва зид маъноли сўзлар** топиш. Улардан СБ — сўз бирикмалари ҳосил қилиш:

Н: аранг-зўрға	тез-секин	зўрға одимлади
босиқ-вазмин	ўнг-чап	секин тушунтирди
юқори-паст	орқа-олд	тез бажарди
		босиқ гаплашди...

3. Кўшма ва жуфт равишлар ҳосил қилиш.

бениҳоя қийин	мўл-кўл
ҳар дам	кўп-кўп
ҳар доим	оз-оз
ҳамиша баҳор	анча-мунча
	баланд-паст

4. «сифат + лигича», «сон + лаб», «сифат + ларча» сўз қолиплари асосида равишлар ҳосил қилиш ва улар маъносини шарҳлаш ҳам нутқ маҳоратини шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Ҳосил қилинган ясама равишлар ёрдамида СБ лар, гаплар қуриш, матн яратиш сингари ижодий амалий ишлар талаба луғатини бойитишга, нутқий маҳоратни оширишга ёрдам беради.

5. Берилган равишлар асосида МЯБТ – IV коммуникатив модули билан ишлаш ҳам яхши самара беради.

Равишларнинг ясалишини ўрганиш жараёнида -ларча, -лаб, -она, -ан, -часига, -лигича, -лай, -инча қўшимчалар ёрдамида сўзлар ҳосил қилиш, берилган сўзлардан қўшма ва жуфт равишлар (бироз, ҳардам, очиқ-ойдин, ялаб-юлқаб) ясаб, улар ёрдамида сўз бирикмалари ҳосил қилиш (соддалигича қолмоқ, йигитчасига гапирмоқ, бироз кечикмоқ, ялаб-юлқаб кўришмоқ...), бадий бўёқдор гаплар қуриш сингари амалий-ижодий ишлар ўқувчи нутқини равишлар билан бойитишга ёрдам беради.

Мазкур мавзунини ўрганишда ажратиб ва қўшиб ёзиладиган қўшма равишлар, жуфт ва такрор равишлар имлосига эътибор бериш, уларни алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиш, ҳар бир гуруҳни мустақил давом эттириш каби амалий-ижодий ишлар талабаларнинг имло саводхонлигини ошириш ва нутқий ривожланишини таъминлаш учун муҳимдир.

Хулоса шуки, равиш сўз туркумини ўрганишда талабалар сўз бойлигини ошириш имкониятлари бениҳоя кўп. Ўрганилаётган ўқув материалининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, мавжуд интеллектуал ҳамда стилистик имкониятларни ҳисобга олган ҳолда улардан ўринли ва унумли фойдалана олиш лозим.

Феъл сўз туркумини ўрганиш (илловага қаранг)

Феъл ҳақида дастлабки маълумот бошланғич ва умумий ўрта таълимда олинади. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мазкур билимлар кенгайтирилади. Олий таълимда улар кенгайтирилади ва янги маълумотлар билан тўлдирилади.

Ўқувчилар борди, югурди, ёзди каби феълларнинг ҳаракат билдиришини яхши тушунгани ҳолда, ухлади, тинглади, мудради сўзларининг ҳолат билдиришини изоҳлашда қийналадилар. Шунинг учун уларга ҳаракат ва ҳолат тушунчасини аниқлаб олиш йўллари батафсил тушунтириш даркор.

Феълнинг семантик ва грамматик белгиларини изоҳлашда уларни бошқа сўз туркумлари билан қиёслаш мақсадга мувофиқ. Чунончи, от предметнинг номини, сифат унинг белгисини билдирса, феъл предметнинг ҳаракати ёки ҳолатини билдиради, шахс билдирувчи ҳар бир феъл ўзи боғланган сўзнинг гапда бўлиш бўлмаслигидан қатъий назар яхлит бир гапни ҳосил қила олади; отда ва сифатда бундай хусусият йўқ; от турланади, феъл тусланади. Феъл бошқа сўз туркумларидан грамматик белгилари билан ҳам фарқ қилади.

Феълнинг характерли белгиларидан бири замонни кўрсатиши ва шахсон қўшимчалари билан ўзгаришидир.

Феъллар ифодалаб келадиган маъноларига кўра **ҳаракат-юриш** (юрмоқ, югурмоқ, чопмоқ); **натижали фаолият** (тузмоқ, ясамоқ, қурмоқ); **нутқ** (сўрамоқ, қутламоқ, табрикламоқ); **ҳолат** (қиздирмоқ, уялмоқ, ухламоқ) феъллари каби гуруҳларга бўлинади.

Феълларда грамматик белгиларнинг қиёсий изоҳи

Феълнинг энг муҳим ва асосий грамматик белгиларидан бири махсус кўшимчалар билан тусланишидир. Мазкур тусланиш, асосан, уч турда бўлади.

1-тусланиш ўзбек тилида кенг тарқалган:

бирлик	кўплик
1-шахс. кутяпман	кутяпмиз
2-шахс. кутяпсан	кутяпсиз
3-шахс. кутяпти	кутяпти (кутяптилар)

2-тусланиш

Бирлик: кўрдим, кўрдинг, кўрди

Кўплик: кўряпмиз, кўряпсиз, кўряпти (-лар)

Биринчи ва иккинчи тусланиш, асосан, аниқлик майлида бўлади.

3-тусланиш шарт ва буйруқ-истак майлида бўлиб, -са ва -ай кўшимчалари билан ишлатилади:

Бирлик: борай, боргин, борсин кўрсам, кўрсанг, кўрсин

Кўплик: борайлик, боринг (-лар), борсин (-лар) кўрсак, кўрсангиз, кўрсинлар — кўрсайдилар (-лар)

Амалий иш. 1. Жадвални оғзаки шарҳлаш, феълли сўз бирикмалари ҳосил қилиш. 2. Сўз бирикмаларини қатнаштириб, гап қуриш ва матн яратиш.

Феълларнинг маъновий гуруҳларини ўрганиш

Феъл сўз туркумини ўрганишда сўз хазинасини бойитиш нутқий салоҳиятни юксалтириш имкониятлари бениҳоя катта.

Ўқув машғулотларига ажратилган вақтнинг асосий қисмини амалий ишлар эгаллаши лозим. Ўқувчидаги нутқ заҳирасини бойитиш; оғзаки ва ёзма нутқни, ижодий тафаккурни ривожлантириш; фикрни тўғри ва мухтасар ифодалаш малакаларини шакллантириш тил таълимида энг муҳим ва зарурий масала ҳисобланади. Мазкур мақсадга эришишнинг ягона йўли – феълнинг грамматик маъноларини ўрганиш билан бир қаторда уларни маъновий гуруҳларга ажратиш, ўзаро қиёслаш, фарқлаш, улар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар қуриш, мустақил ва мукамал матн яратиш йўллари ўрганишдан иборат бўлмоғи лозим.

Умуман, феъллар тўртта катта гуруҳга ажратиб ўрганилади.

1. **Ҳаракат феъллари:** қимирлади, силжиди, турди, юрди, югурди, чопди ...,

2. **Натижали фаолият феъллари:** тузмоқ, ясамоқ, қурмоқ, тикламоқ, бунёд этмоқ...; бузмоқ, синдирмоқ, йўқ қилмоқ ...,

3. **Нутқ феъллари:** гувранмоқ, шивирламоқ, айтмоқ, демоқ, сўзламоқ, гулдирамоқ ...

4. **Ҳолат феъллари:** ухламоқ, уйқусирамоқ, қизармоқ, оқармоқ, сезмоқ, англамоқ, товланмоқ ...

Зебо келинларнинг ним табассуми

Гулгун ёноғида **товланар** орзу,

Она алласидан сарҳуш гўдакнинг

Чучук тиллари - ла **гувранар** орзу.

Иборалар: «Мум тишлади», «Оғзига талқон солди», «Миқ этмади», «Лом -мим демади» — индамади; «Ер тишлади», «Чин дунёга сафар қилди», «Нариги дунёга жўнади» — вафот қилди, ўлди. ...в.ҳ., каби ибора — сўзлар рўйхатини тузиш, уларга маънодош, уядош, зид маъноли сўзлар танлаш, мазкур сўзлар иштирокида сўз бирикмалари ва гаплар қуриш, қурилган гапларнинг услубият жиҳатдан тўғри ва нотўғри тузилганлиги аниқлаш, фикр ифодалаш жараёнида сўзлар ва ибораларнинг ўринли ёки нотўғри қўлланганлигини таҳлил қилиш, гаптаги айрим ибора ва тасвирий воситалар маъносини шарҳлаш, ўқувчи нутқини иборалар билан бойитишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, тилимиздаги маънодошларнинг анчагина қисмини феъллар ташкил этади. Таниқли тилшунос олим А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да 217 та феълнинг маънодошлик уяси берилган.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида феъл мавзусини ўрганишда мазкур уялар устида ишлашни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқувчиларнинг феъл сўз туркуми устида ишлаш ва луғат захираларини бойитишга йўналтирилган ўқув топшириқларидан намуналар берамиз.

1. Берилган феълларга маънодошлар топиш: **ажабланмоқ**, таажжубланмоқ, хайрон бўлмоқ, ҳайратга тушмоқ; **ажратмоқ**, айирмоқ, ёлғиз қолдирмоқ, яккалатмоқ, жудо қилмоқ, маҳрум қилмоқ, танҳо қолдирмоқ... в.ҳ.

2. Маънодошларнинг маъно даражасини изоҳлаш, шарҳлаш ва уларни ўзаро фарқлаш – сўз бойлигини оширишнинг, нутқий салоҳиятни шакллантиришнинг ишончли воситаси ҳисобланади. Масалан: **ажратмоқ** умумий маъноли сўз, унда салбий ёки ижобийлик бўёғи сезилмайди: керакли китобларни **ажратинг**; **жудо қилмоқ** сўзида салбий маъно кўриниб, бўртиб турибди: Лаънати уруш минглаб одамларни ҳаётдан маҳрум, ўз туғилиб ўсган юртдан жудо қилди.

3. Берилган маънодошлар қаторидаги ҳар бир сўз билан сўз бирикмалари ва гаплар тузиш.

Масалан: **СБ лар ҳосил қилиш**: сўз сеҳридан ҳайратланмоқ, кўзларига ишонмай ҳайрон бўлди, ҳаёт сўқмоқларида ёлғиз қолмоқ, меҳрибонларидан айирмоқ;

Гап тузиш: Шафқатсиз турмуш ёш Жамилани ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларида **танҳо қолдирди**, барча меҳрибонларидан **айирди**... в.ҳ. каби ижодий-амалий топшириқларни бажариш яхши самаралар беради.

Ўқувчининг нутқий тараққиётини таъминлашда:

— берилган гапдаги тусланган феълларни тусланмаган феъллар билан алмаштириш:

— қўшма гапларнинг содда гапларга айлантириш: **Жаҳонгир келди ва музокара бошланди**. — **Жаҳонгир келгандан кейин музокара бошланди**.

— тусланган феъл ўзакларидан ҳаракат номлари ҳосил қилиш: **ёз – ёзув, ёзиш, ёзмоқ; бор – бориш, борув, бормоқ**... Улар ёрдамида гаплар тузиш ва маъно фарқларини тушунтириш: **чиройли ёз** (ундаш маъноси), **лотин ёзуви** (ёзув тури), **хатосиз ёзиш** (саводхонлик даражаси), **китоб ёзмоқ** (мақсад, ният маъносида) бирикмаларини гапларга айлантириш (ёзди — ёзмади) каби зид маъноларини ҳосил қилиш каби ижодий-амалий иш турлари ҳозирги ўзбек тилини мукамал ўрганишда самарали натижалар беради.

Феъл замонларини ўрганиш

Ўқувчи коммуникатив саводхонлигини таъминлашда феълнинг услубий имкониятларидан ўринли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Феъл замонлари ўрганилаётганда, замон шаклларини ҳосил қилувчи воситалар шаклдошлигига эътибор қилиш лозим. Чунки замон шаклдошларини ҳосил қилишга оид амалий машқлар нутқий тараққиёт учун ҳам ўта муҳим. Талабалар феъл замонлари билан танишаётганда, замон қўшимчаларининг алмашилиб ишлатилишига оид ижодий-амалий ишларни бажаришлари ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Феъл замонларини ўрганиш юзасидан қилинадиган ишларни, «Ўтган замон феъллари»ни ўрганиш мисолида кўриб ўтамиз.

Ўтган замон феъллини ўрганиш

Мазкур феъллар, асосан, тўрт турга бўлиб ўрганилади¹⁹.

Ўтган замон феъллари ўтмишда бажарилган иш-ҳаракатнинг, нутқдан олдинги пайтнинг ҳам турлича бўлиши мумкинлиги билан фарқланади.

Ўтган замон феъллари аниқ ўтган замон, узоқ ўтган замон, ўтган замон ҳикоя ва ўтган замон давом феълларига бўлинади.

1. **Аниқ ўтган замон феъли** – ди шакл ясовчисини ва шахс-сон қўшимчасини феъл ўзагига қўшиш билан ясалади: ўйлади, билмади каби.

Бу шакл иш-ҳаракатнинг сўзловчи сўзлаётган пайтгача бажарилган ёки бажарилмаганини аниқ ифодалайди. Уйга ке ьди. ьмтиҳондан ўтди.

2. **Ўтган замон ҳикоя феъли** – б (-иб) ва эди тўлиқсиз феъли (-б, -иб + эди) билан ҳосил қилинади.

Бу шакл нутқ пайтидан анча илгари бажарилган ҳаракатни ҳикоя қилиш йўли билан билдиради: Бозорга харид учун бориб эди.

3. **Узоқ ўтган замон феъли «-ган»** ва «-ган+эди» қолипи билан ҳосил қилинади, тўлиқсиз феъл ёки -ган шаклли сифатдошга шахс – сон қўшимчаси қўшилади: келгандим, келган эдинг ...

Бу шаклда бажарувчи ўзининг илгари бажарган ҳаракати билан тасвирланади. Шунинг учун у тасвирий нутқда кўпроқ учрайди. Бизнинг суюгимиз меҳнатда қотган. Бу ҳикояни мен олдин ўқиган эдим.

4. **Ўтган замон давом феъли** – р (-ар) + эди қолипда ҳосил қилинади: Музаффар юрист бўлишни орзу қилар эди. У Тошкент давлат юридик институтига борар экан.

Амалий иш

1. «Ўтган замон феъллари» жадвали оғзаки шарҳланади. Мазкур жадвалдан фойдаланиш, эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, керакли кўникма ва малакани ҳосил қилишга ёрдам беради. Жадвалдан фойдаланиб, тест топшириқлари тузиш, уларни ўз гуруҳдошларига намойиш қилиш, ўз фикрини, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ўқувчида мустақиллик ҳиссини тарбиялайди. Унда ўз билимига, ўз иқтидорига ишонч, тил бойликларини эгаллашга иштиёқ пайдо бўлади.

2. Ўтган замон феълларининг тўрт хил кўринишига мослаб гап тузинг.

3. Матн яратишнинг босқичли тизими бўйича ишлаш орқали сўз бойлигини ошириш, сўз бирикмалари ҳосил қилиш, гап тузиш, матн яратиш малакаларини шакллантириш.

Феъл майлларини ўрганиш

Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл майллари уч турга ажратиб ўрганилади:

¹⁹ Қаранг: М.Содиқова. Феъл сўз тўқатмаси. — Т.: «Фан», 1975, 21-29-бетлар

1. **Аниқлик майли** иш-ҳаракатнинг бажарилиш пайти билан уйғунлаштириб ифодалайди. Улар бўлишли-бўлишсиз шаклларга эга: бордим, бординг, борди (бормади); боряпман, боряпсан, боряпти (бормаяпти); бораман, борасан, боради (бормайди).

2. **Буйруқ-истак майли** сўзловчининг хоҳиши, истаги, буйруғи билан боғлиқ ҳолда нимагадир ишонтириш, буюриш, ундаш, йўналтириш маъносини ифодалайди: борай, ўқий, ёзай ...

ўқигин, айтгин, келгин ...

олгин, олақол, борақол ...

ярашсин, айтсин, кўришсин ...

Сўзлашув нутқида буйруқ-истак майлидаги феъллардан, асосан, содда йиғиқ гаплар ҳосил қилинади.

3. **Шарт майли** сўзда – са қўшимчаси мавжудлиги билан аниқланади:

бирлик

билсам

билсанг

билса

кўплик

билсак

билсангиз (билсаларинг)

билсалар

Мен келишингизни **билсам**, ишдан эртарақ қайтган, ошни бошлаб юборган бўлар эдим. Агар **билсангиз**, мен бугун жудаям хурсандман.

Амалий топшириқлар

1-топшириқ. МЯБТ-4 коммуникатив модули устида ишлаш ва матн яратиш:

1.1. Аниқлик майлидаги феълларга мисол келтиринг: *олди, ўқидим, кетдик.*

1.2. Шу майлдаги феъллар билан «от+феълли» бирикмалар тузинг: *йўл олди, яхши ўқидим, уйга кетдик ...*

1.3. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида гап тузинг, матн яратинг. Намуна: Илҳом тонг саҳардан мактабга йўл олди... (матнни давом эттиринг).

2. Буйруқ-истак майлидаги феълларга муқобиллар топинг (**борсангиз, кечирсангиз, келсангиз**).

а) «от + феъл» қолипида сўз бирикмалари ҳосил қилинг;

б) шу бирикмалар ёрдамида гап тузинг;

в) матн яратинг;

г) «Феъл майллари» жадвалини оғзаки шарҳланг. Мавзу юзасидан ўқув-синов тестлари тузинг. Тестларни гуруҳ олдида ҳимоя қилинг.

Феъларнинг тусланиши

Феъллар шахс — сон ва замон бўйича уч турда тусланади. Бунда ҳаракатнинг бажарувчиси сўзловчи, тингловчи ва нутқ жараёнида қатнашмаган ўзга шахс бўлади. Шахс маънолари ва бажарувчининг сони айтиб берилган қўшимча орқали ифодаланади. Феълнинг шахс – сонда ўзгариши тусланиш дейилади.

I тусланиш

Бирлик		Кўplik
I шахс	бораман	борамиз
II шахс	борасан	борасиз
III шахс	боради	боради (-лар)

II тусланиш

I шахс	ўтдим	ўтдик
II шахс	ўтдинг	ўтдингиз
III шахс	ўтди	ўтди (-лар)

III тусланиш

I шахс	сўрай, сўрайин	сўрайлик
II шахс	сўрагин сўранг,	сўрангиз (-лар)
III шахс	сўрасин	сўрасин (-лар)

Амалий иш

1. МЯБТ-4 коммуникатив модули бўйича ишлаш.

1-иш. Берилган феълга маънодошлар танланг: *сўрай, рухсат олай, розилик сўрай, олдидан ўтай, оқ фотиҳасини олай...*

2-иш. Топилган содда ва қўшма феъллар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилинг: *дадамдан сўрай, онамдан рухсат олай, ота-онамнинг розилигини олай, қариндошларнинг олдидан ўтай, падари бузрукворимнинг оқ фотиҳасини олай... в.ҳ.*

3-иш. Ҳосил қилинган сўз бирикмалари иштирокида гаплар тузинг.

Намуна: *Мен бу ишга бош қўйишидан аввал онамдан рухсат олай... в.ҳ.*

4-иш. Тузилган гаплардан фойдаланиб, 8-12 гапдан иборат кичик матн яратинг.

Феъл нисбатларини ўрганиш

Феъл нисбатларида иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси орасидаги муносабат англашилади. Улар беш турда:

1. Аниқлик нисбати: ўқиди, келяпти **бормоқчи** каби маълум шахс ёки нарсга – буюм томонидан бажарилиб, махсус нисбат қўшимчалари олмайди.

2. **Ўзлик нисбати** – н (-ин), -л (-ил), қўшимчаларини қўшиш билан ҳосил бўлиб, иш - ҳаракат бажарувчининг ўзида қолганини англатади:

безанди, қувонди, севинди; берилди, судралди, ёрилди.

3. **Мажҳул нисбатдаги феъллар** иш-ҳаракатнинг аниқ бажарувчисини кўрсатмайди, аммо – н (-ин), -л (-ил) каби шаклдош қўшимчалар билан ясалади: олинди, тўпланди, ювилди, тўкилди.

Ўзлик ва мажҳул нисбатдаги феъллар бир хил шаклдош қўшимчалар билан ҳосил қилинганда, уларнинг нисбатлари гап мазмунидан аниқланади. Бунинг учун қиёслаш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Масалан: Мукофот берилди (ким томонидан?) Ўқишга берилди (ким?) Қишга ўтин тайёрланди (ким томонидан?) Дарсга тайёрланди (ким?).

4. **Биргалик нисбати** – ш (-иш) қўшимчаси билан ясалиб, бир неча шахс томонидан бажарилган иш-ҳаракатни билдиради: ўқишди, бажаришди, ёрдамлашди... М: Уй юмушларини биргаликда бажаришди.

5. **Орттирма нисбат** – т, -тир, -дир, -гиз, -қиз, -киз, -қиз, -ир, -ар, -из, -каз қўшимчалари билан ҳосил қилиниб, ҳаракатни бажаришда яна бошқа шахснинг иштирок этганлиги англатилади: ўқит, айттир, билдир, юргиз, кўргаз, кетказ, чиқар, ичир...; Баъзан ортторма нисбат қўшимчаси кетмакет қўшилади: ичиртир.

Шунингдек, бир феъл негизига турли нисбат қўшимчалари қўшилиб кела олади. Севин+тир, ёз+дир+ил+ди... Бунда феъл нисбати охириги қўшимчага қараб белгиланади.

Амалий иш

1. Берилган феълларнинг қайси нисбатга қарашли эканлигини топинг: *дардлашди, егиздир, кўрилди, маъқулланди, қувонди, фахрланди, бормоқчи.*

2. Орттирма нисбатдаги феъллар мавзусида тест топшириқлари тузинг. Қайси қатордаги феъллар фақат ортторма нисбатда?

А. Тукилди, қувонди, бормоқчи, тошир.

Б. Олинди, орттирди, гапирди, чопди.

В. Ёзишди, кўрсатди, суҳбатлаш, гапир.

Г. Келтир, сўраттир, ташиштир, ёздир.

Д. Жавоблар нотўғри берилган

3. Орттирма нисбатдаги феъллар иштирокида МЯБТ-4 коммуникатив модули бўйиче матн яратиш

1-иш. Сўз танлаб Берилган феълларни ортторма нисбатли феълга айлантирин: *Борон ёзди учрашди, сўзлади.*

Намуна **Борди** - боргизди, боргизларди, бордирди, ёзди — ездирди, ёзгизди, езгиздирди, ёздиртирди; **учрашди** - учраштирди, учраштиргизди, учраштиргизмади. **сўзлади** - сўзлаттирди, сўзлаттиришди, сўзлаштиришди, сўзлаштиришмади...в.ҳ.

2-иш. Сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Хат ёздиртирди, конвертга солиб жўнаттирди, эрта баҳорда учраштиргизди, бир-бири билан сўзлаштиришди, расмга туширтирди, йўлга пул жўнаттирди...в.ҳ.

3-иш. Гап тузиш.

1. Бувижоним менга ҳарбийда хизмат қиладиган тўнғич набираларига хат ёздиргиздилар.

2. Конвертга хат билан бирга тоғамнинг Зиёда исмли қизининг расмини ҳам солдиргизиб юбортирдилар.

3. Баҳорда хизматдан таътилга қайтган акажонимга, Зиёда опамни кўрсаттириб, унаштиргизиб қўйдилар.

4. Яқинда акамиз хизматдан қайтсалар, бизлар катта тўй қиламиз.

4-иш. Матн яратиш.

Менинг бувим бош набиралари — Омон акамни жуда яхши кўрадилар. Бизлар яқинда акамни ҳарбий хизматга жўнатдик... (матнни давом эттиринг).

Матн устида ишлаш: 1. Яратилган матндан орттирма нисбатдаги феълларни топинг. Уларга уядошлар танланг, улар маъносини шарҳланг.

4. Матндаги феъл сўз туркумига оид сўзларни ажратинг, майлларини аниқланг. Уларни уч хил замонга мослаб гуруҳланг ва рўйхатни давом эттиринг: *ёзгин, борсам, келяпти, ўқимоқчи...*

5. Луғат диктанти ёзинг. Ҳар бир феълнинг бўлишли-бўлишсизлигини аниқланг.

6. Кодоскоп ёрдамида «Феълларнинг тусланиши» жадвали устида ишланг. Икки гуруҳга бўлиниб, «Заковат» ўйинини ташкил қилинг (ўйин илова қилинган).

Умуман, ОВКТ — кашфиёт таълим усулида феъл нисбатларини ўрганиш талабани мустақил ва ижодий фикрлашга, фикрни тўғри, равон ифодалашга, сўзлаш маҳоратини ривожлантиришга олиб келади.

Феълларнинг вазифадош шакллари

Ҳаракат номи. Феъл шаклларида бири саналмиш «Ҳаракат номлари» феъл каби тусланмайди, балки от каби турланади. Гапда эга, тўлдирувчи, қаратқич – аниқловчи бўлиб келади: **ўқиш** бошланди; **ўқишга** кетди; **ўқишининг** фойдаси кўп в.ҳ.

Феъл ўзак-негизига **-ш, -иш, -в, -ув, -моқ** қўшимчаларидан бирини қўшиб, ҳаракат номлари ясанг: ишла**ш**, ёзи**ш**, билув, ишлов, ўқимо**қ**, сезмо**қ** келмо**қ**, кулмо**қ**...

Ҳаракат номининг **-ш, -иш, -в, -ув** қўшимчалилари отга тенг бўлса, **-моқ** қўшимчаси билан ясалгани феълга яқин туради.

Ҳаракат номини ўрганишда қўйидаги амалий ишлар бажарилади:

1. Аниқ нарса – буюм номини ва аниқ маълумотни билдирган ҳаракат номларига мисоллар келтиринг. Келтирган мисолларингизга шаклдошлар топинг.

Намуна: илмоқ (ҳаракат номи), илмоқ (от, илгак), қўшув(от, математик белги), қўшув (ҳаракат номи)...

2. Ҳаракатнинг аниқ вақтини, майлини, шахсини билдирмай, унинг номинигина атайдиган ҳаракат номларига мисоллар келтиринг.

Намуна: ўқишим яхши, ўқишимдан қониқаман, ўқишимни ёқтираман...

3. Ҳаракат номларини қатнаштириб СБлар, гаплар тузинг, матн яратинг.

Сифатдошни ўрганиш

Ҳозирги ўзбек адабий тилида «Сифатдош» феъл шакллари қаторида ўрганилади. У феъллик ва сифатлик маъноларини ўзида жамлайди: феъл сингари нима қилган? нима қилаётган?., сифат каби қандай? қанақа? сўроқларига жавоб бўлади. Сифатдош ясовчи **-ган (-кан, -қан)** қўшимчалари феълларга қўшилиб:

1. Ўтган замон феъллини ҳосил қилади: *сўзлаган, билган, ишлаган, ўқиган*. Сифатдош бирикмаси ҳосил қилади; *кўпни кўрган, муомалани билган, билганини айтди*. Гапда кесим вазифасида келади: *борганман, боргансан, борган...в.ҳ.*

Шунингдек сифатдошлар:

— феълнинг ҳозирги замон шаклини олиб, айна пайтдаги ҳаракатни билдиради: *ўрганаётган, сўроқлаётган, фикрлаётган бола*;

— предметнинг доимий белгисини билдиради: *тинглайдиган, тушунадиган, сўроқлайдиган, фикрлайдиган бола*;

ёрдам қиладиган одам; — келгусида мақсад билан қилинган ҳаракатни ифодалаб келади: *Расмий визит билан келган элчи*.

Сифатдошлар бўлишсиз шаклга ҳам эга: *келмаган одам, топилмаган хазина*. Жисм ё шахснинг доимий ҳаракатини билдиради: *шугулланаётган иши, гапирган гапи, ёзаётган диссертацияси...*

Сифатдош гапда эга, кесим ва ҳол вазифасида келади.

БКМларни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. Ҳаракат номи қайси сўз туркуми таркибида ўрганилади?

2. Феълга яқин турувчи ҳаракат номи қўшимчаларини айтинг.

3. **-ш, -иш, -в, -ув** қўшимчалари қайси феъл шаклларига тегишли?

4. Ўқимоқ сўзи гапда эга вазифасида кела оладими?

5. Сифатдошлар шахс – сон, замон хусусиятларига эгами?

6. Сифатдошларнинг гапдаги вазифаларини санаб беринг.

Амалий иш:

Сифатдошлар иштирокида сўз бирикмалари ва уларга муқобил турғун иборалар топиш. ММ модули билан ишлаш.

Равишдошни ўрганиш. Равишдош ўзида феъллик ва равишлик хусусиятларини мужассамлаштирган феъл шакли. Масалан: *яйраб кўлди, алла-лаб ухлатди. ўқий-ўқий ўрганди, бора-бора кўникди, табриклагани келдим; у кўчага чиққач, югуриб кетди;*

Равишдош гапда кесим таркибида бўлади ва кесимга тобе сўзлардан иборат бўлади; *Бироз суҳбатлашгач, уйига бурилиб кетди.*

Момақалдиروқни эшитиб, сесканиб тушди.

Тусланадиган равишдошлар – **б, -иб, -а, -й, -ган** қўшимчали бўлиб, *борибман, келаман, ишлайман, кўргансан, келмагансан* шаклида келади. Тусланмайдиган равишдошлар – **гани (-кани, -қани), -гач, (-қач, -қач), -гунча (-кунча, -қунча)** қўшимчалари қўшиш билан ясалади.

Насрий ва назмий асарларда – гали шаклида ҳам учрайди: таклиф қил-гали келдим... в.ҳ. Тусланмайдиган равишдошлар шахс – сон ва замон шаклларини олмайди.

Амалий иш.

1. Жадвалда берилган равишдошларни изоҳлаб, шарҳланг.

2. Равишдошлар иштирокида сўз бирикмалари ҳосил қилинг, гаплар тузинг ва матн яратинг.

3. Гапда бажарган синтактик вазифаларини аниқланг.

4. Айни бир феъл ўзак – негизидан ҳаракат номи, равишдош, сифатдош ҳосил қилиш, улардан гап тузиш ва матн яратиш феъл шакллари ҳақидаги билимларни нафақат мустаҳкамлаш ва умумлаштириш, балки, уларни нутқда тўғри ва раво қўллаш малакаларини сингдиради.

Феълларнинг ясалиши

Ҳозирги ўзбек адабий тилида феъл сўз туркуми, феъл замонлари, тусланиш, туб ва ясамалиги, майли, нисбати, феъл шакллари каби гуруҳ ва мавзуларга бўлиб ўрганилади.

Феъл иш-ҳаракатнинг бажарилишини англатиб, нима қилди? нима қилипти? нима қилади? сўроқларига жавоб бўлади.

Феъллар уч хил замонни билдиради, шахс – сонда тусланади:

Ўтган замон: **бордим, боргансан, борган экан**

Ҳозирги замон: **боряпман, боряпсан, бораётир.**

Келаси замон: **бораман, бормоқчисан, боради.**

Феъллар гапда, асосан, кесим бўлиб келади. Феъллар тузилишига кўра туб ва ясама (ўқийман, келтир, келса, олдик в.ҳ.), содда (гулла, оқла, икка-

ла, сизла, улғай, кўкар, хавфсира каби), ва қўшма феълларга (уйқуга кетди — ухлади, — тушиб қолди — тушди), ўтади – кетади... в.ҳ.) ажралади.

«Феълларнинг ясалиши» жадвали устида ишлаш жараёнида, ўқувчиларнинг уч-тўрттаси жадвални оғзаки шарҳлаши, содда ва қўшма феълларга мисоллар келтириши мумкин.

Ўқитувчининг ўзи сўзлаётган ўқувчилар нутқига алоҳида эътибор қилиши, ўқувчининг ўзидан ҳам шуни талаб қилиши жуда зарур, ўқитувчи йўл қўйилаётган камчиликларни дарҳол аниқлаши ва хатоларнинг гуруҳ аъзолари томонидан тўғриланишини таъминлаши лозим бўлади.

Феълларнинг тузилишига кўра турлари бўйича тест саволлари тузилади, сўз бирикмалари, гаплар қурилади. Қуйида ўқувчи нутқини тезкор ва мазмундор қилишга йўналтирувчи ўқув топшириқларидан намуналар берилди:

«Сен давом эттир» ўйини.

Бу ўйинда ўқувчи ўз диққатини бир жойга тўплаш, эшитганларини яшин тезлигида анализ ва синтез қилиш, нутқий вазиятга мос равишда, тезкор ва мантиқли фикрлаш, фикр маҳсулини тўғри, равон, қизиқарли ифодалаш кўникмаларини эгаллайди, ўзгалар фикрига танқидий ёндошиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришни, ўз фикрни ҳимоя қилишни ўрганади.

Ўйинни бошловчи бошқаради. Ижодий матннинг бошланмасини тугатгач, бошловчи истаган ўқувчига эстафета таёқчасини (шартли)узатиши ва матнни давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Ўзини йўқотган, матнни давом эттира олмаган бола ютқасади ва ўйиндан чиқиши керак. Ўйин охиригача етиб келган икки талаба ўртасида финал ўйини ўтказилиб, ғолиб аниқланади ва рағбатлантирилади. Ўйин намунаси:

Бошловчи сўзи: *Мен академик лицейда ўқийман.*

Ўқиш жараёнида сўзга уста, билчидон гуруҳдошларим, меҳри дарё устозларимнинг айтганларини тинглашга, англашга ҳаракат қиламан. Чунки вақт қараб турмайди: у тезда ўтади-кетади. Ундан ҳар доим унумли фойдалана билиш керак...

Иккинчи ўқувчи: *Мазкур масаланинг ечимини бизлар бошқачароқ ҳал қилишга эришдик. Лицейимизда турли спорт тўғарақлари, ижодий устахона, химия, математика, адабиёт тўғарақлари ишлаб турибди.*

Мен дарсдан сўнг адабиёт тўғарагига қатнашаман...в.ҳ.

Шу тариқа талабалар бир-бирларининг фикрларини давом эттирадилар, ижодий изланадилар, хулоса ва ҳукм чиқарадилар, нутқий маҳоратларини шакллантирадилар.

Юқоридаги оғзаки машқлар бажарилгач, ўқувчиларга йўналтирувчи саволлар берилади.

1. Фейлларнинг гапдаги вазифаларини мисоллар ёрдамида тушунтиринг.

2. Фейлларнинг маъновий гуруҳларини айтинг. Мисоллар келтиринг.

3. Фейл шаклларига мисоллар келтириш ва ўзаро қиёслаш орқали уларнинг фарқли ва ўхшаш томонларини аниқланг.

4. Фейлларнинг ясаши ҳақида, ясовчи қўшимчалар тўғрисида маълумотларни эсга тушириб, фикрингизни мисоллар билан исботланг.

5. Қўшма феъллар, уларнинг тузилишига кўра турларини айтинг. Мисоллар келтиринг.

6. Фейллар иштирокида тест топшириқлари тузишни ўрганинг.

Бунда ўқитувчи феълларнинг маъновий гуруҳларини аниқлашга хизмат қиладиган тест саволлари тузишни ўқувчиларга тавсия қилиши, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш ва шарҳлашни талаб қилиши мумкин. Намуна: 1. *Фейлларнинг маъновий гуруҳлари берилган қаторни топинг.*

А. Ҳаракат феъллари, нутқ феъллари

Б. Натижали фаолият феъллари, ҳолат феъллари

В. Ўтган замон ва ҳозирги замон феъллари

Г. А, Б жавоблар тўғри

Д. Ҳамма жавоблар тўғри.

Сўнгра ўқувчилар томонидан тузилган тестлар ҳимоя қилинади. Ҳар бир ўқувчи биттадан бештагача тест саволлари тузади ва мултимедиа ёки кодоскоп экранига тушириб, ўртоқлари муҳокамасига ҳавола қилади. Шу жараёнда ижодий ва мустақил фикр маҳсули бўлмиш тестлар танқидий назар билан кўздан кечирилиб, камчилик ва нуқсонлари тузатилади. Баҳс ва мунозара, савол-жавоблар жарёнида ўқувчи ўз билими, дунёқараши, яратган матни, бажарган ишининг тўғрилигини исбот қилишга уринади, илмий, маданий мулоқат сирларини кашф қилади.

Фейл сўз туркуми мавзусида ММ устида ишлаш.

1-иш. Сўради, қайғурди сўзларидан маънодошлик қатори ҳосил қилинг: сўради – сўраб кўрди, сўрашди, рухсат олди, олдидан ўтди, фотиҳасини олди; қайғурди — хафа бўлди, кўз ёши тўкди, ғамга ботди, боши эгилди, қадди букилди...

2-иш. Топган сўзларингиз иштирокида бирикмалар тузинг: устозидан сўраб кўрди, отасидан рухсат олди; бекорга хафа бўлди; тинимсиз ёш тўкди, қаттиқ ғамга ботди...

3-иш. Ҳосил бўлган сўз ва бирикмалардан гаплар тузинг. Бобур тушунмаганларини устозидан сўраб кўрди...

4-иш. Тузилган гаплардан фойдаланиб матн яратинг.

Феълларнинг чексиз услубий имкониятларини ҳисобга олиб, унинг маънодошларини, уядошлари ва зид маънолиларини алоҳида рўйхат қилиш, («луғат» китобларидан) содда, қўшма, жуфт ва такрор феъллар иштирокида гаплар ҳосил қилиш, дарс жараёнида ўқув-техника воситалари, ҳамда муаммоли таълим имкониятларидан, интеллектуал ўйин – топшириқлардан фойдаланиш талаба сўз бойлигини оширади, сўзни тўғри танлашга, уни ўз ўрнида қўллай билишга ўргатади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда феъл сўз туркумини, ихчам гапларни билиш, уларни нутқ шароитига мос равишда эркин ва мустақил қўллашни ўрганиш, дидактиканинг **онгли вербал-когнитив таълим йўналишига** асосланган «**кашфиёт таълим усули**»да фикрлаш ва фикр ифодалашга олиб келади. Ўқувчи иқтидорини, матн яратиш БКМларини шакллантиришга йўналтириш, МЯБТ-4 коммуникатив модули билан ишлаш-таълим жараёнини «Миллий дастур» ҳамда ДТС талаблари асосида ташкил қилишга, узлуксиз таълимда юқори натижа — **ижодий тафаккур соҳибини** етиштиришга, миллий қахрамонни, ватанпарварни гарбиялашга хизмат қилади.

Олмош сўз туркумини ўрганиш (иловага қаранг)

От, сифат, сон, равиш, феъл шакллари, тақлид сўзлар ўрнида қўлланадиган сўз туркумлари олмошлардир. Улар келишиқлар билан турланади, гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи, кесим вазифаларида келади: **ким сўзлайди? Ўша мактаб. аллакимни сўради. Бу ишни қилган одам — сиз!**

Ҳар бир фаннинг ўқитилиши, ижобий самараси ундан олинган сўнгги натижа билан баҳоланади. Она тили таълимидан олинган сўнгги натижа эса нутқни оғзаки ва ёзма шаклда тўғри, аниқ, равон, қисқа ифодалаш кўникмаларининг тўлиқ шаклланганлиги ва ривожланганлигида кўринади.

«Олмош» сўз туркумини ўрганишда талабалар нутқини ривожлантириш имкониятларининг бири — сўзнинг нутқий маънодошларидан ўринли фойдаланиш малакаси дир.

Олмош етти турга ажратилиб ўрганиладиган мустақил сўз туркумига киради. Олмошнинг энг асосий хусусиятларидан бири шуки, у ўтган замон феълларидан ташқари барча мустақил сўз туркумларини, бутун бошли гапни, матнни қолаверса яхлит бир асарни ҳам алмаштириб келаверади.

М: А.Қодирийнинг «**Ўтган кунлар**» романи ўзбек романчилигининг олтин меросидир. У ўзбек тилининг бутун салмоғи-ю, тароватини, рангинлиги-ю жозибасини **ўзида** акс эттириб туради.

Юқоридаги матнда у олмоши бутун бошли «**Ўтган кунлар**» романини кўрсата ва ўрнини боса олган. Шу сабабли олмош мавзуси кейинги ўқув

дарсликлариди барча мустақил сўз туркумларидан кейин ўрганишга келишиб олинди.

1. Кишилик олмоши: *мен, сен, у, биз, сиз, улар.* Шахс ҳақидаги гапларнинг эгасини алмаштириб келади: **Чўлпон** — буюк шоир. **У** ўзбек халқининг асрлар бўйи қилган орзуси – озодлиқ ҳақида куйлайди.

Фикрни аниқ ифодалаш учун олдинги гапларда аввал от, сўнг кишилик олмоши қўлланади: **Венера** Қуёшга яқин планеталардан бири. **У** бизга ёруғ юлдуз бўлиб кўринади.

Мазкур олмошлар барча сўз туркумлари ўрнида қўлланиб, улар билан сўз бирикмалари ва турғун иборалар ҳосил қилиш мумкин: биз келдик, сенинг синфинг.

2. Ўзлик олмоши «ўз» сўзи орқали ифодаланади ва муаллифнинг ўзи ҳақидаги, ўзига қарашли нарса ҳақидаги фикрни аниқлаш, таъкидлаш учун хизмат қилади: Ҳар инсоннинг ўз истаги, ҳамма гапнинг **ўз вақти**, ҳамма ишнинг **ўз** ўрни бор...

Ахир бу дунёда тенг эмас беш қўл,

Барига бир юмуш бериб яратган.

Ҳар инсон ахтарар ўз-ўзига йўл,

Феъли-атворин ҳам билиб яратган. (Шукрулло)

Кўрсатиш олмоши ҳозирги ўзбек адабий тилида кенг қўлланади: *у, бу, шу, ўша, мана, ана, ана шу, мана шу. анави.*

Синонимлари: *мазкур, юқоридаги, қуйидаги...* **Фан** чўққиси – маррамиз, **унга** дадил чиқамиз (П. М). Нон ҳиди – **бундан** ёқимли нарса борми!? Мисоллардаги олмошларга жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишиги, шунингдек, **-ча, -дай, -дек** (шунча, ўшандай...) қўшимчалари қўшилганда, **н** товуши орттирилгани аниқланади. **У** олмоши ҳам кишилик, ҳам кўрсатиш олмоши вазифасида келиши мумкин, бу ҳодиса эса контекстда аниқланиб, қиёсланади ва фарқланади:

М: *У қўшиқ айтади — Қўшиқ у томондан эшитилди.*

Биринчи гаптаги **у**, кишилик олмоши бўлиб, шахсни — қўшиқчини билдиради. Иккинчи гаптаги **у** эса кўрсатиш олмоши бўлиб, овоз келаётган томонни аниқлаб, кўрсатмоқда. Кўрсатиш олмошлари гапта, асосан, эга, аниқловчи, кесим бўлиб келади.

Берилган мисоллар асосида унинг эгалик, сон, келишиқ қўшимчалари билан турланиши ўқитувчи томонидан исботланиши, ўқувчи томонидан англаниши керак.

4. Сўроқ олмошлари ўзбек тилида мавжуд бўлган барча сўроқ сўзларни қамраб олади: ким? нима? қандай? қанақа? қайси? қанча? неча? нега?

нечанчи? нима қилди? ва бошқалар. Улар шахс, нарса-буюм, белги, миқдор, ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги сўроқларни билдириб, шахс, ўрин, пайт, мавжудлик, сабаб, мақсад кабиларни аниқлашда қўлланилади: — Ким келди? — Қандай китоблар ўқидинг? — Ёшинг нечада? — Қаерда кўрдинг? — Нечанчи синфда ўқийсан? в.ҳ...

Сўроқ олмошлари от ўрнида келганида отлар каби сон, эгалик ва келишиқ қўшимчалари билан турланиши мумкин. Бу хусусиятга ким? ва нима? сўроқ олмошлари эгадир.

Сўроқ олмошлари гапда *эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи* вазифасида келади.

5. Белгилаш олмошлари ҳар, ҳар ким, барча, ҳар қандай? ҳар нима, ҳар қайси, ҳамма, бари, бутун, жами, ялпи сингари фарқлаш, аниқлаш маъносидаги сўзлар билан ифодаланади. Уларнинг баъзилари шахс ва нарса – буюмни, белгини бирор хусусияти бўйича ажратиш, жамлаш, умумлаштириш маъносини билдирса, баъзилари таъкид, гуруҳлаш, биргалик маъноларини кўрсатади. Улардан айримлари кўплик қўшимчасини ҳам олиши мумкин.

Масалан: *Юлдуз Усмонованинг кўнгироқдай овози бутун жозибаси, сеҳрли оҳанги билан барча тингловчиларни ром қилди. Халқимиз мустақиллигимизни асраш йўлида ҳар қандай тўсиқни ағдариб ташлашга тайёр. Ҳар ким бу масалада ўз фикрини айтсин.*

Ўқувчилар гаплардаги олмошларни белгилайдилар, маъносини шарҳлайдилар тузилиш жиҳатдан содда ва қўшма эканлигини аниқлайдилар. Гапда эга, аниқловчи, тўлдирувчи вазифаларида келишини мисоллар орқали исботлайдилар.

Худди шу тарзда белгилаш, бўлишсизлик, гумон олмошлари ҳам ўрганилади. Бунда олмошнинг қайси сўз туркумлари ўрнида келаётгани, унинг ўзига хос лексик – грамматик, айниқса, морфологик хусусиятларига ўқувчи эътиборни тортиш мақсадга мувофиқдир.

Олмош мавзусини ўрганишда берилган матнни таҳлил қилиш, олмош –сўз, олмош сўз бирикмалари устида ишлашда қуйидаги тартибга риоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Олмошни белгилаш.
2. Унинг маъно турини аниқлаш.
3. Қандай сўз туркуми ўрнида келишини изоҳлаш.
4. Қандай сўроқ олишини ойдинлаштириш.
5. Қайси келишиқдалигини кўрсатиш.
6. Шахс-сонини аниқлаш
7. Гапдаги вазифасини топиш.

ЁРДАМЧИ СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Сўз туркумлари умумий грамматик маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. **От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, тақлиддан иборат, луғавий маънога эга, муайян сўроқларга жавоб бўладиган, морфологик жиҳатдан ўзгарадиган, гапда маълум синтактик вазифани бажарадиган мустақил сўзлар.**

2. **Кўмакчи, боғловчи, юкламалар** — мустақил сўз, сўз бирикмалари, содда ва қўшма гаплар орасидаги муносабатларни тиклайдиган, сўз ва унинг мазмунига қўшимча маъно беришдек грамматик маъно ифодалайдиган, баъзан ўзига келишικ қўшимчалари оладиган (от кўмакчи), аммо якка ҳолда маъно англамайдиган, сўроқларга жавоб бўла олмайдиган ҳамда гап бўлаги бўла олмайдиган **ёрдамчи сўзлар**²⁰.

3. **Модал, ундов, тақлид сингари луғавий маъно билдирмайдиган, аммо баъзан гап бўлаги вазифасида кела оладиган алоҳида гуруҳ сўзлари.**

Ёрдамчи сўз туркумларини ўрганишда қўйидаги билим, кўникма ва малакалар ўқувчи онгига сингдирилиши лозим:

— ҳар бир ёрдамчи сўзнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

— ёрдамчи сўзларнинг бир-биридан ва мустақил сўзлардан фарқини ажрата билиш;

— уларни оғзаки ва ёзма нутқда тўғри, услубий жиҳатдан ўринли қўллай билиш.

Кўмакчи

Мустақил сўз туркумларидан кейин келиб, уларни бошқа сўзларга тобеланиш йўли билан боғлайдиган ёрдамчи сўзлар кўмакчилардир. Кўмакчилар қайси сўздан кейин келса, ўша сўз билан биргаликда бир саволга жавоб бўлиб, бир хил гап бўлаги вазифасида келади. Ўрганилган билимларга асосланиш, уларни мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. Кўмакчилар мустақил сўзлардан қандай фарқланади?

2. Кўмакчи гапда қандай вазифани бажаради?

Саволларга жавоб олингач, қуйидаги гаплар ёздирилади:

1. Қуш парвоз учун, инсон бахт учун яралган. 2. Она ўргатган тил ҳам ҳамиша биз учун она каби ардоқлидир. 3. Ҳаёт - қуёш билан, инсон — хулқи билан гўзал. 4. Жасорат — истеъдод сингари, мақсад сари борадиган йўлни осонлаштиради.

²⁰ Мирзааҳмедов Б. Ёрдамчи сўзларни ўрганиш. — Т.: «Ўқитувчи», 1973.

1-топшириқ. Ажратиб кўрсатилган кўмакчилар қандай синтактик муносабатларни ифодалаётганини аниқланг.

2-топшириқ. Уларнинг мустақил сўзлардан фарқини айтинг:

Матн таркибидаги кўмакчилар *парвоз учун, бахт учун, биз учун; қуёш билан, хулқи билан; истеъдод сингари, мақсад сари* каби ўзи боғланиб келган сўздан кейин келиб, гапда сўзлар орасидаги биргалик, мақсад, сабаб, ўхшатиш, йўналганлик, давомийлик каби турли-туман синтактик муносабатларни ифодалашга хизмат қилади.

Соф кўмакчилар вазифа жиҳатидан келишиқ кўшимчаларига яқин туради; Хатни почта орқали жўнатди — почтада жўнатди; китобни сен учун олдим – сенга олдим...в.ҳ. Соф кўмакчиларнинг қисқарган шакллари (-ла, -чун) чизиқча орқали ёзилади: *меҳнат-ла яралур шоҳ асарлар ҳам... Меҳрингни ўқишга берганинг -чун хурсандман.*

Аслида бошқа сўз туркумлари (от, феъл, равиш)дан бўлган, лекин кўпинча кўмакчи вазифасида қўлланадиган сўзлар (олд, орқа, ён, ўрта, ост, уст, ора...) ҳам мавжуд:

Қиёсланг:

- | | |
|--------------------------|-------------------------------------|
| 1. Усти очиқ машина. | 1. Шаҳар устидан самолёт учиб ўтди. |
| 2. Кейин келади. | 2. Дарсдан кейин келади. |
| 3. Музейда олдин бўлган. | 3. Мендан олдин сўзлади. |
| 4. Орқада қолди. | 4. Ҳаммадан орқада қолди. |

Мисолларни қиёслашдан мақсад *усти, кейин, олдин, орқада* каби сўзлар қаер? қачон? қаерда? сўроқларига жавоб бўлиши, гапда ҳол вазифасида келганлигини аниқлашдир.

Сўнгра *шаҳар устидан, дарсдан кейин, мендан олдин, ҳаммадан орқада* кўмакчили бирикмалар ўзидан олдин келган сўз билан биргаликда қаердан? қачон? сўроқларига жавоб бўлиб, гапда ўрин ва пайт ҳоли вазифасини бажараётгани айтилади.

Кўмакчилар ҳақида ўрганилган билимларни такрорлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги ёзма назорат иши, матн устида ишлаш каби топшириқлардан фойдаланиш мумкин.

Изоҳли диктант матни айтиб ёздирилади:

1. Тошкент мустақилликдан кейин таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб, кўркамлишиб кетди. 2. Халқимизнинг тинчлиги учун, бахт-саодати учун ғайрат билан билим оламиз. 3. Ойбек ҳаяжонини босиш мақсадида ўзини маҳкам тутиб турар, босиқлик билан сўзларди. 4. Саёҳатчилар қирғоқ бўйлаб секин борардилар.

а) матндаги кўмакчили бирикмаларни ажратинг;

б) улар иштирокида гап тузинг. Кўмакчили бирикма маъносини тушунтиринг.

Мустақил иш

1-топшириқ. Илгари, бурун, олдин, аввал; бери, буён каби кўмакчилар иштирокида аввал сўз бирикмаси, сўнгра улар иштирокида гап тузинг. Кўмакчили бирикма маъносини шарҳланг.

2-топшириқ. Сари, каби, бурун, кейин, ҳақида, остида кўмакчиларининг маънодошларини топинг. Улардан сўз бирикмалари ҳосил қилинг. Мазкур бирикмаларни қатнаштириб, гаплар қуринг, сўнгра матн яратинг. Яратилган матндан кўмакчили бирикмаларни ажратиб, уларнинг луғавий маъносини шарҳлаш ўқувчи нутқий маҳоратини шакллантиради.

Оғзаки шарҳ жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикр ифодалаш кўникмаси ривожланади, ўз нутқида кўмакчи сўзларни қўллаш малакаси шаклланади.

Амалий машғулотларда қуйидаги ишлардан фойдаланиш мумкин:

- бош келишиқдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар (билан, учун, сари, туфайли, чамаси в.ҳ.);

- жўналиш келишиқдаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар (қадар, қарши, қараб, яраша, мувофиқ в.ҳ.)

- чиқиш келишиғидаги сўзлар билан қўлланадиган кўмакчилар (бошқа, тортиб, бошлаб, бери, нари в.ҳ.) рўйхатини тузиш, уларни маънодошлари билан алмаштириш, келишиқ қўшимчаларини кўмакчи билан ёки аксинча, кўмакчини келишиқ қўшимчалари билан алмаштиришни ўйлаб кўринг.

«Кўмакчи»лар мавзусини ўрганишда МЯБТ-4 (матн яратишнинг боسق-ичли тизими) ММ дан фойдаланиш:

1. Соф кўмакчиларни рўйхат қилиш.

2. Кўмакчили сўз бирикмалари ҳосил қилиш.

3. Мазкур бирикмалардан гаплар тузиш.

4. Гаплардан бирини танлаб, шу мавзуда кўмакчили бирикмалар иштирок этган кичик матн яратиш.

Кўмакчиларнинг ўз вазифаси жиҳатидан келишиқ қўшимчаларига ўхшашлиғи, кўпинча, уларнинг ўрнини алмаштириб ишлатиш мумкинлиғи ҳақида (-га, учун) умумий хулосага келинади. Аммо уларни ҳар доим ўзаро муқобил деб бўлмайди.

Берилган гапларга эътибор қилинг.

1. Ватан мустақиллиғи ва йўқотишларга қарши олиб борилган курашлар ҳақида ақлу фаросат билан ўйлаш ҳам керак.

2. Шундагина мустақилликнинг моҳиятини теран ҳамда тўғри англаш мумкин.

Ўқувчилардан бири биринчи гапни ўқиб, **учун, ҳақида, билан** кўмакчи экани, бу ҳолатда келишиқ қўшимчаси билан алмаштириб бўлмаслиғи, ўзича маъно билдирмаслиғи, ўзидан олдин келган мустақиллик, йўқотиш

ақлу фаросат сўзлари билан биргаликда нима учун? нима ҳақида? нима билан? сўроқларига жавоб бўлиб, ўйлаш керак феълига боғланишда восита вазифасини бажаришини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади.

Сўнгра иккинчи талаба ҳар икки гапни ўқиб, **ва, ҳамда** боғловчилари икки бир хил грамматик маъноли сўзларни ўзаро боғлаётганини, уюшиқ бўлақлар ҳосил қилаётганини айтади. Шу асосда боғловчилар ҳам ёлғиз ҳолда гап бўлаги бўла олмаслиги ва ўзича сўроққа жавоб бермаслиги билан кўмакчиларга ўхшашлиги аниқланади.

Боғловчи

Боғловчилар қуйидаги грамматик хусусиятлари билан кўмакчилардан фарқ қилади:

— кўмакчи гап тузишда фаол иштирок этади, у гапдан тушиб қолса, фикр англашилмайди. Боғловчи тушириб қолдирилса ҳам, гап оҳангида ўзгариш бўлса ҳам, фикр англашилаверади;

— кўмакчи *от, олмош, отлашган сўзлардан* кейин ишлатилади, боғловчи эса барча мустақил сўзлар: *от, сифат, сон, феъл, равишлардан* кейин келаверади;

— кўмакчилар ўзи боғланган сўзнинг бош, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларининг бирида бўлишини, *от кўмакчилар* эса барча келишиқ кўшимчалари билан келишини ҳам кўриш мумкин. Боғловчилар келишиқ кўшимчалари олмайди, ўзи боғлаётган сўзларни қайси келишиқда бўлишидан қатъи назар, ўзаро боғлайверади.

Гапнинг уюшиқ бўлақлари ва қўшма гапдаги содда гапларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўзлар боғловчи деб аталади.

Боғловчилар якка ва такрорланган ҳолда қўлланилади.

Ва, аммо, чунки каби якка, ё-ё, гоҳ-гоҳ, баъзан-баъзан сингари такрор қўлланадиган боғловчилар устида ишлаш; гапнинг уюшиқ бўлақлари ҳамда қўшма гап таркибидаги содда гапларни боғлашда тенг боғловчилар (бириктирув, зидлов, айирув) ва эргаштирув боғловчилар (чунки, шунинг учун) иштирок этган гаплар ҳосил қилиб, боғланиш йўллари тушунтириш мақсадга мувофиқ:

Мустақил иш: Матнни ўқинг. Боғловчиларни топиб, уларнинг бажарётган вазифасини тушунтиринг. Ажратилган боғловчилар ёрдамида СБлар, гаплар тузинг, ижодий матн яратинг.

Намуна: Гул экиш учун ер юмшоқ ҳамда яхши ишланган бўлиши, лекин тупроқ кукундек майда бўлмагани маъқул. Шундай қилинса, ёмғир ёққанда, ер қатқалоқ бўлиб қолмайди...

Кўчатлар ўтқазилгач, гоҳ сув қуйиб, гоҳ атрофини юмшатиб, яхши парвариш қилганимиз учун, улар тезда юқорига бўй чўзиб, бақувват ҳамда сершоҳ бўлиб кетишиди... (матнни давом эттиринг).

Матндаги боғловчиларни муқобиллари билан алмаштириб айтиш (ва, ҳам, ҳамда, билан), улар ништирокида гаплар тузиш:

Зулхумор билан Гулчеҳра

Зулхумор ва Гулчеҳра

меваларни теришди.

Зулхумор ҳамда Гулчеҳра

— бириктирув боғловчилари (ва, ҳам, билан) гап бўлаklarини ва гапларни боғлайди: Ишда ғайрат ва чидам кишига йўлдош бўлсин;

— зидлов (лекин, бироқ, аммо) боғловчилари кейинги гапга қарама-қарши маънода берилади: Ёмғир тинган, аммо кўча шамол ва совуқ эди.

— айирув боғловчилари (ё, ёки, гоҳ, дам, баъзан) воқеа-ҳодисаларнинг бири ё галма – гал бўлиши изоҳлаб берилади: Гоҳ бўрон кўтарилади, гоҳ кучли жала қуяди.

Юклама

Юкламалар мустақил сўз ва гапларга ёки унинг бирор бўлагига қўшимча маъно берадиган ёрдамчи сўзлардир. Улар тузилишига кўра икки хил бўлади:

1. Сўз юкламалар (фақат, ҳам, ахир, ҳатто...)

2. Қўшимча кўринишидаги юкламалар -ку, -а, -оқ, -я, -ми, -гина... в.ҳ.

Юкламанинг гап ёки унинг бирор бўлагига қўшимча маъно бериши ҳақида талабалар билимини мустақкамлаш мақсадида қиёслаш усулидан фойдаланиш яхши самара беради:

1. Сиз бизникига келасиз.

2. Тоғларда, ёз ойларида ёмғир ёғади.

3. Сен келишинг билан биз йўлга тушамиз.

1. Сиз бизникига келасизми?

2. Тоғларда ҳатто ёз ойларида ҳам ёмғир ёғади.

3. Сен келишинг биланоқ биз йўлга тушамиз.

1-топшириқ. Иккала устундаги содда дарак ва сўроқ гапларни қиёслаб ўқинг. Уларнинг мазмун жиҳатидан турини аниқланг. Сўз юкламалар ва қўшимча кўринишидаги юкламаларни ажратиб кўрсатинг.

2-топшириқ. -ми юкласи гапга қандай қўшимча маъно бераётганини айтинг. Ўқувчилар биринчи дарак гапга -ми юкласи қўшилиб, қўшимча сўроқ маъносини ҳосил қилаётганлиги, иккинчи гапдаги ҳатто юкласи кучайтирув маъносини бериши, учинчи гапдаги -оқ юкласи таъкидлаш каби қўшимча маъно киритаётганлиги ҳақида тушунча ҳосил қиладилар.

Юкламаларнинг маъно турлари

Ҳозирги ўзбек адабий тилида юкламалар англатаётган маъносига кўра тўрт турга бўлинади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари: *-ми, -чи, -а, (-я), наҳот, наҳотки...*
Тезроқ ўқисанг-чи. Жуда гўзал экан-а? Наҳотки, шундай деган бўлса-я...
2. Кучайтирув ва таъкид юкламалари: *-да, -у (-ю), -оқ (-ёқ), -ку, ахир, шунга, ҳозирроқ...* Сенга гап тегмаса дейман-да. Бу она-ку, бу зўр инсон-ку! (У.) У ёшлиғиданоқ китобга меҳр қўйди. Ахир сизлар дўстсиз-ку (О.Ё.)
3. Айирув ва чегаралов юкламалари: *-гина (кина, -қина), фақат, ҳам...*
Фақат сенгина тадбирга қатнаша олмадинг. Бир онасигина қизидан кўз кўрмасди. Сен ҳам қалбингдагини очиб гапиргин-да.

4. Аниқлов, гумон, инкор юкламалари: *худди, -дир, -нақ, на... на...* Худди отасининг ўзгинаси. Омон кимдир, борми Ватани... (Ҳ.О.) Нақ мўлжалга урди. На уфқ ўрамай ёқут, зар, на булут силкитмай олтин пар (У.)

Юкламаларнинг имлосини ўрганишда талабалар юқорида берилган мисоллар ҳамда «Имло луғати»дан келиб чиқиб, юкламаларнинг ажратиб, қўшиб ёқи чизиқча орқали ёзилишини аниқлайдилар.

Юқорида берилган юкламаларнинг маъноси, гапдаги вазифаларини аниқлаш, уларни нутқда қийинчиликсиз қўллаш кўникмаларини эгаллаш учун ўқувчиларга МЯБТ-4 модули асосида сўз бирикмалари, гаплар тузиш ва матн яратиш каби ижодий ишлар топширилади.

Ёрдамчи сўзларни ўрганиш аввалги билимларга асосланган ҳолда олиб борилиши, ўтилганларни такрорлаш, мустаҳкамлаш ва умумлаштириш учун қуйидаги саволлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

1. Ёрдамчи сўз туркумлари қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Ёрдамчи сўз туркумларига таъриф беринг.
3. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўз туркумларидан қандай фарқланади?
4. Ёрдамчи сўз туркумларига кирувчи сўз гуруҳларининг фарқи ва ўхшаш томонларини айтинг.

Юқоридаги саволларга жавоб излаш жараёнида ўқувчилар кўмакчи, боғловчи, юкламаларнинг ўзи боғланган сўз билан биргаликда англатган маънолари устида ишлайдилар, уларнинг ҳар бирига хос хусусиятлари билан танишадилар, гап қуриш ва матн яратиш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар.

Ёрдамчи сўзлар мавзусини ўрганишда эгалланган, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш борасидаги билимларни назорат қилиш ва баҳолаш учун изоҳли ёқи сайланма диктантлар ўтказиш, шу жараёнда бириктирув, айирув, зидлов боғловчиларининг вазифаси ва маъносини изоҳлаш, юкламалар, уларнинг маъно турлари, имлосини амалиётда қўллашга йўналтирилган ўқув топшириқлари устида ишлаш ниҳоятда фойдали бўлиб, бунда ёрдамчи сўзлардан оғзаки нутқда тўғри ва ўринли фойда ланиш малакалари шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Алоҳида сўз туркумлари

Сўзловчининг ўз фикрига бўлган муносабатини, ҳис-ҳаяжон, ҳайдаш қақришни, товушга ва ҳолатга тақлидни билдирган сўзлар алоҳида сўз туркумларидир. Улар модал, ундов, тақлид сўзлар дейилади. Мазкур сўз туркумлари алоҳида луғавий маъно билдирмайди, аммо баъзан гап бўлагига вазифасини бажариши мумкин.

Модал сўзлар

Модаллик ҳар бир гапнинг муҳим конструктив белгидаридан бири. Айрим от, равиш, феъл майллари орқали хоҳиш, истак, буйруқ, зарурият; юкламалар орқали таъкид, гумон, тахмин, фараз каби модал маънолар ифодаланади.

Модал сўзлар лотинча «modus» — усул, ўлчов маъноларини билдириб, гапда англатилган фикрга, воқеа-ҳодисаларга муаллифларнинг муносабатини, фикрнинг аниқлиги-ю ноаниқлигини, айтилаётган хабарнинг сўзловчи томонидан қандай баҳоланишини билдиради.

Модал сўзлар гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайди, шу сабабдан улар гап бўлаги олмайди; сўзловчи томонидан айтилаётган фикрга билдирилган муносабатни кўрсатади:

Ҳақиқатан ҳам, юрагининг гурсиллаб ураётгани сезилиб тўрарди. Зокир ота, шубҳасиз, қўли гул одам. Ичимиз маъқул бўлди, шекилли, бошиқ майин кулимсираб кўйди. Ажабо, шу гапни Шоҳида айтдимиз?! Демак, расм сизга ёқди..!

Матн устида ишлаш. Берилган гапларни ўқинг. Ҳар бир гапдаги модал сўзларни аниқланг. От, сифат, феъл, ёрдамчи сўзлардан ўтган модал сўзлар иштирокида гаплар тузинг.

Модал сўзлар маъно жиҳатидан қуйидаги турларга бўлинади:

1. **Ишонч:** албатта, шубҳасиз, сўзсиз табиий, тўғри, ҳақиқатдан, ростдан.. в.ҳ.

2. **Гумон:** эҳтимол, шекилли, менимча, афтидан, ажабмас, ҳар ҳолда балки в.ҳ.

3. **Хулоса:** хулласи калом, демак, ниҳояг в.ҳ.

4. **Афсус:** аттанг. эссиз, афсуски, наҳотки в.ҳ.

5. **Фараз:** ўйлашимча, сезишимча, фикримча в.ҳ.

6. **Зарурият:** керак, лозим, шарт, зарур, даркор в.ҳ.

Булардан ташқари **бор, йўқ, бинобарин, зеро, биринчидан, аввалам бор** каби модал сўзлар ўзбек тилида мавжуд бўлиб, улар асосан сўзланувчиларнинг илмий-бадний нутқда ишлатилади.

Модал сўзларнинг кўпи мустақил сўзлардан ўсиб чиққанлиги кўриниб туради: *афтидан, ҳақиқатан, эҳтимол* – от сўз туркумидан; *сўзсиз, шубҳа*

асиз, табиий – сифатдан; *биринчидан, иккиламчи* – сондан; *балки, ҳолбуки* – ёрдамчи сўздан ўтганлиги сезилиб турибди.

Модал сўзлар ҳам бошқа сўз гуруҳлари каби морфологик, синтактик ва семантик белгиларга эга. Уларнинг ўзгармаслиги морфологик белгиси саналса, кириш сўз вазифасида келиши синтактик вазифасидир. Модал сўзларнинг семантик белгиси аниқлик, тахмин каби модал маъноларни англатишидир.

Модал сўзлар қуйидагича синтактик вазифаларни бажаради:

— диалогларда айтилган фикрга муносабатни билдиради:

— яхши шеър ёзиш оғир иш, шундайми?

— Албатта;

— кириш сўз вазифасида келади: Талаба жим ўтирар, афтидан, имтиҳонга тайёр эмасди.

Кириш сўз вазифасида келган модал сўзлар оғзаки нутқда оҳанг билан, ёзувда алоҳида тиниш белгилари билан ажратилади: Таклифим дугонамга маъқул бўлди, шекилли, жилмайиб тасдиқлади.

Кириш сўз вазифасида қўлланадиган модал сўзлар қандай сўз туркумига оид бўлса, ўша сўз туркумига хос маъно ва грамматик белгиларни сақлайди.

Модал сўзлар, уларнинг индивидуал нутқни шакллантиришдаги аҳамияти юзасидан эгалланган билимларни мустаҳкамлаш ва такрорлаш мақсадида баъдий адабиётлардан модал сўзлар иштирок этган гапларни ажратиб ёзиш, уларнинг маъно турлари ва синтактик вазифаларини аниқлаш, тиниш белгиларининг қўйилиши ҳақидаги ўқув топшириқларини бажариш, модалларнинг контекстдаги маъносини изоҳлаш ва шарҳлаш талаб этилади.

Амалий иш сифатида от, сифат, феъл, равиш, сон каби сўз туркумларидан ўтган модал сўзлар иштирокида гап тузиш, матн яратиш, ҳамда тиниш белгиларининг қўйилишини изоҳлаш машқлари талабаларнинг ўз фикрларини тўғри, раво, тушунарли ифодалаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришида муҳим ўрин тутади.

Ундов сўзлар

Нутқимизда туйғу, ҳис-ҳаяжон, маъқуллаш, мақташ, ҳайдаш-чақиришни бевосита ифодалайдиган, мустақил лексик маънога эга бўлмаган сўзлар ундовлардир. Ундовлар маълум бир оҳанг билан айтилмаса, у ҳис- туйғуни ифодалай олмайди. Оҳангнинг турлича бўлишига кўра ундовлар турли ҳис-туйғуларни билдиради.

Ундовлар якка ҳамда жуфт ҳолда ва такрорланиб қўлланади: *а, аҳ, эҳ, оҳ-о, оҳ-воҳ, балли, дод-вой, бай-бай, ҳай-ҳай...*

Жуфт ва такрорланган ундовлар чизиқча билан ёзилади. Маъносига кўра ундовлар икки турли бўлади.

1. Ҳис-ҳаяжон ундовлари: *о, оҳ, вой, ура, хайр, оббо, ҳайф, а, аҳ, и, ие, в.ҳ.* М: *О*, қуёш парчаси, бериб хушхабар,

Ҳаёт рубобини янграгувчисан (А. Умарий)

Эҳ! Шаҳримиз нақадар гўзал. **Оббо**, жуда ошириб юбординг. **Бай-бай**, тилинг жуда аччиқ. **Бе**, шунга ҳам хафа бўлдингми?..

Ундовлар мавзуси юзасидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустақкамлаш, умумлаштириш, такрорлаш учун талабалар қуйидаги саволларга жавоб беришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

1. Ҳис-ҳаяжон ундовлари қандай тиниш белгилари билан ажратилади?

2. Ҳис-ҳаяжон ундовлари гап бўлаги вазифасида қўлланадими?

3. Мустақил сўзлардан ундовларга кўчган сўзларга мисоллар келтиринг.

Марҳамат, юқорига ўтинг. **Раҳмат**, сиздан миннатдормиз. Бу гаплардаги **марҳамат**, **раҳмат** сўзлари от эмас, ундов бўлиб, гапдан вергул билан ажралади. Агар ҳис-ҳаяжон кучли бўлса, ундов белгиси қўйилади.

2. Ҳайдаш-чақириш ундовлари ҳам ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини бойитишда ўзига хос ўрин тутлади.

Мазкур ундовлар кишиларнинг диққатини тортиш, кушлар, ҳайвонлар ва бошқа жониворларни бирор ишни бажаришга ундаш учун ишлатилади: *ҳой, алло, эй, ма, жим, марш; кишт, чух, чу, ту-ту, чўк, тек, беҳ-беҳ, маҳ-маҳ.* М: Отлиқлар гаплашмас, ҳар замон-ҳар замон отга бир қамчи босиб, **чу** деб қўйиларди. Атрофдан **беҳ-беҳ**, **ту-ту** деган товушлар эштилари.

Бундай ундовлар нутқда кўпроқ **деб**, деган сўзлари билан қўлланади ва гапда аниқловчи, ҳол вазифасида келади.

Ундов сўзларни тўғри ва ифодали ўқишда тиниш белгиларининг роли катта. Оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришда ҳам ундов сўзлар ўзига хос ўрин тутлади. Ундов сўзларнинг услубий роли, ундов сўзли гап оҳанги, гапни қироат билан ўқишга ўрганиш бўйича қуйидаги амалий ишларни бажариш фойдали:

— ундов сўзлар иштирокида гап тузиш ва ундаги ундов сўзларни изоҳлаш;

— ундов сўзларнинг бошқа сўз туркумига кўчиши (беморларнинг **оҳ-воҳлари**), мустақил сўзларнинг ундов сўз ўрнида ишлатилиши — (кел, бир гаплашайлик)га мисоллар танлаш, матнни ифодали ўқиш, ундов сўзли гаплардаги тиниш белгиларини изоҳлаш дарс самарадорлигини оширади.

Тақлид сўзларни ўрганиш

Алоҳида сўз туркумига кирувчи тақлид сўзлар товушга ва ҳолатга тақлидни билдириб, маъно жиҳатидан икки турга бўлинади:



1. Товушга тақлид: гумбур-гумбур, дук-дук, қий-чув, қулт-қулт, ув, вов, ва-а, ме-е, қаҳ-қаҳ, пит-пилдиқ, тарақ-туруқ...

Кўчадан гумбур-гумбур овоз эшитилди. Баъзан бедазордан беданаларнинг пит-пилдиғи қулоққа чалинади.

2. Ҳолатга тақлид: ярқ-юрқ, ғуж-ғуж, мўлт-мўлт, лак-лак, ғивир-ғивир, ғир-ғир, милт-милт, ҳанг-манг... в.ҳ:

Этилардаги ғўзаларда ғуж-ғуж ҳосил. Шоҳида қўрқанидан дир-дир титиради. Узоқдан милт-милт чироқлар кўринди. Шабада ғир-ғир эсмоқда.

Эгаланган билимларни такрорлаш мустаҳкамлаш, умумлаштириш мақсадида қуйидаги топшириқлар берилиши мумкин:

1-топшириқ. Тақлидий сўзларнинг ундовлардан фарқи ва ўхшаш томонларини аниқланг.

2-топшириқ. Тақлидий сўзларидан от, феъл ва бошқа туркум сўзлари ясанг (қарсак, қўнғироқ, тақа, қаҳ-қаҳ (от); пичирла, чиқилла, жарангла, қирқира, ярқира (феъл); шилдирама, ялтироқ, милдироқ(сифат)... в.ҳ.

3-топшириқ. Тақлидий сўзлардан «тақлидий сўз + феъл» қолипли сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

Нәмуна: ғовур-ғувур эшитилди, дағ-дағ титради, пиқ-пиқ йиғлади, мўлт-мўлт қаради, милт-милт оқди.

Мустақил иш: Мазкур сўз қолиплари иштирокида гап тузинг ва матн яратинг. Жуфт ва такрор ҳолда қўлланган тақлид сўзлар орасига чизиқча қўйишни унутманг.

4-топшириқ. Матндан тақлид сўзларни ажратиб, гуруҳланг.

СИНТАКСИС ВА ПУНКТУАЦИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Грамматика – морфология ва синтаксис бўлимларидан ташкил топади. Тил фанининг катта бир қисми бўлган синтаксис — сўз, сўз бирикмаси ва гапларнинг ўзаро алоқасини, сўз бирикмаси ва гапларни ташкил этган бўлақларнинг хусусиятларини ўрганади. Синтаксис шу жиҳатдан морфологиядан фарқланади.

Морфология сўзларнинг грамматик хусусиятларини, тузилиши, ясалиши, турланиши, тусланишини текширади. Бу шаклий текшириш албатта луғавий маъно асосида бўлади. Синтаксис ана шу сўз шакллар динамикасини, ўзаро боғланишини уларнинг гапдаги вазифасини, маълум фикрни ифодалашдаги ўрнини ўрганади²¹.

Пунктуация – тиниш белгилари ҳақидаги фан. У матндаги гапларнинг урғусини топишга, сўзларни гап мазмунига мос оҳангда, тўғри ва аниқ

²¹ Ҳ. Абдураҳмонов. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис). —Т.: «Ўқитувчи», 1996, 4-бет

талаффуз қилишга ёрдам беради. Шу боис, пунктуацион қоидалар синтаксисга боғлаб ўрганилади.

Пунктуация (логичча *punctum* – нуқта)нинг маъноси нуқталар илми мақдир, ушбу атама уч маънода қўлланади: а) тиниш белгилари гузуми ва қўлланиш қонун-қоидаларини ўрганувчи бўлим; б) пунктуацион қонун-қоидалар – меъёрлар йиғиндиси, тўплами; в) тиниш белгилари²². в.ҳ.

Сўз бирикмаси ва гап

Тил жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси сифатида фикрни шакллантиради, ифодалайди, баён қилади. Фикр — гап орқали юзага чиқади.

Гап ҳақида эгалланган билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтиришда; сўз бирикмасининг аҳамияти беқиёс. Сўз бирикмаси — гапда аниқ бир йўналишга эга бўлиш, мақсадли фикрлаш, қолаверса, гапнинг бадий бўёғини қуюқлаштириш, уни қизиқарли ҳамда мукамал ҳолатга келтириш вазифасини бажарадиган ҳодиса. Шунинг учун сўз бирикмасидан гапнинг қурилиш материали сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида талабанинг фикрлаш қобилиятини фаоллаштиради, фикр ифодасини тезлаштиради. Буни аниқ бир мисол ёрдамида кузатиш мумкин.

Қуйида сизга «Сўз бирикмалари ҳосил қилиш ва улар ёрдамида гап тузиш» ўқув топшириғининг анъанавий «*берилган сўзлар иштирокида гап тузиш*» топшириғидан ижобий фарқи: лексик-семантик майдоннинг кенгайтиши, бадий бўёқдорлик даражасининг ортиб бориши, саралаш ва танлаш имкониятларининг кўплиги, талабага «*кашфиётчилик ҳуқуқининг*» бериб қўйилганлиги, бу нарса ДТСнинг асосий талабларидан бири бўлган «Ижодий тафаккур соҳибини», нутқий баркамол шахсни тарбиялаб, вояга етказдиришдек муҳим ва долзарб масаланинг лисоний ечими эканини аниқ кўрсатиб берадиган ўқув жадвали тавсия қилинди. Бундай усулнинг она тили методикасида янгилик сифатида қабул қилиниб, узлуксиз таълим жараёнига татбиқ этилиши фойдадан холи эмас деб ўйлаймиз.

Сўз бирикмалари

эрталабки қуёш, кўм-кўк барглар, нафис барглар, майин шаббодада ҳилпираётган ям-яшил барглар, қуёш нурида, тўлин ой

Гап

1. Барглар жилваланади
2. Баҳорнинг майин шаббода-сида рақс тушаётган кўм-кўк барглар қуёш нурида жилваланади.

1 Назаров. Ўзбек тили пунктуацияси

Т. «Ўқитувчи». 1976, 5-бет

нурида, минг бир рангда
товланади, жилваланади

3. Баҳорнинг майин шаббода-
сида рақс тушаётган кўм-кўк
барглар, эрталабки қуёш
нурида эркалиниб, минг бир
рангда товланади,
жилваланади... в.ҳ.

Жадвал бўйича дастлаб сўз бирикмаларининг қандай ҳосил қилиниши-
ни изоҳлаш талаб этилади. Сўз бирикмаси — бош ва эргаш сўзлардан иборат бўлиб, предмет, белги, иш-ҳаракатни янада аниқроқ тасаввур қилишга, гапни аниқ бир йўналишда мақсадли ривожлантиришга хизмат қилади. Тизимли тилшунослик фани тил ўқитиш методикаси учун тавсия қилаётган, талаба (ўқувчи) луғат захирасини бойитишга хизмат қиладиган «Лексикологияда уядошлик ҳодисалари», сўз бирикмасининг гап мазмунини очиб беришдаги аҳамияти каби кўрсатмалари ўзбек тили методикаси ривожини учун ниҳоятда қимматлидир.

Жадвалда «Барглар жилваланади» йиғиқ гапи билан «Кўм-кўк барглар қуёш нурида жилваланади» ёйиқ гапини таққослаш имконияти мавжуд:

биринчи гапдаги нисбий мавҳумлик (қандай барг? ниманинг барги? ни-
мада жилваланади?) иккинчи гапда баргараф этилгандек, гапнинг мазму-
ний тугаллиги, жозибаси ошгандек туюлади. Аммо бу нарса ҳам нисбийлик
назариясига асосланган бўлиб, иккинчи гап, биринчисига нисбатан, сўз би-
рикмаларини ўринли ишлатиш ҳисобига анча мукамаллашган. Чунинчи
учинчи гапдаги, бадиий бўёқдорлик, нафислик, жозибадорлик даражаси,
биринчи гапга, қолаверса, иккинчи гапга нисбатан ҳам анчагина юқори.
Демак, узлуксиз таълимда сўз бирикмалари ҳосил қилиш устида ишлаш,
ўқувчини жадал фикрлаш, равон ва бўёқдор фикр ифодалашга йўналтира-
ди. Ўринли, нутқий вазиятга мос ҳолда танланган сўз бирикмаси, гап маз-
мунини очиб, балқитиб юборади. Сўз бирикмаси ифодаланаётган умумий
фикрни хусусийлаштиришга, далилларни аниқлаштиришга гап қурилиши-
ни жадаллаштиришга хизмат қилади.

2. «Гап бўлаклари юзасидан таҳлил ўтказилганда, ўқувчилар сўзлар-
нинг ўз маъносидан ва кўчма маънода ишлатилганлигини фаҳмлай олади-
лар»²³. Сўзларнинг ўз маъноси ва кўчма маънода ишлатилганлиги сўз би-
рикмасида аниқланади. У ҳам сўз каби предмет, иш-ҳаракат ва уларнинг

²³ Қаранг: М. Омилхонова. Мактабда содда гап синтаксисини ўрганиш. — Т.: «Ўқитув-
чи», 1977.

белгисини ифодалаш учун хизмат қилади, ҳам шу хилдаги бошқа нарса, буюм, шахс, белги, иш-ҳаракатлардан ажратиб, фикрни сўзга нисбатан аниқроқ ифодалайди: М:

нимани ўқимоқ?	хатни шеърни ҳикояни уйда	ўқимоқ
қаерда ўқимоқ?	мактабда кутубхонада астойдил	
қандай ўқимоқ?	ифодали тўғри шошилиб секин	ўқимоқ

Ўқувчиларнинг сўзнинг ўз ва кўчма маънолари ҳақидаги тасаввурларини бойитиш учун айрим ижодий ўқув — топшириқларидан фойдаланиш мумкин:

1-топшириқ. Берилган сўз бирикмаларидан отли, сифатли, равишли, равишдошли бирикмаларни ажратинг.

2-топшириқ. Юқоридаги сўз бирикмалари иштирок этган гаплар тузинг. Сўз бирикмаларининг гапдан фарқига диққат қилинг.

3-топшириқ. СБларни келишкли бирикмалар, кўмакчили бирикмалар қўшимчасиз бирикмаларга ажратиш. Қуйида сўз бирикмалари мавзусини такрорлаш, эгалланган билим, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, талабада оғзаки нутқ маҳоратини ривожлантиришга йўналтирувчи савол ва топшириқлардан намуналар берилди:

Савол ва топшириқлар.

— Сўз бирикмалари(СБ)нинг нутқдаги ўрни ва бажарадиган вазифасини тушунтиринг.

— СБ билан сўзнинг ўхшаш томонларини айтинг.

— СБ билан сўз ўртасидаги фарқни тушунтиринг.

— СБ нималардан ташкил топади?

— СБларидаги сўзларнинг ўзаро боғланишини таърифланг.

— СБларда грамматик алоқа нима орқали ифодаланади?

— СБларда мазмуний алоқа қаерда кўринади?.. в.ҳ.

Ўқитувчининг қатъий, атрофлича ўйлаб ва ўқувчи билим савиясига мослаб тузган саволлар тизими, ўқувчининг фаол ва онгли фаолият юритишига, жавобни мустақил, илмий услубда ташкил қилишига сабаб бўлади.

Гап. Гапнинг асосий белгилари

Гап ахборот, хабар, сўроқ, буйруқ ва ҳис-туйғуни ифодалаш учун хизмат қиладиган синтактик бирликдир.

Тилнинг ифода воситаларини (сўз, сўз бирикмаси ва гап) ўзаро қиёслаш, гапнинг асосий белгиларидан бири тугалланган фикр ифодасини билдиришини уқиб оладилар ва хулосалайдилар.

«Гап грамматик, интонацион ва фикрий жиҳатдан бир бутунликка, нисбий тугалликка эга бўлади»²⁴.

1. Гап тугалланган оҳанг ифодалашни ҳақидаги билимни мустаҳкамлашда қўйидаги матндан фойдаланса бўлади:

Рўзанинг ҳазм қилиш системасига таъсири ҳақида тўхталайлик: ҳазм қилиш тизимининг энг оғир вазифаларидан бири — жигар фаолияти билан боғлиқ, бунда жигар ўн олти хил вазифани адо этади.. в.ҳ.

Гапларни қироат билан ўқинг. Уларнинг чегарасини аниқланг. Зарур тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг... каби топшириқларни тўғри бажариш орқали ўқувчилар нарса ва ҳодисаларни уларнинг белгилари, улар орасидаги ўзаро боғланишни тасаввур қиладилар, нисбий тугалланган фикр нималигини англаб етадилар.

2. Гап нисбий тугалланган фикр ифодалашини асослаш учун гапнинг сўз бирикмасидан фарқини кўрсатиб ўтиш фойдали.

Сўз бирикмаси	Гап
Ёқимли мусиқа	Мусиқа ёқимли
Ёзувчи Ойбек	Ойбек — ёзувчи
Кўп китоб	Китоб кўп

Биринчи устундаги сўз бирикмаларида оҳанг ҳам, фикр ҳам мантиқан давом эттирилиши талаб қилинади.

Масалан: **Ёқимли мусиқа** (дилларга ҳаловат бахш этарди). **Ёзувчи Ойбек** (ўзининг бутун умрини халқ хизматига бағишлади). **Кўп китоб** (ўқиш фойдали).

Иккинчи устундаги гаплар – **Мусиқа ёқимли, Ойбек — ёзувчи. Китоб кўп** – мантиқан тугалланган фикр бўлиб, сўзловчининг мусиқа, Ойбек, китоб ҳақидаги хулосаси айтилган. Фикрни давом эттиришга ҳожат йўқлиги аниқ кўриниб турибди.

3. Гапнинг грамматик жиҳатдан шаклланган бўлишини билишда сўз бирикмасидан сўзларнинг ва гап бўлақларнинг ўзаро боғланишини – гапдаги сўзлар

²⁴ М. Омилхонова. Кўрсатилган асар, 34-бет

қўшилмасни тушуниш муҳим ўрин эгаллайди. Талабаларнинг сўз бирикмасига оид билимларни пухта эгаллаб олишлари, гап, гап бўлақларига оид маълумотларни мустаҳкам ўзлаштиришларига, мазкур билим ва кўникмаларни ўз нутқида тўғри ва ўринли қўллаш малакасини ҳосил қилишларига замин бўлади.

4. «Гап – фикр баён қилишнинг энг содда шакли. Нутқдаги бундан кейинги бўлинишлар ундаги тугалланган оҳанг ва тугал фикр ифодалаш, аниқлик ва хусусийликнинг йўқолишига олиб келади»²⁵.

Оқоридаги фикрлар ва илмий таҳлилга асосланиб, қуйидаги хулосага келинади:

Гап – алоқа аралашувнинг муҳим воситаси; у нисбий тугалланган фикр билдиради; грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади; тугалланган оҳанг билан айтилади. Аммо бу хулоса тайёр ҳолида берилмасдан, уни ўқувчиларнинг ўзи мисоллар таҳлили орқали «кашф қилишса», мақсадга мувофиқ бўлади.

Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари

Мазкур мавзуни ўрганиш жараёнида дарак, сўроқ, буйруқ, ҳис-ҳаяжон гаплар ҳақидаги билимлар такрорланади, мустаҳкамланади; уларни гаплар охирига қўйиладиган тиниш белгиларига асосланиб, ифодали ўқиш машқ қилинади, «қироат санъати» ҳақида маълум тушунчалар берилади.

Ҳар бир гап ўзига хос ва мос оҳанг билан айтилади, ёзувда бундай гаплар охирига қўйиладиган тиниш белгилари орқали фарқланади.

Гапда сўзларни бир-бири билан боғлашга хизмат қиладиган воситалар устида ишлаш учун қуйидаги гаплардан фойдаланиш мумкин:

1. Бадиий асар ўқиш (билан) ҳордиқ чиқарамиз. 2. Топшириқ ўз вақти (да) бажарилди. 3. Шаҳноза шаҳар (нинг) қурилиши (ни), у (нинг) ҳавоси (ни) мақтади.

Таҳлил учун топшириқ

1. Сўзларнинг бир-бири билан қандай боғланганини аниқланг.

а) биринчи гапдаги ёрдамчи сўз билан – кўмакчиси;

б) иккинчи гап чиқиш келишиги қўшимчаси ёрдамида боғланган;

в) учинчи гап эса қаратқич ва тушум келишиги қўшимчалари воситасида боғланганлиги айтилади.

Бу хилдаги машқлар ўқувчини гап тузишда келишик, эгалик қўшимчалари ва ёрдамчи сўзларнинг ролини англаб олишга, сўз бирикмалари моҳиятини тўғри тушунишга, СБни сўз қўшилмалари ва гаплардан ажратишга ўргатади.

²⁵ А.Ҳ.Фуломов, М.А. Асқарова. Ҳозирги ўзбек адабий тили «Синтаксис». — Т.: «Ўқитувчи» 1965, 27-бет

Гаплар орқали хабар, бирор ишни бажаришга ундаш, илтимос, фикрни айтишга даъват каби маъноларни англаб олишда оҳангнинг роли катта. Нутқнинг фонетик жиҳатдан шакллантирадиган, ташкил қиладиган мелодика, урғу, пауза каби оҳанг воситалари алоҳида синтактик вазифани бажаради. Маълумки, дарак гап, сўроқ гап, буйруқ гап ва ҳис-ҳаяжон гапни ҳосил қилишда уларнинг мазмунигина эмас, балки айтилиш оҳанги ҳам муҳим рол ўйнайди.

«Дарак гаплар тинч, гап охирига томон пасайиб борувчи оҳанг билан айтилади, талаффуз, тезлик ўртача бўлади»²⁶.

Биринчи сентябр. Мустақиллик байрамига йиғилган халқ, қизиқиш ва ҳаяжон билан тадбир бошланишини кутмоқда. Мана, ниҳоят, байрам намойиши бошланди: турли вилоят вакиллари ўз санъатлари билан байрам қатнашчиларини хушнуд қилдилар.

Матн юзасидан топшириқлар:

1-топшириқ. Гапларни ифода мақсади ва тузилишига кўра турини айтинг. Уларнинг ўқилиш оҳангига диққат қилинг.

2-топшириқ. Ёйиқ дарак гаплардаги эга ва кесим гуруҳлари орасида синтагма (қисқа тўхталиш)нинг ўрнида тиниш белгиси қўйилмаслиги сабабини айтинг.

Дарак гаплар матнда кўп қўлланилади. У босиқ оҳанг билан ўқилиб, бош қисмида бироз кўтарилади, кейинги қисмида пасаяди. Ёйиқ дарак гапларда эга гуруҳи ва кесим гуруҳи орасида қисқа пауза (тўхталиш) бўлиб, товуш пасаяди, аммо тиниш белгиси қўйилмайди.

Сўроқнинг мазмуни ва маъно ташиш характерига кўра **соф сўроқ гаплар, риторик сўроқ гаплар ва сўроқ-буйруқ гаплар** фарқланади.

Соф сўроқ гаплар сўроқ билан бир қаторда таажжуб, гумон, шубҳа билдиради. Шу билан бир қаторда тингловчидан маълум жавобни талаб қилади. Риторик сўроқ гаплар жавоб талаб қилмайдиган гаплардир. Гап ичида унинг жавоби ҳам англашилиб туради: Халқ орзусини тўла амалга оширишда нималарга кўпроқ аҳамият бериш керак? Халқ орзусини амалга оширишдан катта бахт борми? (О).. в.ҳ. Сўроқ-буйруқ гаплар буйруқ маъносини ҳам ўз ичига олади: *Бу китобни, албатта, ўқиб чиқиш керакдир – а?* -а таажжуб, сўроқ юкламаси ёрдамида ифодаланади. Ўқувчилар сўроқ гапларнинг сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари, сўроқ оҳанги ёрдамида ҳосил бўлишини, улар кўпроқ диалогик нутқда қўлланишини тушуниб олишлари зарур.

²⁶ М. Омилхонова. Кўрсатилган асар, 47-48-бетлар

Мустақил иш жараёнида соф сўроқ гаплар, риторик сўроқ гаплар, сўроқ-буйруқ гапларни тузиш, уларни ифодали ўқиш, сўроқ гапларни ўзаро қиёслаш ва фарқлаш, улар иштирокида матн яратиш каби ижодий-амалий ишларни бажариш ўқувчиларни дарак ва сўроқ гапларни ўз ўқувчи нутқларида тўғри ва ўринли қўллаш олиш малакасини ҳосил қилишларида самарали натижа беради.

Буйруқ гаплар *буйруқ, маслаҳат, илтимос, огоҳлантириш, маслаҳат, чақириқ, таклиф, рухсат этиш, ялиниш* каби маъноларга эга бўлиб, уларнинг оҳанги дарак гап оҳангига яқин бўлади, қўйиладиган тиниш белгиси ҳам бир хил. Айрим буйруқ гаплар соф буйруқ маъносини англатмай, буйруқ-илтимос, буйруқ ялиниш, буйруқ-истак, буйруқ-маслаҳат, буйруқ-насиҳат, буйруқ-огоҳлантириш, буйруқ-даъват, (ундаш), буйруқ-рухсат (ёки таклиф каби эмоционал маъноларни ифодалайди)²⁷. Буйруқ гапнинг кесими, асосан, II шахс буйруқ майлидаги феъл билан ифодаланади: *Ўтинни ёр, китобингни ўқигин...* каби.

Расмий нутқларда буйруқ гаплар мажҳуллик нисбатидаги феъл билан ифодаланади: *Фармон бажарилсин.*

Бошқа воситалар бўлмаганда, буйруқ гаплар фақат буйруқ оҳанги ёрдамида ҳосил бўлади, буйруқ мазмуни II шахсга қаратилади: «...дарсингни тайёрла!» в.ҳ.

Ҳис-ҳаяжон гаплар шодлик, қувонч, севинч, қўрқув, тантана, таажжуб, қайғу, афсусланиш каби ҳис-туйғуларни ифодалайди, кўтаринки оҳангда айтилади, аини шу хислати билан у гапнинг мақсадга кўра бошқа турларидан фарқ қилади. 1. Эҳ, ҳаво қандай мусаффо! 2. Шаҳримиз нақадар гўзал... 3. Миллий боғ – гўзал оромгоҳ!..

Дарак ва сўроқ гапларни ҳис-ҳаяжон билан айтиш орқали ҳам ҳис-ҳаяжон гап ҳосил қилиниши мумкин. *Ғолиблар келди. Ғолиблар келди? Ғолиблар келди!* Ушбу гапларда хабар, сўроқ, ҳис-ҳаяжон, севинч мазмуни, оҳанг ёрдамида ўзгаради ва бу ўзгариш ёзувда тиниш белгилари воситасида кўрсатилади.

Ўқувчилар амалий иш жараёнида гапнинг мақсадга кўра турлари юзасидан ижодий-амалий машқлар, ривожлантирувчи топшириқлар бўйича мустақил ишлар бажарадилар. Шу тариқа гаплардаги маъно нозикликларини тўғри англаш, талаффуз ва ёзувда тўғри ифодалаш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар

²⁷ Қаранг: Назаров К. «Тиниш белгилари ва ёзма нутқ». — Т.: «Фан» 1974, 31-бет

Гап турларини ўрганиш жараёнида «Кесим гапнинг маркази» мавзусидан фойдаланиш яхши натижа беради. Гапнинг маркази(кесим)-замон, шахс-сон тасдиқ-инкор маънолари билан бирикиб келган сўз бирикмаси эканлиги, содда гап бир марказли ва қўшма гап икки ва ундан ортиқ марказли гапларга киритилишини ўқувчиларга тушунтириш лозим бўлади. Мазкур мавзуни ўрганишда қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга алоҳида аҳамият берилади²⁸.

1. Зарурий билимлар:

- Кесим гап маркази эканлиги;
- эга ва қолган бўлақларнинг кесим атрофида бирлашиши;
- фақат кесимдан иборат гапларнинг ихчам гап эканлиги.

2. Зарурий кўникма ва малакалар:

- гапнинг кесими – марказини топиш;
- кесимнинг гап қурилишидаги аҳамияти ҳақида хулоса чиқариш;
- ихчам (фақат кесимдан иборат) гапларнинг эгасини тиклаш;
- содда йиғиқ гаплар (мен келдим)ни содда ёйиқ гап (мен бугун уйга келдим)ларга айлантириш;
- кесимдан сўроқ бериб гапни кенгайтириш;
- содда ёйиқ гаплардан иборат кичик матн ҳосил қила олиш в.ҳ.

Гап турларини ўрганишда берилган ихчам гаплардан содда йиғиқ гап, содда ёйиқ гап, бошланиш қисми берилган гапларни давом эттириш, уларни тенг ва эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида қўшма гапларга айлантириш, қўшма гапларни содда гапларга айлантириш, қўшма гапли матнни содда гапли матнга айлантириш каби ижодий-амалий топшириқлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Кесимнинг қайси сўз туркумига мансублиги, унинг таркибидаги замон, тасдиқ-инкор, шахс-сон маъноларини ифодаловчи воситалар мавжудлигини аниқлаш, кесим ҳақидаги билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди ва шакллантиради.

Гап бўлақлари

Эга мавзусини ўрганишда кесимнинг гапда марказий бўлақ бўлиб келиши, изоҳланади. Бу борада қатор машқларни бажариш мумкин. Хусусан:

- бажарилган ҳаракатнинг эгаси (бажарувчиси, белги соҳиби)ни тиклаш: Келдим, мен келдим);
- унинг қайси сўз туркумига мансублигини аниқлаш; (мен — олмош);

²⁸ Тошев И.М. «Умумтаълим мактабларида қўшма гапнинг янгича талқини». Диссертация автореферати. — Т.: 1999, 10-бет

— берилган гапларда гапнинг кесими ва эгасини топиш: **Болалар мактаб ҳовлисида ўйнайдилар.** Мазкур гапда эга от сўз туркуми орқали ифодаланган бўлиб, турдош, аниқ, III шахс кўплик, бош келишида келган.

Бундан ташқари, эганинг сўз бирикмаси, кенгайтирилган бирикмалар орқали ҳам ифодаланиши мисоллар воситасида кўрсатилиши зарур: **Оқ олтин ўз вақтида йиғиб-териб олинди. Ёш болали аёллар, кексалар** ҳам пахта теримига чиқдилар. Бу гаплардаги «оқ олтин» — (пахта маъносида) сўз бирикмаси «Ёш болали аёл» — кенгайтирилган бирикма ҳолида эга вазифасида келади.

Кесим мавзусини ўрганиш жараёнида ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакалар мустаҳкамланади, такрорланади ва қуйидаги машқ ва ижодий топшириқлар билан ривожлантирилади:

— кесимнинг феъл, сифат, одан ташқари сон, олмош, равиш, ибора, ажралмас бирикма билан ифодаланиши: **Қош қўяман деб кўз чиқарма;**

— феъл-кесим, содда ва мураккаб от кесим ва уларнинг ифодаланиши: *Дадам биздан гоятда хурсанд бўлдилар.*

— мураккаб от кесим таркибида боғламанинг қўлланиши: *Бу менинг Ватанимдир;*

— нутқда кесимнинг турларидан ўз ўрнида фойдалана олиш: (Эгалланган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида берилган мисоллар қиёсланади).

Кесим мавзусини ўрганишда содда феъл-кесим билан мураккаб феъл-кесимни қиёсий тасниф қилиш, шакли ва мазмунини фарқлаш, ўқувчилар коммуникатив саводхонлик даражасининг ошишига, чиройли ва раvon сўзлаш ва матн яратиш маҳоратининг юксалишига сабаб бўлади.

Қуйида содда ва мураккаб кесимларни ажратиш ва тасниф қилиш юзасидан мисоллар берилди:

1. Инсон илми ва одоби билан **шарафланади.**

2. Инсон илми ва одоби билан **шарафланиши даркор.**

Биринчи гапдаги кесим **шарафланади** – содда кесим ҳисобланади; иккинчи гапдаги **шарафланиши даркор** – икки мустақил компонентдан иборат. Демак содда ва мураккаб кесимларни сўзлар миқдорига қараб осонгина аниқлаш мумкин. Феъл кесимнинг тузилишини баён қилишда содда феъл-кесимни етакчи ва кўмакчи феъл билан ифодаланишига эътибор қаратилиши мумкин.

Мураккаб от-кесим: мураккаб от-кесимнинг қандай сўз билан ифодаланиши, унинг таркибида боғламанинг қўлланиши; шунингдек, бундай ифодадаги боғлама туширилганда, эга ва кесим орасида тиренинг ишлатилишига урғу бериш мақсадга мувофиқдир. Бу борада қатор ижодий-амалий топшириқларни амалга ошириш мумкин:

1. Сабр таги – сариқ олтин. 2. Музаффар ваъдасига вафо қилди. 3 Дилдора эшикни очиб кирди. 4. Поёнсиз далалар оқ либос кийди. 5. Самимий айтилган сўз юракка бориб етади.

Ушбу гаплардан кесимлар аниқланиб, уларнинг содда ва мураккаблиги (**очиб кирди, вафо қилди, сариқ олтин**), шунингдек, **ибора орқали (оқ либос кийди, юракка бориб етади)** ифодаланиши ҳақида хулоса чиқарилади. Шу билан бирга кесим от билан ифодаланганда, боғлама ё кесимлик қўшимчаси бўлмаса, ёзувда эгадан сўнг тире (—) қўйилиши, кишилик олмоши билан ифодаланган эгани алоҳида таъкидлаб кўрсатиш, керак бўлса, эгадан кейин тире (—) қўйилиши (**Сен — етим эмассан!**) таъкидланади.

Мураккаб кесим таркибида боғламанинг қўлланиши ва унинг туширилишига доир мустақил ижодий-амалий машғулотлар ўтказиш ҳам синтаксис ва пунктуацияга оид билимларни мустаҳкамлаш билан бирга нутқий малакани шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Ҳозирги ўзбек адабий тили таълими — ўқувчиларнинг нутқий фаолиятини ривожлантириш, эркин ва ижодий фикрлаш даражасини юксалтиришни бош мақсад қилиб қўйган экан, бу мураккаб ишни гап синонимияси устида ишламай туриб, амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабли содда ва қўшма гапларнинг маънодош қаторини тузиш, унинг таркибидаги боғловчи воситаларни муқобиллари билан алмаштириш каби ижодий-амалий топшириқларни бажариш жуда фойдали.

Гап бўлаклари мавзусини ўрганишда эга ва кесим муносабатлари устида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Бундай ижодий-амалий топшириқларни бажариш жараёнида талабаларнинг эга ва кесим ҳақидаги билимлари мустаҳкамланади, кенгайди, фикрлаш фаолияти ривожланади, нутқи шаклланади.

Иккинчи даражали бўлакларни ўрганиш

Иккинчи даражали бўлакларни ўрганиш талабаларнинг муайян грамматик билимга эга бўлишларини талаб қилади. Иккинчи даражали бўлакларга оид мавзулар талабаларнинг сўз бирикмаси, тобе сўзларнинг бош сўзга боғланиши ҳақидаги билимларини такрорлаш ва мустаҳкамлаш билан бошланиши мумкин. Сўнг тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол ҳақидаги билимлар тизимига ўтилади. **Тўлдирувчи** мавзуси юзасидан қуйидаги ишлар бажарилиши мақсадига мувофиқ:

— берилган гаплардан тўлдирувчиларни ажратиш;

— тўлдирувчи ва унинг ифодаланишини изоҳлаш, унинг сўроқлари устида ишлаш; сўз, сўз бирикмаси, кенгайтирилган бирикма ва гап билан ифодаланиши устида амалий ишлар;

— сўз бирикмаси билан ифодаланган тўлдирувчи гапларда ёрдамчи сўзлар, уларда тиниш белгиларнинг ишлатилиши, уларни кенгайтирилган бирикмалар билан алмаштириш устида ишлаш:

Тўлдирувчи ўзи тобе бўлган гап бўлагига бошқарув йўли билан боғланади. Тўлдирувчи ҳақидаги билимлар, феъл кесимга боғланган тўлдирувчи ва тўлдирувчисиз гапларни ўзаро қиёслаш орқали қулайроқ изоҳлаши мумкин²⁹.

1. Лицей директори табриклади.
2. Лицей атрофи тозаланди.
3. Дарахт таглари юмшатилды.
 1. Лицей директори ўқувчиларни табриклади.
 2. Лицей атрофлари чиқиндилардан тозаланди.
 3. Дарахт таглари бел ва кетмонлар билан юмшатилды.

Чап ва ўнг томондаги гаплар қиёслангач, талабалар фикрни тўлароқ ифодалаш учун ёрдам бераётган ўқувчиларни, чиқиндилардан, бел ва кетмонлар билан сўзлари феъл-кесимга боғланиб, кимларни? нималардан? нималар билан? сўроқларига жавоб бераётганини аниқлайдилар: *Қарорни ёзиш Гулчехрага топширилди.*

Демак, тўлдирувчи — кесим, ҳол ва бошқа гап бўлакларига бошқарув усули билан боғланиб, уни тўлдириб келувчи бўлакдир, деб хулоса чиқарилади. Тўлдирувчилар ҳаракат билан предмет орасидаги муносабат характерига кўра икки турли бўлади: **воситали ва воситасиз тўлдирувчи.**

Гапларни таҳлил қилиш орқали ҳаракат бевосита ўзига ўтган предметни билдириб, ўтимли феъл билан боғланадиган, тушум келишигидаги сўз билан ифодаланган гап бўлагига воситасиз тўлдирувчи саналади. Воситасиз тўлдирувчилар кимни? нимани? қаерни? сўроқларига жавоб беради: *Тўғри сўз тошни ёради, эгри сўз бошни ёради. Экинни эрта эккан, ҳосилни эрта ўрар.*

Ўқувчилар мазкур гапларда *тошни, бошни, экинни, ҳосилни* сўзлари ўтимли феъллар билан боғлангани, нимани? сўроғига жавоб бўлишини аниқлайдилар.

Воситасиз тўлдирувчи сўзловчи ва тингловчига аввалдан маълум бўлган нарсасиз-буюмни англатганда, тушум келишигидаги сўз белгисиз, умуман ифодаланганда, бош келишик шаклида қўлланади: 1. Элбек қизиқар-

²⁹ А.Ғуломов, Ҳ. Неъматов. Она тили таълими мазмуни. Методик қўлланма. — Т.: 1995.

ли китоб ўқиди. 2. Шаҳзод ариқ бўйига чархпалак ўрнатди. 3. Отабек мактаб ҳовлисига кўчатлар ўтқазди.

*Тингламаса ўзгалар агар,
Ўз-ўзимга шеър ўқийман мен.
(А.Орипов)*

Мазкур гаплардаги *китоб, чархпалак, кўчатлар, шеър* сўзлари тушум келишиги қўшимчасисиз, бош келишик шаклида қўлланган. Тушум келишиги қўшимчаси баъзан шеъриятда -Н шаклида учраши мумкинлиги қуйидаги тўртлик билан эслатилади:

Капалакнинг учишини узоқ
Кузатдим ҳам юрдим ортидан.

Тўртликда тўлдирувчи «учишини» ҳолатида берилиб, -ни қўшимчаси -н шаклида ёзилган. Бу ўзгариш шеърият, бўғинлар сонининг ошиб кетмаслиги талаби билан бўлган.

Ҳаракат ўзига ўтган предметни эмас, балки ҳаракатга бошқа бирор йўл билан боғланган предметни билдириб, жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишигидаги сўз ёки кўмакчили бирикма билан ифода пайди-ган бўлак воситали тўлдирувчи эканини, Кимга? Нимага? Кимдан? Нимадан? Кимда? Нимада? Ким билан? Нима билан? сўроқларни воситали тўлдирувчига тегишли бўлишини аниқлаш ўқувчилар учун қийин бўлмайди.

Дарсни мустаҳкамлаш учун бериладиган ижодий-амалий ишлар билан бир қаторда ўқувчиларга баён ёки ўқилган китобга тақриз, илмий-ижодий маълумлар яратишни тавсия қилиш яхши натижа беради.

Аниқловчи ҳақида аввалдан ўрганилган билимларни хотирлаш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги сўроқларга жавоб олинади:

- Аниқловчи деб нимага айтамиз?
- Аниқловчи неча турга бўлинади?
- Аниқловчи қандай сўроқларга жавоб бўлади?

1. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки бир нарса-буюмнинг бошқасини а қарашли эканлигини билдирган иккинчи даражали бўлаклардан бири аниқловчидир.

Масалан: 1. *Ҳалол иш-лаззатли* эмиш. 2. *Одамнинг* ҳусни — меҳнатда.

Мазкур мисолларда *ҳалол, лаззатли, одамнинг* аниқловчи вазифасида келиб, иш, эмиш, ҳусни сўзларига тобеланиш йўли билан боғлангани аниқланади. Биринчи гапдаги *ҳалол, лаззатли* — сифатловчи-аниқловчи, кейинги гапдаги *одамнинг* қаратқич-аниқловчи бўлиб келади.

«Аниқловчи» мавзусини ўрганишда қуйидаги амалий-ижодий топшириқлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1-топшириқ. Сўз бирикмаларида тобе ва ҳоким сўзни аниқлаш («ҳалол иш» - ҳалол-тобе сўз, иш-ҳоким сўз), ҳоким сўздан тобе сўзга сўроқ бериш орқали аниқловчили бирикмалар ҳосил қилиш, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланаётганини аниқлаш.

2-топшириқ. Гапдан қаратқичли ва ифодаловчили бирикмаларни ажратиб, изоҳланг.

3-топшириқ. Сифатловчи-аниқловчининг сифат, сон, олмош, равиш, сифатдош, от (нарса-буюм материални билдирувчи от) билан ифодаланиши юзасидан амалий-ижодий машғулотларни ташкил қилинг ва бажаринг.

4-топшириқ. Аниқловчининг белгилли ва белгисиз келиши ҳолатларини изоҳланг.

5-топшириқ. Аниқловчининг сўз бирикмаси, кенгайтирилган бирикмалар билан ифодаланишига, улар таркибидаги нисбий сўзлар ва тинич белгиларининг ишлатилишига эътиборни қаратинг.

6-топшириқ. Аниқловчи вазифасида келган гапларни кенгайтирилган бирикмалар билан алмаштиринг ва в.ҳ.

Сифатловчи-аниқловчи. Қандай? Қанақа? Қайси? Қанча? Нечанчи? Неча? Қаердаги? каби сўроқларга жавоб бўлиши, сифатловчи-сифатловчи мишга битишув йўли билан боғланиши, уларнинг қайси сўз туркуми орқали ифодаланишини аниқлаш топширилади.

Қаратқич-аниқловчи. Кимнинг? Ниманинг? Қаернинг? сўроқларига жавоб бўлиб, қаратқич-қаралмиш мослашувида бирикади: *Алишер Навоий(-нинг) ҳайкали. Ўзбекистон(нинг) баҳори* каби. Мазкур бирикмаларда қаратқичдан қаралмиш алоҳида турганида -нинг қўшимчасининг тушиб қолши аниқланади. Бу товушлар расадхона толиби илмларининг шарҳсиз оғзақларига ўхшамас, сипоҳларнинг бетакаллуф қадамларини эслатарини () Ё)

Қўнгилдаги муҳаббатнинг учқунин,

Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.

Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда

Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим. (Ч)

Гапларни мустақил таҳлил қилиш, қаратқич ва қаралмишни ўрганиш жараёнида талабалар шундай хулосага келишлари лозим:

— қаратқич ва қаралмиш орасида бошқа гап бўлаклари бўлганда қаратқич қўшимчаси (-нинг) сақланади:

— шахс, нарса-буюм умумийликни билдирганда, қаратқич қўшимчаси тушириб қолдирилади;

— қаратқич қатор келганда, уларнинг баъзиси тушириб қолдирилади; Академик лицей (*нинг*) учинчи курс (*ининг*) талабаларининг ота-оналар (*-ининг*) йиғилиши бўлади. Диёримиз (*нинг*) баҳорининг файзи ўзгача каби.

Изоҳловчи

Изоҳловчи-аниқловчининг алоҳида кўриниши. Унда аниқ маънони билдирувчи турдош от — изоҳловчи, умумий маънони билдирувчи от изоҳланмиш бўлади. Изоҳловчилар унвон, касб, лақаб, қариндошлик, ўхшатиш, тахаллусни билдиради: улар орасига кўпинча чизиқча қўйилади: инженер-технолог, она-диёр, ижодкор-ўқитувчи, ёзувчи-Ойбек, шоир Шухрат каби.

Газета, журнал, корхона, муассаса кабиларнинг номини билдирган атоқли отлар ҳам изоҳловчи бўлиб, улар атоқли отлар билан ифодаланмаса, қўштирноққа олинади: «Маърифат» газетаси, «Санам» журнали, «Камолот» ташкилоти каби.

Хулоса қилиб айтганда, аниқловчи аниқланмишнинг белгисини билдириши, аниқланмишдан олдин келиши, изоҳловчи эса изоҳланишдан олдин ёки кейин келиб, изоҳланмишдан англашилган предмет маъносининг аниқланишини ва изоҳланишини билиб оладилар. Бундай ижодий топшириқлар устида ишлаш ўқувчи нафақат сўз бойлигини ошириш, балки сўзни ўз ўрнида, чиройли ифодалаш кўникмасини ҳам эгаллайдилар.

Ҳолни ўрганиш усуллари

Ҳолни ўрганиш у ҳақдаги билимларни ҳосил қилиш, мустаҳкамлаш, такрорлашдан бошланади. Ҳолни аниқлашда матнда ажратилган сўзларнинг қайси гап бўлаги бўлиб келганлигини кесимдан сўроқ бериб аниқлаш, бу сўзларнинг ҳаракатга нисбатан ўрин, пайт, миқдор, сабаб ва мақсадни ўхшатиш ва чоғштириш, ҳаракатнинг бажарилиши тартибини ифодаловчи сўзлар каби гуруҳларга ажратиш, мазкур сўзларни маънодош ва уядош сўзлар билан алмаштириш орқали ҳол маъносини ўзгартириш ва шарҳлаш.

Масалан: Қўзғолонда бутун халқ: ўзбек, рус, қозоқ, яҳудий қатнашади. Олтин сирғалардек шода узумлар:

Хусайни, соҳиби, чарос, сўлимлар

Қуёшда товланур шарбатга тўлиб... (Ғ. Фулом)

Тадбирга ёшлар, кексалар, аёллар-барча қатнашди.

Тиниш белгиларининг ишлатилишига онд қуйидагича схема асосида ишлаш, чизгига мувофиқ гаплар тузиш, уюшиқ бўлақлар ва ҳамда умумлаштирувчи сўзлар ҳақида олинган билимларни мустаҳкамлаш, тиниш белгиларини тўғри ва ўз ўрнида ишлатиш ва малакаларини эгаллашга яхши ёрдам беради.

Уюшиқ бўлақларда тиниш белгилари

1. Вергул қўйилмайди.

_____ ва _____
_____ ҳам _____
_____ ҳамда _____
_____ билан _____
_____ ё _____
_____ ёки _____
_____ -у(-ю) _____
на _____ на _____

2. Вергул қўйилади:

_____, _____
_____, аммо _____
_____, лекин _____
_____, бироқ _____
_____ эмас, _____
_____ -да, _____
ёки _____, ёки _____
баъзан _____, баъзан _____
на _____, на _____
гоҳ _____, гоҳ _____
ҳам _____, ҳам _____
бир _____, бир _____
ё _____, ё _____

3. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақ; уюшиқ бўлақлар – умумлаштирувчи сўз

Ўқувчиларнинг умумлаштирувчи сўз ва уюшиқ бўлақларга оид билимларини мустаҳкамлашда қуйидаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш мумкин:

- умумлаштирувчи сўзнинг ўрнини ўзгартириб, гапни қайта тузиш;
- хусусий тушунчаларни англатадиган сўз топиб, умумлаштирувчи сўзли гаплар тузиш;
- умумлаштирувчи сўзли уюшқ бўлакли гаплар иштирокида матн яратиш... в.ҳ.

Мазкур мавзуни ўрганиш ўқувчиларда бадий асарларни ўқишга қизиқиш уйғотади, шунингдек, ёзувчининг тили, услубига тилшунос кўзи билан қарашга ўргатади, уларда тил фактларини ажрата билиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилади.

Ажратилган бўлакли гапларни ўрганиш

Ажратилган бўлақлар бир тушунчанинг икки хил номидир. У ўзидан олдинги бўлақни изоҳлайди (Академик лицейда тажрибали ўқитувчилар, яъни ўз касбини эъозловчилар сабоқ беради). Уюшиқ бўлақлар бир неча шахс ёки нарса-буюм, белги, ҳаракат — ҳолатни ифодалайди (Нодира билан Салима дарс тайёрладилар).

Ажратилган тўлдирувчи ажратилган тўлдирувчи ўзидан олдинги тўлдирувчини изоҳлаб келади. Тўлдирувчи **ташқари, бошқа, ўрнига, билан бирга** каби сўзли бирикмалар билан ифодаланганда ҳам ажратилади: Синф раҳбари синфбошига, Дилбарга, вазифани тушунтирди. 2. Опам, ишлаш билан бирга, магистратурада ўқишни давом эттирмоқда. 3. Доно, Барнога қараганда, баландроқ. Биринчи гапдаги (Дилбарга) ажратилган тўлдирувчи, синфбошига сўзини изоҳлаш учун қўлланган, иккинчи гапда ҳаракатнинг қўшимча маъносини (ишлаш билан бирга). Англатиш, учинчи гапда ажратилган тўлдирувчи (Барнога қараганда) чегаралаш, ажратиш маъносини англатади.

Бундай тўлдирувчилар оғзаки нутқда оҳанг, ёзувда вергул билан ажратилади.

Ажратилган аниқловчи ажратилган аниқловчи **ажратилган қаратқич-аниқловчи, сифатловчи- аниқловчи, ажратилган изоҳловчи** турларига бўлинади.

Сифатловчи-аниқловчи гапдаги бирор бўлакнинг белгисини бўрттириб, маъно аҳамиятини кучайтириб кўрсатиш учун ажратилади. Бунда сифатловчи билан сифатланиш тартиби ўзгаради: *Алишер Навоий, буюк аллома, ўзининг бутун умрини халқ фаровонлиги, мамлакат ободончилигига сарфлади.*

Ажратилган қаратқич-аниқловчи ўзидан олдин келган қаратқич-аниқловчини изоҳлаш, унинг маъносини аниқлаштириш учун қўлланади: *Низоранинг, ажойиб рақосанинг, рақсларини томошабинлар қизгин олқишладилар.* Ажратилган изоҳловчилар изоҳланмишдан кейин келиб, унинг маъносини аниқлаш, бирор характерли томонини кўрсатишга хизмат қилади: *Ўтсимон ўсимлик, ялпиз, кўпроқ ариқ бўйида ўсади.*

Хулоса қилиб айтганда, ажратилган аниқловчи, аниқланмишнинг белгисини аниқлаш, бўрттириш учун ишлатилади.

Талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашда, ифодали ўқиш, тиниш белгиларининг қўлланилишини тушунтириш, синтактик ва пунктуацион топшириқли ижодий-амалий ишларни бажариш, улар англатган маъно нозикликларини шарҳлаш каби усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ундалмани ўрганиш

Ундалма сўзловчининг нутқи қаратилган шахсни билдиришини ўқувчиларга эслатиш, тегишли гаплар асосида изоҳлаш мақсадга мувофиқ бўлади: М: **Ирода**, дарсингни тезроқ тайёрлагин. **Қуёш**, нурунгни аямая сочавер! **Эй меҳрибон падар**, насиҳатларингизни унутмайман.

Мана, оппоқ бўлиб гуллади ўрик,

Ҳамид Олимжоннинг армонлари, у.

Мурод Шамс! Меҳрингиз кумсайди ёшлик,

Аюб Фулом руҳи қалбларда мангу.

Ўқувчилар берилган гаплар ва тўртликни ўқиб, таҳлил қилиш орқали қуйидагича хулосага келадилар:

— ундалма айтилаётган фикр қаратилган шахсни билдириб, тингловчи диққатини тортиш учун ишлатилади.

— ундалма, асосан, шахс отларидан, бадий асарларда эса (кўпроқ шеърятда, халқ оғзаки ижодида) жонли ва жонсиз предмет номлари ҳам ундалма вазифасида келади ва бадий тасвир, жонлантириш, тингловчи руҳиятига таъсирни кучайтиришга хизмат қилади: *Шамол! Қудратинг-ла булутларни қув. Ёшлар, сизларни улуг ишлар кутади.*

Ундалма гап ўртасида келганда, маъно урғуси олмайди, у тез ва пастроқ товушда айтилади, тўхталиш қисқароқ бўлади: *Сизларни, ёшлар, улуг ишлар кутади.*

Ундалма гап охирида келганда, биринчидан, кучли, ҳаяжонли фикр билан боғлиқлигини, иккинчидан, фикрнинг тартиби, ниҳоят тасдиқ ва инкорни билдиради.

Берилган гапларда ундалмалар *ишонч ва тасдиқ* (албатта), *гумон* (тахминимча), *шодлик ва ачинишининг* (бахтимизга, афсуски), фикрнинг бирор кимсага *қарашлилиги* (айтишларича), олдинги фикр билан боғлиқлиги (умуман олганда), *фикр тартиби* (аввало, биринчидан, ниҳоят), *тасдиқ ёки инкор* (ҳа, йўқ, майли), каби маъноларни билдириб, асосан модал сўзлар билан ифодаланиши ҳақида маълумот берилади.

Шунингдек, кириш сўз ё бирикма гап бошида, ўртасида охирида келиши, улар вергул билан ажратилишини ҳам айтилади.

Кириш гап: сўзловчининг ўз фикрига билдирган муносабатини англатиб, асосий фикрни тўлдирши... изоҳлаш учун ишлатилади. Улар вергул, қавс, тире билан ажратилиши ўқитувчи томонидан ўқувчилар ёдига солинади ва қуйидаги гапларни ўқиб, таҳлил қилинади:

Она болаларини мақтамаса-да (мақтаниш унга ёт эди), улар билан ичидан фахрланарди. Кузнинг баъзи белгиларига кўра (Эрназар аканинг айтишича), бу йил чилла қаттиқ келармиш.

Кириш бўлақлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш мақсадида амалий-ижодий машқлар бажариш, улар иштирокида гаплар қуриш, гап таркибидаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб кўриш, ўқувчини насрий ва назмий услублар, инверсия ҳодисаси билан яқиндан таништиради, ёзма нутқ малакасини шакллантиради.

Қўшма гапларни ўрганиш

Қўшма гап синтаксисини ўрганиш талабаларнинг нутқий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, фикрни нутқ шароитига

мос равишда оғзаки ва ёзма шаклларда тўғри, равон ифодалаш кўникмаларини, маданий нутқ малакаларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Дарсликларимизда қўшма гаплар талқини анчайин мураккаб. У икки ва ундан ортиқ содда гапнинг мазмун, грамматик шакл ва оҳанг асосида бирикувидан тузилади. Унинг таркибидаги содда гаплар бир-бири билан боғловчилар, юкламалар, кўмакчилар, нисбий сўзлар феъл шакллари ва оҳанг орқали боғланади.

Она тили ўқитиш методикасида қўшма гапларни ўрганиш юзасидан анъанавий дарсликдаги машқлар, савол ва топшириқлар 1950 йилларда шакллантирилган ва ҳозирги кунга қадар амалда қўлланилаётган дастур ва дарсликлар талаблари доирасида қолиб кетган эди.

Мазкур ўқув қўлланмада ўзбек тилшунослигининг сўнгги йилларда қўлга киритган ютуқларига таянган ҳолда қўшма гапларни:

1. Фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар.
2. Юклама воситасида боғланган қўшма гаплар.
3. Тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар.
4. Эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар.
5. Нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар каби янги таснифларга асосланиб ўрганиш тавсия этилмоқда.

«Кесим-гап маркази» деган талқинни ўқувчилар онгига сингдирмай туриб, қўшма гаплар таснифини пухта ўрганиб бўлмайди.

Бунда кесимдан сўроқ бериш орқали гапни кенгайтириш усуллари, (фақат кесимдан иборат гаплар «Ихчам гап» саналиши;) содда ёйиқ гаплардан уюшиқ бўлакли гаплар ҳосил қилиш; содда гап жуфтларидан тенг ва эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида қўшма гаплар қуриш; улардан фойдаланиб, турли мавзуларда кичик матнлар яратиш каби ижодий-амалий топшириқлардан унумли фойдаланиш орқали ўқувчи онгига қўшма гаплар тузиш юзасидан, зарурий кўникма ва малакаларни сингдириш лозим. Қуйида кесимдан савол бериб гапларни кенгайтириш усули билан ишлашга йўналтирувчи мустақил ишлардан намуналар берамиз:

Намуна: **Ўқиди.** (Ким ўқиди?) Ойбек ўқиди. Ойбек кутубхонадан олган китобни қизиқиб ўқиди (қайси китобни ўқиди?). У ҳикоя ўқишни яхши кўради (нимани яхши кўради?). Ойбек китобни қизиқиб ўқиди, чунки у ҳикоялар ўқишни яхши кўради (Нима учун китобни қизиқиб ўқиди?).

Боғловчисиз қўшма гаплар

Фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гаплар — қўшма гапнинг боғловчисиз ёки грамматик воситаларсиз таркиб топишидир.

Масалан: Қорлар эриди, ҳаво юришиб кетди. Яхши ўғил едирар, ёмон ўғил панд берар (мақол). Барвақт қилинган ҳаракат, ҳосилга берар баракат (мақол).

Боғловчисиз қўшма гаплар ўз таркибидаги содда гапларнинг мазмун муносабатига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Қизлар олма теришди, йигитлар олма жойланган яшиқларни машинага жойладилар. Қўнғироқ чалинди, дарс бошланди. Бундай кўринишли содда гаплар мазмунидан ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг бир пайтда ёки кетма-кет юз бериши англашилади.

2. Давлат тугар, билим тугамас (мақол). Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла (мақол). Мақолда тўпланган молу дунё сарф қилинганда тугаб қолиши, эгалланган билимлар эса тугамаслиги, умрнинг охиригача ўз соҳибига хизмат қилиши; оз сўзлаб, кўпроқ ишлаш доно кишига хос фазилат экани таъкидланади.

Ҳозирги она тили таълими ёшларнинг нутқий фаолиятини шакллантириш ва ривожлантиришни бош омил деб ҳисоблар экан, қўшма гап синонимияси устида доимий равишда амалий-ижодий ишлаш талаб этилади:

Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишини ўрганиш, бундай гапларни оғзаки ва ёзма нутқда ўринли қўллаш малакаларини мустаҳкамлайди.

1. Воқеа-ҳодисаларнинг бир пайтда, кетма-кет юз беришини ифодалаган боғловчисиз қўшма гап қисмлари зидланиш ёки қиёслаш мазмунида ифодаланса, улар орасига тире (—) қўйилади:

Масалан: Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ (мақол). Яхшидан от қолади, ёмондан иснод (мақол). 2. *Қўшнинг тинч — сен тинч* гапи шарт маъносини англатса, ...*барча саволларга жавоб бердим, ўқитувчи юқори бал қўйди* гапи — натижа мазмунини билдириб келади. *Барчамиз тер тўкиб ишлаган эдик, ҳосил мўл бўлди*, гапи эса нима учун ҳосил мўл бўлганлиги сабабини тўшунтириб, таъкидлаб келган.

Ўқувчилар мазкур гаплар устида ишлаш жараёнида қўшма гапларнинг иккинчи қисми шарт, сабаб, натижа, тўсиқсизлик мазмунини англашиши мумкинлигини билиб оладилар: *Онанинг юраги шув этиб кетди: эшик тақиллаётган эди*. Иккинчи гап биринчи гапдаги бирор бўлак маъносини изоҳласа ҳам биринчи гапдан кейин икки нуқта қўйилади: *Тўғриси шу: Богдаси меваларни тезроқ йиғиб олиш керак*.

Боғловчисиз қўшма гап қисмлари қиёсланиш, зидланиш маъноларини билдирганда, боғланган қўшма гап шарт, сабаб, натижа билдирганда, эргашган қўшма гапларга синоним бўлиб келади: *Қўшнинг тинч бўлса, сен тинч бўласан. Тўғриси шуки, богдаги меваларни тезроқ йиғиб олиш керак*.

Боғловчисиз қўшма гаплар синонимияси ва услубияти устида ижодий-амалий топшириқлар бажариш жараёнида икки нуқта ёки тиренинг ишла-

тилиш сабабларини аниқлаш; оҳанг билан боғланган гаплардан фойдаланиб, ижодий матнлар яратиш, мавзу юзасидан эгалланган БКМларни мустаҳкамлаш, уларни амалиётда қўллаб кўриш яхши натижа беради.

Юклама воситасида боғланган қўшма гаплар

Ушбу мавзуни ўрганишда, «Юклама» мавзуси юзасидан эгалланган БКМлар қисқа такрорланади. Бунинг учун:

1. Биз Ватанимизни севамиз. Унинг тарихини яхши билмоғимиз лозим.
2. Қўнғироқ чалинди. Машғулотлар бошланди.
3. Сой ёқалаб бироз юрдик. Йўл ўнгга бурилди, гап жуфтлари берилади.

Мустақил иш сифатида берилган содда гаплардан **-ми, -да, -у(-ю), -ку** каби юкламалар воситасида қўшма гаплар тузиш вазифаси топширилади:

1. Биз Ватанимизни севамиз-ми, унинг тарихини ҳам билмоғимиз керак. 2. Қўнғироқ чалинди-ю машғулотлар бошланди. 3. Сой ёқалаб бироз юрдик-да, йўл бўйлаб ўнгга бурилдик.

Ўқувчилар берилган матнлардан фақат оҳанг воситасида боғланган қўшма гапларни ажратиш, шу гапларни юкламалар воситасида боғлаб кўриш, маънода юз берган ўзгаришларни шарҳлаш каби ижодий-амалий ишларни бажариш орқали қўшма гап ҳақида эгалланган билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланишига эришадилар.

Мазкур мавзуни ўрганишда ҳам асосий эътибор ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш, икки содда гапни бир неча юклама воситасида боғлаб, қўшма гап ҳосил қилиш, вергулни ўринли қўллаш, юкламаларни имло қоидаларига мувофиқ ёзиш, ўқилиш оҳангига эътибор бериш талаб қилинади.

Тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гап

Мавзуни ўрганишда ўқувчиларга бадий матнлардан тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гапларни топиш, изоҳлаш, тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар тузиш, уларни маънодоши билан алмаштириш, тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар ёрдамида матн тузиш сингари ижодий-амалий топшириқларни бажариш ҳавола қилинади. Намуна.

Қиссадан ҳисса.

Доноларнинг айтишича, уч гуруҳ кишилар билан дўстлик йўлини тутиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчиси – илм аҳли бўлиб, улар ўз ҳаётларини илму одоб билан ўтказган ва ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган бўладилар.

Иккинчиси – бахтиёр табиатли, саодатманд кишилар бўлиб, улар ўз дўстларининг айбларини одамлардан яширадилар ва ҳеч қачон ошкор

қилмайдилар. Хилватда дўстан содир бўлган хатоларни юзларига айтиб берадилар ва улардан ҳеч бир насиҳатларини аямайдилар.

Учинчиси – бегараз ва бетаъма кишилар бўлиб, уларнинг дўстликлари ҳақиқий бўлади, бирор фойда топиш эвазига қурилмаган бўлади. Хурсандчиликда бирга бўлгандек, қайғу-кулфат чоғларида ҳам ҳаммиша ёнингда бўлади. Уларга доимо суяниш, орқа қилиш мумкин.

(Абдулбаракот Қодирий)

Кўм-кўк осмонни қора булутлар қоплайди, беозоргина тоғ шамоли борган сари зўраяди, қуриган равоч барглари бир-бирига урилади. Талабалар бахши куйлаётган қадимий афсоналарни завқ билан тинглайдилар ҳамда унга Авесто тарихига доир саволлар берадилар. Шоҳида дугонасининг гапларини сабр-қаноат билан эшитди, **аммо** юпатувчи бир сўз демади.

Эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма отлар

Мавзуни ўзлаштириш жараёнида ўқувчилар эътиборига содда гап жуфтлари берилади. Улардан эргаштирувчи боғловчилар воситасида қўшма гаплар тузиш сўралади:

1. Баҳор келди. Қушлар иссиқ ўлкалардан қайтиб кела бошлади.
2. Гулчеҳра чет тилларини ўрганишни яхши кўради. У рус ва инглиз тилларида яхши гапиради.

Намуна: *Баҳор келди, шунинг учун қушлар иссиқ ўлкалардан қайтиб кела бошладилар...*

Мавзуни ўрганишда боғловчи воситаларни маънодоши билан алмаштириш, эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплардаги маъновий муносабатни аниқлаш, улардан ўринли фойдаланиш каби ижодий-амалий топшириқлар берилади.

Эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар, содда гапларнинг мазмуни жиҳатидан бирининг бошқасига эргашишидан тузилади:

«Сиз тилагингизга етасиз, чунки орзуйингиз юксак, қалбингиз тоза» гапида икки содда гап бири иккинчисининг мазмунини изоҳлайди. Бу гапнинг мазмунини янада тиниқлаштириш учун унинг синонимини мисол тариқасида келтириш мумкин: *Орзуйингиз юксак, қалбингиз тоза бўлгани учун ҳам сиз тилагингизга етасиз.*

Қўшма гапларни ўрганишда гап синонимияси устида ишлаш унинг мазмунини тўлиқ тушунишга, нутқни равон, ранг-баранг ҳамда жозибador қилишга ёрдам беради. Бадий матнларни лисоний таҳлил қилиш, ун-

даги қўшма гапларнинг қандай йўл билан тузилганини шарҳлаш, ижодий тафаккурни ривожлантириши билан бирга нутқий маҳоратнинг рисоладагидек шаклланишига ёрдам беради.

Нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар

Мавзусини ўрганишда ҳам ўқитувчи томонидан танлаб берилган ёки ўқувчилар томонидан тузилган содда йиғиқ ва содда ёйиқ гап жуфтларидан нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар тузилади.

1. **Машиналар қатнови** яхшиланди. **Кўчалар кенгайтирилди**-*Машиналар қатнови яхшилансин деб, кўчалар кенгайтирилди.*

2. **Қаерда** интизом яхши бўлса, **у ерда** ободончилик ҳам бўлади.

3. **Ким** кўп меҳнат қилса, **у** ҳурматга сазовор бўлади.

Ўқувчилар гапларни таҳлил қилиш орқали нисбий сўзлар (**қайси, шу, ким, ўша, қаерда, шу ерда, деб каби**) боғланган қўшма гапларни ҳосил қилишда муҳим роль ўйнашини билиб оладилар. Бунда нисбий сўзлар фикрни, мазмун ва мақсадни аниқ ифодалаш имконини бераётганини англаб етадилар.

Нисбий сўзли қўшма гапларни маънодоши ёки зид маъноси билан алмаштириш, нисбий сўзли мақол ва ҳикматли сўзлар устида ишлаш, улардаги сўзларнинг ўрнини ва ўзини (маънодошига) алмаштириб кўриш, ҳосил қилинган гаплар, ҳикматлар ишгирокида матн яратиш каби ижодий-амалий ишлар бажарилади: Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир. (Ойбек)

Мен шундай комил (фозил, донишманд, валенеъмат, солиҳ, фасиҳ, олий-насаб, шахс) инсон бирла танишмоқ бахтига мушарраф бўлдимки, ул зотнинг ҳар бир каломи олмосдек кескир, ёқутдек бебаҳодир.

Мураккаб синтактик бутунлик

Қўшма гапнинг бу тури асосан илмий ва бадиий адабиётларда қўлланилади, кўпроқ, тақриз, баённома, тавсифнома, аннотация, кириш, муаллиф сўзи, хулоса, илова қисмларида учрайди. У уч ва ундан ортиқ содда гапларнинг ўзаро бирикувидан таркиб топади:

Унга айтинг, мен асло ўлганим йўқ,

Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ,

Мен элимнинг юрагида яшайман,

Эрк деганинг тилагида яшайман. (Ҳ. Олимжон)

Мураккаб синтактик бутунлик таркибидаги содда гаплар эргашиш, боғланиш, аралаш ҳолатларда қўлланилади:

Кўнгироқ чалинди, залга томошабинлар йиғилди, бироқ тадбир кечроқ бошланди. Мана бу канал битса, янги ерлар очилади, бог-роғлар барпо этилгач, мевалар ҳам кўп бўлади.

Берилган гаплар оҳанг, (кетма-кетлик) грамматик воситалар ёрдамида боғланган.

Мустақил синтактик бутунликлар қатнашган бадий матнларни таҳлил қилиш, қандай усуллар ёрдамида тузилганини шарҳлаш, шунга ўхшаш гаплар тузиш, матнлар яратиш каби ижодий-амалий топшириқларни ба-жариш ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини ривожлантиради, нутқий са-лоҳиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўзгалар нутқини ифодалаш усуллари

Муаллиф нутқида кўчирма ва ўзлаштирма гап, диалог ва кўчирма шаклидаги бошқалар фикрдан ёзма ва оғзаки фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўплаб учрайди. Мазкур ҳолатлар тилшуносликда «Кўчирма ва ўзлаштирма гап» мавзуси остида ўрганилади.

Кўчирма гапда ўзгаларнинг гапи ҳеч қандай ўзгаришсиз берилади. Кўчирма гап таркиби кўчирилган ва муаллиф гапларидан иборат бўлиб, *деди, айтди, деб сўради, деб жавоб берди, гапирди, сўзлади* каби феъллар билан муаллиф гапининг кесими ифодаланади.

Кўчирма гапда кўчирилган гапнинг муаллиф гапига нисбатан ўрнига кўра, тиниш белгиларининг ишлатилиши қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Кўчирилган гап муаллиф гапидан олдин келса, ундан кейин вергул ва тире қўйилади. Агар улар сўроқ ва ундов маъноларини билдирса, сўроқ, ундов белгилари қўштирноқ ёпилмасдан қўйилади. «Биз ҳашарда астойдил меҳнат қилдик» — деди Нодир.

«К.гап.», —м. «К.гап?», —м.

2. Кўчирма гап муаллиф гапидан кейин келса, икки нуқта қўйилади. Кўчирма гапнинг мазмунига кўра нуқта, сўроқ ёки ундов белгиси қўйилиб, қўштирноқ ёпилади.

М: «К.гап».

3. Муаллиф гапи кўчирилган гап ичида келса, тиниш белгиларининг ишлатилиши қуйидагича бўлади:

1. Муаллиф гапи ўртада келганда, икки томондан вергул ва тире (,—) билан ажратилади: «Ёш авлодга, — деди ўқитувчимиз, — китоб худди мактаб каби зарур».

«К.гап,—м.г, —к.г.»

2. Кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисмида нуқта қўйилган бўлса, тире, муаллиф гапидан сўнг вергул ва тире, кўчирма гап сўнгида нуқта қўйилиб, қўштирноқ ёпилади. «Мен концерт тугаши билан чиқиб, кийимларни оламан, — деди Алишер, — момақалди роқ гумбурлаб, чақмоқ чақди, жала қуядиганга ўхшайди».

«К.г, —м.г, —к.г.»

3. Кўчирилган гапнинг узилиб қолган қисми сўроқ ёки ҳис-ҳаяжон гап бўлса, муаллиф гапидан аввал сўроқ ёки ундов белгиси, тире (? , !, —), муаллиф гапидан кейин нуқта ва тире қўйилиб, кўчирма гап давоми бош ҳарф билан бошланади: «Теварак-атрофда ҳеч ким йўқми? – сўради қиз. – Сой томонда бўлишса керак».

«К.гап? — м.г. — к.г.».

4. Кўчирилган гап ўртада келганда муаллиф гапидан сўнг икки нуқта (:қўйилиб, қўштирноқ очилади, кўчирма гап (сўроқ ёки ундов гап бўлса, тегишли белги қўштирноқ ичида)дан кейин вергул ва тире қўйилиб, муаллиф гапининг давоми ёзилади: Устоз: «Сен қайси бадий китобларни ўқиб чиқдинг?» — деб сўрадилар.

М: «К.г?» — м.

5. Кўчирма гаплар диалог тарзда ифодаланганда, гап олдидан тере қўйилади. Бунда муаллиф гапи ишлатилмайди:

— Ётоқхонада турасизми?

— Ҳа.

— Ёлғизми?

— Йўқ, уч кишимиз.

Ўзлаштира гап кўшма гапнинг шакли ўзгартирилиб, мазмуни сақланган ҳолда муаллиф гапига сингдириб берилган ҳолати, бўлиб, сўроқ, буйруқ, истак мазмуни, дарак гап шаклида берилади. Ўзлаштира гап, кўчирма гапга -лигимии, -лигини (айтди...)каби қўшимчаларни қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Одатда, кўчирма гап муаллиф гапи билан қўлланган фикрни асослаш, тасдиқлаш ёки инкор этиш учун келтирилади. Бундай кўчирмалар эътироф тарзида қўлланилиб, қўштирноққа олинмайди.

Шеърый қаторлар ҳам кўчирма шаклида қўштирноққа олинмайди.

Мазкур мавзуни мустақамлашда диалог, монолог каби парчаларни ёд олиш, ролларга бўлиб ўқиш, уларни қатнаштириб матнлар тузиш яхши натижа беради, тиниш белгиларини ўз ўрнида қўллаш кўникма ва малакалари шакллантирилади.

И л о в а л а р

Она тили дарсларини таҳлил қилишнинг намунавий режаси

Дарс таҳлилида биринчи навбатда унинг мақсадига алоҳида эътибор бериш лозим. Дарсда қандай мақсадлар қўйилади?

1. Дарс оғзаки ёки ёзма нутққа оид кўникма ва малакаларни шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиши;

2. Дарс турли тил сатҳларини (фонетика, тилнинг луғат таркиби, морфология, синтаксис) ўрганишни мўлжаллаши;

3. Дарс таълимий ва тарбиявий мақсадларни қамраб олиши мумкин.

Айни дарс бошқа дарслар билан алоқадорлик даражасига кўра ҳам фарқ қилади. Бу жиҳатдан унинг мавзуни очиб беришга ёки давом эттиришга, яқунлашга қаратилганлиги ажратилади.

Таҳлил жараёнида дарснинг тегишли фан дастурига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги ҳам кўрсатилиши керак.

Шундан кейин дарснинг тузилишига эътибор қаратиш ўринли бўлади. Дарснинг бошланиши алоҳида эътиборга молик қисмдир. Бунда:

— ўқитувчининг дарс режасини, мавзусини баён қилган, қилмаганлиги;

— дарсдан олдин фикрий машғулот ўтказган-ўтказмаганлиги;

— дарсни ўтиш учун ижодий, ишчи муҳитини яратиб олган-олмаганлиги;

— ўқувчилари билан умумий тил муҳитини яратиб улгургани-улгурмаганлиги кузатилади, баҳоланади.

Ўқитувчининг уй вазифаларига муносабати ҳам таҳлилнинг муҳим бандини ташкил этади. Бунда ўқитувчининг:

— ўқувчилардан гуруҳ бўйича сўрашни амалга оширганлиги;

— ўқувчилар билан алоҳида ишлашни уддалай олганлик даражаси;

— ўқувчилар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларга муносабати, уларни тасниф ва таҳлил қилиш даражаси эътиборда бўлади;

— уйга берилган вазифа ва топшириқларнинг бажарилишини баҳолаш-баҳоланмаслиги таҳлил қилинади.

Шундан кейин янги мавзунинг баёни таҳлил қилинади. Бунда:

Ўқитувчининг янги мавзуни ўзаро мулоқотда, ҳамкорликдаги ишлаш тарзи, матнлар, диалоглар, ижодий топшириқлардан фойдалана олиш маҳорати;

— тил бирликларининг маъноларини ёритишда уларнинг амалиётдаги қўлланишига эътиборнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

— янги мавзуни баён этиш жараёнида техник, аудио ва видео воситалардан, доскадан, дарслик ва бошқа қўшимча материал ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиш даражаси кўрсатилади.

Дарсни мустақамлаш жараёнига оид қисмда эса ўқитувчининг анъанавий ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш даражаси, матн билан ишлаш, дарслик билан ишлаш, кўргазмали қуроллар ва бошқа материаллар билан ишлашнинг самарадорлик даражаси, матн мазмунининг ўқувчилар қизиқишига таъсир кўрсатган-кўрсатмаганлиги, уларнинг баҳс ва мунозараларга омил бўлган-бўлмаганлиги, ўқувчиларнинг ўрганилган материаллардан ўз нутқларида фойдалана олиш даражаси таҳлил қилинади.

Дарснинг яқуний қисми.

Бунда ўқитувчининг дарсга яқун ясагани ёки хулоса қилмаганлиги, унинг бундан кейинги дарс жараёнини ташкил этишга омил бўлган-бўлмагани, ўқувчиларни рағбатлантиришнинг тафовутлашган шаклларида фойдаланиш даражаси, бунда ҳар бир ўқувчининг ўзига хос жиҳатларини эътиборда тутга олиш салоҳияти кўрсатиб ўтилади.

Она тили дарсларини таҳлил қилишда дарс жараёнидаги иш шакллари ҳам эътибор бериш керак бўлади. Бунда фронтал – оммавий, гуруҳли, жуфтликлар билан ишлаш, занжирли тизимдаги ҳамда индивидуал ишлаш назарга олинади.

Ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқитувчи-ўқувчи, ўқувчи-ўқувчи, ўқувчи-дарслик, ўқувчи-доска, ўқувчи-расм ва топшириқлар, ўқувчи – техник воситалар, ўқувчи – компьютер тизимининг амал қилиш жараёни кузатилади.

Дарс таҳлилида дарсга ажратилган вақт тақсимотининг самаралилигига ҳам эътибор қаратиш керак. Бунда:

— дарс қисмларига (ташкилий қисм – уй вазифасини текшириш – янги материални баён қилиш — мустақкамлаш – ташхислаш – фаоллаштириш – назорат — яқун);

— ўқитувчи ва ўқитувчилар нутқига ажратилган қисмларга;

— вақтдан самарали фойдаланиш даражасига урғу берилади.

Дарс таҳлилида ўқитувчининг алоҳида хусусият ва фазилатлари ҳам эътиборда бўлиши керак. Хусусан:

— синфда ижодий, ишчи муҳитини ярата олиши;

— синф билан бевосита мулоқот даражаси;

— ўз ўқувчиларини яқинда билиши;

— дарс баёнида ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини назарда тутиши;

— нутқининг намунали ва таъсирчанлиги;

— нутқда хайрихоҳлик, ёқимлилик оҳанглариининг мавжудлиги;

— ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара олиши;

— ўқитувчида юмор ҳиссининг мавждлиги, ўқувчиларни ҳурмат қилиши в.б.

Таҳлил давомида ўқувчиларнинг фаоллик даражаси, дарсга қизиқишлари, мустақил ва ижодий фикрлашга мойилликлари, ўқититувчининг нуқтан назарига ҳурмат ва эътиборлари кўрсатилади.

Албатта, ҳар бир дарсда қуйилган мақсадга эришилган – эришилмаганлигини кўрсатиш мазкур дарсга берилган яқуний баҳо бўлиши керак.

Таниқли педагог Н.П.Капустин тўғри таъкидлаганидек:

«Дарс самарадорлиги деганда биз унинг ҳар бир боланинг интеллекту-

ал равнақи учун фойдалилигини тушунамиз»³⁰. Айти шу муаллиф дарс самарадорлигининг мезонлари сифатида бир қатор кўрсаткичларни тавсия этади. Улар:

1. Бутун дарс давомида ҳар бир ўқувчининг фаол фикрлаш фаолияти.
2. Ўқувчининг ўзи ва бошқалар фаолиятига эмоционал алоқадорлигининг таъминланганлиги.
3. Ўқувчининг дарсдаги билиш фаолиятининг мотивацияси.
4. Бутун дарс давомидаги фаолияти жараёнида ўқувчининг муносабати ва ўз-ўзини назорат қила олиши.
5. Дарсда мустақил иш ва ижодий топшириқларнинг мавжуд бўлиши.
6. Билимларнинг тўла ўзлаштирилганлиги баҳоси.
7. Дарс мақсадларига эришиш³¹.

Ўйлаймизки, таҳлил жараёнида бу кўрсаткичларга эътибор бериш таҳлилнинг холис ва атрофлича бўлишини таъминлайди.


³⁰ Капустин Н.П. Педагогические технологии адаптивной школы. — М.: АCADEMIA, 2001. С.29.

³¹ Ўша китоб, 29-34-бетлар


OTLARNING YASALISHI

MORFOLOGIK USUL	SINTAKTIK USUL
<p>-chi, -xon -dosh, -soz Ot + -don, -dor -kash, -kor -shunos...</p>	<p>Qo'shma otlar</p>
<p>bog'bon kitobxon sinfdosh tilshunos suratkash</p>	<p>Juft otlar</p>
<p>-zor -loq -iston -goh -xona -obod</p>	<p>toshbaqa tog'olcha qo'liqqop</p>
<p>paxtazor Guliston choyxona mirzaobod</p>	<p>ot+ot</p>
<p>-ch -lik -liq</p>	<p>ot+ot</p>
<p>quvonch yaxshilik otaliq</p>	<p>sifat+ot</p>
<p>-chak -gich -g'ich -qich... -q, -oq</p>	<p>ot+ fe'l</p>
<p>Fe'l +</p>	<p>son+ot</p>
<p>belanchak purkagich syzg'ich ochqich...</p>	<p>oqqush oqsoqol O'rta Chirchiq ko'ksulton</p>
<p>avtoyol avisa bo'linma</p>	<p>Olinma so'zlar</p>
<p>BMT RTM GalDU O'ZMU</p>	<p>o'rinbosar molboqar beshiktervatar</p>
<p>Qisqartma otlar</p>	<p>Qisqartma otlar</p>
<p>uchburchak qirqquloq mingbuloq</p>	<p>Teleradio kompaniya</p>
<p>yer-ko'k kecha-kunduz yor-do'st iskabtopar tobia botar</p>	<p>fe'l+fe'l</p>
<p>yer-ko'k kecha-kunduz yor-do'st iskabtopar tobia botar</p>	<p>avtoyol avisa bo'linma</p>
<p>yer-ko'k kecha-kunduz yor-do'st iskabtopar tobia botar</p>	<p>BMT RTM GalDU O'ZMU</p>
<p>yer-ko'k kecha-kunduz yor-do'st iskabtopar tobia botar</p>	<p>Qisqartma otlar</p>
<p>yer-ko'k kecha-kunduz yor-do'st iskabtopar tobia botar</p>	<p>Teleradio kompaniya</p>


SIFATLARNING YASALISHI



SIFATNING MA'NO GURUHLARI




SON HAQIDA MA'LUMOT



M. BIZNING UCHTA QIZIMIZ BESHINCHI QAVATDA TURADI.

OLMOSH HAQIDA MA'LUMOT



RAVISHLARNING YASALISHI

MORFOLOGIK USUL

SINTAKTIK USUL

1. Ravish yasovchi qo'shimchalar bilan:

2. So'zlarni qo'shib ravish yasash

- cha:
- larcha:
- chasiga:
- siga:
- ona, -vor:
- lrigicha:
- lab:
- an:
- lay (in):
- siz, -be:
- chang:
- incha:

◆ Sodda ravishlar yasalishi:

o'zgacha, yangicha,
do'stlarcha, otalarcha,
yigitchasiga, dehqonchasiga,
yalpisisiga, birontasiga,
mardona, ustuvor,
yangiligicha, soddaligicha,
o'nlab, ko'plab, tahminan,
rasman, umuman,
tiriklay, butunlay,
to'xtovsiz, beixtiyor,
sarpoychang, ko'ylakchang,
aksincha, o'g'rincha.

olmosh
+
ravish

belgilash va
bo'lishsizlik
olmoshi.
son+ravish

Cumon
olmoshi+ravish

ravishni takrorlash

◆ Juft ravish:

u yoqqa, bu
yerga, shu
yerdan...

tub ravishlar

har vaqt,
hamma
birday, hech
vaqt, bir
necha, bir
talay v.h.

ot va olmoshning
ko'chishi

allavaqt,
allaqaysi,
birmuncha
v.h.

yaqin ma'noli
so'zlardan

sekin-sekin,
bot-bot, tez-
tez, kula-kula

'Zid manoli
so'zlardan

asta-sekin,
bugun-erta,
qishin-yozin

oyda-yilda,
unda-bunda


eson-omon,
ochiq-oydin,
to'la-to'kis

erta-kech,
ochin-to'qin,
kecha-kunduz

! Juft va takroriy ravishlar chiqqicha bilan yoziladi: asta-sekin, nari-beri.

! Sodda ravishlar boshqa so'z turkumlaridan ravish yasovchi qo'shimchalar yordamida yasaladi.

FE'LLARNING TUZILISHI



Фойдаланилган адабиётлар

- Каримов И.А.** «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида». — Т.: 1997.
- Каримов И.А.** «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сессиясида сўзлаган нутқи. — Т.: 1999 йил 29 август.
- Каримов И.А.** «Миллий мафкура – келажак пойдевори». — Т.: 2000.
- Асқарова М** ва бошқ. «Она тили» (5-синф учун дарслик). — Т.: 1996.
- Абдураҳмонов Ф.** Пунктуация ўқитиш методикаси. — Т.: 1968.
- Бобокалонов Р, Нейматова Г.** Она тили ўқитишнинг янги технологияси ҳақида. — Т.: 1998.
- «Таълим ҳақида»ги Қонун. «Маърифат», 1987 йил 30 август.
- Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонун, 1989.
- Зиёдова Т.У.** «Ҳозирги ўзбек адабий тилини ўрганишда коммуникатив жадваллардан фойдаланиш». Ўқув-методик қўлланма. Академик лицейлар учун. — Т.: 2002.
- Зиёдова Т.У.** «Она тилидан рангли проекцион слайдлар комплекти» 1-қисм. — Самарқанд, 2001.
- Зиёдова Т.У.** «Она тилидан рангли проекцион слайдлар комплекти» 1-2-қисмлар. — Самарқанд, 2002.
- Зиёдова Т.У.** «Ўқитувчи китоби». Она тили ўқитувчилари учун методик қўлланма. — Т.: 2002.
- Зиёдова Т.У.** «Ўзбек тилидан репититор китоби». Абитуриентлар, ўқувчи ва ўқитувчилар учун ўқув қўлланма. — Т.: 2004.
- Зиёдова Т.У.** 5-синфлар учун электрон-дидактик слайдлар тўплами. — Гулистон, Тошкент, 2006.
- Зиёдова Т.** Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. — Т.: «Ўқитувчи», 2000.
- Назарова С.** «Ўзбек тили ўқитиш методикаси» (Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги талабалар учун қўлланма сифатида тавсия этган). «Ўқитувчи», 1992.
- Маҳмудов Н., Нурмонов А., Аҳмедов А., Солихўжаева.** «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси». — Т.: «Фан», 1992.
- Маҳмудов Н., Нурмонов А.** «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси» — Т.: «Ўқитувчи», 1995.
- Маҳмудов Н., Нурмонов А.** ва бошқ. «Она тили» 5-7-синфлар, 9-синф. — Т.: «Маънавият», 2004-2006.
- Маҳмудов Н., Тўхлиев Б.** «Ўзбек тилини ўрганамиз» расми луғат.
- Раҳматуллаев Ш.** ва бошқ. «Ўзбек тилининг имло луғати». — Т.: «Ўқитувчи», 1995.

Шамсиева М. Ўрта мактабларда уюшиқ бўлакли гапларни ўргатиш. Қўлланма. — Т.: 1991.

Шамсиева М. Сўз туркумларини синтаксис асосида ўрганиш. Илмий-методик тўплам. — Т.: 1993.

Шамсиева М. Ажратилган II даражали бўлакли гапларни ўргатиш. Илмий методик тўплам. — Т.: 1993.

Раҳматуллаев Ш. «Ўзбек тилининг янги алифбоси ва имлоси» — Т.: «Университет», 1999.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги қонунига шарҳлар». — Т.: «Ўзбекистон», 1999.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Биринчи қисм. Ўзбек тили ўқитиш мазмуни	10
Ўзбек тили ўқитиш методикасининг асосий мақсади ва вазифалари	12
Ўзбек тили методикаси фанининг илмий тадқиқот усуллари	15
Ўзбек тили методикасининг қисқача тарихи	16
Ўзбек тили ўқитиш принциплари	22
Илмийлик ва тушунарлилик принципи	24
Тизимлилик ва изчиллик принциплари	24
Мустақиллик ва фаоллик принциплари	25
Кўрсатмалилик принциплари	26
Онгликлик принциплари	31
Ўзбек тили ўқитишнинг ўзига хос принциплари	35
Ўзбек тили ўқитиш методлари	37
Муаммоли таълимда ўқитувчи ва талаба фаолияти	39
Она тили таълимида замонавий технологиялардан фойдаланиш	40
Замонавий дарс турлари ва шакллари	41
Тил машғулотларини режалаштиришда ўқувчи — таълим — ўқитувчи тизимига асосланиш	43
Она тили ўқитувчисига қўйиладиган талаблар	46
«Ўқувчи – таълим — ўқитувчи» тизимида ўзаро ҳамкорлик муносабатлари	47
Она тили дастури ва дарсликлари ҳақида	48
Она тили ўқитиш методикасида фанлараро алоқа	51
Тил ўқитиш методикасида қироат санъати	55
Она тили дарсларида мақоллар, топишмоқлар, ҳикматли сўзлардан фойдаланиш	57
Сўз ҳақида ҳикматлар	60
Иккинчи қисм. Она тилининг изчил курсини ўрганиш	61
Фонетикани ўрганиш методикаси	61
Лексикологияни ўрганиш методикаси	66
Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари	69
Зид маъноли сўзлар устида ишлаш	74
Шаклдош сўзлар устида ишлаш	76
Пароним сўзлар устида ишлаш	77
Ибора ва тасвирий ифодалар устида ишлаш	80
Грамматикани ўрганиш усуллари	82

Морфологияни ўрганиш методикаси	83
Морфологияни ўрганишда уядошлик ҳодисаси ва унинг аҳамияти.....	84
Луғат устида ишлаш	85
Сўз туркумларини ўрганиш	87
Морфологик таҳлил намунаси	89
Аниқ ва мавҳум отларни ўрганиш	90
Атоқли ва турдош отлар	91
Отларда эгалик қўшимчаси	93
Отларнинг ясалиши мавзуси устида ишлаш	95
Отларнинг тузилиши ва имлоси устида ишлаш	96
Сифат сўз туркумини ўрганиш	100
Сон сўз туркумини ўрганиш	105
Равиш сўз туркумини ўрганиш	106
Феъл сўз туркумини ўрганиш	109
Феълларнинг маъновий гуруҳларини ўрганиш	110
Феъл замонларини ўрганиш	112
Феълларнинг тусланиши	115
Феъл нисбатларини ўрганиш	115
Феълларнинг вазифадош шакллари	117
Феълларнинг ясалиши	119
Олмош сўз туркумини ўрганиш	122
Ёрдамчи сўз туркумлари	125
Кўмакчи	125
Боғловчи	128
Юклама	129
Алоҳида сўз туркумлари	131
Модал сўзлар	131
Ундов сўзлар	132
Тақлид сўзларни ўрганиш	133
Синтаксис ва пунктуация ўқитиш методикаси	134
Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари	139
Гап бўлаклари	142
Иккинчи даражали бўлақларни ўрганиш	144
Уюшиқ бўлақларда тиниш белгилари	149
Ажратилган бўлақли гапларни ўрганиш	149
Ундалмани ўрганиш	150
Қўшма гапларни ўрганиш	151
Боғловчисиз қўшма гаплар	152
Юклама воситасида боғланган қўшма гаплар	154

Тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гап	154
Эргаштирувчи боғловчилар воситасида боғланган қўшма отлар	155
Нисбий сўзлар воситасида боғланган қўшма гаплар	156
Мураккаб синтактик бутунлик	156
Ўзгалар нутқини ифодалаш усуллари	157
Иловалар	158
Фойдаланилган адабиётлар	170

Ўқув-услубий наشر

Б. ТЎХЛИЕВ, М. ШАМСИЕВА, Т. ЗИЯДОВА

ЎЗБЕК ТИЛИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

(ўқув қўлланма)

Мударрир *А.Қутбиддин*
Тех. муҳаррир *Е.Демченко*
Мусаҳҳиҳ *Н.Минаҳмедова*
Сэҳифаловчи *Р.Есауленко*

ИБ № 4176

Босишга 4.05.2006 й.да рухсат этилди.
Бичими 60x84 1/16. Нашр босма тобоғи 10,23. Адади 1000 нусха.
Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 87.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.